

Султонов Анорбой Султонович
Хошимов Умиджон Абдумуталибович
Юсупов Мансур Рустамович

**«Сувдан фойдаланувчилар уюшмалари иқтисоди ва
уни ташкил этиш» фанидан**

Ўқув қўлланма

ТОШКЕНТ 2015

Ушбу ўқув қўлланма институтнинг илмий услубий кенгашида кўриб чиқилди ва 2015 йил «__» _____даги № __ сонли қарори билан чоп этишга тавсия этилди.

Масъул мухаррир:

Ш.Хамраев – Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг ўринбосари, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди

Муаллифлар:

А. Султонов, Профессор

У.Хошимов, катта ўқитувчи

М.Р. Юсупов

Тақризчилар:

Б. Акромов, Тошкент Давлат Аграр Университети, «Фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарини бошқариш ва унинг иқтисодиёти» кафедраси доценти, и.ф.н.

У. Нигмаджанов – «Иқтисодий назария асослари» кафедраси мудири, и.ф.д., профессор.

КИРИШ

Республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар йирик иқтисодий ночор хўжаликларни тугатиш ва уларнинг ерларини фермер хўжаликларга беришни тақозо этади. Бундай хўжаликларнинг тугатилиши билан уларнинг жамоат мулкчилигига мўлжалланган агротехника, ирригация-мелиорация хизмати ва бошқа инфратузилмалари ҳам тугатилади. Бу эса олдин мавжуд бўлган жамоат мулкчилигига мўлжалланган инфратузилмалар ўрнига фермер хўжаликлари тарзида шаклланаётган ердан фойдаланиш тизимига жавоб берадиган янги шаклдаги тузилмаларини ташкил қилишни талаб этади. Хозирга келиб, республикамиз бўйича 200 мингдан ортиқ фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда, уларга 3 миллион 200 мингдан ортиқ гектар ер узоқ муддатга ижарага берилган.

Фермер хўжаликларида сувни тақсимлаш ирригация-мелиорация тармоқларини эксплуатация қилиш ва таъмирлаш, айниқса, фермерлараро сув тақсимлашда қийин вазиятларга дуч келмоқдалар. Хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, кооператив ва фермер хўжаликларида сувдан фойдаланишни ташкил қилишнинг энг мақбул шакли фермерлар ўзлари тузадиган, бошқарадиган ва уларнинг бадали ҳисобидан молиялаштириладиган сувдан фойдаланувчилар уюшмалари (СФУ)дир. Сувдан фойдаланишни ташкил этишнинг бундай шакли ирригация-мелиорация тармоқларини эксплуатация қилиш сифатини яхшилайти ва сарф-харажатларни камайтиради, сувдан оқилона ва тежамли фойдаланишни таъминловчи самарали механизмни яратади, бу эса пировард натижада фермерлар даромадининг ошишига олиб келади.

Мазкур «Сувдан фойдаланувчилар уюшмалари иқтисоди ва уни ташкил этиш» фанидан ўтиладиган шу номдаги ўқув қўлланма ҳозирги вақтдаги қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни олиб боришдаги, хусусан СФУ ташкил этишнинг назарий ва Амалий қадамлари келтирилган ва СФУга тегишли кўплаб саволларни қамраб олган. Ушбу ўқув қўлланма талаба, магистр ва аспирант ва шу соҳада иш олиб бораётган барча профессор-ўқитувчилар учун мўлжалланган.

I БОБ. Сув хўжалик тизимларидан фойдаланишни ҳавзавий усулга ўтказиш ва уларнинг сувдан фойдаланувчилар уюшмаларини ташкил қилиш билан боғлиқлиги.

1.1. Сув хўжалиги тизимини бошқарини такомиллаштириш

Ҳар қандай давлат бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида ислоҳатларни ўтказиш усул ва йўлларини - ўз тарихий удумларини ва аниқ шарт-шароитларини, ривожланган чет мамлакатлар тажрибаларини ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражаси, анъаналар ва миллий хусусиятларини ҳамда мавжуд табиий-иқтисодий салоҳиятларни эътиборга олган ҳолда ишлаб чиқиши лозим.

Мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтишнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов томонидан ишлаб чиқилган беш тамойилига асосланган иқтисодий муносабатларни босқичма-босқич яъни бозор муносабатларига ўтказа бориб, самарали бозор иқтисодиётини талофатларсиз вужудга келтириш йўли танланди.

Амалга оширилаётган агро-иқтисодий сиёсат натижасида Ўзбекистон ижтимоий ларзаларсиз ўз иқтисодий мустақиллиги сари ишонч билан илгарилаб бормоқда.

Маълумки, республикаимизда бир неча ўн йиллар мобойнида иқтисодиётда умумҳалқ мулки деб аталган, аслида эса давлат бюрократик тизимининг ихтиёрида бўлган мулкка давлат иштироки тўлиқ ҳукмронлик қилиб келди. Мулкчиликнинг шакллари фақат икки турдаги яъни: давлат мулки ва колхоз-кооператив мулкидан иборат тизим ривожлантирилди. Аслида колхоз-кооператив мулки ҳам амалда давлат ихтиёрида бўлган.

Демак, ер-сув ресурслари ва умуман барча ишлаб чиқариш воситалари давлатнинг танҳо ихтиёрида ҳисобланган. Бундай ҳолат деҳқон ва меҳнаткашларнинг ишлаб чиқариш вооситаларидан маҳрум бўлишига, мулкка эгаллик ҳиссиётинининг йўқолишига ва натижада ишлаб чиқариш самарадорлигининг мунтазам пасайишига олиб келди. Шу нуқтаи назардан ҳам,

республикамиз мустақилликка эришган дастлабки йиллардан бошлаб кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш мақсадида аграр секторда таркибий ўзгаришларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Жумладан, кўплаб вазирлик ва идораларни бирлаштирган, бошқариш ниҳоятда мураккаблаштирилиб юборилган агросаноат тизимига барҳам берилиб аграр соҳада бошқарувнинг янги тизимини шакллантира бошланди. 1990 йилда «Қишлоқ хўжалик вазирлиги», «Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги» ташкил этилди. Соҳалар бўйича эса акционерлик уюшмалари ва бирлашмалари тузилди.

Кейинчалик бўндай ташкилотларнинг аксарият кўпчилиги бозор иқтисодиёти шароитларига мослаштирилиб, холдинг компаниялари ва акционерлик жамиятиларига айлантирилди. Масалан, «Ўзагракимётаъминот» давлат акционерлик жамияти, «Ўзбек ипаги», уюшмаси, «Давлат ер тузилмаси» кумитаси, «Ўзагросуғурта» давлат акционерлик суғурта компанияси, «Ўзқишлоқхўжаликлизинг» акционерлик лизинг компанияси тузилди. «Шахсий ёрдамчи хўжаликлар эгалари» уюшмаси «Деҳқон ва фермер хўжаликлари» уюшмасига «Ўзбекистон қишлоқ хўжалик Фанлар Академияси» «Ўзбекистон қишлоқ хўжалик илмий ишлаб чиқариш Маркази»га айлантирилди. «Қишлоқ хўжалиги» ҳамда «Мелиорация ва сув хўжалиги» вазирликлари бирлаштириб, «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги» вазирлиги ташкил этилди.

Ўзбекистон қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ташкилий тузилмаси таркибида «Қишлоқ хўжалик бирлашмалари», «Сув хўжалиги хўжалик бирлашмалари, корхоналари ва ташкилотлари», «Давлат бошқарув ва назорат органлари» ва «Илмий тадқиқот ва ўқув муассалари» каби бошқарув бўғинлари ташкил этилди ҳамда уларга тегишли бирлашмалар, уюшмалар, марказлар ва илмий муассасалар бирлаштирилди. Шунингдек қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги марказий аппарати таркибида: «Пахтачиликни ривожлантириш бўйича кенгаш», «Дончиликни ривожлантириш бўйича кенгаш», «Сабзавот-полииз маҳсулотларини комплекс қайта ишлаш ва ривожлантириш бўйича

кенгаш», «Чорвачиликни ривожлантириш бўйича кенгаш», «Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш ва кимёлаштириш бўйича кенгаш» ва «Ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ирригацияни ривожлантириш ва ер унумдорлигини ошириш бўйича кенгаш» лар тузилди.

Таъкидлаш керакки ўтказилаётган аграр иқтисодий ислохатлар жараёнида асосий эътибор қишлоқ ва сув хўжалигида бошқариш тизимини токомиллаштириш ва ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш масалаларига қаратилган.

Ўзбекистон Республикасида ер-сув ресурслари ниҳоятда чекланган. Шунинг учун ҳам, ер-сув ресурсларини бутун чора-тадбир ва усулларни қўллаган ҳолда тежаб ва самарали фойдаланиш энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Айниқса, етарли миқдордаги сув ресурсларисиз ҳалқ хўжалигини, шу жумладан қишлоқ хўжалигини барқорор ривожлантириб бўлмайди.

Мавжуд сув ресурслари ҳозирги ўсиб бораётган талабни тўлиқ таъминлай олмайди. Бундан ташқари Сув ресурсларининг аксарият кўп қисми қишлоқ хўжалигида фойдаланилади. Мамлакатимизда мавжуд сув ресурслари давлат муҳофазасидадир. Улар мулкчилик шакллари бўйича тақсимланмаган. Ер-сув ресурсларига эгалик қилишнинг ҳуқуқий асоси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасида «Ер-сув умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир» деб алоҳида қайд қилинган.

Ўзбекистон ҳудудидан оқиб ўтадиган Амударё, Сирдарё ва Зарафшон дарёларининг сувларидан ҳалқаро шартномаларга асосан фойдаланилади. Бироқ Марказий Осиё давлатлари мустақилликка эришган даврдан бошлаб сув ресурсларининг товар сифатидаги мавқе йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бу жараён республикамизнинг қишлоқ хўжалигидаги суғориладиган ерларга сув етказиб беришда сув тансиқлигини юзага келтирмоқда. 2004 йил маълумотлари кўрсатишича, мамкакат қишлоқ хўжалигида суғориладиган ер майдонлари 4132,4 минг гектарни ташкил қилиб, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 0,16 гектар тўғри келади. Айрим аҳолиси зич жойлашган Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида бу кўрсаткич 0,12-0,13 гектардан иборат.

1.2. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги сув хўжалиги бош бошқармасининг вазифалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

1. Сув хўжалиги бош бошқармаси (кейинги ўринларда матнда «Бош бошқарма» деб аталади) Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади. Бош бошқармага ер усти сувларидан фойдаланишни тартибга солиш ҳамда республика иқтисодиёти ва аҳолисини сув билан таъминлашга доир зарур тадбирларни амалга ошириш юкланади.

2. Бош бошқарма ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Олий Мажлис қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳайъати қарорларига ва Вазирлик буйруқларига ва бошқа бошқарма низомига ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

Бош бошқарма Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаларида ҳамда сув хўжалиги тизимининг бошқа корхоналари ва бирлашмаларида сув тўғрисидаги қонуи ҳужжатларининг бажарилиши устидан назоратни таъминлайди, уларни такомиллаштиришга доир таклифларни ишлаб чиқади ва уларни қуриб чиқиш учуи белгиланган тартибда киритади.

3. Қуйидагилар Бош бошқарманинг асосий вазифалари ҳисобланади:

судан фойдаланишнинг бозор принциплари ва механизмларини жорий этиш асосида сув ресурсларидан мақсадли ва самарали фойдаланилишини ташкил этиш;

сув хўжалигида ягона техника сиёсатини ўтказиш, сувни тежовчи илғор технологияларни жорий этиш;

истеъмолчиларни сув билан узлуксиз ва ўз вақтида таъминлашни ташкил этиш;

ирригация тизимлари ва сув хўжалиги иншоотларининг техник ишончилигини таъминлаш;

ирригация тизимлари ҳавзалари бўйича сув ресурсларини оқилона бошқариш ҳамда унинг тезкорлигини ошириш;

сув ресурсларидан фойдаланишнинг аниқ ҳисоби ва ҳисоботини таъминлаш;

сув хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, мулкчиликнинг турли шакллари ривожлантириш ишларини мувофиқлаштириш ва уларни амалга оширилишининг мониторингини олиб бориш;

«Сувдан фойдаланиш» бўлими бўйича давлат сув кадастрини юритиш.

4. Сув хўжалиги бош бошқармаси ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) сув ресурсларини бошқариш ва улардан комплекс фойдаланиш соҳасида:

сувдан фойдаланиш прогнозлари умумлаштирилишини, сув ресурслари баланси ишлаб чиқилишини, ер усти сув манбаларидан сув олиш лимитлари ва Ҳавза ирригация тизимлари, ирригация тармоқлари ва айрим алоҳида муҳим сув хўжалиги объектларининг сув олиш лимитлари белгиланишини таъминлайди;

республика ҳудудида ҳавза принципи бўйича ер усти сув ресурсларини оқилона бошқаришни сувдан фойдаланишда бозор принциплари ва механизмлари жорий этилишини таъминлайди;

сувдан фойдаланиш бўлими бўйича давлат сув кадастри юритилишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда сув хўжалиги объектларининг қирғоқ бўйи полосалари ва сувни муҳофаза қилиш зоналари аниқланишини таъминлайди, дарёлар ва бошқа сув объектларининг қирғоқ бўйи полосалари ва сувни муҳофаза қилиш зоналарини белгилашда қатнашади;

сув ҳақидаги қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш ташкил этилишини, шунингдек унинг талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгарликка тортилишини таъминлайди;

сув ресурсларидан комплекс фойдаланишнинг истиқболли схемалари ишлаб чиқиши, мелиорация ва сув хўжалиги ривожлантирилишини таъминлайди;

сув ресурсларининг мавжудлиги тўғрисида хулосалар ҳамда сув ресурсларида фойдаланиш ва дренаж-оқова сувларини оқизиб юбориш билан боғлиқ янги корхоналар қуриш ва ишлаётган корхоналарни реконструкция қилиш лойиҳалари буйича мажбурий кучга эга бўлган хулосалар берилишини таъминлайди;

сувдан махсус фойдаланишга рухсатномалар беришни ва сув чиқариш иншоотларини рўйхатга олишни ҳамда идоравий мансублигидан ва мулкчилик шаклларида қатъи назар, барча юридик ва жисмоний шахслар томонидан барча сув манбаларидаги сув ресурсларидан фойдаланишни ҳисобга олишни таъминлайди;

сувдан фойдаланувчилар уюшмалари ва уларнинг бошқа бирлашмаларини ташкил этиш ва ривожлантиришда, хўжалик ички сув ҳисобини ташкил этишда методик ва амалий ёрдам кўрсатади

сув ресурсларини тартибга солиш ва улардан фойдаланиш, сув хўжалигини ва ерларни мелиорациялаш бўйича давлатлараро масалаларни муҳокама қилиш ва ҳал этишда республика номидан иштирок этади.

б) сув хўжалиги объектларидан фойдаланиш соҳасида:

сув хўжалиги корхоналари ва ташкилотлари балансидаги сув хўжалиги объектлари комплекси (сув омборлари, ирригация-мелиорация тизимлари ва иншоотлари, насос станциялари, қудуқлар, электр узатиш линиялари, алоқа линиялари ва ёрдамчи трансформатор станциялари ва бошқа объектлар) таъмирланиши, улардан ишончли фойдаланилиши ва такомиллаштирилиши ташкил этилишини, автоматика ва телемеханиканинг янги воситалари ва бошқа асбоб-ускуналар ва технологиялар такомиллаштирилиши ва жорий этилиши,

сувни ҳисобга олиш воситаларини метрологик таъминлаш ишлари амалга оширилиши ташкил этилишини таъминлайди;

суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш чоратадбирларининг амалга оширилишини таъминлайди;

суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати хар йили ҳисобга олиниши ва мониторинги олиб борилишини, мелиоратив кадастр тузилишини, янги ерларни ўзлаштириш ва илгаридан суғориб келинган ерларни реконструкция қилиш, коллектор-дренаж тармоқларини қуриш ва қайта барпо этиш самарадорлиги баҳолаб борилишини ташкил этади;

мелиорация тизимларини паспортлаштириб, давлат сув кадастрини юритиш ва шу асосда мелиорация тизимларининг техник даражасини оширишга доир таклифларни ишлаб чиқиш ишларини ташкил этади;

ирригация-мелиорация тизимлари ва иншоотларидан фойдаланишни такомиллаштириш буйича зарур тадбирларнинг ишлаб чиқилишини, қишлоқ хўжалиги ерларининг шўрланиши ва ботқоқланишининг олдини олиш тадбирлари бажарилишини ташкил этади;

сув, энергетика ресурслари ва бошқа моддий-техника ресурсларини тежаш чоралари кўрилишини ташкил этади;

в) капитал қурилиш соҳасида самарали инвестиция сиёсатини ўтказида ҳамда тармоқни ишлаб чиқариш жиҳатидан ва ижтимоий ривожлантириш учун марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳамда корхоналарнинг ўз маблағларини мақбул равишда уйғунлаштиришни таъминлайди;

гидромелиоратив тизимларни реконструкция қилиш ва техника билан қайта жиҳозлаш, илгаридан ҳайдаб келинган ерлар сифатини яхшилаш ҳамда янги ерларни ички контур бўйича ўзлаштириш, техник жиҳатдан мукамал мелиоратив тизимларни ва иншоотларни, илғор қурилиш технологияларини, янги қурилиш материалларини, асбоб-анжомларни жорий этиш ишларини ташкил этади;

сув хўжалиги, саноат-хўжалик мақсадидаги объектлар қурилиши, уларни техника билан қайта жиҳозлаш, реконструкция қилиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ лойиҳа-қидирув ва илмий-тадқиқот ишларини ташкил этади;

республика ҳудудидаги, мансублиги ва маблағ билан таъминлаш манбаларидан қатъи назар, барча сув хўжалиги объектларининг лойиҳа-смета ҳужжатлари экспертизадан ўтказилишини, шунингдек мамлакатимизнинг республика, чегарасидан ташқаридаги сув хўжалиги объектларининг лойиҳа-смета ҳужжатлари экспертизадан ўтказилишини ташкил этади;

Сув хўжалиги бош бошқармаси тизимига кирувчи пудрат, лойиҳа-қидирув, саноат ҳамда бошқа корхоналар ва ташкилотлар фаолияти мувофиқлаштирилишини таъминлайди;

объектлар қурилиши норматив муддатларда прогнозлаштирилишини ва уларнинг ташкил этилишини, капитал қуйилмалардан оқилона фойдаланилишини ва улар самарадорлигини оширилишини, қурилиш қиймати пасайтирилишини, ишлаб чиқариш қувватлари ва асосий фондлар ўз вақтида ишга туширилиши ва ўзлаштирилишини таъминлайди;

г) ташқи иқтисодий алоқалар соҳасида:

мелиорация ва сув хўжалигини ривожлантиришга, мелиорация, қурилиш, ер қазиш техникаси ва бошқа техника, асбоб-ускуналар, материаллар, буюмлар ва истеъмол товарлари ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхоналар ташкил этишга чет эл инвестициялари жалб этилишини ташкил этади, Вазирлик мутахассисларининг чет элда ишлашини ташкил этади;

шартнома асосида чет элда сув хўжалиги ишлари бажарилишини ташкил этади;

республикада сув хўжалиги ва мелиорация соҳасида хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик қилиш ҳалқаро битимлари, дастурлари доирасида Ўзбекистон томони мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ ҳалқаро тадбирларнинг амалга оширилишини ташкил қилади, хорижий шериклар билан сув муаммолари бўйича музокараларда қатнашади;

д) кадрлар тайёрлаш, уларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш соҳасида:

Вазирликнинг таркибий ва ҳудудий бўлинмалари билан биргаликда тасарруфидаги корхоналар ва ташкилотларни малакали кадрлар билан мустаҳкамлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади:

кадрлар малакасини ошириш, уларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этади.

5. Бош бошқарма ўз бошлиғи орқали Марказий Осиё давлатлараро сув хўжалигини мувофиқлаштириш комиссиясининг аъзоси ҳисобланади ҳамда Ирригация ва дренаж бўйича халқаро комиссияда ва сув хўжалиги масалалари бўйича бошқа халқаро ташкилотларда Республика манфаатларини ифодалайди.

6. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги марказий аппарати тузилмасида ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ирригацияни ривожлантириш ва ерлар унумдорлигини ошириш муаммоларини ҳал этиш кенгаши мавжуд.

Кенгашиини ишчи органи функцияси Сув хўжалигини ривожлантириш ва сувдан фойдаланишда бозор принципларини жорий этиш бошқармасига юкланган.

7. Бош бошқармага қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари ҳисобланадиган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланадиган бошлиқ раҳбарлик қилади.

Бош бошқарма бошлиғи айна вақтда Ирригация ва дренаж бўйича республика қўмитаси раиси, Марказий Осиё давлатлараро сув хўжалигини мувофиқлаштириш комиссиясининг аъзоси ҳисобланади.

Бош бошқарма бошлиғи ўринбосарлари ижтимоий ва маиший хизмат кўрсатиш даражаси бўйича вазир ўринбосарига тенглаштирилади ҳамда қишлоқ ва сув хўжалик вазирининг буйруғи билан лавозимга тайинланади.

8 Сув хўжалиги тизимларидан фойдаланиш, ерлар мелиорацияси, ирригация-мелиорация қурилиши масалалари, Бош бошқарма фаолиятининг бошқа муҳим йўналишлари қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳайъати

мажлисларида мунтазам равишда кўриб чиқилади.

9. Бош бошқарма давлат бюджети маблағлари, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига таъминланади.

10. Бош бошқарма фаолияти қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўхтатилади.

1.3. Ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг мақсади, вазифалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

1. Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси Бошқарма Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг сув хўжалиги соҳасидаги ҳудудий органи ҳисобланади.

2. Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳайъатининг қарорларига, Вазирликнинг буйруқлари ва қарорларига ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек ўзининг Низомига амал қилади.

3. Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга, банк муассасаларида ҳисоб рақамларига эга бўлади.

4. Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси сув ҳавзасида сув ресурсларини тартибга солиш ва фойдаланишда ягона сиёсат ўтказилиши учун масъул ҳисобланади.

қуйидагилар ҳавза бошқармасининг асосий вазифалари ҳисобланади:

судан фойдаланишнинг бозор принципларини ва механизмларини жорий этиш асосида сув ресурсларидан мақсадли ва оқилона фойдаланилишини ташкил этиш;

сувни тежовчи илғор технологияларни жорий этиш асосида сув хўжалигида ягона техника сиёсатини юритиш;

истеъмолчиларни сув билан узлуксиз ва ўз вақтида таъминлашни ташкил этиш;

ирригация тизимлари сув хўжалиги иншоотларининг техник ишончлилигини таъминлаш;

ирригация тизимидан ишончли фойдаланиш ва уни иш ҳолатида сақлаш учун уни тайёрлашни ташкил этиш;

ҳавза ҳудудида сув ресурсларини оқилона бошқариш ҳамда унинг тезкорлигини ошириш;

Сувни тежайдиган технологияларни жорий этиш, ажратилган маблағлар, моддий-техника ресурслари, техника ва асбоб-ускуналардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва улардан мақсадли фойдаланиш.

5. Бошқарма қуйидаги функцияларни амалга оширади:

сув ресурсларини бошқаришни ва Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси томонидан белгиланган лимитларга мувофиқ Ирригация тизимлари бошқармаларига сув беришни амалга оширади;

ирригация тизимлари ҳамда насос станциялари, энергетика ва алоқа бошқармалари билан сув бериш юзасидан шартномалар тузади, тизимнинг ички насос станциялари ва агрегатларидан фойдаланиш режимини белгилайди;

умумий сув хўжалиги аҳволини ҳисобга олган ҳолда ирригация тизимларига сув бериш жадвалларига тузатишлар киритади;

сувдан фойдаланишнинг бозор принциплари ва механизмлари жорий этилишини таъминлайди;

Тизимнинг алоҳида каналлари сув таъминотини оширишга доир таклифларни тайёрлайди ва амалга оширади;

Умуман тизим бўйича сув олиш ва сув бериш ҳисобини юритади, Тизим бўйича сув ресурслари балансини тузади;

магистрал каналлар (тизимлар) ва сув хўжалиги иншоотлари бўйича сув ресурслари оқилона бошқарилишини назорат қилади;

умуман сув хўжалиги тизимидан ишончли фойдаланилишини таъминлайди;

тизимни сув ўлчаш қурилмалари билан зарур миқдорда таъминлайди, сув ресурсларини бошқаришда алоқа, автоматика ва телемеханиканинг замонавий тизимларини жорий этади ҳамда уларни такомиллаштиради;

мукамал ва жорий таъмирлаш бўйича комплекс тадбирлар тузади, ушбу мақсадларга ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланишни таъминлайди.

Таъмирлаш ишларини арзонлаштириш ва сифатини ошириш мақсадида, ресурсларни тежайдиган технологияларни, ишларни бажаришнинг мақбул шакл ва усуллари ишлаб чиқади ва жорий қилади;

Тасарруфидаги каналлар тизимларида ишларни ташкил этишдан илғор тажрибани, сув хўжалигига оид фан ютуқларини оммалаштиради;

қурилаётган корхоналар бирлашган дирекциялари билан биргаликда инвестиция дастурларига киритиш учун тизимни ва иншоотларни замонавийлаштириш, реконструкция қилиш ҳамда техника билан қайта жиҳозлаш бўйича таклифлар тайёрлайди, магистрал канал (тизим) бўйича инвестиция дастурлари бажарилишини ташкил қилади;

умуман ирригация тизими бўйича сув хўжалигини истиқболли ривожлантириш схемаларини тузиш бўйича таклифлар тайёрлайди.

6. Бошқарма қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўз ваколатига кирувчи масалаларни ҳал этиш учун зарур бўлган материалларни корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан белгиланган тартибда сўраш ва олиш:

келишиш учун ўзига тақдим этиладиган сув ресурсларини бошқариш бўйича қарорлар лойиҳалари юзасидан хулосалар бериш;

бошқа тизимларда ва ички хужалик гедромелиоратив тармоқларда таъмирлаш ишларини шартномалар бўйича бажариш;

сув хўжалиги тизимларидан фойдаланиш қоидалари, сувдан лимит бўйича фойдаланиш тартиби бузилганлиги учун айбдор шахсларни тегишли жавобгарликка тортиш тўғрисида белгиланган тартибда тақдимнома киритиш;

Ирригация тизимлари» ҳавза бошқармаси томонидан тасдиқланган сув ресурслари лимитларига вужудга келган сув хўжалиги аҳолини ҳисобга олган ҳолда 10 фоиз доирасида тузатиш киритиш;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга эга.

7. Бошқарманинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари жойлардаги бошқарув органлари, хўжалик юритувчи субъектлар, шунингдек мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурийдир.

8. Бошқармани танлов асосида Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг буйруғи билан лавозимга тайинланадиган бошлиқ бошқаради. Танлов Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғининг тақдимномасига кўра Сув хўжалиги бош бошқармаси томонидан ўтказилади.

Бошлиқ ўринбосарлари лавозимга Бошқарма бошлиғининг тақдимномасига кўра Сув хўжалиги бош бошқармаси билан келишган ҳолда Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси бошлиғининг буйруғи билим танлов асосида тасдиқланади.

Танловларни ўтказиш тартиби Сув хўжалиги бош бошқармаси томонидан тасдиқланади.

9. Бошқарма бошлиғи:

Бошқарма фаолиятига раҳбарлик қилади ҳамда Бошқармага юкланган вазифалар ва мажбуриятларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

Ирригация тизимлари ҳавза бошқармасига Бошқарма бошлиғи ўринбосарлари лавозимига тайинлаш учун Сув хўжалиги бош бошқармаси билан келишилган номзодларни тақдим этади;

Бошқарма аппарати штатлар жадвали бўйича таклифларни тасдиқлаш учун Ирригация тизимлари ҳавза бошқармасига белгиланган тартибда киритади;

Бошқарма аппарати ходимларини, шунингдек тасарруфидаги каналлар

тизимлари раҳбарларини Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси билан келишган ҳолда лавозимга тайинланди ва лавозимдан озод қилади;

Бўлинмалар раҳбарлари ва мутахассисларини танлов асосида тайинлайди. Танловни ўтказиш тартиби Сув хўжалиги бош бошқармаси билан келишган ҳолда Бошқарма бошлиғи томонидан тасдиқланади;

қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатлар доирасида бошқа ваколатларни амалга оширади:

10. Гидроучасткалар ва гидроузеллар (юримдик шахс макомисиз) Бошқарманинг таркибий бўлинмалари ҳисобланади, улар ўз фаолиятини Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси тасдиқлайдиган Низомга мувофиқ амалга оширади.

11. Бюджетдан ажратмалар ҳамда хўжалик фаолиятидан ва сув истеъмолчиларига хизматлар кўрсатишдан тушадиган маблағлар, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар Бошқармани маблағ билан таъминлаш манбалари ҳисобланади.

12. Бошқарма фаолияти қонунда белгиланган тартибда тўхтатилади.

Қисқача хулосалар

Ўзбекистон Республикасида сув ресурслари ниҳоятда чекланган. Шунинг учун ҳам, сув ресурсларини бутун чора-тадбир ва усулларни қўлланган ҳолда тежаб ва самарали фойдаланиш энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Айниқса, етарли миқдорда сув ресурсларисиз қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириб бўлмайди.

Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаларининг асосий вазифалари қилиб сувдан фойдаланишнинг бозор принциплари ва механизмларини жорий этиш асосида сув ресурсларидан мақсадли ва оқилона фойдаланишни ташкил этиш; илғор технологияларни жорий этиш асосида сув хўжалигида ягона техника сиёсатини ўтказиш; истеъмолчиларни сув билан узлуксиз ва ўз вақтида таъминлашни ташкил этиш; ҳавза ҳудудида сув ресурсларини оқилона бошқариш ҳамда унинг тезкорлигини ошириш ва сув истеъмолчилари бўйича

сув ресурсларидан фойдаланишнинг аниқ ҳисоби ва ҳисоботини таъминлаш қилиб белдгиланади.

Ирригация тизимлари хавза бошқармасининг молиялаштириш манбалари бўлиб Давлат бюджети маблағлари, хўжалик фаолиятидан олинadиган маблағлар ҳисобланади.

Таянч иборалар: Сув ресурслари, сувдан тежаб ва самарали фойдаланиш, қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш, ирригация тизимлари хавза бошқармалари, илғор технологиялар. Сув истеъмолчилари, сувдан оқилona фойдаланиш, сувдан фойдаланишни тезкор усуллари, молиялаштириш, давлат бюджети маблағлари, хўжалик фаолиятидан олинadиган маблағлар.

Назорат ва муҳокама учун саволлар.

1. Сув хўжалиги тизимини бошқаришнинг ҳавзавий усули.
2. Сув хўжалигини бошқаришни самарали ташкил этишда ирригация тизимларининг ўрни.
3. Сув хўжалиги бош бошқармасининг мақсади, вазифалари ва мажбуриятлари.
4. Сув хўжалик ҳавза бошқармасининг функциялари.
5. Сув хўжалик ҳавза бошқармасининг ҳуқуқлари.
6. Ирригация тизимларини молиялаштириш манбалари.

Асосий адабиётлар

1. И.А. Каримов «Иқтисодий ислоҳатларни янада чуқирлаштириш».
2. Ш. Хамроев «Қишлоқ хўжалигида ислоҳатларни чуқурлаштиришда сувдан фойдаланувчилар уюшмасининг ўрни». «Талқин» нашриёти 2006 йил.
3. «Форғона водийсида сув ресурсларини бошқаришни мувофиқлаштириш». Лойиҳаси. Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси қандай ташкил қилинди. 2003-2006 йил.
4. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги «Сувдан фойдаланувчилар уюшмаларини ташкил қилиш бўйича услубий қўлланма. Тошкент 2003 йил.

5. USAID. WUASP. Марказий Осиёда сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштиришга амалий тажрибаларни тадбиқ этиш. Ахборот бюллетенлари.

2 БОБ. СУВДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР УЮШМАЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШДАГИ АМАЛИЙ ҚАДАМЛАР

Сувдан фойдаланивчилар уюшмасини (СФУ) ташкил қилиш ўзига хос омилга эга ва қуйидаги босқичлардан иборат.

1. -Босқич: СФУ хизмат қилаётган ҳудуддаги фермерлар , уларнинг сардорлари, сув хужалиги ходимлари, оқсоқоллар ва бошқа асосий манфаатдор томонлар орасида ўзаро дўстона муносабатлар ўрнатиш; уларга уюшмаларнинг роли, функциялари, ҳамда фойдали томонлари ҳақида кенгроқ тушунчалар бериш; фермерлар ҳақида дастлабки маълумотлар тўплаш, хўжалик субъекитларни катта- кичиклигини ва сув таъминотининг асосий муаммоларини ўрганиб чиқиш, иккинчи даражадаги ариқларни, улардаги даханаларни ва ҳар бир каналда нечта сувдан фойдаланивчилар борлигини ҳисобга олиш; СФУни хизмат қилиш чегаралари ариқ-зовурлар схемаларини тайёрлаш.

Бу босқичда дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида фермерлар билан қишлоқда ёки хўжаликнинг ўзида, дахана бошларида учрашиб, лойиҳанинг мазмуни, унда қўйиладиган масала ва муаммоларнинг ечими борасидаги СФУларнинг аҳамиятлари ҳақида суҳбатларни амалга ошириш кўзда тутилади. Ўзаро мулоқот қизиқарли бўлиши учун танланган ҳудудларда СФУни тузилиши, уларнинг аҳамияти ҳақида қисқача ва аниқ маълумотлар берилиши зарур. Сув хужалигидаги муаммолари ҳақида ҳам тухтаб уларни ечимини топиш учун илгариги бошқарувга кура СФУларда осонроқ ечилиши мумкинлигини тушунтириш керак. Лойҳа ҳақидаги дастлабки

тушунтиришлардан сунг тарғиботчилар купроқ фермерларнинг гапларига кулоқ соли шва уларнинг саволларига жавоб бериш керак. Тарғиботчилар маҳаллий аҳоли билани шундай иш олиб бориши керакки, аҳоли уларни ўзларининг одами сифатида қабул қилсин. Бу нарса фермерларнинг ишончларини оширади ва тарғиботчиларга нисбатан ҳурмат ҳисларини орттиради.

Тарғиботчилар маҳаллий аҳоли ичида кўпроқ фойда тегадиганлари билан биргаликда қишлоқда ёки хужаликнинг ўзида сувдан фойдаланивчилар билан учрашиб улар орасида янадакенгроқ тушунтириш ишларни олиб боришлари зарур. Бу учрашувлар вақтида улар лойиҳада қўйилган ишларни амалга оширганда қандай фойда куришлари мумкунлиги масалаларини ечишда ёрдам беришлари керак. Бунинг учун лойиҳа ҳақида қисқча маълумот бериб фермерлардан суғориладиган майдонларда сувнинг муаммоларини алоҳида сўраш тавсия этилади. Қатнашчиларнинг сонига қараб 6-10 кишидан иборат гуруҳлар ташкил қилиниши мақсадга муофиқ. Бу гуруҳларга ўзларининг ҳудудларидаги мавжуд сув муаммоларини аниқлаб, уларни ечиш йўлларини топиш ва бу иш билан кимлар шуғилланиши кераклигини курсатиб бериш масалалари қўйилади.

Бундай учрашувларнинг охирида маҳаллий аҳолига лойиҳада курсатилган концепцияларни тушунтирилгандан сўнг масаланинг моҳиятини қишлоқдаги кўни-кўшниларга айтиб беришлари ва СФУни ташкил қилишининг сув масалаларини ечишдаги яхши тамонларини кўрсатиб беришлари керак.

2-Босқич: Ариқ ва зовурларга хизмат курсатиш йўналиши асосан нималардан иборатлиги ва уларни бажарилиш режасини аниқлаш

Тарғиботчиларнинг сувдан фойдаланивчилар билан иккинчи бор учрашувларида биринчи учрашувларидан келиб чиққан масалаларни тахлиллари ва уларни ҳал этиш йўлларини кўрсатиб беришлари лозим. Улардан сўнг СФУда аниқланган масала ва муаммоларни айримларини ёки ҳаммасини ечиш мумкинлигини тушинтирилиши лозим. Шунинг билан бирга бевосита

суғориш билан боғлиқ ишлар нималардан иборатлигини тушинтириш керак. «Асосий вазифалар нималардан иборат?» деган саволни қўйиб, ким уларни ҳал қилиш кераклигини ва улар кимларнинг олдида жавоб беришларини ўқтириб ўтиш керак бўлади. Ким уларнинг ҳақини тўлайди? Вазифаларнинг бажарлишини кимлар назоратга олишлари керак? Шундай саволарни муҳокама қилганда томонларнинг бир-бирларини яхши тушунишлари ҳамда СФУни ташкил қилишнинг фойдали томонлари аниқланади, суғориш хизмати курсатиш ва сувдан фойдаланишнинг дастлабки тадбирлари белгиланади.

3-БОСКИЧ: СФУнинг ташкилий тузилмалари ҳақида сувдан фойдаланувчилар билан ўзаро тушинтиришлар ўтказиш; СФУни идора қилиш учун ва Вакиллар йиғилишларига қатнашиш учун сайланадиган одамлар қандай фазилатларга эга бўлишлари ҳамда уларнинг қандай билимлардан хабарлари борлигини аниқлаш

Ушбу босқичда (маслаҳатлашиш учрашувлари босқичи) СФУнинг ташкилий масалалари кўриб чиқилади. Бошқаришни яхши ва фойдали бўлиши СФУ аъзолари, вакилларнинг ҳақида олиб бориладиган ички ҳужжатларни келишиб олиниши зарур. Бунинг учун тарғиботчилар йиғилиш қатнашчиларига ҳар хил ҳолатдаги ташкилий тузулмалардан, низомлардан ва олиб бориладиган ички ҳужжатлардан мисоллар келтиришлари зарур.

Бунинг учун тарғиботчилар сувдан фойдаланувчилар билан ҳар бир қишлоқда, сув тарқатувчи каналларда ёки даханаларда, маслаҳатлашиш учрашувлари ўтказишлари керак ва бу учрашувларнинг мақсади СФУни тузиш ҳамда уни амалга ошириш бўлиши керак. Бу учрашувларга махсус таклифномалар, чакриқ қоғозлари ёки одамлар тўпланадиган жойларда (масжид, махала кўмитаси, идора) оғизаки айтиш йўллари билан фермерларни тўплаш лозим. СФУни ташкил қилиш масалалари бўйича учрашувлар бўлаётганини, қачон ва қаерда ўтказилишини барча аҳолига етказилганига ишонч ҳосил қилишлари керак. Тарғиботчилар масжид, дўконлар, маҳалла

қўмиталари ва идоралар каби одамлар йғилиб турадиган барча жойларнинг олдига эълонлар ёпиштириб қўйишлари мақсадга мувофиқдир. Тарғиботчилардан бир гуруҳи уйма-уй юриб ҳар бир сувдан фойдаланувчига айтиб чиқишлари керак. Бу учрашувларда СФУларнинг ташкил қилиниши, уларнинг фойдали томонлари, тузулмалари ҳақида қисқача ахборот берилгандан сўнг йғилган сувдан фойдаланувчилар билан кўйдагилар ҳақида маслаҳатлашишлари керак:

- Йғилиш қатнашчиларнинг фикрлашича СФУ ташкил бўлганда барча сувдан фойдаланувчиларга (ширкат хўжаликлари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш ижарачилари, фермер ва деҳқон хўжалик аъзолари, шахсий хўжалик таморқа эгалари) баробар фойдали бўладими?
- Кимлар СФУ га аъзо бўлишлари мумкин (музокаралардан олдин сув олишга ҳақи бор барча сувдан фойдаланувчилар СФУнинг тенг ҳуқуқли аъзолари ҳисобланишлари ҳақида келишиб олишлари керак).
- СФУнинг вакиллар мажлисига ҳар бир даҳанадан қандай, қачон ва нечта вакил сайланиши керак? Ким уларни сайлайди?
- СФУнинг Кенгаш аъзолигида вакиллар мажлисидан нечта киши сайланиши керак? Қачон ва кимлар сайловда қатнашади?
- Сайланган илғорлар қандай хусусият ва хосиятларга эга бўлишлари керак?
- Тафтиш комиссияларига нечта киши сайланиши керак? Бахсларни ҳал қилишда уларнинг урни қандай бўлади. Уларнинг аъзолари Ким ва қандай йул билан сайланади?
- Тафтиш комиссиялари, бахсларини ҳал қилиш комиссиялари, вакиллар ва умумий мажлис аъзолари, ҳамда Кенгаш аъзолари қанча мудатдан сўнг қайта саеланади?
- Уларни қизиқтирган ва муҳим ҳисобланган барча бошқа саволлар.

Тарғиботчиларда доимий ишчи дафтарлари бўлиши керак. Ўнга сувдан фойдаланувчиларни СФУларига жалб қилиш билан боғлиқ бўлган барча масасалар ёзилиши керак. Сувдан фойдаланувчиларнинг таклифлари ҳақидада

аниқ маълумотлар бўлиши керак. Дала ишчи гуруҳларининг дафтарларида юқоридаги ёзувлардан ташқари учрашувларга нечта киши таклиф қилинганлиги, нечтаси ҳақиқатда келганлиги ким нима ҳақида гапирганлиги, суҳбатда барча баробар музокараларда қатнашганлиги ёки бир нечта амалдор шахсларнинг тазийқи билан ўтганлиги ҳақида ҳам ёзувлар бўлиши керак. Гап нима ҳақида бораётгани ҳақиқатда, ҳаммага тушунарли бўлдики ёки йўқлиги ва шунга ўхшаш масалалар ифодаланиши керак.

4-БОСҚИЧ: Ҳар бир даҳанада, сувдан фойдаланувчилар гуруҳига СФУнинг Вакиллар йиғилишга (умумий йиғилишга) вакиллар сайлаш бўйича йиғилишлар ўтказиш

Тарғиботчилар ҳар бир даҳанада маҳаллий аҳолининг иштирокида бир қатор йиғилишларни ўтказишлари керак. Йиғилишларни ўтказиш жойи ва вақти ҳақида сувдан фойдаланувчиларга қулай бўлишини келишилган ҳолда ҳал қилишлари керак. Масалан, кимдир кундузги дала ишлари билан машғул бўлгани учун йиғилишни кечки пайт маъқул топади. Дала ишчи гуруҳлари сайлов ўтказилиши ҳақида сувдан фойдаланувчиларни ҳабардор қилишлари, уларнинг ўзлари таклиф қилишлари мумкин бўлган вакилларига тенг имкониятлар яратилишини таъминлашни зиммиларига олишлари керак. Шу мақсадда йиғилиш бошланишига икки уч кун қолганда барча қишлоқ аҳолисини ҳабардор қилиши билан бирга, сувдан фойдаланувчиларни эса ёзма равишда таклиф қилинса мақсадга мувофиқ бўлади. Дала ишчи гуруҳлари йиғилишларига барча сувдан фойдаланувчиларни энг юқори даражада тўплашлари керак. Агар қатнашчиларнинг сони 50-60 %дан кам бўлса йиғилиш бошқа кунга кўчирилиши керак. Шу ерда ҳозир бўлган сувдан фойдаланувчилар ўзаро келишиб йиғилишни қачон ўтказишга белгилаб олишлари керак. Шундан сўнг тарғиботчилар одамларни жалб қилиш керак бўлган барча чораларни кўришларива шунинг натижасида кўпчиликнинг йиғилишга қатнашишларини таъминлашлари керак.

Ушбу йиғилишларда умумий мажлис вакиллари сайлашдан олдин даҳналарда келиб чиқиши мумкин бўлган муаммоларини ҳал қилиш учун сувдан фойдаланувчилар гуруҳидан кимнидир танлаш ва тайинлаб қўйилиши керак. Даҳналарда келиб чиқадиган масалалар қуйдагидек бўлиш мумкин:

- Даҳналарни вақти-вақти билан ҳашарлар ўтказиш орқали тозалаш чора тадбирларни амалга ошириш;
- Барча сувдан фойдаланувчиларга сувни баробар тақсимлаб бериш;
- Тортишувларни бартараф қилиш ва уларни олдини олиш;
- Даҳнадаги сув тақсимотини яхшилаш ва такомиллаштириш;
- Барчага бир хил фойдали бўлган бошқа ҳар хил масалаларни ҳал қилиш.

Шунинг билан биргаликда сувдан фойдаланувчилар СФУнинг умумий ёки Вакиллар йиғилишига ўзларининг ҳуқуқ ва қизиқишларини ҳимоя қилиш учун вакиллар сайлашлари керак. Акс ҳолда ҳар бир даҳнадан келишилган Холда Вакиллар йиғилишига одамлар сайланди. Шу пайтда лойиҳа ҳақида қисқча гапириб бериш ҳам алоҳида ўрин тутади. Унда СФУнинг Вакиллар йиғилишига сайланаётган одамлар яхши хусусиятларга эга бўлишлари, вазифалари ва ҳуқуқларини биладиган илғорларни тавсия этиш кўзда тутилиши керак. Даҳналарни катта-кичиклигига қараб сувдан фойдаланувчилар СФУни Вакиллар йиғилишига бир ёки бир неча вакиллари сайлашлари мумкин. Даҳнанинг ўзида пайдо бўладиган масалаларни вақтида ҳал қилиш учун бир ёки икки кишини сайлаб қўйилади: (масалан, даҳнанинг ўзини тузатиб туриш учун одам кучлари ташкил қилади).

5-БОСҚИЧ: Вакиллар йиғилиши номзодларининг таништирув учрашуви

Сувдан фойдаланувчилар гуруҳларида Вакиллар йиғилишига сайловлар бўлиб ўтгандан кейин уларнинг ҳаммасини танишиш учун учрашувга таклиф қилинишлари керак. Бу учрашувлар буларнинг танишиб бир-бирларини яхши тушинадиган бўлашларига имконият тўғдиради. СФУларнинг мақсадлари, унинг кенгаш аъзоларини, тафтиш комиссияларини, келишмовчиликларни

бартараф қилиш комиссияларга қачон ва қаерда сайловлар ўтказиш ҳақида ўзаро келишиб олинади.

Мажлис қатнашчиларига қуйидаги асосий масалалар ҳақида Яна бир бора ахборот бериш керак:

1. Суғориш ва зах қочириш тизимларини мунтазам равишда бошқариш;
2. Марказлашган ҳолдаги усулдан воз кечиб бошқаришни СФУлар ихтиёрига топшириш;
3. Сув тақсимоти барчага баробар бўлишини таъминлаш;
4. Сув таъминотини ишончли олиб бориш;
5. Давлат, шахсий ва бошқа захиралардан ва хизматчилардан расмий гуруҳ сифатида бемалал фойдаланиш;
6. Ўз-ўзини идора қилиш;
7. Ўз-ўзини тўла таъминлаш.

Сунгра вакиллар йиғилиши навбатдаги йиғилишларни қачон ва қаерда ўтказилиши ҳақида қарор қабул қилади. Аслида бу йиғилишларни ҳамма бемалол кирадиган маҳалла фуқоролар йиғини биноларида, спорт залда ёки марказдаги бирор жамоат жойларда ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади.

6-БОСҚИЧ: СФУнинг Кенгаш аъзолари, Раисини ва Тафтиш комиссиясини, баҳсларни бартараф қилиш комиссияларини сайлаш.

Йиғилишнинг бошида қатнашчиларга иш қанча бажарилган ва келгусида қилинадиган ишлар ҳақида ахборот бериш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шундан кейин Янги ташкил этиладиган СФУнинг Вакиллар йиғилиши иштирокчиларининг ўзлари суғориш тизимларидаги муаммоларни таҳлил қилишлари, уларни бартараф қилиш тўғрисида чора-тадбирлар белгилашлари ва бу ишда СФУ ёрдамлари ҳақида келишиб олишлари керак. Бундай муҳокамаларда қабул қилинган қарорларни амалга оширишда бошқарувчиларнинг асосий вазифалари келиб чиқади. Бу суғориш хизматлари ва сувдан фойдаланиш режалари нималардан иборатлигини аниқлашда асос бўлади.

Вакиллар йиғилишига сайланадиган илғор кишилар қандай билим ва хусусиятларга эга бўлишлари ҳақида қисқача ахборот берилиши фойдадан холи бўлмайди. Шунинг билан биргаликда тарғиботчилар СФУ аъзолари орасида бўлғуси вакилларни муҳокама қилишлари, уларнинг фойдали ва яхши тамонларини ўрганиб чиқишга ёрдам беришлари керак. Масалага сиёсий ёндошиш ҳам фойдадан холи эмас. Шунинг учун сайловолди муҳокамаларида купчилик бўлиб қабул қилинган қарор қанчалик аҳамиятга эга эканлигини тушинтириш керак. Сувдан фойдаланивчилар муаммоларини яқка ҳолда ҳал қилишдан кўра кўпчилик бўлиб ҳал қилганда уларга хизмат қилиш даражаси анча юқори бўлишини тушинтириб ўтишлари керак. Йиғилиш қатнашчиларига кўрсатилаётган номзодни муҳокама қилиш учун керакли вақт берилиши зарур. Ташкил бўлаётган СФУларнинг қанчалик мустахкамлиги куп томондан қуйидагиларга боғлиқдир:

- 1) сиёсий таъсирнинг кўп ёки озлиги;
- 2) танлаш даврида ўзаро бир ечимга келиш;
- 3) қарорлар қабул қилишда хамманинг баробарлиги;
- 4) СФУнинг Кенгаш вакилларининг барча канал ва даханалар учун баробар сайланганлиги.

Вакиллар йиғилиши ёпиқ ёки очиқ овоз бериш, келишивчанлик йўли билан аъзоларни ҳар хил ишларга қўйиши мумкин.

7-БОСҚИЧ: Таъсис ҳужжатларини тайёрлаш

Сувдан фойдаланивчилар уюшмасини ташкиллаш йўлидаги кейинги қадам-бу тегишли таъсис ҳужжатларини тайёрлашдир. Бу ҳужжатлар қаторига СФУнинг номунавий низоми, ички норматив қоидалари, ҳар хил схемалари ва ҳар бир давлат ўзи учун ишлаб чиққан бошқа ҳужжатлари киради. Бу ҳужжатларни тайёрлашда тарғиботчилар яқиндан ёрдам беришлари керак. «Фарғона водийсида СРБМ» лойихаси учун юқоридаги ҳужжатлар ДСХМК ИАМ (НИЦ МКВК) ва ХСРБИ (IWMI) мутахассислари тамонидан тайёрлаб

қўйилган, шунинг учун СФУларнинг Кенгаш аъзолари тўғридан тўғри келгуси босқичга ўтишлари мумкин.

8-БОСҚИЧ: СФУни рўйхатга олиш учун унинг Низоми, ички норматив қоидаларини ва бошқа ҳужжатларини қабул қилиш ва ариза бериш

СФУ Кенгашининг биринчи вазифаси ташкилий қўмита тамонидан бажариладиган ишларни ўз қўлларига олиши таъсис ҳужжатларини (низом, ички норматив қоидалари, сувдан фойдаланишнинг дастлабки режалари) кўриб чиқиб уларни маҳаллий шароитга мослашлари ва СФУномидан рўйхатга олиниши учун аризалар беришлари керак. Ички норматив қоидалари ташкилотларнинг низомни амалга ошириш, бошқариш ва бир текисда ушлаб туриш учун хизмат қилади. Бу ҳужжатлар динамик характерга эга бўлиб, керак бўлганда ўмумий ёки Вакиллар мажлиси қарорлари билан ўзгариб туриши мумкин. Агар ташкилот қандайдир ҳужжатларга асосланиб, аниқ белгиланган қоидаларга риоя қилган ҳолда иш олиб бормаса, ўзнинг мавқеини тез орада йўқотиб қўйиши мумкин.

Бу хусусда тарғиботчилар ва лойиҳани бажаривчилар ички меъёрий Ҳужжатларни тузишни амалдаги қонунларга мос равишда олиб боришлари, СФУларга яқиндан ёрдам беришлари ва уни танланган объектдаги ҳолатга боғлашлари керак. Ички меъёрий ҳужжатлар одатда қўйдаги масалаларни ўз ичига қамраб олган бўлиши керак:

- 1) экинлар таркиби, уларга сувнинг керакли миқдори ва лимити, сув оладиган жойи, уни тақсимлаш ва тарқатиш тартиби ҳамда ариқларга техник хизмат кўрсатиш;
- 2) ҳар хил амалдаги хизматчиларнинг иш йўриқномалари ва мажбуриятлари;
- 3) йиғилишларни ўтказиш оралиқлари ва уларнинг тартиби;
- 4) СФУга аъзолик меъёрлари;
- 5) аъзолик ёки хизмат вазифасидан озод бўлиш;
- 6) аъзолик бадалларини тўлаш;

- 7) Маблағ тўлаш;
- 8) бахсларни бартараф қилиш йўллари;
- 9) жарима қилиш;
- 10) бошқалар.

Давлат тамонидан тасдиқланган меъёрлар доирасида тарғиботчилар юқорида тайёрланган ҳужжатларни Кенгаш аъзоларига тушинтириб, ариқ-зовурларни техник жихатдан соз бўлишини таъминлаш каби ишларни меъёр асосларида олиб бориш кераклигини уқтириб боришлари лозим. Шундагина Кенгаш аъзолари юқоридаги режа ва ҳужжатларни тасдиқлашлари мумкин. Тарғиботчилар Кенгаш аъзолари томонидан қабул қилиниши мумкин бўлган тескари қарорларни қандай оқибатларга олиб келиш мумкинлигини ҳам яхшилаб тушинтириб беришлари керак.

9-БОСҚИЧ: Мутахассис кадрларни тайёрлаш.

Бу босқичнинг асосий вазифаси СФУни ўз олдига қўйган долзарб масалаларни ҳал этишда ўз ўзини идора қилувчи, мустақил ташкилот сифатида ҳал қилишлари кераклигидан иборатдир. Бундай профессионал тайёргарликни амалга ошириш кўпинча жойларда ўқитиш ва амалий ишларни бажариш йўли билан олиб борилади. Юқоридаги ишларни СФУга сайланган аъзоларнинг ўзлари бажармаса ҳам ёллаб олинган ходимларнинг ишларни сифатли боришини назорат остига олиш учун билимларини орттиришлари керак бўлади. СФУнинг Кенгаш аъзолари ва ходимлари ўқитилгандан сўнг уларни ариқ-зовурларни бошқаришдаги амалий ишларига ҳам ўргатиш керак.

Амалий ўқитиш дастурлари қўйидаги масалаларни қамраб олиши керак: сув миқдорини ўлчаш ва ҳисоботи, техник хизмат курсатиш режаларива уларни бажариш, бизнес-режаларни тузи шва уни амалага ошириш, бошқаришни ташкиллаштириш, молиявий бошқариш, ҳужжатларни юрғизиш, ички меъёрий ҳужжатларни тайёрлаш, суғориш тизимларини ишлатиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш учун тегишли маблағ-заҳиралар топиш услублари. Амалий ўқитишда тегишли материаллар ва қўлланмалар ҳамда

билимли ва тажрибали инструкторлар борлиги муҳим нарсалардан бири ҳисобланади. Шу мақсадга мос келадиган кадрлар (масалан, туман ҚСХБ ларнинг гидротехниклари, намунали СФУларнинг мутахассислари ва ҳакозолар) топиш керак. Амалий ўқитиш доимий хусусиятга эга бўлиши билан бирга энг пастдаги вакилларни, яъни даҳанадаги СФ гуруҳларини ҳам ўқишга жалб қилиш лозим. Инструктор кадрлар (устозлар) сифатида энг пастдаги вакилларни (фермерларни) ўқитиш учун шунақа ўқишдан ўтган даҳана вакиллари ёки СФУ ходимлари жалб қилиниши зарур, чунки улар фермерларга ўхшаш уларни яхшироқ билишади. Бундан ташқари улар шу фермерларни ичидан чиққан вакиллардир.

«Фарғона водийсида СРМБ» лойиҳасидаги мутахассисларни тайёрлаш дастурлари доирасида СФУ ходимларини ўқитиш назарда тутилган ва тез орада Ўшдаги тайёрлов-ўқитиш марказида бу иш йўлга қўйилди. Шу борадаги Амалий ўқитиш қуролларини ДСХКК ИАМ 9НИЦ МКВК) ва ХСРБИ (IWMI) томонидан танланган СФУларнинг тайёр бўлиши вақтига етказиб келинди.

Марказий Осиё фермерлари ўзларига қаршли суғориш тармоқларини бошқариш бўйича малакалари йўқ. Шунинг учун уларни Амалий ўқитиш билан бирга сувдан фойдаланивчилар уюшмаси тамонидан бошқарилаётган юқори даражали суғориш тизимларга хизмат кўрсатиш ҳамда ишлатишни ўрнатиш лозим. Шундагина уларда ишонч ва жавобгарлик ҳислари қатъийлашади.

Бунинг учун Марказий Осиё Худудида ёки ташқарида мос келадиган объект танланади ва мақбул ҳолда ташкил этилган СФУ вакиллари шу объектга олиб борилади. Бу ердаги гидромелиоратив тизимининг бир қисмини фермерларни ўзлари бошқаришлари керак. Бу жойга борганда вакиллар сувдан фойдаланивчилар уюшмаси мустақил равишда ўзига боғланган тизимини ишлаётганини кўриш билан бирга, ташкилий масалаларни, қоидаларни, ички меъёрий ҳужжатларни, маблағни йўналтириш усулларини, ирригацион хизмат кўрсатадиган ҳақини ҳисобини чиқариш йўлларини, уларни ундириб олиш ва кеинги ишларга йўналтириш йўлларини ҳам ўрганиб келадилар. Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси авало ўзлари бошқариш учун берилаётган суғориш

тизими тўғрисида намунавий шартномани ўрганиб чиқишлари, маҳаллий шароитга мослашишлари ва шаротига қараб сув етказиб беривчилар (туман ҚСХБ, вилоят ҚСХБ) билан музокаралар утказишлари керак.

Қисқача хулосалар

СФУ ларни ташкил қилиш бўйича қўйиладиган амалий қадамлар 10 та босқичдан иборат

1-босқичда СФУ хизмат қилаётган худуддаги фермерлар, сув хўжалиги ходимлари, оқсоқоллар ва бошқа асосий манфаатдор томонлар орасида ўзаро дўтсона муносабатлар ўрнатиш; уларга уюшмаларнинг роли, функциялари, ҳамда фойдали томонлари ҳақида кенг тушунчалар бериши керак.

2-босқичда-Ариқ-зовурларга хизмат кўрсатиш режасини аниқлаш ва уларни бажаришни таъминлаш керак.

3-босқичда-СФУни идора қилиш, вакиллар сайлаш учун одамларда қандай фазиятлар борлигини аниқлаш.

4-босқичда СФУ нинг умумий йиғилишига, вакиллар йиғилишига даҳана гуруҳларига бошчилик қилиш учун саволлар ўтказиш.

5-босқич Сайланадиган вакиллар билан учрашувлар ўтказиб таништирувни ташкил қилиш керак.

6-босқич Кенгаш аъзоларини, раисини, тафтишкомиссиясини сайлаш.

7-босқичда-СФУ нинг намунавий низомини ва бошқа меъёрий ҳужжатларини тайёрлайди.

8-босқичда-СФУ ни рўйхатга олиш учун аъзоликка ариза ва бошқа ҳужжатлар қабул қилинади.

9-СФУ да ишлаши учун мутахассис кадрлар тайёрланади.

10- Мавжуд суғориш тизимини СФУ га ўтказиш ишини амалда бажариш.

Таянч иборалар

СФУ кўрсатаётган хизмат турлари, манфаатдор томонлар, Ариқ-зовурга хизмат кўрсатиш режаси, умумий йиғилиши, вакиллар сайлаш, кенгаш аъзолари, Раис, тафтиш комиссияси, СФУ нинг намунафий низоми.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. СФУ ходимлари ва фермерлар ўртасида дўстона муносабатлар ўрнатиш.
2. Ариқ ва зовурларга хизмат кўрсатиш нималардан иборат.
3. СФУ ни идро қилиш учун сайланадиган одмалар қандай фазилатларга эга бўлиши керак.
4. СФУ йиғилишига сайловлар ўтказиш.
5. СФУ нинг кенгаш аъзолари, раиси, тафтиш комиссиясига сайлов ўтказиш.
6. Таъсис ҳужжатларини мазмуни.
7. СФУ аъзолигига ариза қабул қилиш.

Асосий адабиётлар

1. И.А. Каримов «Иқтисодий ислоҳатларни янада чуқирлаштириш».
2. Ш. Хамроев «Қишлоқ хўжалигида ислоҳатларни чуқирлаштиришда сувдан фойдаланувчилар уюшмасининг ўрни». «Талқин» нашриёти 2006 йил.
3. «Форғона водийсида сув ресурсларини бошқаришни мувофиқлаштириш». Лойиҳаси. Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси қандай ташкил қилинди. 2003-2006 йил.
4. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги «Сувдан фойдаланувчилар уюшмаларини ташкил қилиш бўйича услубий қўлланма. Тошкент 2003 йил.
5. USAID. WUASP. Марказий Осиёда сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштиришга амалий тажрибаларни тадбиқ этиш. Ахборот бюллетенлари.

3 БОБ СУВДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР УЮШМАЛАРИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ

3.1. Сувдан фойдаланувчилар уюшмасини ташкил қилиш тартиби

1. Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси (кейинги матнда СФУ) қайта ташкил этилаётган қишлоқ хўжалик корхоналари ҳудудларидаги суғориш тармоқлари тизими бўйича сувдан фойдаланувчилар таъсис йиғилиши қарорига асосан ташкил этилди.

Собиқ хўжалик ҳудудида бир нечта суғориш тармоғи мавжуд бўлганда унга мос равишда шунча сондаги СФУлар ташкил этилиши ёки бир нечта хўжаликда 1 та суғориш тармоғи бўлса, 1та СФУ ташкил этилиши мумкин.

2. СФУ нинг аъзолари, сони унинг таъсис йиғилиши қарориги асосан белгиланади, унинг биринчи умумий йиғилиши туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими ташаббуси билан чиқарилди.

3. Умумий йиғилишга мазкур ҳудудидиги сув хўжалиги фаолияти билан боғлиқ бўлган бошқа шахслар ҳам қатнашиши мумкин.

4. Умумий йиғилишда қуйидаги ҳужжатлар қабул қилиниб ва кейинчалик туман ҳокимияти томонидан белгиланган тартибда рўйхатга олинди.

- СФУ Низоми тасдиқланди;

- СФУ кузтув кенгаши таркиби сайланди;

- СФУтафтиш камиссияси сайланди;

- СФУ раиси тайинланди (СФУ раиси номзоди танлов асосида туман сув хўжалиги бўлими билан келишилган тартибда амалга оширилди).

5. СФУ раиси умумий йиғилишда тасдиқланган смета ҳаражатларига мувофиқ ижроия органи техник ходимлар ва мутахассисларни танлов асосида қабул қилинишни ташкил этади.

6. Таъсис шартномасига асосна ҳар бир фермер хўжалиги сувдан фойдаланувчилар уюшмасининг мол-мулки ва асосий воситаларини, яъни Низом жамғармасини ташкил этишда сув хўжалиги объектларидаги ўз мулкый

улуши қиймати билан иштирок этади ва реестрда акс эттирилади. Уюшманинг ўз ҳудудида жойлашган барча иккиламчи сувдан фойдаланувчилар билан сув таъминоти бўйича шартнома тузишни амалга оширади. Уюшманинг умумий йиғилишида унинг аъзолари томонидан киритилган йиллик жорий ва ривожлантириш бадаллари миқдори тасдиқланди. Жорий бадаллар миқдори олинган сув ҳажмига ёки суғориладиган гектарга нисбатан ривожлантириш бадаллари эса бажарилган иш ҳажмига қараб белгиланиши мумкин.

7. Собиқ хўжалик тасарруфидаги мавжуд мелиоратив техникалар ва барча ички хўжалик сув объектлари тумандаги махсус ишчи гуруҳ томонидан қайта ҳатловдан ўтказилиб баҳоланади ва фермер хўжаликларининг ундаги улуши аниқланиб, таъсис шартномаси имзолангандан кейин уюшма тасарруфига ўтказилади.

8. Таъсис шартномасига асосан СФУ Низоми давлат нотариал идорасида рўйхатдан ўтказилди.

9. СФУ Низоми ва таъсис шартномасини белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш, муҳр ва штамп бюртмасини тайёрлаш, банкда ҳисоб рақамларини очиш вазифалари СФУ нинг раиси зиммасига юклатилади.

Бундан ташқари, мавжуд техникаларни ишлатиш бўйича механизаторлар ва ҳайдовчилар, қаровул ва сувчилар бўлиши мумкин. Ижро органи штат жадвали, уюшма хизмат кўрсатадаиганер майдони, сувдан фойдаланувчилар сони, сув объектлари ва мелиоратив тахникалар сонига боғлиқ бўлиб, ўюшма умумий йиғилишида тасдиқланди.

Суғориш мавсумларида ҳар бир ички суғориш тармоғи бўйича жойлашган фермерлар ва бошқа сувдан фойдаланувчилардан сувни тақсимлашда, уни сувдан фойдаланувчиларга етказишни кечаю-кундуз назорат қилишда қатнашиш учун жадвал асосида ваколатли ходимлар ажратилди. Ушбу жадвал ва ходимлар рўйхати Уюшма раиси томонидан тасдиқланиб, унинг бажарилишига ҳар бир сувдан фойдаланувчи масъулдир.

СУВДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР УЮШМАСИ ТЎҒРИСИДА НАМУНАВИЙ НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. _____ Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси (кейинги ўринларда «Уюшма» деб номланади) Вазирлар Маҳкамасининг 200__ йил «_____» _____ даги _____-сонли қарори билан тугатилган «_____» ширкат хўжалиги ҳудудида барпо қилинган фермер хўжаликлари ва бошқа сувдан фойдаланувчиларнинг 200__ йил «_____» _____ даги таъсис йиғилиши қарорига кўра ҳамда уларнинг 200__ йил «_____» _____ даги таъсис шартномаси асосида ташкил этилди.

2. Уюшма нодавлат ва ноижорат юридик шахс ҳисобланади ва ўз номи ёзилган думалоқ муҳрга, штамп ва банкларга, балнқаларда миллий ва хорижий валюта ҳисоб рақамларига ҳамда алоҳида мол-мулкка эга бўлади.

Уюшма ўзига мажбурятлар олади ва унинг ижроси бўйича белгиланган тартибда жавоб беради.

3. Уюшма фаолиятини молиялаштириш таъсисчиларнинг ҳамда уларнинг фаолият кўрсатадиган ҳудудидаги бошқа сувдан фойдаланувчиларининг бадаллари ва қонунда ман этилмаган бошқа маблағлар ҳисобига олиб боради.

4. Уюшма ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий мажлис қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг формон ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлаи ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирларининг тавсияларига ва бошқа меъёрий ҳужжатларга, Уюшманинг Таъсис шартномасига ва ушбу Низомга мувофиқ амалга оширади.

5. Уюшма бирламчи сувдан фойдаланувчи бўлиб, собиқ ширкат хўжалигига берилган сувдан маҳсус фойдаланиш тўғрисидаги руҳсатномадан янғисини олгунга қадар вақтинча фойдаланади ҳамда унинг сув олиш жойларидан сув олади. Ўз ҳудудидаги барча сувдан фойдаланувчиларни сув

билан таъминлаш учун ирригация тизими бошқармиси билан сувдан фойдаланиш бўйича шартнома тузади.

6. Уюшманинг юридик манзили _____ вилояти,
_____ тумани, _____ кўчаси, _____ уй.

II. Уюшманинг мақсади ва вазифалари

7. Уюшманинг асосий мақсади таъсисчиларга ҳамда Уюшма ҳудудидаги бошқа сувдан фойдаланувчиларга ўрнатилган лимит асосида сув етказиб бериш, ўзаро ички сув хўжалиги муносабатларини тартибга солиш, уларнинг сувдан фойдаланиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш, шунингдек қонунда ман этилмаган бошқа фаолиятларни амалга оширишдан иборат.

8. Уюшма ўз мақсадига эришиш учун қўйидаги вазифаларни амалга оширади:

- сувдан фойдаланувчиларни ва уларнинг сув олиш жойларини рўйхатдан ўтказиш сувдан фойдаланиш режаларини ишлаб чиқиш ва уларни Ирригация тизими бошқармаси томонидан белгиланган лимит доирасида мувофиқлатириш;

- Ирригация тизими бошқармаси ҳамда Уюшмадаги иккиламчи сувдан фойдаланувчилар билан сув олиш ва ундан фойдаланиш бўйича шартномаларни тузиш ва уларнинг бажарилишини таъминлаш;

- сувдан фойдаланувчиларга ажратилган лимитлар доирасида сув етказиб бериш ва ўрнатилган тартибда сувнинг олди-бердиси ва ҳисоботларини олиб бориш;

- Уюшма таъсисчилари ва бошқа сувдан бошқа фойдаланувчилар ҳамда сув ишлатиш бўйича шартномалар тузиш ва унинг бажарилишини таъминлаш;

- Уюшма ҳудудидаги ички сув хўжалиги объектларини тозалаш ва таъмирлаш, реконструкция қилиш ишларини ташкил этиш;

- сувни ўлчаш воситаларини куришни ташкил этиш ва уларни белгиланган тартибда паспортларини тузиш, шаҳодатлаш ҳамда рўйхатдан ўтказишни таъминлаш;

- ер эгаларига суғориладиган ерларнанг шўрини ювиш, сувдан мақсдли ва самарали фойдаланишни таъминлаш бўйича тадбирларни амалга оширишда услубий ва Амалий ёрдам кўрсатиш;

- сувни тежайдиган илғор тажрибаларни ҳамда технологияларни жорий қилишни ташкил этиш;

- Уюшма балансидаги асосий воситаларни техник кўриклардан ўтказиб бориш, таъмирлаш ва янгилаш, ресурсларини иқтисод қилувчи техника ва технологияларни жорий қилиш бўйича жорий ва истикбол режаларини ишлаб чиқиш, умумий, шу жумладан жорий ва ривожланиш сарф-харажатлар сметасини ишлаб чиқариш ҳамда ҳар бир сувдан фойдаланувчиларнинг бадалларини ҳисоб-китоб қилиб, белгиланган тартибда таъсисчиларнинг умумий йиғилишида тасдиқлатиш;

- ўз фаолияти тўғрисида белгиланган тартибда туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимига, Ирригация тизими бошқармисага ҳамда тегишли ташкилот ва идораларга ахборот ва ҳисоботлар бериб бориш;

- Уюшма таъсисчиларининг ҳақ-ҳуқуқларини ва манфаатларини ҳимоя қилиш.

9. Уюшма ўз таъсисчиларига ва унинг ҳудудидаги бошқа сувдан фойдаланувчиларга уларнинг манфаатларини кўзлаган ҳолда қонунга зид бўлмаган бошқа фаолият турларини ҳам кўрсатиш мумкин.

III. Уюшма ва таъсисчиларнинг мажбурятлари ва ҳуқуқлари

10. Уюшма қуйидаги мажбурият ва ҳуқуқларга эга:

- ўз ҳисобидаги асосий воситаларни ва бошқа мулкларни, маблағларни мақсодли ишлатиш ва талон-тарож бўлмаслигини таъминлаш;

- Уюшмага ажратилган сув ресурсларини сувдан фойдаланувчиларга уларнинг тасдиқланган сувдан фойдаланиш режасига пропорционал равишда тақсимлаш ва етказиш;

- фаолият кўрсатаётган ҳудуддаги сувдан фойдаланувчиларга ва бошқа Сувдан фойдаланувчилар уюшмаларига сув таъминоти ва сув хўжалиги объектларидан фойдаланиш ва бошқа хизмат қилиш, бунинг учун банкларда хўжалик ҳисоб рақамини очиш. Ушбу фаолият бўйича тушган маблағлардан давлат бюджетига тегишли тўловларини амалга ошириш, ички сув хўжалиги объектларини мелиоратив техника ва бошқа воситаларни таъмирлашга ва ривожлантиришга ишлатиш;

- амалга оширилган ишлар ҳақида йилда икки марта уюшма таъсисчилари умумий йиғилишида ҳисобот бериш;

- манбада сув камайган (кўпайган) ҳолда сув лимитларига ва режаларига ўзгартиришлар киритиш;

- техника ва механизмлар етишмаган ҳолда шартнома асосида бошқа пудратчиларни жалб қилиш;

- сувни тақсимлаш ва уни сувдан фойдаланувчиларга етказишга ташкил қилиш ҳамда кечаю-кундуз назорат олиб бориш учун суғориш тармоқлари бўйича жойлашган сувдан фойдаланувчиларнинг вакилларини жадвал асосида жалб қилиш;

- белгиланган тартибда сувдан маҳсус фойдаланиш руҳсатномасини олиш;

- Уюшма қонун ҳужжатларига маън этилмаган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга.

11. Уюшма таъсисчилари ва бошқа сувдан фойдаланувчиларнинг мажбурятлар ва ҳуқуқлари:

- сувдан ва сув хўжалиги объектларидан фойдаланиш бўйича ўз вақтида шартномаларни тузиш ва ўзига юклатилган мажбурятларнинг бажарилишини таъминлаш;

- сув хўжалиги объектларига ва бошқа асосий воситаларнинг техник ҳолатига зарар етказмаслик ва улардан белгиланган тартибда фойдаланиш;

- мавжуд сув хўжалиги объектларига, техника ва ускуналарга етказилган зарарни ўрнатилган тартибда қоплаш;

- сув ўлчаш воситаларини ўз ҳисобидан қуришни таъминлаш, олинган сувдан мақсадли фойдаланиш ҳақида Уюшмага ўрнатилган тартибда маълумотлар бериб бориш;

- Уюшма талаби асосида сувни тақсимлаш, уни истеъмолчиларга етказишни ташкил қилиш ҳамда кечаю-кундуз назоратни олиб бориш учун ўз вакилларини ажратиш;

- ажратилган сув ресурсларини белгиланган лимит доирасида сувдан фойдаланиш режаси асосида ўз вақтида берилишини талаб қилиш;

- тузилган шартномага асосан берилган бюртма бўйича тегишли хизматларни ўз вақтида кўрсатишни талаб қилиш;

- Уюшманинг таъсисчилари ва бошқа сувдан фойдаланувчилари қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқларига ҳам эга.

12. Уюшма ўз таъсисчиларининг бошқа юридик ва жисмоний шахслар олдидаги мажбурятлари бўйича жавобгар эмас.

13. Уюшма таъсисчилари унинг мажбурятлари бўйича Уюшманинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган миқдорда ва тартибда жавобгар бўладилар.

14. Уюшма ва таъсисчиларнинг мажбуриятлари ҳамда ҳуқуқлари таъсис шартномасида тўлиқ акс эттирилади.

IV. Уюшманинг бошқарув ва ижро органлари

15. Таъсисчиларнинг умумий йиғилиши Уюшманинг Олий органи ҳисобланади.

16. Ҳар бир таъсисчи умумий йиғилишида қатнашиш ва ундаги масалаларни муҳоқомасида иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Умумий йиғилишларда ҳар бир таъсисчи бир овозга эга.

17. Уюшма умумий йиғилишида сайланган 5 кишидан иборат кузатув Кенгашига, 3 кишидан иборат тафтиш комиссияси ҳамда ижро органига эга

бўлади, кузатув кенгашининг раиси бир вақтнинг ўзида Уюшма раиси ҳисобланади.

18. Таъсисчиларнинг умумий йиғилиши қуйидаги ваколатларга эга:

- Уюшма кузатув Кенгаши аъзоларини ва раисини сайлаш, уларнинг вазифаларини ҳамда таъсис шартномасини тасдиқлаш;

- ижро органини ташкил қилиш ва муддатдан олдин фаолиятини тугатиш, бошлиғини танлов асосида тасдиқлаш ҳамда у билан шартнома шартларини келишиш;

- ижро органи фаолиятининг асосий йўналишлари ва таркибини белгилаш ва унинг штат бирлигини, смета харажатларини, жорий ва истиқбол режаларини тасдиқлаш ва бажарилишини муҳокама қилиш;

- Ижро органи бошлиғига уюшма номидан сувдан фойдаланувчилар билан шартнома тузиш, танлов асосида тегишли ходимларни ишга олиш, молиявий ва бошқа фаолият олиб бориш ҳамда уюшманинг фаолияти билан боғлиқ бўлган ва бошқа ваколатларни бериш;

- Уюшма таъсисчиларининг ва бошқа сувдан фойдаланувчиларнинг фаолият кўрсатиши учун улар сув таъминоти ва сув хўжалиги объектларидан фойдаланиш, қонунга зид бўлмаган бошқа турларини ташкил этишни тасдиқлаш;

- Уюшма таъсис шартномасига ва Низомга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;

- Уюшманинг йиллик умумий, шу жумладан ижро органини сайлаш ва ички сув хўжалиги объектларидан, мелиоратив техника ва бошқа мулкдан фойдаланиш ҳамда уларнинг ривожлантириш сарф-харажатлари сметасини, жорий ва ривожлантириш бадаллари миқдорини, фаолият кўрсатиш тарифларини тасдиқлаш;

- Уюшма фаолиятини амалга ошириш учун сувдан фойдаланувчиларнинг Уюшма ҳисоб рақамига ўтказиб берадиган бадаллар миқдорини сувдан фойдаланувчилар ва бошқа шахсларнинг киритадиган бошқа маблағларини ҳамда уларнинг тўлаш тартибини тасдиқлаш;

- агар ушбу бадаллар икки ва ундан ортиқ йил мобайнида сурункали равишда тўланмаса, бундай ҳолда сувдан фойдаланувчи уюшма умумий йиғилиши қарори билан уюшма таркибидан чиқариш;

- Уюшмага янги таъсисчиларни қабул қилиш ва ундан чиқариш масалаларини ҳал этиш;

- аудиторлик текширувини белгилаш, аудиторлик рўйхатини тасдиқлаш ва у билан хизмат ҳақини белгилаш;

- Уюшма таъсисчиларнинг розилиги билан Ўзбекистон Республикаси ва хорижий банкларда айланма маблағларга эгалик қилиш, юридик ва жисмоний шахслардан кредитлар, шу жумладан, хорижий валютада кредитлар олиш масалаини ҳал этиш;

- Уюшмани қайта ташкил қилиш ва тугатиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш;

- таъсисчилар умумий йиғилиши қонунга зид бўлмаган бошқа ваколатларга ҳам эга.

19. Уюшма кузатув кенгашининг мажбурятлари ва ҳуқуқлари:

-умумий йиғилиш қарорлари, таъсис шартномаси ва ушбу Низомда белгиланган тартиб-қоидаларига Уюшма, унинг таъсисчилари ва бошқа сувдан фойдаланувчилари томонидан риоя қилинишини назорат қилиш;

- лимитда белгаланган сув ресурсларини сув хўжалиги ташкилотлардан олинишини ва унинг адолатли тақсимоли устидан назорат қилиш;

- шошилиш вазиятларда умумий йиғилиш ваколати кирувчи масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш ва уни келгуси йиғилишда тасдиқлаш;

- умумий йиғилишни чиқариш ва уни ўтқазини ташкил қилиш бўйича қарор қабул қилиш ҳамда таъсисчилар йиғилишларини ўтқазини билан боғлиқ ҳужжатларни тайёрлаш ва йиғилиш қарорининг бажарилишини назорат қилиш;

- Сувдан ва сув хўжалиги объектларидан фойдаланиш учун жорий ва ривожлантириш бадаллари тўламаган сувдан фойдаланувчиларга нисбатан кузатув Кенгаши қарори билан вақтинчалик сув беришни тўхтатиш;

- Сувдан фойдаланувчилар уюшмалари ва ижро органи ходамларнинг ариза ва шикоятлари ҳамда таклифларини кўриб чиқиш, уларни қабул қилиш ва ўрнатилган тартибда ҳал қилиш чораларини кўриш;

- Ижро органи амалга ошираётган ишларни ва унинг молиявий фаолиятини назорат қилиш, мавжуд муаммо ва камчиликларни ҳал қилиш бўйича тегишли чоралар кўриш;

- Тафтиш комиссиясининг хулосаси ва таклифларини таҳлил қилиш ва зарур чораларини кўриш;

- Уюшма сувдан фойдаланувчилари ҳамда ижро органи ва унинг ходимлари манфаатларини қонунда белгиланган тартибда ҳимоя қилиш;

- Уюшма кузатув кенгашига уюшманинг йиғилишида сайланган - Уюшма раиси раҳбарлик қилади;

- Уюшма кузатув кенгаши раиси-уюшма раиси кузатув кенгашига юклатилган барча вазифаларни ўз вақтида бажарилишига маъсулдир;

- кузатув кенгаши мажлиси камида бир ойда бир марта ўтказилади, зарурат туғилганда эса унинг раиси қарорига биноан навбатдан ташқари чақиртирилади;

- Уюшма раиси уюшма фаолияти тўғрисида таъсисчилар умумий йиғилишида йилига икки марта ҳисобот беради.

20. Уюшманинг тафтиш комиссияси қуйидаги мажбурият ва ҳуқуқларга эга:

- Уюшманинг ишлаб чиқариш ҳамда молиявий фаолиятларини ҳар чорак якуни билан ўрганиб бориб, унинг якуни бўйича хулоса ва таклифларни уюшма кузатув кенгашига-уюшма раисига зарур чораларни кўриш учун тақдим этиш;

- Уюшма раиси сўрови билан уюшма ҳамда унинг ижро органи фаолияти даврида вужудга келган айрим муаммоларни таҳлил қилиш ва хулосалар бериш;

- Уюшма фаолияти тўғрисидаги таъсичиларнинг умумий йиғилишида ахборот бериш.

21. Ижро органининг мажбурятлари ва ҳуқуқлари

Ижро органи қуйидаги мажбурият ва ҳуқуқларга эга:

- Уюшманинг кундалик фаолияти билан боғлиқ барча масалаларга раҳбарлик қилиш ва бажарилишини таъминлаш;

- Уюшма умумий йиғилиш ва кузатув кенгаши қарорлари бажарилишини ташкил қилиш;

- Уюшманинг Таъсис шартномаси ва Низоми белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш, муҳр ва штампларни олиш, банкларда ҳисоб рақамларни очишни таъминлаш;

- сувдан фойдаланувчиларни сув билан таъминлаш ва ички сув хўжалиги объектлари ҳамда айрим фаолиятлар бўйича ҳужжатлар сметаларини, бадаллар миқдорларини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш;

- Уюшма номидан шартномаларни тизиш ва бажарилишини таъминлаш;

- Уюшманинг умумий йиғилиши қарори билан берилган таъсисчилар ва бошқалар мулкани далолатнома асосида қабул қилиш;

- Уюшма мулки ва маблағларини мақсадли ишлатиш;

- Ижро органи фаолияти тўғрисида кузатув Кенгашига ва тегишли ташкилот ва идораларга ўрнатилган тартибда маълумотлар ва ҳисоботлар бериб бориш.

22. Ижро органига юқори малакали ва тажрибали шахслар ичидан альтернатив асосида уюшманинг умумий йиғилишида икки йилга сайланадиган ва уюшма раисининг буйруғи билан тайинланадиган бошлиқ раҳбарлик қилади. У билан уюшма раиси ўртасида шартнома тузилади.

Ижро органи бошлиғи уюшма томонидан юклатилган вазифаларни бажарилишига маъсулдир.

23. Ижро органи бошлиғи амалга оширилган ишлари ҳақида умумий йиғилишида ҳамда кузатув кенгаши мажлисида ҳисобот бериб боради.

24. Уюшма таъсисчилари йиғилиши бир йилда камида икки марта чақирилади.

25 Уюшманинг кузатув кенгаши аъзолари ва раиси ҳамда тафтиш комиссияси аъзолари ва раиси йил якунига бағишланган Уюшма умумий йиғилишида қайта сайланади.

V. Уюшманинг мол-мулки ва жавобгарлиги

26. Уюшманинг Низом жамғармаси таъсисчилари ва бошқа сувдан фойдаланувчилар томонидан ажратилган мулкӣ улушлар ва маблағлар ҳисобидан ташкил этилади.

27. Қуйидагилар уюшманинг мол-мулкларини шакллантириш манбалари ҳисобланади:

- Уюшма таъсисчиларининг бошланғич мулкӣ улушлари;
- сувдан фойдаланувчиларнинг тўлаган бадаллари;
- қимматбаҳо қоғоз ва улардан келиб тушган даромадлар;
- банклар ва бошқа ташкилотларнинг кредитлари;
- сувдан ва сув хўжалиги объектларидан фойдаланишдан ва бошқа амалга оширилган фаолиятлардан тушган маблағлар;
- Республика ва чет эл сармоядорларининг беғараз ёрдами тариқасида берилган мулклари ва маблағлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан берилган мулклар ва маблағлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунларида таъқиқланмаган бошқа манбалар.

28. Уюшма ўз фаолиятини таъминлаш учун таъсисчиларнинг шартномасида белгиланган қуйидаги мулкӣ улушлари ҳисобидан _____ (сўз билан) сув хўжалиги объектлари (Ирригация ва мелиорация ва бошқалар) қийматидан иборат бўлган бошланғич Низом жамғармасини ташкил этади.

№	Таъсисчининг номи	Улуш микдори минг сўм	Сўз билан	%	Шу жумладан сув хўжалиги объектлари қиймати, минг сўм	%
1						
2						
	Жами			100		

29. Низом жамғармаси микдорининг ўзгартирилиши Уюшма таъсисчиларининг келишувига асосан таъсисчиларнинг қушимча улушлари ҳисобига амалга оширилади.

VI. Уюшманинг молиявий фаолияти

30. Уюшма қонунда белгиланган тартибда ўз фаолияти натижаларининг ҳисоби ва ҳисоботини, бухгалтерлик ва статистик ҳисоботлар шаклида юритади ва уларнинг ҳақиқийлигини кафолатлайди.

31. Уюшма мустақил балансга эга бўлади. Уюшма хўжалик фаолиятини таъсисчиларнинг ва бошқа сувдан фойдаланувчиларнинг бадаллари ва қонунда маън этилмаган бошқа манбалар ҳисобига маблағ билан ўзини ўзи таъминлаш асосида амалга оширади.

32. Уюшмада молиявий йил тақвими 1 январдан бошланади ва 31 декабрда тугалланади.

33. Уюшма фаолиятини яхшилаш ва ривожлантириш ҳамда ходимларни ижтимоий химоя қилиш мақсадида захира, ишлаб чиқариш, Фан ва техника ютуқларини жорий қилиш, моддий рағбатлантириш ва қонунда маън этилмаган бошқа жамғармаларни ташкил қилиши мумкин.

34. Уюшма Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Вазирлар маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари ва бошқа қонан хужжатларида белгиланган имтиёزلардан фойдаланади.

VII. Низоларни ҳал этиш

35. Уюшма фаолиятида келиб чиқиши мумкин бўлган низолар музокаралар йўли билан ижро органи бошлиғи, уюшма кузатув кенгаши-

уюшма раиси томонидан, акс ҳолда қонунда белгиланган тартибда суд органлари томонидан ҳал қилинади.

VIII. Уюшмани тугатиш ва қайта ташкил этиш

36. Уюшма таъсисчилар умумий йиғилиши ёки суд органлари қарорига кўра ўрнатилган тартибда тугатилиши мумкин.

№	Таъсисчининг номи	Имзо	Мухр
1			
2			
3			
4			

Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси нима?

Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси (СФУ) бир ёки ундан ортиқ канал атрофидаги сувдан фойланувчиларнинг хошиш иродаси билан тузиладиган ва улар томонидан бошқариладиган нодавлат, нотижорат ташкилотдир. Сувдан фойдаланувчилар фермер ва деҳқон хўжаликлари ёки томорқа эгалари бўлиб, адолатли сув тақсимооти ҳамда ирригация-зовур тармоқларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш орқали уюшма ҳуддудида суғорма деҳқончилиқни ривожлантирадилар ва бунинг учун ўзларининг молиявий ва техник имкониятларини бирлаштиради.

СФУ керакми? Уюшмага бирлашмаган сувдан фойдаланувчилар қуйидаги муаммоларга дуч келишлари мумкин:

- Ягона тенг ҳуқуқли сув тақсимлаш тизими йўлга қўйилмаганлиги боис сувдан фойдаланувчилар ўртасида сув учун доимий зиддиятлар вужудга келади.
- Ирригация-зовур тармоқларининг узлуксиз ишлашини таъминлашга давлат томонидан ажратилаётган маблағнинг етишмаслига туфайли уларнинг ҳолати ёмонлашиб боради.

- Сув ресурсларидан оқилона фойдаланмаслик уларнинг кескин камайиш хавфини келтириб чиқаради ва келажакда Оролбўйи худудида юз берган фавқулодда экологик вазият янада оғирлашади.

СФУга аъзо бўлиш қандай наф беради?

СФУ ўз аъзолари бўлган сувдан фойдаланувчиларнинг суғориш тармоқларидаги сув тақсимлаш ва уюшмани демакратик асосда бошқаришда фаол қатнашиш имкониятини беради. СФУ нинг молиявий бошқарувини ошкора ташкил этилиши уюшма фаолиятининг барқарор ривожланишини таъминлайди. Бу қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларни бирлаштирган ҳолда нафақат сув хўжалиги, балки қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ умумий муаммоларини ҳал қилишга ёрдам беради. Бундан ташқари сувдан самарали фойдаланиш ҳисобига қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигининг ошиши фермерда эртанги кунга янада ишонч уйғотади.

СФУдан фойдаланиш нимадан бошланади?

СФУ тузиш учун, қоида бўйича уюшманинг бўлажак аъзоларидан иборат ташаббускор гуруҳ зарурий ҳужжатларни тайёрлайди. Ушбу гуруҳ СФУнинг таъсис ҳужжати ва Устав лойихасини аъзоларининг таклифларини ҳисобга олган ҳолда тузади ва бунинг учун салоҳиятли мутахассис фермерлар орасида тушунтириш ишларини олиб боради. Таъсис ҳужжатлари СФУнинг таъсис шартномаси ва Уставидан иборат.

Таъсис шартномаси СФУни таъсис этишга асос бўлувчи ҳужжат бўлиб, уюшманинг ҳуқуқий мақоми, расмий номи, таъсисчилар рўйхати, мақсад ва вазифаларнинг қисқача шарҳидан иборат. Таъсис шартномаси СФУ таъсисчиларнинг барчаси томонидан имзоланади.

СФУ Устави СФУни ички тартибга солишни асосий ҳужжати ҳисобланади. Унда СФУ аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, бошқарув органларининг ташкилий тузилмаси ва уларнинг ўзаро муносабатларининг механизмлари баён этилади. Устав таъсис йиғилишининг раиси томонидан имзоланади.

СФУ тузиш учун керакли хужжатлар намунаси мавжуд бўлиб, у уюшма тузиш жараёнини содалаштириш ва жадалаштиришга ёрдам беради, бироқ маҳаллий ирригация-зовур тармоқлари ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг барча ўзига хос томонларини алоҳида ҳисобга ололмайди. Шунини алоҳида қайд этиш керакки уюшма тузиш жараёнида ўз манфаатини ифодалаш учун ҳар бир аъзонинг иштироки зарур бўлиб бу СФУнинг таъсис шартномаси ва Уставида ирригация-зовур тармоқларини сақлаш ва бошқаришнинг маҳаллий ўзига хос хусусиятлари ва шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда ифодаланган.

Сўнги ташаббускор гуруҳ бўлажак СФУнинг таъсис шартномаси ва Уставини салоҳиятли аъзолар иштирокида муҳокама қилиш ва тасдиқлаш учун умумий йиғилиш чақиради. Таъсис хужжатлари тасдиқлангандан кейин гуруҳ вакиллари СФУ Кенгаши ва Тафтиш комиссиясига номзодлар рўйхатини тузадилар. Уюшма аъзолари ёки сувдан фойдаланувчилар гуруҳи вакиллари Умумий йиғилишда Кенгаш ва Тафтиш комиссиясини сайлаганларидан сўнг Кенгаш аъзолари барча уюшма аъзолари номидан СФУ бошқарувчисини тайинлайдилар.

СФУ аъзоси ким?

СФУ аъзоси уюшма хизмат кўрсатадиган ҳудудда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерга эгалик қилиш ҳуқуқини қўлга киритган юридик ёки жисмоний шахсдир.

СФУнинг сувдан фойдаланувчилар гуруҳи вакили ким?

СФУнинг сувдан фойдаланувчилар гуруҳи вакили умумий йиғилишлардан маълум бир участкадаги (худудий ёки гидрографик бўлинишига кўра) сувдан фойдаланувчилар номидан уларнинг манфатларини ҳимоя қилувчи шахсдир. (агар СФУ аъзолари сони юз кишидан ошса, бу умумий йиғилиш ўтказишда, умумий масалаларни ҳал қилишда қийинчиликлар туғдиради, шунда сувдан фойдаланувчилар бир гуруҳга бирлашиб, уюшма фаолиятида иштирок этиш учун ўзларининг вакилларини сайлайдилар)

СФУ Уставида вакилларни сайлаш муддати ва уларнинг мажбуриятлари, Умумий йиғилишда қанча овоз қўлга киритиши лавимлиги белгалаб берилади.

СФУ аъзолари қандай ҳуқуқ ва мажбуриятга эга?

СФУ аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари уюшма Устави ва унинг фаолиятини мувофиқлаштирувчи бошқа ички ҳужжатларда кўзда тутилган.

СФУ аъзоларининг ҳуқуқлари:

- СФУ бошқарув органига номзодлар тавсия қилиш ёки ўз номзодларини қўйиш
- Сувдан фойдаланиш режасига мувофиқ суғориш сувидан адолатли ва тенг ҳуқуқли фойдаланиш ҳамда қўшимча сув ресурслари мавжуд бўлса биринчи навбатда олиш
- Уз манфаатлари билан боғлиқ масалалар муҳокамасида иштирок этиш
- Шартнома мажбуриятларини бажармаган ва Уставга риоя қилмаган ҳолларда СФУдан даво талаб қилиш
- Сувдан фойдаланувчилар ўз қизиқиши ва умумий манфаатидан келиб чиқиб, СФУ фаолиятига оид маълумотлар билан танишиш.

СФУ аъзоларининг мажбуриятлари

- Устав қоидаларига ва уюшма томонидан қабул қилинган барча меъёрий ҳужжатларга риоя қилиш
- Белгиланган бадалларни ҳамда уюшма хизматлари ҳақини ўз вақтида тўлаш
- Суғориш режимига риоя қилиш ҳамда ҳар бир сувдан фойдаланувчи билан келишилган ҳолда белгаланган лимитдаги сувни олиш
- Уюшмани тасаруфидаги ер ва фойдаланилган сув билан боғлиқ маълумотлар билан таъминлаш.
- СФУга қаршли ирригация-зовур тармоқларини асраб авайлаш

СФУнинг бошқарув органлари

1. Умумий йиғилиш СФУнинг олий бошқарув органидир. Унда барча аъзолар ёки сувдан фойдаланувчилар гуруҳлари вакиллари қатнашади ва

уларнинг ҳар бири бир овозга эга. Умумий йиғилишнинг асосий вазифаларига қуйидагилар киради.

- СФУ Устави ва унинг фаолияти билан боғлиқ ички меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш
- СФУ Кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш ёки вазифасидан озод этиш.
- Бошқарув тузилмаси, ёлланма ишчи-хизматлар сони, уларнинг иш ҳақи миқдори ва уни бериш тартибини тасдиқлаш
- Уюшма аъзолари ва аъзо бўлмаганларнинг бадал тўловлари миқдорини белгилаш
- Уюшманинг истиқболли режалари ва бюджети, уларнинг ҳисоботларини тасдиқлаш.
- СФУнинг йиллик иш режаси ва суғориш жадвалини тасдиқлаш
- Устав тартиблари ва ички меъёрий ҳужжатлар қоидалари бузилган ҳолларда жарималар тури ва миқдорини тасдиқлаш
- СФУ Кенгаши ва Тафтиш комиссияси ҳисоботлари билан танишиш ва тегишли қарорлар қабул қилиш
- СФУ бошқа ташкилотларга бирлашган ҳолда унинг мақомини белгилаш

2. СФУ Кенгаши аъзолари жамоатчилик асосида (иш ҳақисиз) фаолият юритади ва камида ҳар ойда бир марта йиғилади.

Кенгаш ваколатига қуйидагилар киради:

- Кенгаш таркибида Уюшма Кенгаши Координаторини сайлаш
- Умумий йиғилиш кун тартибини тайёрлаш ва чақириқ муддатини белгилаш
- Йиллик ҳисоботни тайёрлаш ва уни Умумий йиғилиш аъзолари ёки СФУ вакилларига тақдим этиш
- СФУ Уставига тузатиш ва ўзгартиришлар киритиш умумий йиғилишга тасдиқлаш учун тақдим этиш

- Умумий йиғилишда қабул қилинган Устав, қарор, шартноманинг бажарилиши ҳамда сув ресурсларидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни қонун талаби доирасида назорат қилиш
- Бюджет, йиллик режа ва иш режага мувофиқ келувчи шартномаларнинг бажарилишини назорат қилиш
- Ижроия органи фаолиятини назорат қилиш
- Уюшма аъзолари ўртасидаги низо ва келишмавчиликларни ҳал қилиш, уларнинг уюшмага нисбатан даволарини кўриб чиқиш
- Устав ва шартномага амал қилмаганларга нисбатан тегишли чоралар кўриш
- Кечиктириб бўлмайдиган ҳолатларга умумий йиғилиш ваколатидаги қарорларни қабул қилиш ва навбатдаги умумий йиғилишда тасдиқлаш
- Уюшмага қабул қилиш ёки аъзоликдан четлатиш аризаларини ўрганиб, тегишли қарор қабул қилиш.

СФУ Кенгаши Координатори Кенгаш аъзолари томонидан маълум муддатга сайланади ва номзод умумий йиғилиш аъзолари билан келишилган ҳолда тасдиқланади. Унинг мажбуриятларига қуйидагилар киради:

- СФУ аъзолари ёки вакилларининг умумий йиғилишлар ҳамда Кенгаш мажлисларини ўтказди
- СФУ фаолияти билан боғлиқ барча масалаларда уюшма вакили сифатида қатнашади
- СФУ Уставида белгилаб берилган бошқа мажбуриятларни бажаради.

3. Тафтиш комиссияси уюшма ва кенгаш молиявий ва хўжалик фаолиятини назорат қилади ҳамда Умумий йиғилишга ҳисобот беради. Уюшма фаолиятдан жиддий молиявий камчиликлар аниқланса, тафтиш комиссияси кенгашдан навбатдан ташқари умумий йиғилиш чакиртиришни талаб қилиш ҳукукига эга.

Тафтиш комиссияси вазифаларига қуйидагилар киради:

- Умумий йигилиш томонидан тасдиқланган меъёрий ҳужжатларда белгилаб берилган вазифаларни бажариш
- Уюшманинг молиявий фаолиятини назорат қилиш
- Ҳисоб рақамлари, активлар ва жихозларни камида бир йилда бир марта Умумий йигилиш ёки сувдан фойдаланувчилар гурғхи вакилларининг йиғилиш қарори асосида таҳлил қилиш ва текшириш
- Аудит назорати бўйича олиб борилган текширувлар натижаси ҳисоботини Умумий йигилиш ва Кенгашга тақдим этиш.

4. Ижроия орган СФУнинг кундалиқ фаолиятини амалга оширади. У бошқарувчи, ҳисобчи ва техник ходимлардан иборатдир. Бу меҳнатга ҳақ туланадиган ягона орган бўлиб, уларнинг ваколат муддатлари меҳнат шартномасида белгилаб берилади.

Ижроия органининг вазифаларига қуйидагилар қиради

- СФУ аъзолари ҳамда аъзо бўлмаган шахслар билан сув ҳужалиги хизмати курсатиш юзасидан шартномалар тузиш
- Ирригация-зовур тармоқларини ишчи ҳолатда сақлаш ва уларга техник хизмат курсатиш
- Сув етказиш ва уни СФУ аъзолари ўртасида тақсимлаш йиллик режасини тузиш ҳамда амалга ошириш, шунингдек сувнинг таъминотчилар томонидан етказилишини назорат қилиш.
- Бюджет лойихаси, ирригация-зовур тармоқларини ишлатиш ва сақлаш режаси ҳамда бошқа талаб қилинадиган меъёрий ҳужжатларни тузиш ва кенгашга тақдим этиш.
- Умумий йигилиш ва Кенгаш қабул қилган қарорларни бажариш.

СФУнинг молиявий манбалари ва мулки

СФУнинг молиявий манбаларини аъзоларнинг бадаллари, уюшма аъзоси бўлмаганларнинг шартнома асосида курсатилган хизматлар учун тўловлари, давлат ва бошқа манбаларнинг грантлари ташкил этади. СФУ аъзоларининг сув хизмати учун туланадиган бадаллари миқдори Умумий йигилиш томонидан

белгиланиб, у уюшманинг ирригация-зовур тармоқларини ишлатиш ва саклаш харажатларини коплаши керак.

СФУ узи сотиб олган ва унга топширилган бошка мол-мулкнинг эгаси ҳисобланади. У хизмат курсатадиган ҳудуддаги ирригация-зовур тармоқлари ва унда жойлашган техник-иншоотлар шулар жумласидандир. СФУ сув ресурсларидан самарали фойдаланишнинг асосий воситасидир.

3.2. Сувдан фойдаланувчилар уюшмаларини ташкил қилиш ва уларни бошқарув органлари

Шўролар даврида давлат хўжаликларида, колхозда кейинчалик Мустақил Ўзбекистонда 20003 йилгача ширкатларда қишлоқ хўжалик экин далаларини сув билан таъминлаш мақсадида махсус ирригация бўлими ташкил қилинган бўлиб, уни хўжалик бош ирригатори бошқарар эди . Бош ирригатор туман хўжаликлараро каналлари орқали хўжалик ҳудудига етказиб борилган сувга тўлиқ хўжайин ҳисобланиб, унинг раҳбарлигида участка гидротехникалари ва мироблар фаолият кўсатар эди . Уларнинг асосий вазифаси хўжаликларнинг участкаларига ва биргадаларига сув етказиб беришдан иборат эди. Ҳозирги кунга келиб сув хўжалигини бошқаришнинг ҳудудий тизими тугатилиб хавзавий бошқариш усулига ўтилгандан кейин ирригация тизимлари хавза бошқармасининг таркибида магистрал каналлар бошқармаси, ирригация тизимлари бошқармаси ва истемолчиларга сув тақсимлаб берувчи гидростлар ташкил этилди. Гидростлар томонидан тақсимлаб бериладиган сувларни асосан сувдан фойдаланувчилар уюшмалари ва қисман бевосита сув истемолчилари (фермер ва бошқа истемолчилар) қабул қилиб оладиган бўлди . 2007 йилнинг охирига келиб республикада ширкатлар тугатилиб 200 мингдан ортиқ фермер хўжаликлари ташкил қилинди. Фермер хўжаликларини сув билан таъминлашни яхши йўлга қўйиш учун ёппасига сувдан фойдаланувчилар уюшмаларини тузиш бошланди .


СФУ тузуш учун уюшманинг бўлажак аъзоларидан иборат ташаббускор гуруҳ зарурий ҳужжатларни таёрлайди. Ушбу гуруҳ СФУнинг таъсис ҳужжати ва устав лоиҳасини аъзоларининг таклифларини ҳисобга олган ҳолда тузади ва бунинг учун фермерлар орсидан тушунтириш ишларини олиб боради. Таъсис ҳужжатлари СФУнинг таъсис шартномаси ва уставидан иборат.

Таъсис шартномаси СФУни таъсис этишга асос бўладиган ҳужжат бўлиб, уюшманинг мақоми, расмий номи, таъсисчилар рўйхати, мақсад ва вазифаларнинг қисқача шартидан иборат. Таъсис шартномаси СФУ таъсисчиларнинг барчаси томонидан имзоланади.

СФУ тузиш учун зарур бўладиган ҳужжатлар намунаси мавжуд бўлиб, улар уюшмани тузиш жараёнини осонлаштиради ва тезлаштиришга ёрдам беради. Шунинг алоҳида қайд этиш керакки, уюшмани тузиш жараёнида ўз маҳоратини ифодалаш учун ҳар бир аъзонинг иштироки зарур бўлиб, бу СФУнинг таъсис шартномаси ва уставда ирригация- зовур тармоқларини сақлаш ва бошқаришнинг маҳаллий ўзига хос хусусиятлари ва шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда ифодаланади. Бу ишларни бажаргандан сўнг ташаббускор гуруҳ бўлажак СФУнинг таъсис шартномаси ва уставини салоҳиятли аъзолари иштирокида муҳоқама қилиш ва тасдиқлаш учун умумий йиғилишга такдим этади. Таъсис ҳужжатлари тасдиқлангандан сўнг уюшма аъзолари ёки сувдан фойдаланивчилар гуруҳи вакиллари СФУ кенгаши ва тафтиш комиссиясига номзодлар рўйхатини тузадилар. Уюшма аъзолари ёки сувдан фойдаланувчилар гуруҳи вакиллари умумий йиғилишда Кенгаш ва тафтиш комиссиясини сайланганларидан сўнг кенгаш аъзолари барча уюшма аъзолари номидан СФУ бошқаривчисини тайинлайдилар.

СФУнинг бошқарувчиси сувдан фойдаланивчилар номидан уларнинг мафатларини ҳимоя қилуви сайланган шахс ҳисобланади.

СФУнинг ташкилий тузилмаси.



1. СФУни ташкил қилишдан мақсад ва унинг вазифалари.

СФУнинг асосий мақсади таъсисчиларга ҳамда уюшма худудидаги бошқа сувдан фойдаланивчиларга ўрнатилган лимит асосида сув етказиб бериш, ўзаро ички сув хўжалиги муносабатларини тартибга солиш, унинг сувдан фойдаланиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш, шунингдек қонунда ман этилмаган бошқа фаолиятларни амалга оширишдан иборат.

СФУ ўз мақсадини амалга ошириш учун қўйдагиларни бажаради.

- Сувдан фойдаланивчиларни ва уларни сув олиш жойларини рўйхатдан ўтказди.
- Сувдан фойдаланиш режаларини ишлаб чиқариш ва уларни ирригация тизими бошқармаси томонидан уюшмага белгиланган лимит доирасида мувофиқлаштиради.

- Сувдан фойдаланивчиларга ажратилган лимитлар доирасида сув етказиб бериш ва ўрнатилган тартибда сувнинг олди-бердиси ва ҳисобатларни олиб боради.

- СФУ таъсисчилари ташкилотлари ва бошқа сувдан фойдаланивчилар ҳамда сув хўжалиги ташкилотлари билан ички сув хўжалиги объектларини таъмирлаш ва ишлатиш бўйича шартномаларни тузади ва унинг бажаришни таъминлайди.

- СФУ худудидаги ички сув хўжалиги объектларини тозалаш ва таъмирлаш, реконструкция қилиш ишларини ташкил этади.

- Сув ўлчаш воситаларини қуришни ташкил этиш ва уларни белгиланган тартибда паспортларини тузиш, шохдатлаш ҳамда рўйхатдан ўтказишни таъминлайди.

- Ер эгаларига ерларнинг шўрини ювиш, сувдан мақсадли ва самарали фойдаланишни таъминлаш бўйича тадбирларни амалга оширишда услубий ва амалий ёрдам кўрсатади.

- Сувни тежаш ва илғорлар тажрибаларини ҳамда Янги технологияларни жорий қилишни ташкил этади.

- СФУ балансидаги асосий воситаларини техник кўриклардан ўтказиб бориш, ва янгилаш, ресурсларни иқтисод қилувчи техника ва технологияларни жорий қилиш бўйича жорий ва истиқболли режаларни ишлаб чиқариш, умумий, шу жумладан ва ривожланиш сарф харажатлар сметасини ишлаб-чиқариш ҳамда ҳар-бир сувдан фойдаланувчининг бадалларини ҳисоб-китоби, белгиланган тартибда таъсисчиларнинг умумий йиғилишида тасдиқланади.

- Уз фаолияти тўғрисида белгиланган тартибда туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимига, Ирригация тизими бошқармасига ҳамда тегишли ташкилот ва идораларга ахборот ва ҳисобатлар бериб боради.

- СФУ таъсисчиларининг ҳақ-ҳуқларини ва манфаатларини ҳимоя қилади.

•СФУ ўз таъсисчиларига ва унинг худудидаги бошқа сувдан фойдаланувчиларга уларнинг манфатларини кўзлаган ҳолда қонунга зид бўлмаган бошқа фаолият турларини ҳам кўрсатиши мумкин.

3.3. Хорижий мамлакатларда хўжалик ичида сувдан фойдаланишнинг ташкил этилиши (тажрибаларни умумлаштириш)

Дунёда сув хўжалик тизимларини фақат давлат тузилмалари орқали тўлиқ бошқариш ҳоллари борган сари жуда кам учрамоқда. Фақат давлат томонидан бошқариш принципи ва бу жараёндан сувдан фойдаланувчиларни чиқаришни амалга ошириш давлатга жуда қимматга тушади. Шу сабабли давлат сув хўжалиги тизимини бошқариш бўйича вазифаларининг бир қисмини сувдан фойдаланувчилар ташкилотларига, кўпроқ сувдан фойдаланувчилар уюшмаси (СФУ) деб номланган ташкилотларга топширади. Охирги таъриф сув ресурсларидан фойдаланувчи кишилар (шахслар)нинг уюшган гуруҳини англатиб, у сув хўжалиги тизимини у ёки бу шаклда бошқаришда иштирок этади ва унинг таъминоти ва тараққиёти бўйича вазифаларни бажаради. СФУнинг мавжуд шакллари куйидаги вариантлар бўйича тасниф қилиш мумкин

- давлат билан ҳамкорликда бошқариш;
- давлат томонидан бошқаришда сувдан фойдаланувчилар уюшмасининг мулкка эгаллиги;
- сувдан фойдаланувчиларнинг тўлиқ назорат қилишди вариантларнинг биридан фарқи - бу, аслини олганда, давлат ва сувдан фойдаланувчилар ўртасида сувни тақсимлаш ва мулкни таъминлашни бошқариш бўйича масъулиятни тақсим этишдир. Биринчи ва иккинчи вариантлар энг кўп тарқалган шакллар ҳисобланади. Охирги вариант жуда ҳам кам, асосан, катга бўлмаган маҳаллий даражадаги тармоқларда учрайди. Сувдан фойдаланишни бошқариш давлатнинг энг муҳим вазифаси ҳисобланиб, у орқали сув ресурсларидан фойдаланишнинг салбий оқибатлари олдини олиш мақсадидаги назорат қилиш ва таъсир қилиш ишлари тушунилади. Бошқариш ишлари сув ресурсларини тақсимлаш соҳасида, сувдан

фойдаланувчилар ва халқ хўжалиги тармоқлари ўртасидаги баҳсларни хал этишда, сувнинг сифатини сақлаб туришда, баҳо белгилашда ва фаолиятининг бошқа сохаларида амалга оширилади. Давлат ва сувдан фойдаланувчилар ўртасидаги вазифаларни тақсим этиш ҳам сув хўжалиги тизимлари даражасига боғлиқ равишда ўзгариб туради. Кўп тизимга эга бўлган дарё ховзалари даражасида давлат деярли ҳамма вақт асосий рол ўйнайди. Асосий тизим даражасида сувдан фойдаланувчи муайян қарорлар қабул қилишда иштирок этиши мумкин, бироқ давлат тизимнинг эгаси сифатида, мунтазам ролини сақлаб қолади, ҳамкорликда бошқариш кўпроқ тармоқ ости даражасида ва сувдан фойдаланувчилар ўртасида сув ресурсларини тақсимлашда, давлатнинг иштироки энг кам бўлган даражада учраб туради.

Сувдан фойдаланишни СФУ орқали ташкил этиш ривожланган мамлакатларда деярли ҳар тарафлама кенг тарқалиб, ушбу шакл сув ресурсларини бошқаришнинг самарали шакли сифатида мустахкам мавқега эга. Кейинги йилларда ушбу шаклни ривожланаётган мамлакатларда ҳам биргаликда жорий этиш бошланди. Бунга қуйидаги омиллар ёрдам беради:

- ерга хусусий эгаллик ва жуда кўп майда ер эгаларининг мавжудлиги;
- бозор муносабатларининг ривожланиши ва капитал бозорининг шаклланиши;
- қадимги демократик анъаналар ва кишиларнинг ўзларини бирлаштириш қобилияти.

Уюшмани ташкил этиш. СФУ мавжуд хўжаликни бошқариш тизимида ташқи таъсирлар остида, биринчи навбатда ўзини давлат сув хўжа-лиги ташкилотлари кўринишида ифода этган давлат таъсирида вужудга келади. Улар ердан фойдаланувчилар ўртасида СФУнинг мақсад ва вазифалари, унинг мавжуд сувдан фойдаланувчи ташкилотларидан афзал жиҳатларини тушунтириб тарғибот ишларини олиб борадилар. Бироқ, СФУ ташкилоти, умуман олганда, тўғридан-тўғри СФУга катта ишонч билан қарайдиган ва унинг ишлари ташқаридан келтирилгани учун эмас, балки ўзлари тузгани учун ҳам шахсий маъмурият билан сувдан фойдаланувчилар томонидан тузилади. СФУ мавжуд сув хўжалиги

тизимлари асосида тузилганда анча самарали бўлади, чунки бу ерда сувдан фойдаланувчилар талабларини мувофиқлаштиришдаги қоидалар ва муносабатлар бўйича малака ва ишлаб чиқариш йўллари сакданиб қолади.

Уюшма аъзолари. Агар СФУ аъзолари мумкин қадар манфаатларга эга бўлсалар шу қадар барқарор бўлади. Умумий манфаатлар сув ресурсларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлгани учун ҳам, СФУ кўп ҳолларда сув ресурсларининг ягона манбасига эга бўлган суғориш тармоқлари, чегарасида шаклланади.

Суғориш тармоқлари чегарасида СФУ сувдан фойдаланувчилари доирасини кенгайтириш зарур. СФУда сувдан фойдаланувчилар гуруҳининг иштирок этмаслиги уларнинг ҳуқуқий жиҳатдан тенгсизлигини келтириб чиқарди, шунингдек СФУга келиб тушадиган потенциал тушумларни қисқартиради. Бу эса СФУ аъзолари ва унга аъзо бўлмаганлар ўртасида тенгликни келтириб чиқарди, ҳатто СФУ аъзолари сони кўпчиликти ташкил этган ҳолларда ҳам улардаги асосий ўринни маҳаллий элита эгаллаб олиб, улар маълум шахслар манфаати йўлидаги сиёсатни олиб борадилар. Шу нуқтаи назардан СФУ аъзолигига иложи бўлса бошқаларни, саноат, шаҳар ва ирригацияга тегишли бўлмаган сувдан фойдаланувчиларни жалб этиш керак.

Уюшманинг катталиги. СФУнинг ҳудудий катталиги масаласи оддий иш эмас. Амалда улар 2 га дан 200,0 минг га.гача бўлган майдондан ва бир нечтадан бир неча мингтагача сувдан фойдаланувчилардан ташкил топади. Мадомики, майдон сув келтириш масофасига, аъзолар эса сувдан фойдаланувчилар талабларини мувофиқлаштириш мураккаблигига таъсир этар экан, СФУнинг майдон масаласидаги асосий мураккаблик майдон ва аъзолар сони ўртасидаги тақсимотда вужудга келади. Тажриба шуни кўрсатадики, анча йирик СФУ сувдан фойдаланувчилари талабларини мувофиқлаштиришда вақтни кўлдан бой беришлари мумкин, бироқ СФУнинг иқтисодий самарадорлиги томонидан фойда кўрадилар, яъни камроқ харажатлар сарфлайди. Майда СФУ сувдан фойдаланувчиларнинг талабларини анча юқори даражада мувофиқлаштиришлари, сувдан фойдаланиш қоидаларини жуда кам ҳолларда бузишга йўл кўйишлари

билан жуда катта солиштирма харажатлар сарфланиши билан ажралиб туради. Йирик СФУ аъзолари йирик ер эгалари бўлган ҳолатда, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш кўп харажатларни талаб қилмаганда анча самарали ҳисобланади. Майдон жиҳатдан йирик ҳисобланган СФУ ва кўплаб майда ер эгалари учун сарф харажатлар сув хўжалиги тармоғининг транспорт, алоқа, автоматлаштириш, эксплуатация ходимларининг малакаси юқори бўлиши каби инфратузилмаси тараққий қилган бир пайтда анча қисқариши мумкин.

Уюшмалар Федерацияси. СФУ иқтисодий самарадорлигини ошириш йўлларида бири ташкилотларнинг федератив тизимидир. Бу сув хўжалиги тармоғини бошқаришдаги ҳар қандай даражадаги СФУ ўртасидаги ишларни мувофиқлаштиришни амалга оширишга имкон беради. Умумий сув ресурслари манбаи билан боғлиқ бўлган маҳаллий даражадаги СФУ анча юқори даражадаги сув тақсимотини амалга оширадиган СФУда ўз вакилларига эга бўлишлари мумкин. Юқори даражадаги СФУ эса янада юқорироқ даражадаги бирликка тўпланиши мумкин ва хоказо, охир-оқибатда эса бутун тармоқда пирамидасимон тузилма ҳосил бўлади. Бундан ташқари тармоқ СФУга фаолият спектрини кенгайтиришга имкон беради, сувдан фойдаланувчилар ва давлат тузилмаси ўртасидаги муносабатларни енгилаштиради. Сувдан фойдаланувчиларнинг фикрича, мухтор СФУ бошқа ташкилотлар билан, бошқа манфаатдор гуруҳлар билан бўлган муносабатлар жараёнида катта салмоққа эга бўлган СФУ федерацияси каби самарадор бўлаолмайди. Федерацияга мансуб тузилманинг муҳим ютуғи сув ресурсларини тақсим қилиш бўйича қарорлар қабул қилиш жараёнида сувдан фойдаланувчилар нуфузини оширишдир.

Уюшма объектларицаан фойдаланиш шакллари. СФУ объектларидан фойдаланишнинг уч хил тури мавжуд. Биринчиси - эксплуатация ишларини сувдан фойдаланувчиларнинг ўзи бевосита меҳнат қилиш билан бажарадилар. Иккинчисида эксплуатация ишлари фақат ёлланма ходим воситасида бажарилади. Ва ниҳояг учинчиси сувдан фойдаианувчилар ва ёлланма ходимнинг биргаликдаги меҳнатидан иборат.

Биринчи усул кичик СФУлари, яъни маҳаллий сув манбаларидан фойдаланмайдиганлар учун тегишли. Иккисиси, жуда кенг тарқалган шакл бўлиб, йирик СФУ ёки уларнинг федерацияларнда кўлланилади. Учинчи усул эса хўжалик ичидаги тармоқ сувдан фойдаланувчилар томонидан, хўжаликлараро тармоқ ёллаган ходим томонидан таъминланган ҳолларда амал қилади.

СФУ хизматчилари ролини ташкилий ва техник жиҳатларга ажратиш мумкин. Ташкилий хизмат вазифалари (президентлик лавозими, кенгаш аъзолари, хизматчи вазифалари) СФУ ўз ишлари билан боғланган бўлса, техник вазифалар сув хўжалиги тармоғи техник эксплуатацияси билан шуғулланади. Аввалгилари, одатда, СФУ аъзолари ичидан сайлаб олинади ва ҳар доим ҳам ўз вазифаларини бажарганликлари учун ҳақ олишмайди. Техник лавозимларни, одатда, сувдан фойдаланувчи ёки СФУ аъзоси бўлмаган ёлланма ходимлар эгаллайди. Шунга мувофиқ, СФУ йирик ва мураккаб тузимларни бошқаришни бошлагани сари, янги-янги хизмат вазифалари: мутахассис бошқарувчилар, иқтисодчилар, аудиторлар, ҳуқуқшунослар ва ундан кейин социологлар, компьютер операторлари, тупроқшунослар ва бошқалар пайдо бўлади. СФУ ва давлат тузилмалари ўртасидаги фарқ СФУ сайлов жараёнида ҳамда раҳбар ва техник ходимларнинг ҳисобот беришида кўрилади. Давлат тизимида раҳбар ва техник ходимлар юқори структуралар томонидан тайинланади ва уларнинг олдида ҳисобот беради. Раҳбар ва техник ходимларнинг СФУ аъзолари олдида ҳисобот бериш механизми вазифаларнинг борган сари ихтисослашиб боришида катта аҳамият касб этади.

Ташқи шарт-шароитлар. СФУ барқарор ишлаши фақатгина СФУ ички тузилишини мукамал ташкил этиш билангина эмас, балки ташқи шароитнинг таъсири, ташқи ёрдам ва ташқи омилларни жалб этиш кабилар билан ҳам боғлиқдир. СФУни ташкил этиш ва бошқариш ишларига қисқа муддатли ёрдам кўрсатиб, унинг самарасини жуда тез вақт ичида намоён бўлишини кутадилар, шундан кейин эса улардан пайдо бўлаётган муаммоларни ташқи ёрдам ва ташқи омилларсиз удалай билишларини кутадилар. Агар СФУ дастлабки пайтларда муваффақиятларга эриша олмаса, улар мана шу асосида сув хўжалиги комплексини бошқаришнинг истиқболсиз ташкилотлари қаторига кўшиб кўйилади. Шунинг учун

ҳам СФУнинг барқарор ва самарали ишлаши учун қандай таъсир ва ёрдамлар чоралари кўрилиши керак деган масалани жуда муҳим деб ҳисоблаш керак.

Сувдан фойдаланувчилар учун рағбатлантирувчи омиллар. СФУнинг дастлабки ютуқлари ва барқарор ишлаши сувдан фойдаланувчилар учун сезиларли бўлган рағбатлантирувчи омиллар билан боғлиқ бўлиб, бу нарсалар сувдан фойдаланувчиларнинг СФУда фаол иштирок этишлари учун муҳим омил ҳисобланади. Сувдан фойдаланувчилар сув хўжалиги тармоғини таъминлаш ва ривожлантиришда жиддий харажатлар сарф этар эканлар, улар мана шу харажатларнинг бошланғич ёки кейинги босқичларда қопланишидан тўғридан-тўғри манфаатдордирлар. СФУни ташкил этиш ва ривожлантиришда сувдан фойдаланувчиларни рағбатлантиришга кўмак берадиган асосий тадбирлар қуйидагилардан иборат.

Сув хўжалиги тармоғини техник такомиллаштириш сувнинг исроф бўлишини пасайтиришни таъминлайди, эксплуатация учун харажатларни иқтисод қилади. Анча самарали ва ишончли усулда сув келтиради. Сувдан фойдаланувчилар жуда арзон сув ва энергияни ҳар доим ҳам афзал деб билмайдилар. Улар ишончли ва қулай бўлган хизмат учун анча кўп маблағ тўлашга ҳам тайер.

Меҳнат унумдорлигининг ўсиши ва даромадларнинг ошиб бориши, сув хўжалиги хизматини яхшилаш ҳисобига ишлаб чиқаришнинг потенциали ўсиши сувдан фойдаланувчилар учун муҳим рағбатлантириш омилли ҳисобланади. СФУ сувдан фойдаланувчилар ҳуқуқининг кенгайтирилиши сувдан фойдаланувчиларга ташқи ва ички масалаларни ўзлари ҳал этиш имконини беради. Ўз зиммасига анча кенг вазифаларни олган сувдан фойдаланувчилар хизмати учун ҳақ тўлашни аниқлаш, сув узатиш жадвалини тузиш, сув олиш учун ҳуқуқ бериш ёки уни олиб қўйиш ва бошқа масалаларни ҳил этишда катта таъсир кўрсатадилар. Шунингдек, сувдан фойдаланувчилар ўртасидаги СФУ ва ташқи ташкилотлар ўртасида сув тақсимлаш билан боғлиқ келишмовчиликларни ҳал этадилар. Сувдан фойдаланувчилар ўзларига тегишли қарорларни қабул қилишда иштарок этган вақтларида кўпинча баҳслар тезкор ва дўстона ҳал этилиши мумкин.

Харажатларни кискартириш ва келишмовчиликларни хал этиш шарт бўлган ижтимоий танглик даражасини пасайтириш сувдан фовдаланувчилар учун энг яхши рағбатлантириш ҳисобланади.

СФУнинг молиявий бойлиги. Сув хўжалиги тармоқларини таъмирлаш учун катта маблағнинг кераклиги ва давлатнинг ушбу маблағни қоплай олмаслиги уларни СФУ бошқармасига бериб юборилиши учун асосий сабаб бўлади. Бироқ ушбу харажатларни тўлиқ коплашда СФУнинг молиявий имкониятлари тўлиқ ҳисобга олинмайди. Давлатнинг катта субсидияларини талаб қиладиган тизимлар СФУ маблағи ҳисобидан таъмирлана олишларига умид қилолмайдилар. Бундай ҳолларда СФУ таъмирлаш эксплуатация ишлари хажмини кискартиришга мажбур бўлади ёки бу ҳол банкротликка олиб келиши мумкин. Агар сувдан фойдаланувчиларнинг таъмирлаш учун сарфлайдиган харажатлари суғориладиган ерлардан олинадиган ялпи ёки соф даромаднинг катта қисмини ташкил этса, у ҳолда СФУнинг барқарор ва муваффақиятли ишлаши эҳтимолдан узоқ. Бу айниқса, эксплуатация учун катта чиқимлар сарфлаш билан машинада суғориш тизимига тегишлидир.

Асосий сиёсат. Маҳаллий даража доираси ва ирригация секторидан ташқаридаги давлат сиёсати СФУ фаолиятига бевосита таъсир кўрсатади.

Жамоатчилик фаолияти учун очилган маъмурий децентрализация, режимлари СФУ фаолияти учун қулайдир. Шунинг билан бирга тоталитар режим ҳар доим ҳам СФУ тузиш учун тўсик бўлолмайди. Молиявий децентрализациялаштириш сиёсати СФУнинг тараққиёти учун қулай шароитлар яратиб беради. Сув учун баҳо белгилаш сиёсати ҳам СФУ ташкил этишга жиддий таъсир кўрсатади. Сув хўжалиги суғориладиган майдонга боғлиқ ҳолда ҳақ тўлашнинг асосий нормаси нарх белгилашнинг, айниқса, ривожланаётган мамлакатларда жуда кенг тарқалган шакли ҳисобланади. Гарчи, суғоришнинг самарадорлиги нуқтаи назаридан, сув миқдорига ёки унинг муқобил нархи учун ҳақ тўлаш қарх белгилашнинг анча мукаммалашган механизмини қўллаш жуда қийин, катта миқдордаги сувдан фойдаланувчиларга эга йирик сув хўжалиги системалари шароитида деярли қўллаш мумкин бўлмайди. Бундай шароитларда

СФУ йирик давлат тизимидан сувни сотиб олувчи «улгуржи харидор» сифатида майдонга чиқади, шундан кейин сувдан фойдаланувчилардан сув учун пул йиғиб олади. Экин майдонлари таркибини сувдан фойдаланувчиларнинг ўзлари томонидан белгиланишига ва уни оптимал нархларда сотишга имкон берадиган қишлоқ хўжалиги сиёсати СФУ тараққий этишига ёрдам беради. СФУни ташкил этишда агросервис инфратузилмасини ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотувчи бозорларни ривожлантириш ижобий таъсир кўрсатади.

Ҳуқуқий база. СФУнинг барқарор ишлаши қонун билан белгиланган ҳуқуқий мавқеи ҳамда ҳуқуқ ва бурчлари билан боғлиқ бўлиб уларнинг бозор муносабатлари шароитларида давлат корхоналари билан ҳамкорлик қила олишларига имкон яратади. Қуйидаги асосий шартлар қонун чиқариш йўли билан мустахкамланган бўлиши лозим.

СФУнинг сувни тақсимлаш ва давлат сув хўжалиги тармоғидаги келишмовчиликларни ҳал қилишда иштирок этиш ҳуқуқи.

Ўз аъзолари ресурсларини сафарбар қилиш ҳуқуқи (ва потенциал бошқа манбалардан ҳам). Хизматга ҳақ тўлаш ҳажмини аниқлаш ҳуқуқидан ташқари ҳақ тўламаётганларга сув беришини тўхтатиш ёхуд жиддий жазо чораларини кўриш ҳуқуқи.

Банкда ҳисоб рақами очиш ва иш юритиш ҳамда ҳуқуқий шахс сифатида кредитлар олиш.

Ирригация иншоотларига эгалик қилиш ва (ёки) сувдан фойдаланиш ҳуқуқи. СФУни мустахкамлашдан ташқари ирригация иншоотларига эгалик қилиш сувдан фойдаланувчилар манфаатдорлигини оширади ва уларни самарали ишлатишга бўлган рағбатини оширади. Сувдан фойдаланиш ҳуқуқи энг кам тарқалган ҳодиса ҳисобланади, бироқ СФУга сув ресурсларини тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилиш имконини беради ва агар сувни икгисод қилиш, суғориш майдонларини кўпайтириш, намликни яхши кўрадиган, иктисодий жихатдан фойда келтирадиган ўсимликларни етиштириш, ортиқча сувни сотиш каби шаклларда фойда келтирса, сувни тежаш учун рағбатлантирувчи омил ҳисобланади.

Раҳбарият фаолиятини назорат қилиш учун шароит яратиш. Молиявий ва ишлаб чиқариш раҳбарлари фаолиятини назорат қилиш механизмининг мавжуд эмаслиги СФУ аъзоларининг айрим гуруҳлари ўртасида ишончсизликнинг пайдо бўлишига жиддий сабаб бўлади.

Сув хўжалиги тизимида таъмирлаш-эксплуатация ишларини бажаришда пудратчиларни эркин танлаш ҳуқуқи.

СФУнинг кўп мамлакатларда амалда фаолият кўрсатиш тажрибаси шуни кўрсатадики у сув хўжалиги тармоғидаги иш кўрсаткичларини давлат структураларига ва уюшмаган сувдан фойдаланувчиларга нисбатан яхшилаш учун кўпроқ ёрдам беради. Жумладан, сув таксимлашни ишончли, тезкор ва объектив амалга ошириш, эксплуатация ва тубдан таъмирлаш учун харажатларни камайтириш, суғориладиган ерлар маҳсулдорлигини оширишга имкон беради. Буни сувдан фойдаланувчиларда сув хўжалиги истеъмолчиларини бошқаришга ҳақиқатдан таъсир эта олиш имкониятлари борлиги ва сувга бўлган ҳақиқий эҳтиёж ҳақидаги анча сифатли ахборотларга эга эканлиги билан тушунтириш мумкин. Ундан кейин, сув хўжалиги тармоғини таъмирлаш ва ривожлантириш бўйича муайян чиқимлар сарфлаётган сувдан фойдаланувчилар кўшимча харажатларни иш ҳақи фондини, моддий-техник ресурслари учун харажатларни оқиллилик билан пасайтириш ҳисобига камайтиришдан манфаатдордирлар. Шу билан бирга сувдан фойдаланувчилар сув хўжалиги тармоқларининг молиявий бадавлатлигидан кам манфаатдор эмаслар, чунки уларнинг молиявий аҳволи ҳам шунга боғлиқ.

СФУни ташкил этиш учун сув ресурсларини бошқаришнинг мавжуд ташкилий тузилишидан ёки иқтисодаётнинг бошқа соҳаларидаги мавжуд намуналардан бор имкониятларни ишга солиб фойдланиш мумкин.

СФУнинг аъзолари ижтимоий аҳволи, мулкӣ аҳволи ва келиб чиқиши жихатидан бир-бирига нисбатан ўхшаш бўлса, бундай СФУ анча барқарор бўлади.

СФУнинг ягона оптамал майдони мавжуд эмас. СФУнинг ўсиб бориши билан харажатларнинг умумий миқдори ошиб боради ва унинг аъзолари вазифаларининг бажарилишини назорат қилиш қийинлашади. Шунинг билан

бирга катта СФУлар учун солиштирма чиқимлар камаяди ва сув хўжалиги тизимини бошқариш бўйича анча катта кўламдаги ва мураккаб вазифаларни бажариш имкони пайдо бўлади. СФУ федерациясининг ташкил топиши уларга майда СФУ афзаллигини сақлаб қолган ҳолда катта масштабда фаолият кўрсатиш имконини яратади.

СФУ доирасида тузилма ва вазифалар унинг тижоратлашганлиги бозор муносабатларининг тараққиёт даражаси билан боғлиқ. Уларнинг ривожланиши туфайли Уюшма аъзолари меҳнатини алмаштириш тўғридан-тўғри ихтисослашган ёлланма ходим меҳнатидан фойдаланиш имконияти туғилади.

СФУни ташкил этишнинг иккита модели жуда кенг тарқалган.

Биринчи модел СФУ ишларида барча аъзоларининг тўғридан-тўғри иштирок этишлари билан ишлайди ва одатдагидек у кичик кўламда бўлади. Бундай ташкилотлар ижтимоий жихатдан ўхшаш ва ижтимоий жихатдан бир-бирига яқин ҳамда ер участкаларига, ривожланмаган бозор муносабатларига ва суғоришнинг содда технологиясига эга бўлган жамоалар учун ўринлидир.

Иккинчи модел анча катта кўламдаги СФУлар эга бўлиши мумкин бўлган ихтисослашган ташкилотни намоёниш этади. Улар умуман қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан эмас, балки асосан сув хўжалиги фаолияти билан шуғулланадилар. Бундай СФУлари анча йирик ер эгалиги, сезиларли даражада ривожланган бозор ва мукамал технологиялар асосида яратилади.

Сувдан фойдаланувчиларнинг СФУдан манфаатдорлигининг кафили уларнинг уюшмаларда иштирок этишлари учун чиқимлардан келадиган фойдани ошириш ёки тенглаштириш ҳисобланади.

Давлат ҳам, агар СФУлар унинг сув хўжалигини таъмирлаш ва ривожлантириш учун берадиган субсидияларининг пасайишига ёрдам берадиган бўлса, СФУ тузиш ва уларни кўллаб қуватлашдан манфаатдордир.

СФУга бирлашган сувдан фойдаланувчилар анча юқори даражада бўлган мураккаб сув хўжалиги тармоғини бошқаришга қодирдир. Бирок, бунинг учун сувдан фойдаланиш қоидалари давлат томонидан доимий кўллаб-қувватланиши ва СФУнинг узоқ муддат барқарор туриш учун тегишли ҳуқуқий таъминот талаб

этилади. Бу ташқи ташкилотлар билан ўзининг ўзаро муносабатларини самарали аниқлашга имкон берувчи фавкулудда муҳим шарт ҳисобланади. Ҳуқуқий асос СФУ аъзоларининг маҳаллий шароитга мослашишлари, уларнинг ҳуқуқ ва бурчларини тенглаштириши лозим бўлгани учун ҳам етарли даражада мослашувчан бўлиши керак.

СФУ ўз зиммасига қўшимча вазифалар олганига қараб давлатнинг мавқеи ўзгариши мумкин бўлсада, давлат СФУнинг узоқ вақт барқарор ишлашини таъминлаш учун ўз мавқеини сақламоғи лозим. Давлатнинг доимий вазифаларига: сувдан фойдаланиш ҳуқуқини белгилаш ва унга тузатишлар киритиш, сув ресурсларидан фойдаланишни тартибга солиш, СФУ фаолияти учун зарур ҳуқуқий базани таъминлаш, малакали ходимлар тайёрлаш, шунингдек қайта таъмирлаш ва янги сув хўжалиги иншоотлари қуриш дастурларини маблағ билан таъминлаш киради.

Қисқача хулосалар

Ушбу бобда сувдан фойдаланувчилар уюшмасини ташкил қилиш тартиби, унинг ташкилий тузилмаси, уюшманинг намунавий таъсис шартномаси, СФУ ни ташкил қилиш бўйича туман ҳокимининг қарори, намунавий низом нусхаси, уюшмани тузишдан мақсад ва унинг вазифалари, мажбурият ва ҳуқуқлари, бошқарув ижро органлари, мол-мулки ва жавобгарлиги, молиявий фаолияти, СФУ ни ташкил қилиш бўйича умумий йиғилиш ва вакиллар йиғилишини ўтказиш тартиби ва сайлов ўтказишни ташкил қилиш, СФУ кенгашини тузиш тартиби ёритилган.

СФУ ларни ташкил қилиш бўйича хорижий мамлакатларнинг тажрибалари ўрганилган. Бу тажрибаларни ўрганишда уларнинг вазифалари, мажбурият ва ҳуқуқлари аниқланган. Уюшма объектларидан фойдаланиш таклифи, СФУ нинг молиявий бойлигини эътиборга олган ҳолда улардан фойдаланишни яхшилаш йўллари ёритилган.

Таянч иборалар

Сувдан фойдаланувчилар уюшмалари, СФУ нинг таъсис шартномаси, намунавий назоми, молиявий фаолияти, бошқарув ижро органлари, умумий йиғилиш, вакиллар йиғилиши, СФУ аъзолигига сайловлар ўтказиш, СФУ кенгаши, тафтиш комиссияси, СФУ ларни мақсади, мажбуриятлари ва бошқалар.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. СФУ ларни ташкил қилиш тартиби.
2. СФУ ларни ташкилий тузилмаси.
3. СФУ ларни намунавий таъсис шартномаси.
4. СФУ ни ташкил қилиш бўйича туман ҳокимининг қарори.
5. СФУ нинг намунавий низоми.
6. СФУ ни мақсадаи, мажбуриятлари ва ҳуқуқлари.
7. Уюшманинг мол-мулки ва жавобгарлиги.
8. Сувдан фойдаланувчилар уюшмалари нима?
9. СФУ ни ижро органи, тафтиш комиссияси.
10. СФУ нинг молиявий манбалари.
11. СФУ кенгаши раисининг вазифаси ва ҳуқуқлари.
12. Уюшманинг федерацияси.
13. СФУ лар учун рағбатлантириш омиллари.
14. СФУ ни молиявий бойлиги.

Асосий адабиётлар.

1. И.А. Каримов «Иқтисодий ислоҳатларни янада чуқирлаштириш».
2. Ш. Ҳамроев «Қишлоқ хўжалигида ислоҳатларни чуқирлаштиришда сувдан фойдаланувчилар уюшмасининг ўрни». «Талқин» нашриёти 2006 йил.
3. «Фарғона водийсида сув ресурсларини бошқаришни мувофиқлаштириш». Лойиҳаси. Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси қандай ташкил қилинади. 2003-2006 йил.

4. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги «Сувдан фойдаланувчилар уюшмаларини ташкил қилиш бўйича услубий қўлланма. Тошкент 2003 йил.

5. USAID. WUASP. Марказий Осиёда сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштиришга амалий тажрибаларни тадбиқ этиш. Ахборот бюллетенлари.

4 БОБ. СУВДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР УЮШМАЛАРИ ВА СУВ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИНИНГ УЗАРО МУНОСАБАТЛАРИ.

4.1. Сув истеъмолчиларини бирлаштириш ва сувдан фойдаланувчилар уюшмасини ташкил этниш тўғрисида намунавий

ТАЪСИС ШАРТНОМАСИ

2007 й. " " _____ шаҳри

1.Шартнома қатнашчилари: мазкур шартноманинг 1-иловасида кўрсатилган.

2 Қатнашчилар сувдан фойдаланувчилар " _____ " (уюшма номи)

уюшмасини таъсис этадилар, у куйида Уюшма деб номланади.

Уюшма Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги, шунингдек мазкур шартнома ва ўзининг Уставига асосан иш юритади.

3.Уюшма манзили _____

4.Уюшма шартнома қатнашчиларига хизмат кўрсатадиган, коллектор — зовур ва суғориш тармоқларининг эксплуатациясини ташкил этиш учун тузилади.

5.Уюшма юридик шахс ҳисобланади. У ўз номидан шартномаларни тузишга, мулкларни сотиб олишга ва мажбуриятларни бажаришга, судларда даъвогар ва жавобгар бўлиб чиқишга ҳақлидир.

6 Уюшма фаолиятини таъминлаш учун қатнашчиларнинг бадаллари ҳисобига сўм миқдордаги Устав жамғармасини тузади, шу билан бирга Уюшма рўйхатдан ўтган кундан бошлаб 10 кун ичида кечиктирмасдан _____сўмни ва ойдан кечикмай қолган маблағ _____сўм киритилади.

Қатнашчиларнинг Устав жамғармасидаги улуши ушбу шартнома ва 1-иловага асосан аниқланади.

7. Уюшма қатнашчиларининг мажбуриятлари:

- Уюшма Устави ва ушбу шартномада белгилаган тартибда қўшимча бадаллар ва омонатларни киритиш;
- таъсисчилар ҳужжатларига риоя қилиш;
- Уюшма томонидан юклатилан мажбуриятларни бажариш.

8. Уюшма қатнашчиларининг ҳуқуқлари:

- Уюшма бошқарувида қатнашиш;
- Уюшма фаолияти тўғрисидаги ахборотни олиш;
- таъсисчилар ҳужжатларида белгиланган ҳолатларда уюшма сафидан чиқиш.

9. Уюшма даромади моддий ва шунга тенглаштирилган харажатларга, иш ҳақиға, кредитлар ва солиқдарга ва бошқа мажбурий тўловларга ажратилгандан сўнг ишлаб чиқаришни ривожлантиришга ва уюшма ёлланма ходимларига қўшимча иш ҳақи тўлаш учун ишлатилади.

10. Уюшма фаолияти натижасида пайдо бўладиган зиёнлар қуйидагилар ҳисобига қопланади:

- суғурта жамғармаси;
- суғурта жамғармаси қопламаган қисмини қатнашчилар шартномасининг қўшимча бадаллари.

11. Мазкур шартнома ___ муддатга тузилган ва имзоланиши биланоқ кучга киради. Шартнома қатнашчиларнинг келишуви бўйича ўзгартирилиши, қўшимчалар киритилиши ва тўхгатилиши мумкин.

12. Уюшма таъсисчиларининг имзолари **сув** исгеъмолчилари турлари кўрсатилган ҳол 1—иловада берилган.

СФУнинг Таъсис шартномасига оид 1-илова
Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси Таъсис шартномаси қатнашчиларининг
Устав жамғармаси
Р Е Е С Т Р И

Суадан фойдаланувчилар номи	Сувдан фойдаланувчилар вакили Ф.И.О.,	Сугориладиган майдон (га)	Сувдаи фойдаланувчилар бадалларминг мипори, мингсўм	Сувдан фойдаланувчининг имзоси
-----------------------------	---------------------------------------	---------------------------	---	--------------------------------

	лавозими	Сув истеъмолчиси- нинг тури	Умумий	Жумладан жорий	Жумладан ривожланиш	
1	2	3	4	5	6	7

Э с л а т м а: Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси рўйхатга олинган кундан бошлаб жорий бадаллар 10 кун ичида, қолган бадаллар ____ ой ичида киритилади.

1. Умумий қоидалар

1.1. Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси - _____ деб (номи)

номланади, келгусида Уюшма, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, суториладиган ерларнинг унумдорлигини ошириш, сувдан фойдаланиш хуқуқдарини ҳимоя қилиш, уларнинг умумий манфаатларини даалат ҳамда бошқа идора ва ташкилотларда ифодаламоқ мақсадида Уюшмага кирувчи ердан фойдаланувчилар — Таъсисчилар мажлисининг қарорига асосан тузилади.

1.2. Уюшма ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Таъсис шартномаси, ва мазкур Уставга биноан ўз аъзоларининг пул ва моддий бадаллар киритиши ҳисобига ўз-ўзини молиялаштириш асосида олиб боради.

1.3. Уюшма даромад олишни кўзламаган нотижорат ташкилот бўлиб тузилади. Уюшманинг даромадлари ўзининг ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш учун сарф қилинади.

1.4. Уюшма ҳуқуқий ташкилот бўлиб, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги томонидан рухсат этилган ҳуқуқий ташкилотнинг барча вазифа ва мажбуриятларини бажариш ҳуқуқига эга. Уюшма ўз номи битилган думалоқ муҳрига, тамға ва бланкаларига, банкларда ўз ҳисоб рақамига ҳамда холис мулкига эгадир.

1.5. Уюшманинг тўлиқ ва қисқа номи: тўлиқ номи сувдан фойдаланувчилар уюшмаси; қисқа номи _____ СФУ.

1.6. Уюшма манзили _____ вилояти, _____ тумани, кўрғони, кўчаси, уй.

2. Уюшманинг асосий вазифалари

2.1. Уюшма фаолиятига қуйидагилар киради:

- сув ресурсларидан фойдаланишни режалаштириш;
- давлат сув хўжалик ташкилотларидан сувларни олиш ва уни Уюшма аъзолари ўртасида тақсимлаш;
- фермерлараро ва мелиоратив тармоқларни техник эксплуатация қилиш;
- сув ресурсларини бошқариш ва кенгайтириш учун ижтимоий ва хусусий молиявий ресурсларни жалб этиш.

2.2. Бу вазифаларни бажариш учун Уюшма қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- ишлаб чиқариш фаолиятани таъминлаш ва тақсимлаш учун тизимий бўлим ва корхоналар барпо этиш;
- кўчар ва кўчмас мулкларни олиш, ижарага олиш, сотиб олиш, куриш ва барпо этиш ҳамда уларни баланс ҳясабидан чиқариш;
- ўзига тегишли бўлган мулкни юридик ва жисмоний шахсларга сотиш, алмаштариш, ижарага бериш, вақтинча фойдаланиб туришга тақдим этиш;
- ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни ҳамда хизматларни ўзи мустақил равишда белгилаган баҳо ва тарифлар бўйича, қонунчиликда белгилаган ҳолларда эса, давлат томонидан белгиланган нарх-наво бўйича сотиш;
- банк ва бошқа кредитлардан фойдаланиш;
- пул маблағларини банклардаги ҳисоб рақамларида сақлаш, шунингдек барча турдаги ҳисоб-китоб, кредит ва касса операцияларини амалга ошириш;
- молия ва солиқ идоралари томонидан белгиланган бухгалтерлик ва статистик ҳисоботларни ҳамда ўз фаолиятининг ҳисоботини амалга ошириш.

3. Уюшма аъзолари, уларнинг ҳуқуқ ва вазифалари

3.1 Уюшма аъзолари ҳуқуқий ва жисмоний шахслар бўлиши мумкин. Ушбу шахслар Уюшма ҳудуди чегараларидаги кўчмас мулкнинг эгалари, ёхуд ижарага олувчилар, уларнинг хизматларидан фойдаланувчи бўлиши ҳамда Уюшмага бадалларни киритишлари лозим.

3.2. Уюшма ва унинг аъзоларининг ўзаро муносабатлари Уюшма томонидан уларга кўрсатиладиган хизматларни белгиловчи шартномалар асосида аниқланади. Шунингдек, Уюшма ўзига аъзо бўлмаган, лекин унинг ҳудудида жойлашиб хизматидан фойдаланаётган бошқа сувдан фойдаланувчилар билан ҳам шартнома тузиши мумкин.

3.3. Уюшма аъзолари ўзининг ҳуқуқий ва ҳўжалик мавқеини сақлайди, Уюшма мажбуриятлари учун жавобгар эмас, худди шунингдек Уюшма ўз аъзоларининг мажбуриятларига жавобгар эмасдир.

3.4. Уюшма аъзолари куйидаги ҳуқуқларга эга:

- Уюшма бошқарув органига сайлаш ва сайланиш;
- ўз манфаатларига тегишли бўлган масалалар муҳокамасида оғзаки ёки ёзма

тарзда иштирок этиш;

- белгиланган муайян микдордаги сув лимитини олиш, кўшимча сув ресурслари мавжудлигида эса биринчилар тарзида олиш;
- ўзининг сув хўжалик объектларида Уюшма ёрдамида ёки бошқа турлар билан ирригация-мелиорация хизмати кўрсатиш шакллари мустақил белгилаш;
- Уюшма бошқарув органи фаолияти тўғрисидаги ўз ижтимоий ва шахсий манфаатларини ифодаловчи маълумотларни олиш;
- Уюшма аъзолари учун белгиланган имтиёزلардан фойдаланиш;
- Уюшма фаолияти ва хизматларига ўз эҳтиёжлари тўғрисида таклифларни киритиш;
- ўз буюртмалари бўйича бажарилган Уюшманинг пуллик хизматларининг хажми ва сифати устидан назорат олиб бориш;
- ушбу Уставда кўрсатилганидек, шартномада белгиланган мажбуриятлар бажарилмаганда, ҳуқуқлари бузилганда Уюшма маъмуриятига мулкӣ даъво қилиш;
- Уюшма маъмуриятини олдиндан хабардор этган ҳодда, белгиланган лимитдаги сувнинг бир қисмидан хохлаган муҳлатда фойдаланмаслиги мумкин, бинобарин бу уларни пуллик ва моддий бадалларни тўлашдан озод этмайди.

3.5. Уюшма аъзоларининг мажбуриятлари:

- белгиланган бадалларни ҳамда Уюшма хизматлари учун ҳақни ўз вақт ида тўлаш;
- ушбу Устав қоидаларига, шартнома мажбуриятларига, сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва фойдаланишни тартибга солувчи қонунчилик томонидан белгиланган талабномаларга риоя қилиш;
- сувларнинг хажми ва етказиб бериш муддатини, ирригация-мелиорация хизматларининг амалга оширилишини Уюшма билан олдиндан келишиб олиш;
- белгиланган лимитдаги сувларни олиш ва сувлардан фойдаланиш қоидаларига риоя қилиш;
- ўз балансида бўлган сув хўжалик объектларини ишга яроқли ҳолатда сақлаш;
- сув ўлчаш воситаларининг сақланишига жавобгар бўлиб, бордию, улар айби

билан яроксиз ҳолатга келса, келтирилган зарар ўрнини тиклаш ва таъмирлаш учун харажатларни қоплаш;

- фермерлараро ирригация-мелиорация тармоқларидан сув олиш учун қўшимча пунктлар, кўтарма ва тўсикларни куришни Уюшма билан келишган ҳолда амалга ошириш.

3.6. Уюшманинг янги аъзоларини қабул қилиш номзод томонидан Уюшма раиси номига ёзма равишда ариза бериш йўли билан амалга оширилади. Аризага куйидагилар илова қилинади:

- номзоднинг анкета маълумотлари;
- кўчмас мулк мавжудлигини тасдиқловчи маълумотлар. Уюшма аъзолигига қабул қилиш қарори Уюшма Бошқаруви томонидан хал қилинади. Бордию, қабул қилинмаса, номзод умумий мажлисга мурожаат этиш ҳуқуқига эга. Умумий мажлис ҳам аризани рад этса, у ҳолда номзод қонунчиликка мувофиқтегишли чораларни кўриши мумкин.

3.7. Уюшмага аъзо бўлиш куйидаги ҳолларда тугатилади:

- Уюшма аъзосининг ўз хохишига биноан;
- белгиланган олти ой муддатда бадаллар киритилмаганда ёки Уюшманинг хизмат ва ишларига ҳақ тўланмаганда;
- Устав, шартнома ва сув қонунчилигига бир неча бор риоя қилинмай Уюшма ёки унинг айрим аъзоларига моддий зиён келтирганда;
- банкротлик қонунчилигига мувофиқ Уюшма аъзоси синди деб эълон қилинса;
- Уюшма томонидан хизмат кўрсатилаётган кўчмас мулк эаси ўзгарганда.

Уюшма аъзолигининг тугатилиши Уюшма Бошқаруви томонидан хал қилинади. Уюшма Бошқаруви қароридан норози бўлганлар Уюшма-нинг умумий мажлисига шикоят қилишлари ёхуд қонунчиликка муво-фиқ чора кўришлари мумкин.

3.8. Уюшма аъзолигидан чиққан шахслар қонунчиликка мувофиқ тўла ҳажмда ва белгиланган муддатларда хизмат ҳақларини тўлаб борсалар уларга сув бермаслик ва бошқа хизматларни кўрсатмаслик учун асос бўла олмайди.

3.9. Уюшма таркибидан чиққан аъзосига унинг таъсис бадаллари кайтарилади. Бунда у чиқаётган пайтдаги молиявий инфляция инобатга олинади. Бордию, собиқ аъзо Уюшма олдида карздор бўлса, бунда таъсис бадалининг қиймати карзларни қоплашда ҳисобга олинади. Карзларнинг қолган қисми амалдаги қонунчиликка мувофиқ ундириб олинади.

4. Уюшманинг мажбурият ва ҳуқуқлари

4.1. Уюшманинг мажбуриятлари:

- сувдан фойдаланишда белгиланган қоидаларга мувофиқ сув ресурсларининг муайян миқдорини Уюшма аъзолари ўртасида тақсимлаш;
- Уюшма аъзоларининг суғориладиган ерлардан дренаж ва оқава сувларнинг чиқиб кетишини таъминлаш;
- олинadиган ва тақсимланadиган сув ресурсларининг ҳисобини олиб бориш;
- Уюшма аъзоси айби билан белгиланган маълум бир муддатда сув етказиб берилмаса, у ҳолда белгиланган лимит доирасида бошқа бир муддатда етказиб берилмаган сув қопланиши керак.

4.2. Уюшма қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- ўз ихтиёридаги мавжуд сув ресурсларининг аввал белгиланган лимитини Уюшма аъзоларини олдиндан хабардор этган ҳолда оператив равишда ўзгартириш;
- Уюшма аъзолари томонидан маълум бир муддатга белгиланган лимитдан ортиқ сув олинса, у ҳолда кейинги бир бўлак муддатда берилadиган сув ҳажмини қисқартириш;
- Ушбу Устав ва шартнома мажбуриятларига риоя қилмаган Уюшма аъзоларига санкция ва жарималарни солиши мумкин.

5. Уюшманинг бошқарув органлари

5.1. Уюшма бошқарув органи қуйидагилар ҳисобланади:

- Уюшма аъзоларининг умумий мажлиси;
- Уюшма бошқаруви;
- Бошқарув раиси;
- Уюшманинг тафтиш комиссияси.

5.2. Умумий мажлис Уюшма бошқарувининг олий органи ҳисобланади. Умумий мажлисда Уюшманинг барча аъзолари бир овозга эга бўлган ҳолда иштирок этадилар. Уюшма аъзоси бўлмаган ва меҳнат шартномаси бўйича унда ишлаб келаётган шахслар умумий мажлисда маслаҳат овози билан иштирок этишлари мумкин.

5.3. Умумий мажлис вазифаларига қуйидагилар киради:

- сув хўжалиги хизматларини кўрсатишда Уюшма Устави ва шартномаларини тасдиқлаш ҳамда уларга қўшимча ва ўзгаришлар киритиш;
- Уюшма раисини, бошқарув аъзоларини ва тафтиш комиссиясини сайлаш;
- Уюшма аъзолигига қабул қилиш, истисно қилиш, унинг сафидан чиқиш, шикоятларни кўриб чиқиш;
- ташкилий тузилмани, ёлланган ходимлар сонини, уларга тўланадиган иш хақи миқдорини ва тартибини тасдиқлаш;
- Уюшма аъзолари томонидан киритилаётган бадаллар миқдорини тасдиқлаш;
- Уюшманинг жорий ва истикболдаги ишлар режасини, бюджети, уларни бажариш ҳисоботларини тасдиқлаш;
- Уюшма аъзоларига белгиланган сув лимитларини тасдиқлаш;
- Уюшма хизмати ва ишларига ҳақ тўлаш тарифлари ва қийматини тасдиқлаш;
- ушбу Устав ва шартнома мажбуриятларини бузганлар учун жарима тури ва миқдорини тасдиқлаш;
- тафтиш комиссиясининг ҳисоботини кўриб чиқиш ва улар бўйича қарорлар қабул қилиш;
- Уюшмани кўшма ва бошқа корхоналар, ижтимоий бирлашмаларда иштирок этиш даражасини белгилайди.

5.4. Умумий мажлис Уюшма бошқарувининг қарори бўйича камида йилда бир маротаба, шунингдек Уюшма аъзоларининг тўртдан бир қисмининг талаби бўйича чақирилади. Бунда умумий мажлис йиғиладиган санадан етти кун олдин мажлис олиб бориладиган жой, санаси, соати ва кун тартиби ёзма равишда битилган таклифномалар юборади. Қачонки оддий овозлар сони кўпчиликни ташкил этса, мажлис ҳақиқий деб ҳисобланади.

5.5. Умумий мажлис очик овозлар бериш йўли билан олиб борилади. Яширин овозлар мажлисда иштирок этаётган аъзоларнинг учдан бир қисми талаб этгандагина олиб борилади. Умумий мажлиснинг қарорлари кучга кириши учун оддий овозлар кўпчиликини ташкил этиши керак. "Тарафдор" ва "қарши" овозлар сони тенг бўлган ҳолларда овозлар бошқатдан берилади. Агарда ушбу вазият яна такрорланса, Уюшма раиси ёки унинг ўринбосарининг овози ҳал қилувчи бўлиб ҳисобланади.

5.6. Ҳар бир мажлисда, мажлис ўтказиш жойи, санаси, мажлис чақириғи тўғрисида маълумотномаларни жўнатиш вақтлари, мажлис иштирокчилари тўғрисида маълумотлар, иштирок этмасликнинг (узрли, узрсиз) сабаблари, кун тартиби, муҳокама қилинаётган масалалар, иштирокчиларнинг чиқишлари, ҳар бир масала бўйича қабул қилинган қарорларнинг қисқача баёни баённомада ёритилади. Баённома Мажлис раиси ва котиби томонидан имзоланади ва келгуси мажлисда тасдиқланиши лозим. Умумий мажлисга Уюшманинг ёлланма ишчилари ва бошқа шахслар таклиф қилинишлари мумкин.

5.7. Уюшма фаолияти, ҳамда жамоатчилик манфаатларини ифодаловчи Уюшма бошқаруви органлари қарорлари билан танишмоқчи бўлган манфаатдор шахслар ўз ҳисобларидан ушбу қарорларнинг нусхасини олишлари мумкин.

5.8. Умумий мажлис томонидан сайланган Уюшма бошқаруви органининг мансабдор шахслари мавқеи, улардан аввал сайланган бошқарув органи ўз ваколатларичи топширганларидан сўнг кучга киради. Уларнинг аъзолари эса қайта сайланишлари, янги муҳлатларга тасдиқланишлари мумкин. Янги бошқарув органи сайланиб тасдиқлангунга қадар вазифаларни аввалги бошқарув органи амалга оширади. Ўз хоҳиши билан ишдан кетмоқчи бўлганлар умумий мажлисга езма равишда ариза билан мурожаат этадилар. Берилган аризалар янги шахслар сайланганларидан кейин кучга киради.

5.9. Уюшманинг ижроия органи бўлиб Уюшма аъзоларидан ____ киши уч йил муддатга сайланган Уюшма бошқарувчилари ҳисобланади. Уюшма бошқарувчилари вазифасига куйидагилар киради:

- 5.3. бандда келтирилган масалалар бўйича умумий мажлисга таклифларни

тайёрлаш;

- умумий мажлис қарорлари, ушбу Уставнинг қоидалари ҳамда қонун томонидан белгилаб берилган сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва фойдаланишни тартибга солиш тўғрисидаги талабаларнинг бажарилиши устидан назорат олиб бориш;
- ушбу Устав ва шартнома мажбуриятларига риоя қилмаган шахсларга санкция ва жарималар солиш;
- Уюшма аъзоларининг ўзаро тортишувларини уларнинг уюшмага бўлган эътирозларини кўриб чиқиш ва шу масалалар бўйича қарорлар чиқариш;
- шошилиш вазиятларда умумий мажлис вазифасига қирувчи масалалар бўйича қарор қабул қилиш ва келгуси мажлисда уларни тасдиқлаш;
- умумий мажлисни чақиртириш ва унинг ўтказилишини ташкил этиш борасида қарор қабул қилиш;
- Уюшмага аъзо бўлиш, истисно қилиш ва сафидан чиқариш масалаларини кўриб чиқиш ҳамда қарорлар чиқариш;
- Бошқарув мажлиси камида ойида бир мартаба чақиртирилади, зарурият туғилганда эса Раис қарорига асосан чақиртирилади.

5.10. Бошқарув аъзолари жамоатчилик асосида ишлайдилар, аъзоларнинг иш ҳақи уларнинг Бошқарув фаолиятида иштирок этган ишлари билан боғлиқ бўлган харажатларига тўланади.

Бошқарув раислигига 18 ёшдан катга, Ўзбекистон фуқаролигига эга бўлган шахслар сайланиши мумкин, ушбу шахс Уюшма аъзоси бўлиши шарт эмас. Раис лавозимига қуйидаги шахслар сайлана олмайдилар:

- Ўзбекистон фуқаролигига эга бўлмаган;
- балоғат ёшига етмаган, ҳуқуқлари бўлмаган ва ишга лаёқатсизлар;
- охириги беш йил мобайнида банкротга учраганлар;
- жазога ҳукм этилганлар ва тергов остида бўлганлар;
- ўз муддатида тўланмаган ҳамда Уюшма олдида ундирилиши лозим бўлган қарзларга эга бўлганлар;
- Уюшма пул маблағларини олдин бошқарганлар ва эгаллаган лавозимига нолайиқ деб овоз берилганлар.

5.11. Раиснинг вазифаларига қуйидагилар киради:

- Уюшманинг ирригация-мелиорация тизимининг ишга тушишини ҳамда сув ресурсларини аъзолар ўртасига тақсимланишини ташкил қилади;
- Ушбу Уставга мувофиқ Уюшма мулкани бошқаради, юридик ва жисмоний шахслар билан битим операцияларини амалга оширади, ишончномалар топширади, банкларда ҳисоб рақамларини ва бошқа ҳисобларни очади;
- Уюшмага ишчиларни ёллайди, иш лавозимларидан озод этади;
- Буйруқ ва фармойишларни чиқаради, пул маблағлари билан боғлиқ ҳисобот ва бошқа ҳужжатларни имзолайди;
- Ушбу Устав ва шартнома мажбуриятларига риоя қилмаганлардан жарима ва бадалларнинг ундирилишини таъминлайди;
- Уюшма номидан фаолият юритиш ҳамда суд, ташкилот, корхона ва бошқа органларда унинг вакили бўлиши мумкин.

5.12. Тафтиш комиссияси раиси ва аъзо таркибида уч йил муддатга сайланади ва унинг аъзолари янги муддатларга қайта сайланишлари мумкин.

Тафтиш комиссия вазифасига қуйидагилар киради:

- Уюшма иши устидан молиявий назорат олиб бориш;
- кассадаги ҳисобларни чоракда бир маротаба таҳлил қилиш ва текшириш;
- Уюшманинг молиявий фаолияти бўйича олиб борилган текширувлар ҳисоботини Умумий мажлис ва Бошқарувга тақдим этиш.

5.13. Тафтиш комиссияси истаган пайтида молиявий текширувни амалга ошириши мумкин ва бу ҳақда Бошқарувни хабардор этади. Бордию, Уюшма фаолиятида жиддий молиявий қонунбузарликлар аниқпанса, Тафтиш комиссияси Бошқарувдан навбатдан ташқдри Умумий мажлисни чақиртиришни сўраши шарт.

5.14. Тафтиш комиссиясининг қарори оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади ва баённома билан расмийлаштирилади. Қарордан қониқмаганлар ўз фикрларини баённомада баён қилишлари мумкин.

Тафтиш комиссияси аъзоларининг меҳнат ҳақлари миқдорини Умумий мажлис белгилайди. Агарда, Тафтиш комиссияси аъзолари узрсиз сабаблар билан икки кенгашда иштирок этмаса, Тафтиш комиссияси раисининг қарори билан

аъзоликдан четлатилади. Бордию, бошқа сабабларга кўра Тафтиш комиссия аъзосининг фаолияти тўхтатилса, Умумий мажлис навбатдаги кенгашида кўшимча сайловларни амалга оширади.

6. Уюшма бюджетининг ташкил топиши ва сарфланиши.

6.1. Уюшма мулки қуйидагилардан ташкил топади:

- Уюшма бошқарувига бериладиган асосий фонд ва бошқа қимматбаҳо ашёлар;
- Уюшма эгалик қиладиган мулк.

Уюшма бюджетини ташкил қилувчи омиллар қуйидагилардир:

- Уюшма аъзоларининг пуллик ва моддий бадаллари;
- хўжалик фаолиятининг иши ва хизматларидан олинган даромадлар;
- банклар ва бошқд кредиторларнинг кредитлари;
- қонун тарафидан ман этилмаган ўзга манбалар.

Уюшма ўз бюджетини мустақил равишда ташкил этади ва сарфлайди, шунингдек ўз аъзоларининг даромадларини кўтариш ва хизматларига бўлган эҳтиёжларини инобатга олиб ривожланиш истиқболини белгилайди.

6.2. Уюшманинг молиявий йили календар йилига тўғри келади. Ишлаб чиқариш режаси ва бюджети ўтган йилнинг ноябридан кечикмай тасдиқланади, улар бўйича ҳисоботлар эса кейинги йилнинг биринчи чораги давомида тасдиқланади.

6.3. Бадал ва муайян лимитларни тақсимлаш учун ўз аъзоларининг ер кадастрини тузади. Уюшма аъзолари томонқдан тақдим этилган маълумотлар асосида кадастрга хар йили (зарур бўлса) ўзгартиришлар киритилади.

6.4. Уюшма аъзолари томонидан киртилган бадаллар жорий ишларга ва ривожланишга ажратилади. Жорий бадаллар Уюшманинг фермерлараро ирригацион тармоқларини сақлаш ва таъмирлашга тўланади. Ривожланиш бадаллари суғориладиган ерларнинг унумдорлигини ва сув таъминотини яхшилашга йўналтирилган дастурни амалга ошириш, янги ерларни ўзлаштириш ва улардан фойдаланиш харажатларини камайтиришга йўналтирилади.

Ривожланиш бадаллари, хар бир Уюшма аъзоларига дастурни амалга оширишдан тушган фойдалар ҳисобидан пропорционал миқдорда тақсимланади.

Уюшма аъзоларининг сув хўжалик объектларига ирригация—мелиорация хизмати кўрсатиш бўйича Уюшма хизматлари учун ҳақ тўлаш миқдори, тартиби ва муддатлари хар бир Уюшма аъзолари билан алоҳида тузилган шартнома асосида белгиланади.

6.5. Уюшма иши ҳамда хизматларининг қиймати ва тарифлари қонунчиликтомонидан белгиланган бўлмаса, Умумий мажлис томонидан уларни тўлаш тартиби ва муддатлари белгиланади.

6.6. Уюшма аъзоларига санкция ва жарималар қуйидаги ҳолларда белгиланади:

- рухсатсиз белгиланган лимитдаги сувдан ортиқ олинганда;
- Уюшма билан келишмаган ҳолда хўжаликни ирригация—мелиорация тармоқларида кўтарма ва тўсикларни ўрнатганда;
- фермерлараро ирригация—мелиорация тармоқларидаги сув ўлчайдиган иншоот ва воситалар ишдан чиққанда;
- Уюшма олдида мазкур Устав қоидалари ва шартнома мажбуриятларининг қоидалари бузилганда;
- Уюшмага бадаллар ҳамда унинг иш ва хизматларининг хақи ўз вақт ида киритилмаса, санкция шакли ва жарималар миқдорини Умумий мажлис белгилайди.

6.7. Уюшма харажатлари, Уюшма бюджети Умумий мажлис томонидан тасдиқланганига мувофиқ тақсимланиши лозим. Йил давомида бюджетнинг даромадлар қисмига тушумлар тушишига қараб, бошқарув уларни тартибга солиб Умумий мажлисда тасдиқлайди.

7. Уюшма ишчиларининг меҳнатларини ташкил қилиш ва меҳнат ҳақларини тўлаш.

7.1. Уюшманинг меҳнат жамоасини, меҳнат шартномаси асосида ўз меҳнатлари билан унинг фаолиятида иштирок этаётган барча аъзолари ташкил қилади.

7.2. Ишчиларни ишга қабул қилиш ва озод этиш мазкур Устав ва амалдаги қонунчилик асосида амалга оширилади. Уюшма ўз ишчиларига қонун томонидан

кафолатланган минимал миқдордаги иш ҳақини, меҳнат шароитини, ҳамда ижтимоий муҳофазани таъминлайди. Уюшма даромадлари ҳисобига тўланадиган қўшимча меҳнат ҳақлари, унинг тайинланиши ва тартиб-қоидалари Умумий мажлис томонидан белгиланади.

7.3. Иш кунининг тартиби ва давомийлиги, таътил ва дам олиш кунларини бериш тартиблари, сменалаб ишлашлар амалдаги Меҳнат кодексига мувофиқ Бошқарув томонидан белгиланади

8. Уюшмани тугатиш ва қайта ташкил қилиш.

8.1. Уюшмани тугатиш ва қайта ташкил қилиш қўйидаги ҳолларда амалга оширилиши мумкин

- а) қарор чиқариш ҳуқуқига эга бўлган қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳукумат органларининг қарорлари бўйича;
- б) суд иши Уюшмани банкрот деб эълон қилган ҳолларда;
- в) Уюшма Умумий мажлисининг қарори билан.

8.2. Уюшмани тугатиш ва қайта ташкил қилиш 8.1 -банднинг а) ва б) бўлимларига асосан бўлса, у амалдаги қонунчиликка ёки қабул қилинган қарорга мувофиқ амалга оширилади.

8.3.8 1.-банднинг в) бўлими бўйича Уюшмани тугатиш ва қайта ташкил қилиш тўғрисидаги қарори Умумий мажлисининг учдан икки қисмининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Бунда Уюшма аъзолари умумий сонининг бешдан тўрт қисми иштирок этиши шарт.

Тугатиш комиссияси Умумий мажлис томонидан сайланади ва унинг қарори амалдаги қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

4.2. СФУ нинг сув етказиб бериш ва ирригация - мелиорация сервис хизмати кўрсатиш бўйича эксплуатация ташкилотлари билан ўзаро муносабатларига доир тавсиялар

Сув хўжалиги эксплуатация ташкилотлари ва сувдан фойдаланувчилар Уюшмаси (СФУ) хўжалик юретишнинг мустақил субъектлари бўлиб ҳисобланади. Уларнинг ўзаро муносабатлари маъмурий характерни эмас, балки

иқтисодий ишлаб чиқариш характерини олға суради. Бундай муносабатлар амалдаги қонунчиликка ҳамда хўжаликни бошқариш тажрибасига мувофиқ, ёзма равишдаги мажбурият шартномаларини тузиш йўли билан амалга оширилади. Шу сабабли сув хўжалик ташкилотлари билан СФУнинг ўзаро муносабатлари ва турли сув хўжалик хизматларини кўрсатишга доир шартномалар ёзма равишда расмийлаштирилиши лозим.

СФУ сув хўжалиги хизматларини кўрсатишга доир шартномаларни, баъзи масалалар нуқтаи назаридан туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси билан тузиши мақсадга мувофиқдир. Чунончи:

-Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси СФУ нинг суғориш сувларига бўлган асосий эҳтиёжларини бевосита етказиб беришни амалга оширади;

-Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси СФУ ҳамда ўзга сувдан фойдаланиш ташкилотларига сув хўжалик хизматларини кўрсатишга доир барча масалаларни оператив равишда, кам харажатлар билан ҳал қилиш имкониятига эга.

Шартнома мазмунида қуйидагилар акс эттирилиши лозим:

-томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

-кўрсатилаётган сув хўжалиги хизматининг сифати ва сув ҳисоботининг тартиби;

-кўрсатилаётган сув хўжалиги хизматлари учун молиявий ҳисоб китоблар тартиби,

- шартнома мажбуриятлари бажарилмаганда санкция ва жарималар;

-шартнома мажбуриятлари бажарилмаганда томонларнинг мулккий жавобгарлиги;

- томонларнинг ўзаро келишмовчиликларини ҳал қилиш тартиби;

- шартнома муносабатларини тугатиш ва узайтириш тартиби

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, шунингдек сув хўжалик эксплуатация ташкилотлари ва сувдан фойдаланувчиларнинг ўзаро муносабатларининг хусусиятларини ва уларни келажакда ўзгартиришни инобатга

олиб, сув хўжалиги хизматларини кўрсатишга доир намунавий шартноманинг иккита варианты таклиф қилинади:

- сувдан бепул фойдаланиш;
- сувдан пуллик фойдаланиш.

Намунавий шартномалар мажбурий норматив ҳужжат бўлиб эмас, балки тавсия этилаётган ҳужжат қаторига киради.

Шартномага ўзгартиришлар, тўлдиришлар киритиш, хаттоки муайян жойлардаги табиат шароитларига қараб баъзи қоидаларни чиқариб ташлаш мумкин. Булар хусусан туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасини СФУ сув хўжалик объектларидаги ирригация-мелиорация хизматларига тегишлидир. Айни пайтда уларнинг кўпчилиги зарур қурилиш-таъмирлаш кучларига эга эмаслар ва шунинг учун зарур ишларни бажара олмайдилар.

Уларни таъмирлаш учун СФУ қурилиш-таъмирлаш ташкилотларини воситачи сифатида жалб қилиши мақсадга мувофиқ эмасдир, чунки булар СФУ учун қўшимча харажатларини келтириб чиқаради.

Бундай ҳолларда СФУ қурилиш-таъмирлаш ишлар бўйича туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси воситасисиз бошқа тузилмаларни жалб қилиши мақсадга мувофиқдир.

СФУ хизматлари учун ҳақ тўлаш тарифлари билан боғлиқ масалалар бўйича, бизнинг нуқтаи назаримизда, қатор мунозаралар пайдо бўлмоқда. Таклифлар турлича: етказиб келтирилган сув учун, суғориладиган ерлар майдони учун, ҳамда униси ва буниси учун (биргаликда). Биз одилона равишда охириги вариантни таклиф қиламиз. Иш жараёнида, ҳар бир конкрет ҳолларда СФУ тарифларни шундай қўллаши лозимки, бунда ирригация-мелиорация тармоқларининг техник даражаси, фермерларнинг иқтисодий аҳволи, ҳамда СФУ таъминланишига доир зарур харажатлар инобатга олиними лозим.

Шартномаларда, шунингдек иқтисодий санкциялар миқдори белгиланмаган (жарималар, пеня ва бошқалар). Бизнинг нуқтаи назаримизда булар директив тартибда эмас, балки СФУ аъзолари томонидан белгиланиши лозим.

**Ирригация-мелиорация хизматини кўрсатиш ва сув етказиб бериш
бўйича СФУ ва туман сув хўжалиги ташкилоти ўртасидаги
НАМУНАВИЙ ШАРТНОМА**

200_ й.

_____ тумани, _____ вилоятининг Қишлоқ ва сув хўжалиги
Бошқармаси, куйида "Таъминотчи" деб номланади _____ номидан
(лаозими Ф И О)

амалдаги туман қишлоқ ва сув хўжалиги тўғрисидаги Низом асосида,
бир томондан, ва сувдан фойдаланувчилар уюшмаси __, (номи) куйида
"Истеъмолчи" деб номланувчи _____ (лавозими. Ф.И.О.)
номидан сувдан фойдаланувчилар уюшмасининг амалдаги Устави асосида,
иккинчи томондан, сувни бериш ва ирригация-мелиорация хизматини кўрсатиш
учун куйидаги шартларга асосан ушбу шартномани туздилар.

1. Таъминотчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

1.1. Таъминотчининг мажбуриятлари:

Ушбу шартноманинг 1-иловасига мувофиқ сувни бериш жадвали
бўйича тайинланган лимитга асосан Истеъмолчига сув берилишини куйидаги
хўжалик шохобчалари бўйича таъминлаш _____ ;

(хўжалик шохобчасининг номи)

- Истеъмолчининг буюртмаси бўйича унга белгиланган лимит чегарасида хўжалик
шохобчаси бўйича сув бериш вақти ва ҳажмини тақсимлаш;

- Истеъмолчига Таъминотчининг айби билан белгиланган муддатда
сув берилмаса, уни бошқа бир оралик муддатда белгиланган лимит чегарасида
қоплаш;

- сув ресурси манбаси камайган (қўпайган) ҳолда сув хўжалиги тизимидаги
умумий сув таъминотига мутаносиб равишда Истеъмолчига лимитдаги
сув беришни ўзгартириш;

- қўшимча сув манбалари бўлса Истеъмолчи билан олдиндан келишиб уларга
етказиб бериш;

- Истеъмолчининг вакили иштирокида хўжалик шохобчаларидан
олинган сув ҳажмини ўлчашни амалга ошириш;

- Истеъмолчини хўжалик шохобчаларидаги сувни ҳисобга олиш воситалари билан

таъминлаш, уларни аттестациядан ўтказиб ва мунтазам равишда текширувни ўз вақтида ўтказиш;

- Истеъмолчининг суғориладиган ерларидан чиқадиган зовур ва оқава сувларини хўжаликлараро коллекторлар ёрдамида чиқариб ташлашни таъминлаш;

- ушбу шартноманинг 1-иловасига асосан Истеъмолчи суғорма ерларининг мелиоратив ҳолати мониторинги ва сув хўжалик объектларига ирригация-мелиорация хизматларини кўрсатишни амалга ошириш.

1.2. Таъминотчининг ҳуқуқлари:

- сув хўжалиги тизимидаги мавжуд сув ресурсларига ва йиллик ёғин миқдорига қараб, кечикмасдан (5 кун ичида), зарур ҳолларда Истеъмолчи билан келишиб ва унга олдиндан хабар қилган ҳолда белгиланган лимитларни ўзгартириш;

- Истеъмолчининг айби бўйича маълум бир муддатда белгиланган лимитдан ортиқча сув ишлатилса, бошқа бўлак муддатда сувни мувофиқ равишда қисқартириш;

- сув хўжалиги тизимида сув ресурслари танқис бўлган ҳолларда сувдан фойдаланувчиларга сувни навбатма-навбат бериш тартибини қўллаш;

- агарда шартлашилган муддатда Истеъмолчининг вакили қатнашмаса, сув беришни бир томонлама, мунозарасиз ўлчаш;

2. Истеъмолчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Истеъмолчининг ҳуқуқлари:

- белгиланган лимитдаги сувни олишга, қўшимча сув ресурслари борлигида эса — уларни устивор олиш;

- Таъминотчи томонидан кўрсатиладиган сув, иш ва хизматларга ўз эҳтиёжлари тўғрисида таклифлар бериш;

- ўзига белгиланган лимит билан амадаги сув берилиши мувофиқлигини назорат қилиш;

- Таъминотчидан ўз хўжалик шохобчаларидаги сувни ҳисобга олиш воситаларини навбатдан ташқари текшириш ишларини ўтказишни талаб

қилиш, уни ўтказишга кетган харажатларни тўлаб, техник талабларга мувофиқ бўлмаган ҳолларда эса ўзгартириш ёки зарур таъмирлаш ишларини ўтказиш;

- Истеъмолчининг буюртмалари бўйича бажариладиган таъминотчининг пуллик ишларини, хизматларининг сифат ва ҳажмини назорат қилиш;

- Таъминотчига олдиндан (камида 5 кун ичида) хабар бериб сув бериш белгиланган лимитининг бир қисмидан воз кечиш;

- шартнома ва бошқа мажбурият қоидаларини бузганлиги учун Таъминотчига нисбатан мулкӣ даъво қилиш.

2.2. Истеъмолчининг мажбуриятлари:

- ўзига белгиланган сув бериш лимитига риоя қилиш;

- ўзининг балансида турган сув хўжалик объектларнинг ишга яроқли ҳолатда туришини таъминлаш;

- ушбу шартномада белгиланган иш ва хизматларга ўз вақтида ҳақ тўлаш;

- Таъминотчига сувни бериш муддати, ҳажми, иш ва хизматларга бўлган ўз эҳтиёжлари тўғрисидаги буюртмани ўз вақтида тақдим қилиш;

- ўз хўжалик шохобчаларидаги сув ўлчаш воситаларининг бутлигига жавобгар бўлиш;

- сувга бўлган эҳтиёж ўзгарса ёки рад этилса, кечиктирмасдан (5 кун камида) таъминотчига хабар бериш;

- хўжаликлараро суғориш ва коллектор тармоқларида қўшимча сув тўсиқлари, кўтармаларни ўрнатишни Таъминотчи билан келишилган ҳолдагина амалга ошириш;

- олдиндан келишилган муддатда хўжалик шохобчаларида сувни ўлчаш ишларини олиб боришда ўз вакили иштирокини таъминлаш;

- келишилган кўрсаткич ва шакллар бўйича ер-сув ресурсларидан фойдаланиш бўйича Таъминотчига маълумотларни тақдим қилиш.

3. Аҳдлашаётган томонларнинг ўзаро муносабатлари.

3.1. Истеъмолчининг хўжалик шохобчаларига сувнинг келиш ҳисобини аҳдлашаётган томонларнинг вакиллари ҳар куни амалга оширади.

Аҳдлашаётган томонларнинг бири бўлмаса, бир томонлама сувни ўлчаш

ишлари амалга оширилади, унинг натижалари шубҳасиз ҳисобланади.

3.2.Истеъмолчига қуйидаги ҳолларда жарима қўлланилади:

- Истеъмолчининг айби бўйича белгиланган лимитдан ортиқ сув олинса;
- ўзбошимчалик билан (рўйхатга олинмаган) исталган сув ресурслари манбаларидан сув олинса;
- хўжаликлараро суғориш ва коллектор тармоқларидаги сувни ҳисобга олиш иншоотларини бузса;
- Таъминотчининг иш ва хизматларига ўз вақт ида ҳақ тўланмаса.

3.3.Истеъмолчининг айби бўйича, ўзбошимчалик билан белгиланган лимитдан ортиқ сув олинган ҳолларда, амалдаги қонунга мувофиқ, унга жарима солинади. Риоя қилмаганлик факти бўйича Истеъмолчининг вакили таклиф қилиниб, Таъминотчи вакили томонидан тегишли далолатнома расмийлаштирилади. Агарда Истеъмолчининг вакили келмаса ёки рад этса. юридик кучга эга бўлган бир томонлама далолатнома тузилади. Лимитдан ортиқ ёки ўзбошимчалик билан сув олиш фактига риоя қилмаганлик кунидан бошлаб белгиланади. Таъминотчи билан лимитдан ортиқ сув олишга келишиб олинса, жарима солинмайди.

3.4.Авария, табиий офатлар ва сув ресурсларининг танқислиги сабаблари бўйича Истеъмолчига белгиланган лимитдан кам сув берилса, Таъминотчи мулкий жавобгар бўлмайди, етказилган зарар суғурта ташкилотлари томонидан қопланади.

3.5.Хўжаликлараро суғориш ва коллектор тармоқларида кўтарма ва тўсиқ мосламалари ўрнатилган, каналдаги дамбалар тешилган, ўлчов воситалари ва иншоотлар бузилган ҳолларда Истеъмолчи ўз ҳисобидан тузатади ёки Таъминотчига етказилган зиён миқдорига тенг бўлган товон пулини тўлайди.

3.6.Истеъмолчининг лимитдаги сувни қайта тақсимлаш ёки ўзгартириш тўғрисидаги буюртмаси ўзгариш лозим бўлган муддатдан камида 5 кун олдин қабул қилинади. Кўрсатилган муддатдан кечиктириб берилган буюртманинг ижросига кафолат берилмайди.

3.7.Истеъмолчининг сув хўжалиги объектларига ирригация-мелиорация хизматларини кўрсатиш бўйича Таъминотчининг иш ва хизмат ҳақини тўлаш, тугатилган иш ва хизматлар (каналларни тозалаш, нов ва иншоотларни

таъмирлаш, текислаш ва бошқалар) турлари қабул қилиб олинганидан кейин амалга оширилади, умумий қийматдан фоиз миқдорида аванс берилади.

3.8. Истеъмолчининг айби бўйича ирригация-мелиорация ишларини олиб бориш учун Таъминотчига шароитлар яратиб берилмаган ҳолларда, айбдор ҳар бир кечиккан кун учун шу муддатга режалаштирилган ишнинг умумий қийматидан фоиз миқдорида жарима тўлайди.

3.9. Таъминотчининг айби бўйича ирригация-мелиорация хизматларини кўрсатиш бўйича мажбуриятлар бажарилмаган ҳолларда, у ҳар бир кечиккан кун учун шу муддатга режалаштирилган ишнинг умумий қийматидан фоиз миқдорида жарима ҳақини тўлайди.

3.10. _ Истеъмолчи томонидан ирригация-мелиорация хизматини кўрсатиш бўйича жарима, иш ва хизмат ҳақларини тўлаш муддати кечиккан ҳолларда, ундан ҳар бир кечиккан кун учун тўланмаган сумманинг фоиз миқдорда пеня ундирилади.

4. Қўшимча шартлар.

4.1. Ушбу шартноманинг амалдаги муддати уч йил: 200 йил "_ " дан 200 йил " _____ " _____ гача қилиб белгиланади.

Томонларнинг розилиги бўйича шартнома бекор қилиниши ёки кейинги йилгача муддати узайтирилиши мумкин. Бунинг учун таклиф киритилаётган томон иккинчи томонига шартнома муддатини бекор қилиши ёки узайтириши тўғрисида бир ой олдиндан хабар бериши керак.

4.2. Шартномани тўхтатиш, бекор қилиш, бир томонлама ўзгартириш ва унинг бошқа шартларини асоссиз бажаришдан воз кечиш ҳолларида, айбдор томон ушбу шартноманинг кўзда тутилган жарималаридан ташқари бошқа томонга бой берилган фойда ва келтирилган зиёнларни қоплайди.

4.3. Шартномадаги мажбуриятлар ўз вақтида бажарилмаган ҳолларда айбдор томон бошқа томонга бой берилган фойда ва келтирилган зиёнларни қоплайди. Шартнома мажбуриятлари томонларнинг ўзаро келишувига биноан ўзгартирилиши мумкин.

4.4. Ушбу шартнома бўйича пайдо бўладиган барча мунозаралар томонларнинг ўзаро келишуви бўйича, ҳакамлар судида ҳал этилади, агарда томонлар муроасага келолмасалар Таъминотчининг жойлашган жойи бўйича амалдаги қонунчиликка мувофиқ судлов тартибида ҳал қилинади.

4.5. Ушбу шартномага Таъминотчи Истеъмолчига навбатдаги муддатга тақдим қиладиган иш ва хизматлар қийматининг рўйхати илова қилинади (1-илова), у ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади ва ҳар йили янгилаб турилади.

Томонларнинг банкдаги ҳисоб рақамлари ва ҳуқуқий манзиллари:

Таъминотчи

Истеъмолчи

(ИМЗО) _____

200__ й. " " ____ даги ____ -сонли шартномасига сувдан фойдаланувчилар Уюшмасига ирригация-мелиорация хизматини кўрсатиш ва сувни етказиб бериш. 200__ йилда.

1. Кўрсатиладиган иш ва хизматларнинг рўйхати:

т/р	Иш ва хизматларнинг номи	бирлиги	Ижро муддати				Смета киймати (минг сўм)
			январ	февраль	ноябрь	декабрь	
1.	Истеъмолчининг чегарасида сув бериш	л/с, минг м ³					
2.	Суғориш каналларини тозалаш	км, минг м ³					
3.	Зовур тармоқла-рини тозалаш	км, минг м ³					
4.	Каналдаги дамба-ларни таъмирлаш	км, м ³					
5.	Канал қоплама-ларини канал-ларни таъмирлаш	км, м ³					
6.	Новларни таъмирлаш	дона					
7.	Новларни алмаштириш	дона					
8.	Гидроиншоотлар-ни таъмирлаш	дона					
9.	Ер сиргини режа-лаштириш текис-лаш	га.					
10.	Сизот сувларнинг сатхини аниқлаш	нуқта дона					
11.	Сизот сувлар минерализацияс-ини ни аниқлаш	проб. дона					
12.	Ерларни шўрлан-ганлигини аниқлаш	проб. дона					
13.	Насосларни таъмирлаш	дона					
14.	Бошқа иш ва хизматлар						

Қисқача хулосалар

Умумий йиғилишда СФУ нинг мақсади, вазифалари ва ишлаши тўғрисидаги ахборотлар берилди. Йиғилиш қарори билан СФУ ни ташкил этиш бўйича қайта ташкил қилинаётган хўжалик аъзолари, мутахасислари раҳбарларидан иборат комиссия тузилади. Комиссия ўз навбатида қайта ташкил

қилинаётган хўжалик аъзолари ўртасида СФУ нинг афзалликлари ва мохияти ҳақида тушунтириш ишлари олиб боради, мулкларни қайта баҳолайди, тасис шартномаси, СФУ низоми, сув хўжалик хизматлари бўйича шартноматузади ва СФУ ни ташкил қилиш учун зарур бўладиган бошқа ҳужжатларни тайёрлайди. Таъсисчилар йиғилиши ўтказилгандан сўнг олди берди далолатномаси тузилди, СФУ нинг қонунчилик билан белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилади.

СФУ ни ташкил қилиш ва фаолият юритишнинг тартиб ва шарт-шароитларини аниқловчи асосий меёрий ҳужжатлар таркибига қуйдагилар киради:

а) СФУ таъсисчиларини бирлаштириш ва СФУни ташкил қилиш бўйича низом;

б) СФУ ни ташкил қилиш ҳақида намунавий таъсис шартномаси.

в) СФУ нинг намунавий низоми.

Низомда Уюшманинг вазифаси, ҳақида ва мажбуриятлари, бошқарув органлари, уюшма бюджетининг ташкил топиши ва сарфланиши, меҳнатни ташкил қилиш ва меҳнатга ҳақ тўлаш мелиорация сервис хизмати кўрсатиш бўйича эксплуатация ташкилотлари билан ўзаро муносабатларга доир тавсиялар берилди, сув етказиб бериш бўйича СФУ ва ирригация тизими бошқармаси ўртасидаги намунавий шартномаси тузилди.

Таянч иборалар: Мулкларни қайта баҳолаш, таъсис шартномаси, далолатнома, фаолият юритиш, меёрий ҳужжатлар, сув истеъмолчилари, намунавий низом, вазифалари, мажбуриятлар, ҳақ-ҳуқуқлар, эксплуатация ташкилотлари, сервис хизмати, ўзаро муносабатлари.

Назорат ва муҳокама учун саволлар.

1. СФУ нинг турлари ҳақида гапиринг?

2. СФУ ларни ташкил қилиш схемасини гапириб беринг?
3. СФУ ни ташкил қилиш бўйича намунавий меёрий хужжатлар?
4. СФУ ни фермерлар билан ўзаро алоқалари ҳақида гапиринг?
5. СФУ ни ташкил қилиш бўйича таъсис шартномаси .
6. Уюшманинг бюджети ташкил топиши ва сарфланиши.
7. Уюшмани тугатиш ва қайта ташкил қилиш.
8. СФУ нинг ирригация-мелиорация ташкилотлари билан ўзаро муносабатлари ҳақида гапиринг?

Асосий адабиётлар.

1. И.А. Каримов «Иқтисодий ислоҳатларни янада чуқирлаштириш».
2. Ш. Хамроев «Қишлоқ хўжалигида ислоҳатларни чуқирлаштиришда сувдан фойдаланувчилар уюшмасининг ўрни». «Талқин» нашриёти 2006 йил.
3. «Фарғона водийсида сув ресурсларини бошқаришни мувофиқлаштириш». Лойиҳаси. Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси қандай ташкил қилинди. 2003-2006 йил.
4. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги «Сувдан фойдаланувчилар уюшмаларини ташкил қилиш бўйича услубий қўлланма. Тошкент 2003 йил.
5. USAID. WUASP. Марказий Осиёда сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштиришга амалий тажрибаларни тадбиқ этиш. Ахборот бюллетенлари.

5 БОБ. СФУ УЧУН СУВДАН ФОЙДАЛАНИШ РЕЖАСИ

5.1. Сувдан фойдаланиш режасини аҳамияти ва моҳияти.

Сувдан фойдаланувчилар уюшмасининг Сувдан фойдаланиш режаси (СФР) кишлок хўжалик экинларини суғориш учун сувни ҳисобга олиш ва назорат қилиш мақсадида тузилади. СФР режалаштирилган сув хажмини манбадан уз вақтида олиш ҳамда сувдан фойдаланувчиларга етказиб бериш бўйича барча ташкилий ишларини уз ичида олади.

Сувдан фойдаланиш режаси бир йилда икки марта тузилади:

- Вегетация даврида;
- Новегеция даврида.

Сувдан фойдаланиш режасининг асосий мақсади нима ?

Сув манбаларидан самарали фойдаланишга йуналтирилган техник ва ташкилий тадбирлар натижасида кишлок хужалик экинларидан юкори ва баркарор хосил олиш.


Сувдан фойдаланиш режаси нима учун керак ?

СФР ни ишлаб чикаришга жорий қилиш суғориш ни режали амалга ошириш оркали кишлок хужалик экинларидан юкори хосил олиш ҳамда сув ресурсларидан самарали фойдаланишдан иборат

5.2. Сувдан фойдаланиш режасини тузиш учун кандай маълумотлар керак ?

А) Вегетация даври учун.

- СФУ худудидаги умумий ер майдони харитаси
- Хужалик ёки дахана бўйича суғориш майдонининг экин турлари бўйича тақсимланиши



Чизма 1. СНУ хизмат курсатадиган ҳудуд харитаси

1 жадвал. Кишлоқ хужалик экинларининг фермер хужаликлари буйича тақсимланиши

№	Фермер хужаликларининг номлар	Жами майдон (га)	Шу жумладан (га)			
			Пахта	Бугдой	Бошқа экин	Бог узумзор
1	Ш. Юлдошев	42,7	21,1	21,1	0,5	
2	Авалбой угли Фахриддин	30,6	15,6	14	1	
3	Исмат	12	5	6	1	
4	Эргаш ота Мусурмонов	95,8	47,4	46,4	1,5	0,5
5	Исоқ ота	10	5	5		
6	Умар	43,3	23,3	19	1,0	
....						
120	Зайниддин Оролов	81,5	42,5	38	1	
ЖАМИ:		3612,7	1249,3	1054,45	1201,2	107,75

1-Жадвалда худудий жихатдан ташкил килинган СФУ даги фермер хужаликлари умумий майдонларининг экин турлари буйича тақсимланиши келтирилган. Бу маълумот СФР тузушда асосий омилларидан биридир. Чунки фермер хужаликлари етиштираётган экинларнинг хужалик буйича сувга бўлган талабини билиш СФР тузишнинг асосий курсаткичидир.

2 жадвал. Кишлок хужалик экинларининг даханалар буйича тақсимланиши

№	Даханалар	Жами майдон (га)	Шу жумладан (га)			
			Пахта	Бугдой	Бошқа экин	Бог узумзор
1	Худойберди бобо	100,7	52,4	40,4	2,2	5,7
2	Журабой бобо	28,5	13,5	9,5	4,0	1,5
3	Куктош бобо	48,0	20,6	21,1	1,0	5,3
4	Авалбой бобо	39,0	6,5	21,5	6,0	5,0
5	Эски бустон	228,9	56,3	43,3	129,1	0,2
6	Янги бустон	91,9	20,5	15,0	52,4	4,0
....						
41	Нишаб	788,05	285,5	259,45	230,1	9
ЖАМИ:		3612,7	1249,3	1054,45	1201,2	107,75

2-Жадвалда бир ёки бир неча канал буйича ташкил килинган СФУ даги фермерлар кишлок хужалик экинлари майдонининг даханалар буйича тақсимланиши курсатилган.

- Гидромодуль райони аникланади

5.3. Гидромодуль райони қандай аникланади ?

Гидромодуль юнонча суздан олинган булиб худро сув, модулулс улчайман, яъни сувни улчайман деган маънони англатади.

Гидромодуль бир гектар экин майдонини суғориш учун сарифланадиган сув хажмидир (л/с/га).

Гидромодуль суғориш майдонига бериладиган сув хажмини улчаб бериш, яъни сув ҳисобини олиб бориш учун ишлатилади.

Ўзбекистон Республикасида 9-гидромодуль райони бор. Гидромодуль райони тупрокни механик тартиби ва сизот сувлари сатхига караб аникланади

1-гидромодуль районида сув куп берилади, 9-гидромодуль районида эса кам берилади. Бунинг сабаби 1-гидромодуль районида сизот сувлар сатхи ер сатхига нисбатан уч метрдан пастда, 9-гидромодуль районида эса 1-2 метрда жойлашган.

Гидромодуль курсаткичлари

Гидромодуль райони	Тупрокнинг механик таркиби	Сизот сувлари чуқурлиги (метр)
I	Енгил	>3 метрдан пастда
II	Уртача	
III	Огир	
IV	Енгил	2-3
V	Уртача	
VI	Огир	
VII	Енгил	1-2 метргача
VIII	Уртача	
IX	Огир	

- Кишлоқ хужалиқ экинларининг суғориш режими Ўздавмелиосувлойиха институти ва Ўз ПИТИ маълумотлари асосида қабул қилинади.

Суғориш тармогининг фойдали иш коэффициентлари - бу канал охирига етиб борган сув сарфининг канал бошида берилган сув сарфига нисбати. Бу коэффициент ҳамма вақт 1 кичик булади.

Фойдали иш коэффициентлари бу каналдаги сувнинг йўқ отилишини курсатувчи коэффициент. Бу коэффициент орқали фермерга экинни суғориш учун талаб қилинадиган сув хажми ҳисобланади ва етказиб берилади.

- Бу маълумот каналларнинг тузилишига караб аникланади:

а) Вегетация даври учун:

- лоток каналларнинг фойдали иш коэффициентлари - 0,95-0,97;

- бетон қопламли каналлар учун - 0,80-0,90;

- кувурли суғориш тармоклари учун - 0,97-0,98;
- ер каналларида - 0,50-0,70

га тенг.

б) Новегетация даври учун:

- СФУ худудидаги шурланган экин майдонлари харитаси;
- Шурланган ерлар майдони ва уларнинг шурланиш буйича тавсифи;

Ерларни шўрланиш даражаси ва шўр ювиш режаси.

Фермер хўжаликлари ерларининг шўрланиш даражаси

3 жадвал.

№	Фермер хўжалиklarининг номлари	Жами майдон (га)	Шу жумладан (га)			
			Кучли шўрланган	ўрта шўрланган	Кучсиз шўрланган	Шўрланмаган
1	Ш. Юлдошев	42,7				42,7
2	Авалбой угли Фахриддин	30,6				30,6
3	Исмаг	12				12
4	Эргаш ота Мусурмонов	95,8				95,8
5	Исок ота	10				10
6	Умар	43,3				43,3
....						
120	Зайниддин Оролов	81,5			6	75,5
ЖАМИ:		3612,7			14	3598,7

СФР тузишда СФУ худудидаги барча фермер хўжаликлари буйича шўр ювишга ишлатиладиган сув хажмини билиш муҳимдир. Бу кўрсаткични билиш агротехник тадбирларни ўз вақтида бажариш имкониятини яратади.

Шўрланган ернинг даханалар буйича тақсимланиши

4 жадвал

№	Даханалар	Жами майдон (га)	Шу жумладан (га)			
			Кучли шўрланган	Урта шўрланган	Кучсиз шўрланган	Шўрланмаган
1	Худойберди бобо	100,7				100,7
2	Журабой бобо	28,5				28,5
3	Куктош бобо	48,0				48,0

4	Авалбой бобо	39,0				39,0
5	Эски бустон	228,9				228,9
6	Янги бустон	91,9				91,9
....						
41	Нишаб	788,05			6	782,05
ЖАМИ:		3612,7			14	3589,7

Тупрокнинг шўрланиш даражаси	ЕС, ds _{FM}	г/л
Шўрланмаган	0-2	0-0.6
Кучсиз шўрланган	2-4	0.61-1.15
Ўрта шўрланган	4-8	1.16-2.30
Кучли шўрланган	8-16	2.31-4.7
Ўта кучли шўрланган	>16	>4.7

Тупрок шўрланишининг тавсифи

WUASPдастури IV-IX гидромодул районларида Шўр ювиш ишларини бажаришни тавсия этмайди. Чунки сизот сувларининг чуқурлиги 0-3 метрда ювулганда Шўр ювиш тупрок шўрланишини камайтирмайди, аксинча кўпайтириши мумкин.

- Бугдой экиш режаси;
- Тавсия қилинган шўр ювиш нормаси ва сони.

Сувдан фойдаланиш режасини тузиш тартиби

Маълумот йиғиш
Сувдан фойдаланиш режаси(СФР) ни тузиш
Сув лимити
СФРни ишлаб чиқаришга тадбик этиш
СФРнинг бажарилишини назорат қилиш ва тузатиш

Сувдан фойдаланиш режасини ишлаб чиқаришнинг қандай назарий асослари мавжуд ?

- Суғориш тартиби жадвалидан экин тури ва гидромодул районига қараб мавсумий суғориш нормаси, суғориш муддати белгиланади;
- Умумий суғориш даври буйича сув хажми ҳисобланади;
- Хар ўн кунлик учун уртача суғориш гидромодуль ҳисоби аниқланади;
- Етказиб берилган сув хажми ўн кунликлар буйича тақсимланади.

Сув лимити нима ?

Суғориш манбасидаги сув захираларининг шаклланишига қараб Ирригация тизимлари бошқармаси томонидан белгиланадиган чекланган сув хажми.

Сув лимити қачон ўзгартирилади ?

- Сув манбаларидан қабул қилиб олинган пайтдаги сувга нисбатан сувнинг камайиб ёки кўпайиб кетиши кузатилган ҳолда;
- Табиий иқлим шароити ўзгарганда.

Сувдан фойдаланиш режаси қандай кўрсаткичлар буйича ифода этилади ?

- Жами олинандиган сув хажми (м³);
- Ўн кунлик буйича суғориш майдони (га);
- Ўн кунликлар буйича ҳақиқий сув хажмининг тарқатилиши (м³);
- Талаб этилган сувни етказиб бериш (л/с);
- Сув бериш якунидаги усиб борувчи сув хажми (млн.м³)
- Режадаги ва олинган сув хажмлари баланслари.

Сувдан фойдаланиш режасининг бажарилиши қандай назорат қилинади?

- Ўз вақтида тупроққа ва ўсимликка ишлов бериш;
- Сув ўлчаш иншоотларини назорат қилиш;
- Гидротехник иншоотларнинг ишлашини кузатиш;
- Суғориш тартибига риоя қилиш;
- Ўн кунлик буйича олинган ҳақиқий ва режавий сув хажмини таққослаш;

- Сувдан фойдаланиш коэффициенти аниқлаш.

Сувдан фойдаланиш режаси қачон ўзгартирилади ?

- СФР ишлаб чиқилган вақтдаги экин экиладиган майдон 10 % дан ортганда ёки камайганда;
- Суғориш тармоқларининг сув ўтказиш имконияти сезиларли даражада ўзгарганда;
- Суғориш тармоқларида ва иншоотларда кучли бузилишлар натижасида узок вақт керакли сув хажмини етказиб бериш имконияти бўлмаганда;
- Табиий ёки хўжаликлардаги шароит туфайли (бахорнинг эрта ёки кеч келиши,, кайта экиш, суғориш, ишлов беришдан кейин орқада қолиб кетиш ва бошқалар);
- Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси учун аввал белгиланган сув олиш лимитлари ўзгарганда.

Сув тақсимлаш графиги нима ?

Сув тақсимлаш графиги –СФР орқали сувдан фойдаланувчилар учун аниқ сув олиш вақти, сув сарфи ва хажмининг ўн кунликлар асосида тарқатилишидир.

Қисқача хулосалар.

Сувдан фойдаланиш режасини қишлоқ хўжалик экинларини суғориш учун сувни ҳисобга олиш ва назорат қилиш учун тузилади. СФУ режалаштирган сув хажмини манбадан ўз вақтида олиш ҳамда сувдан фойдаланувчиларга етказиб бериш бўйича барча ташкилий ишларни ўз ичига олади. СФР бир йилда икки марта тузилади:

1. Суғориш даври (вегетация) учун.
2. Шўр ювиш даври (новегетация)

СФРни тузишдан мақсад қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ва барқарор ҳосил олиш, сув ресурсларидан самарали фойдаланишдан иборат.

Кузги даврда шўрланган ерларнинг тузини ўз вақтида ва сифатли қилиб ювиш нафақат экинлар ҳосилни оширади, шу билан бир вақтда ернинг унумдорлигини оширади унинг балл-банитетини кўтаради. Натижада ердан-судан фойдаланиш даражаси яхшиланади ва улардан фойдаланиш самарадорлиги ошади.

Судан фойдаланиш режасини тузиш учун ерни ва экинларни сувга бўлган талаби аниқланади ва шундан келиб чиқиб белгиланган меёрлар ёрдамида сув лимити ва суғориш режаси тузиб чиқилади. Манбадаги сувнинг кўпайиши ёки камайиши аниқланганда, шундан келиб чиқиб сув лимити ва суғориш режаси у ёки бу томонга қараб ўзгариши мумкин. Сув лимити ва суғориш режасидан фойдаланиб сув тақсимлаш графиги тузиб чиқилади.

Таянч иборалар: Судан фойдаланиш режаси, вегетация ва новегетация даври, шўр ювиш, балл-бонитет, суғориш меъёри, сув лимити, сув тақсимлаш графиги. Судан фойдаланиш режаси, сув назорат иншооти, даҳана, Гидромодуль райони, каналнинг фойдали иш коэффициенти, ерни шўрланиш даражаси.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Судан фойдаланиш режасини аҳамияти ва моҳияти ҳақида гапиринг?
2. Судан фойдаланиш режасини тузиш учун қандай маълумотлар керак?
3. Гидромодуль райони қандай аниқланади?
4. Тупроқ шўрланишини олдини олиш йўллари.
5. Судан фойдаланиш режасини тузиш тартиби.
6. Сув лимити қандай аниқланади ва қачон ўзгартирилади?
7. Сув тақсимлаш графиги нима ва у қандай тузилади?

Асосий адабиётлар.

1. И.А. Каримов «Иқтисодий ислохатларни янада чуқирлаштириш».

2. Ш. Хамроев «Қишлоқ хўжалигида ислохатларни чуқирлаштиришда сувдан фойдаланувчилар уюшмасининг ўрни». «Талқин» нашриёти 2006 йил.
3. «Форғона водийсида сув ресурсларини бошқаришни мувофиқлаштириш». Лойиҳаси. Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси қандай ташкил қилинди. 2003-2006 йил.
4. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги «Сувдан фойдаланувчилар уюшмаларини ташкил қилиш бўйича услубий қўлланма. Тошкент 2003 йил.
5. USAID. WUASP. Марказий Осиёда сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштиришга амалий тажрибаларни тадбиқ этиш. Ахборот бюллетенлари.

10 БОБ. ИРРИГАЦИЯ ХИЗМАТИ БАДАЛИ

6.1. Ирригация хизмати бадали тушунчаси ва аҳамияти

Ирригация хизмати бадали (ИХБ) СФУга барча сувдан фойдаланувчилар томонидан, яъни уюшмага аъзо бўлган ҳамда аъзо бўлмаганлардан сувни етказиб бериш ҳамда уюшма худудидаги ирригация зовур тармоқларидан фойдаланиш ва ишчи ҳолатда саклаш бўйича хизматлар учун туланадиган маблағдир.

Вазирлар Маҳкамаси 2002 йил 5 январдаги 8-сон қарорига қура СФУ уз фаолиятини уз аъзоларининг пул ва моддий бадаллари ҳисобига амалга оширади, деб белгилаб қуйилган. Демак бу ҳужжат асосида сувдан фойдаланувчилардан йигилган бадаллар қуйидаги мақсадларда ишлатилади:

- Суғориш ва дренаж тармоқлардан фойдаланиш ва уларга техник хизмат курсатиш
- СФУ ёлланма хизматчиларни сувдан фойдаланувчиларга яхшироқ хизмат курсатишлари учун рағбатлантириш

- Фермерларни сув ресурсларидан самарали фойдаланишга ундаш

Бундан ташқари ИХБ СФУ лар учун келажакда ирригация зовур тармоқларини такомиллаштириш ва қутилмаган харажатларни қоплаш учун Захира жамғармасини тузиш имкониятини ҳам беради.

Ирригация хизмати бадалининг ахамияти

Йигилган ИХБ биринчи навбатда суғориш ва дренаж тармоқларидан фойдаланиш ва унга техник хизмат курсатиш тадбирларини молиялаштириш учун ишлатилади. Агар СФУ ИХБ ни узининг барча аъзоларидан йиғаолмаса, у фермерларга уз вақт ида ва керакли хажмдаги сувларни етказиб бериш имкониятига эга бўлмайди. Бундан ташқари бу маблағнинг етарли миқдорда йигилмаслиги СФУ даги суғориш ва дренаж тармоқлари аҳолининг ёмонлашуви ва сув етказиб беришда узилишларга сабаб бўлади. Бу ўз навбатида ҳосилдорликни камайиши ва кишлоқ аҳолиси турмуш даражасининг пасайишига олиб келиши муқаррар. Барча сувдан фойдаланувчилар ИХБ ни туламаслик ёки тулаш оқибатларини тушунишлари лозим, чунки бу тўлов фермерларга уз вақт ида сув етказиб бериш қаролатини беради.

Ирригация хизмати бадали қандай тадбирларга сарифланади

Ирригация хизмати бадали суғориш ва дренаж тармоқларидан фойдаланиш ва унга техник хизмат курсатиш харажатларини ҳамда у билан боғлиқ маъмурий харажатларни уз ичига олган бўлиб, қуйидагиларга сарифланади

- Каналларни лойқалардан тозалаш
- Канал қазиш
- Дамбаларни таъмирлаш
- Эскирган асосий воситаларни алмаштириш
- Алоқа харажатлари

- Насослар ва огир ускуналар учун ёкилги мойлаш материаллари, эҳтиёт қисмлар
- Сув улчаш асбоблари /назорат мосламаларини урнатиш ва таъмирлаш
- Насос ва офис учун электр энергияси харажатлари
- СФУ ходимларининг маошлари
- Офис учун канцелярия буюмлари харажатлари ва бошкалар

10.2. Ирригация хизмати бадалининг турлари

Ирригация хизмати бадалини ҳисоблашнинг турли усуллари мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бирининг узига яраша афзаллик ва камчиликлари бор. Суғориш ва дренаж тармоқларининг мураккаблигидан келиб чикан ҳолда ИХБ Лар ҳар-хил бўлиши мумкин. Насосли суғориш тармоқлари учун ИХБ киймати юқорирок бўлади, чунки_насосларни ишлатиш учун сарифланадиган электр энергияси ёки ёкилги мойлаш материаллари харажатлари ҳисобига олинади. Бу тўловлар СФУ жойлашган ҳудудга караб турлича бўлади, чунки электр энергияси учун тўловлар жойларга хос электр узатиш харажатларига асосланган. ИХБ кийматини аниқлашда ҳисобга олинадиган бошка омилларга суғориш ва дренаж тармоқларини таъмирлаш ишлари киради. ИХБ ҳисоблашнинг куйидаги учта асосий усули мавжуд:

1. Майдонга асосланган тўлов жами сугориладиган майдон етиштириладиган экин ёки олинган сув ҳажмидан каътий назар ҳар бир гектардан олинадиган узгармас тўловдир. Тўловнинг бу тури суғориш тармоқларидан фойдаланишнинг узгармас харажатларини коплаш учун мулжалланган. Уни ҳисоблаш ва йигиш осон ҳамда у барқарор даромад оқимини таъминлайди. Бирок бу усулда суғориш самарадорлиги паст бўлиб уни куллаш айрим сувдан фойдаланувчиларда сувни тежашни рағбатлантирмайди. Бадални тулаб куйгач сувдан фойдаланувчига хоҳлаган ҳажмда сув ишлатиш имконияти тугилади. Бу усулнинг куланишига сабаб

СФУ ларда сув улчайдиган жихозларни мавжуд эмаслиги, иккинчи томондан эса ИХБ ни ҳисоблашнинг осонлигидир.

2.Экин турига асосланган тўлов сугориладиган ерни хар гекторидан олинадиган ўзгарувчан тўловдир бу экинларнинг туридан келиб чикан холда олинадиган тўлов ҳисобланади. Бунда экин тури ва сугориладиган майдон олинган сув хажми учун асос булиб хизмат килсада, тўлов амалда олинган сув микдорига боғлиқ эмас. Тўлов микдорининг турли экинлар учун хар-хиллиги фермерларнинг экин танлаш имкониятига таъсир курсатиши мумкин. Бу фермерларда суғоришни такомиллаштириш ёки кушимча сармоя жалб килиш орқали сувни тежаш усулларини жорий қилишга қизиқиш уйғотмайди. Экин турига асосланган тўловни жорий килиш хар бир фермер танлаган экинни жойлаштириш тизимини бириктирилган мироб томонидан хар фаслда бахоланишини талаб килади. Бу одатда куп мехнат талаб киладиган жараёндр. Айрим ривожланган мамлакатларда сунъий йулдош томонидан олинган суратлар сувни етказиб берувчи ташкилотларни бундай усулни кулаш имкониятини яхшилаган.

3. Сув хажмига асосланган тўлов 2 хил бўлиши мумкин: ўзгармас ва ўзгарувчан. Ўзгармас тўлов сувнинг улчов бирлигига нисбатан катъий белгиланган тўлов булиб ИХБ тугридан-тугри ва бевоста олинган сув хажмига боғлиқ. Ўзгарувчан тўловни ИХБ микдори сувнинг улчов бирлигига нисбатан ўзгарувчан булиб, бунда тўлов олинган сув хажмига боғлиқ, аммо тугридан-туғри эмас. Масалан, сувнинг маълум хажми хар бир гектарга арзонроқ нархда етказиб берилади. Агар купрок сув олинадиган булса, унга юкорирок нарх белгиланиши мумкин. Нарх белгилашнинг бу шакли сувни тежашга туртки булади. Юкорида кайд этилган майдонга асосланган хамда экин турига асосланган усулларга сувни тежашга рағбат Йўқ . Бу усул сугорилагиган кишлок хужалигида унча кенг таркалмаган, чунки ривожланаётган мамлакатларда суғориш тармоклари очик булиб, сув доимий равишда оқиб

туради. Бундай суғориш тармоклари ва уни бошқариш одатда фермерларга сувни алохида ўлчаб бериш имконини бермайди. Бу усулнинг яна бир камчилиги шундан иборатки, олинган сув хажми даврлар буйича сезиларли даражада фарқ қилиши мумкин ва шу боис дарамод оқимларини олдиндан режалаштириш жуда кийиндир.

Қуйидаги жавдалда ИХБ турларининг афзаллик ва камчиликлари таққосланган. Жадвалдан куришиб турибдики, майдонга асосланган усул кулай ва амалий ҳисобланади ва жуда кенг тарқалган. СФУ Умумий йигилиши ИХБ ни қандай ҳисоблаш, тулаш тартиби ҳамда қандай қўшимча омиллар этиборга олинишини белгилайди. Умумий йигилиш СФУ мақсадидан келиб чиқиб суғориш ва зовур тармоқлари ҳолати, маҳаллий шарт-шароитни ҳисобга олган ҳолда СФУ учун зарур ходимлар сонини белгилайди ҳамда сув манбаларини бошқариш ва ИХБ нинг энг мақбул усулини танлайди.

Тўлов тури	Тавсифи	Самарадорликка таъсири	талабга таъсири	Даромаднинг барқарорлиги ва эҳтимоллиги	Бошқарув кулайлиги
Майдонга асосланган	Хўжалик майдонига асосланган ҳолда белгиланади	Йўқ	Йўқ	Яхши	Яхши
	Суғорилган майдон учун белгиланади	Йўқ	Кам	Ўртача	Яхши
Экинга асосланган	Суғорилган экин турига асосланган тўлов	Кам	Кам	Ўртача	Ўртача
Сув хажмига асосланган	Ўзгармас тўлов	Ижобий	Ижобий	Ёмон	Ёмон
	Ўсиб борувчи тўлов	Ижобий	Ижобий	Ёмон	Ёмон

Насосли суғориш тизимларида ИХБ

Ўзбекистон ерларининг тахминан 50% насослар ёрдамида сугорилади. Насос станцияларидан фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш электр энергияси/ёкилги учун қўшимча маблағларни талаб қилади. Айрим хуудларда ширкатлар тугатилгач, учинчи даражали каналдаги насослар фермерлар ихтиёрига утказилди. Натижада бу насослардан фойдаланувчи фермерларнинг харажатлари купайди. Бир катор СФУ Лар борки, уларга аъзо айрим фермерлар суғориш да насосдан фойдаланмайдилар, айримлари эса насос ёрдамида сугорадилар. Баъзи хуудларда СФУ умумий йигилиши карорига кура, насос ёрдамида экинни сугорувчи фермерлар бошка фермерларга нисбатан 20 – 30% камрок бадал тулайдилар . биров айрим СФУ ларда сувдан фойдаланувчилар суғориш усулидан катъий назар бир хил ИХБ тўлайдилар. Юкорида зикр этилганидек, хар бир СФУ нинг умумий йигилиши махаллий вазиятлардан келиб чиққан холда ИХБ ни белгилаш бўйича бир қарорга келиши керак.

10.3. Ирригация хизмати бадалини ҳисоблаш

ИХБни ҳисоблашнинг энг оддий ва кенг тарқалган усули майдонга асосланган усул булиб, у куйидагича тавсифланади:

Хар бир фермер учун ИХБ миқдори = Хаар бир гектардан
олинадиган * Фермернинг сугориладиган ер майдони.

Мисол:

СФУнинг жами йиллик харажати – 20000000 сум

СФУнинг умумий сугориладиган майдони – 4000га

Фермернинг ер майдони – 15га

$ИХБ=20000000 / 4000га = 5000сум/га$

Демак хар бир гектардан олинадиган ИХБ 5000сумга тенг

Фермернинг жами ИХБ миқдори = $5000*15га=75000сум$

Аъзо ва аъзо булмаган сувдан фойдаланувчилар учун ИХБ

СФУга ҳамма сувдан фойдалануви ҳам аъзо булмагани мумкин. Одатда СФУаъзолари СФУга сув етказиб бериш ва тақсимлаш учун аъзо булмаганларга нисбатан 20-50% камроқ ҳақ тўлайди. Шундай қилиб, СФУга аъзо бўлишни қўпгина афзалликлари бор

Дехкон ва томорка хужаликлари учун ИХБ

СФУнинг ҳар бир дехкон ва томорка хужалик эгалари билан шартнома тузиш имконияти чегараланган, чунки Ўзбекистоннинг аксарият ҳудудида бундай майдонлар сони жуда қўп ва уларнинг ҳажми кичик. Шу боис СФУ га бир канал атрофида жойлашган дехкон, томорка хужалиги ва боғ эгалари билан маҳалла фуқоролар йиғини билан шартнома тузиш тавсия этилади. Айрим ҳолларда бу қишлоқ, маҳалла ёки фуқаролар йиғини бўлиши мумкин. Ўз навбатида МФЙ СФУ билан шартнома тузади.

Сувдан ва сув хужалиги объектларидан фойдаланиш учун Уюшма таъсисчилари ва ҳудуддаги бошқа сувдан фойдаланувчилар ўз бадалларини қўшадилар, жумладан. «**Жорий бадал**» -Уюшманинг Ижро органини саклаш учун кетадиган харажатларни қўплаш учун сувдан фойдаланувчилар томонидан ажратиладиган маблағлар; «**Ривожлантириш бадали**» Уюшма балансидаги ички сув хужалиги объектлари ва мелиоратив техника ҳамда бошқа мол-мулкдан фойдаланиш ҳамда уларни саклаш учун сувдан фойдаланувчилар томонидан ажратиладиган маблағлар. Бадаллар Уюшманинг умумий йиғилиши қарори асосида сувдан фойдаланувчиларнинг олган суви, ер майдонига қараб белгиланади.

Мавжуд тавсияларга қўра (4) Сугориладиган майдонга нисбатан СФУ га туланадиган йиллик улушининг (бадали) миқдори қўйидаги

А) биринчи усул бўйича:

$$K_m = \frac{\text{СФУнинг йиллик х харажаари}}{\text{СФУни умумий сугориладиган майдони}}$$

Сугориладиган майдон буйича «тариф» аникланган K_m коэффициентини СФУ аъзосига тегишли майдонга куйтирилиб, хар бир СФУ аъзосининг йиллик аъзолик бадали микдори аникланади:

$$B_{\text{майдон}} = K_m * S$$

формулада : , S-СФУ аъзосининг суғориш майдони, (га).

Б) иккинчи усул буйича олинган сувга нисбатан СФУ нинг йиллик харажатлари куйидагича аникланади: СФУ йилик сарф-харажатлари микдорини олинган йиллик сув хажми микдорига булинади:

$$K_{\text{суб}} = \frac{\text{йиллик харажатлари, сум}}{\text{йиллик чекланган сув микдори} / \eta_{\text{канал}}, \text{м}^3}$$

Формулада: $\eta_{\text{канал}}$ – уюшма суғориш тизимининг фойдали иш коэффициенти.

Хар бир кубометр сув хажми микдори буйича аникланган сув коэффициентини $K_{\text{суб}}$, яъни «тариф» хар бир СФУ аъзосига ажратилган йиллик чекланган сув микдорига куйтирилади ва йиллик аъзолик бадаллари микдори аникланади:

$$B_{\text{суб}} = K_{\text{суб}} * V ,$$

формулада: V аъзога ажратилган йиллик чекланган сув хажми м^3 ; $B_{\text{суб}}$ сув буйича аъзолик бадали сум/ м^3 .

Юкоридагиларни ҳисобга олиб, биз СФУ томонидан аъзолар учун бир йил мобайнида (ёки белгиланган давр ичида) сувни етказиб берилган сув хажми ва эксплуатация хизмати билан боғлиқ жами харажатларининг меъёрий нисбий кийматларини куйидагича ҳисоб-китоб қилишини тавсия этамиз:

1) СФУ томонидан аъзолар учун бир йил мобайнида (ёки белгиланган давр ичида) сувни етказиб берилган сув хажми ва эксплуатация хизмати билан боғлиқ жами харажатларининг умумлаштирилган норматив нисбий киймати аникланади:

$$HX = \Sigma W_{hx} /,$$

формулада:

ΣW_{hx} – СФУ томонидан аъзолар учун бир йил мобайнида (ёки белгиланган давр ичида) сувни етказиб бериш сув хажми ва эксплуатация хизмати билан боғлиқ режадаги жами харажатлари, сум; ΣW_{hc} – СФУ га гидрографик тизимидаги ИТБ томонидан белгиланган жами меъёрий лимит сув миқдори, м³.

2) СФУ томонидан аъзолар учун бир йил мобайнида (ёки белгиланган давр ичида) сувни етказиб берилган сув хажми ва эксплуатация хизмати билан боғлиқ жами харажатларнинг хақиқий нисбий киймати (XX_{hf}) аникланади:

$$XX_{hf} = HX * (B_f / B (W_{fx} / W_{fn})^n, \text{ сум/м}^3$$

Формулада: W_{fx} ва W_{fn} – СФУ аъзоси томонидан хақиқатдан олинган сув хажми (W_{fx}) ва СФУ томонидан аъзога ажратиб бериш учун режаланган сув миқдори, м³; n – СФУ жойлашган гидрографик сув тизими худудида булган сув танкислик даражасини курсаткичи (2,3...). Сув танкислиги кам шароитда n=1, уртача шароитда n=2, сув танкислиги кучли жойларда n=3 ва купрок.

B_f – СФУ аъзосининг сугориладиган ерлари уртача келтирилган унумдорлиги; B – СФУ буйича сугориладиган ерлари жами майдонларининг уртача келтирилган унумдорлиги (бонитети).

$$B_f = (\omega_1 * b_1 + \omega_2 * b_2 + \dots + \omega_i * b_i) / \Omega_f ,$$

Формулада: $\omega_1, \omega_2, \dots, \omega_i$ – фермер хужалигида b_1, b_2, b_i бонитет даражасига (балл улчам бирлигида) жавоб берадиган режада курсатилган сугориладиган ерлар майдонлари, га; Ω_f – фермер хужалиги режасида курсатилган сугориладиган ерларнинг жами майдони, га.

$$(\Omega_f = \omega_1 + \omega_2 + \dots + \omega_f),$$

B – СФУ режасида курсатилган жами сугориладиган ерларнинг уртача келтирилган унумдорлиги, (бонитети) балл.

$$B_f = (B_{f1} * \Omega_{f1} + B_{f2} * \Omega_{f2} + \dots + B_{fi} *) / \Omega,$$

Формулада: $B_{f1}, B_{f2}, \dots, B_{fi}$ - СФУ режасида курсатилган фермер хужаликлари сугориладиган ер майдонларининг ($\Omega_{f1}, \Omega_{f2}, \dots, \Omega_{fi}$, га) уртача келтирилган бонитетлари (балл); Ω -СФУ режасида курсатилган жами сугориладиган ер майдони, га.

3) СФУ аъзосининг йиллик (ёки белгиланган давр учун) бадали куйидагича аникланади:

$$X_f = XX_{nf} * W_{fx}, \text{ сум}$$

4) Юкорида курсатилган XX_{nf} ва NX кийматларининг фарки:

$XX_{nf} - NX > 0$ катта холда, СФУ аъзоси ортикча олинган хар бир m^3 сув хажмига кушимча, яъни: $\Delta XX_{nfk} = XX_{nf} - NX$ жарима хакини СФУ га тулаши лозим.

5) Юкорида курсатилган XX_{nf} ва NX кийматларининг фарки:

$XX_{nf} - NX < 0$ кам холда, СФУ аъзоси камрок олинган хар бир m^3 сув хажмига камрок, яъни: $\Delta XX_{nfж} = XX_{nf} - NX$ мукофот хакини СФУ томонидан олади ёкибадали ушбу $\Delta XX_{nfж}$ киймат микдорига нисбатига камрок туланади.

Албатта тавсия килинадиган бу усулнинг мазмунида ҳам айрим ечилмаган масалалар мавжуд, сув танкислиги даражасини белгиловчи «п» курсаткичи. Унинг кийматларига анилик киритиш учун гидрограф тизимларни сув танкислиги даражаси буйича тақсимланиши ва туманлаштиришимиз лозим. Яна бир муаммо- экинлар сув талабчанлигини ҳисобга олиш лозим, чунки масалан, пахта ва шоли етиштириш учун сарф килинадиган сув меъёрлари мутлок фарк килади.

Куйида, Сайхунобод туманидаги «Уч арик» СФУ аъзолари учун бадал тўловлари кийматлари янги усул ёрдамида ҳисоблаш яқунлари келтирилмоқда, кийматлар мисол тарикасида келтирилган.

Жадвал 1

Сайхунобод туманидаги «Уч арик» сувдан фойдаланиш уюшмасининг (йиллик норматив хужжатлар микдори 22000минг сум) 2004 йил

БИЗНЕС РЕЖАСИ

№	Харажатлар тури	Йиллик харажатлар, минг Сум.	Асос
1	Ойлик фонди (ФОТ) Жумладан: а) ойлик маоши (ОМ) б) мукофот микдори, 40 % (ойлик маошдан) в) моддий ёрдам, бир ойлик микдорида	2680 1200 480 100	СФУ штатлари коидалари. СФУ да ишчи сони 5та. СФУ умумий мажлиси қарори СФУ умумий мажлиси қарори
2	Ижтимоий сугурта, 33% ойлик маошдан	396	Курсатилган тартиб асосида
3	Ишлаб чиқариш харажатлари: а) Кучма насос станцияларидан фойдаланиш билан боғлиқ ишлаб	1364,3	Электр насос-12дона х 110квт/ч х 24соат х

	чиқариш харажатлари		16сум/квт=506,88сум Дизель насос-7дона х 500л х245сум/л=857,5 Хақиқий харажатлар асосида
	б) Бульдозер, экскаваторларни ёқилги мой билан таъминлаш харажатлари	500,0	
	в) Коллектор-зовурларни хужаликлар ҳисобига тозалаш харажатлари, жами Жумладан:	12000	
	а) Коллектор-зовурларни эксплуатацияси учун	9000	2003йил сметаси асосида
	б) шох ариқларни кул кучи билан тозалаш (аъзолар ҳисобидан)	3000	2003йил сметаси асосида
4	Маъмурий-хужалик харажатлари (ойлик маошидан ташқари) Жумладан:		Хақиқий харажатлар асосида
	а) канцтоварлар	20	
	б) алоқа харажатлари	35	
	Жами	23759,3	

Изоҳ: жадвал IWMII тавсияномаси буйича тузилган/ (4).

Ҳисоб-китоблар мавжуд (4) ва мазкур ҳисобот муаллифлари томонидан тавсия этилаётган усуллар буйича бажарилган.

1. Мавжуд усул буйича , (4) :

$$-НХ=23759300\text{сум}/24500000=0,96\text{сум}/\text{м}^3$$

$$-\text{Шамшиев аъзолик бадали: } K_{\text{суб}}=НХ * W_{\text{ш}}=0,96* 1200000=1152000\text{сум}$$

$$-\text{Турдибеков аъзолик бадали: } K_{\text{суб}}0,96*411000=394560\text{сум}$$

$$-\text{Тураев аъзолик бадали: } K_{\text{суб}}0,96*350000=336000\text{сум}$$

$$-\text{Душембаев аъзолик бадали: } K_{\text{суб}}0,96*90000=86400\text{сум}$$

2. Тавсия этилаётган усул буйича ҳисоблар сув таъминланганлиги коникарли шароити (яъни n=2) учун бажарилади:

$$НХ=(23000/22000)=1.045\text{сум}/\text{м}^3;$$

$$-\text{Шамшиев нисбий аъзолик бадали: } ХХ_{\text{нф}}=1,045*(35/40)*(1200/729.4)^2=$$

$$=2.18\text{сум}/\text{м}^3$$

-Турдибеков нисбий аъзолик бадали: $XX_{\text{нф}}=1,045*(40/40)*(411/410.1)^2=$
 $=21,049 \text{ сум/м}^3$

-Тураев нисбий аъзолик бадали: $XX_{\text{нф}}=1,045*(43/40)*(350/410.1)^2=$
 $=0,81 \text{ сум/м}^3$

- Душембаев нисбий аъзолик бадали: $XX_{\text{нф}}=1,045*(60/40)*(90/60)^2=$ $=3,52$
 сум/м^3

2) X_f :-Шамшиев йиллик аъзолик бадали: $X_f =2.18*1200000=$
 $=2616000 \text{ сум}$

-Турдибеков йиллик аъзолик бадали: $X_f =1,049*411000= 431139 \text{ сум}$

-Тураев йиллик аъзолик бадали: $X_f =1,081*350000= 283500 \text{ сум}$

- Душембаев йиллик аъзолик бадали: $X_f =3,52*90000= 317700 \text{ сум}$

Жадвал 2

Фермерларнинг сув бадалини янги усулда ҳисоблаш жадвали (Ҳисобот муаллифлари буйича)

Фермерлар	Шамшиев	Турдибеков	Тураев	Душембаев
W_n , минг куб.м.	729,4	410,1	410,1	62
W_n , минг куб.м.	1200	411	350	90
W_n , минг куб.м.	2,18	1,049	0,810	3,520
W_n , минг куб.м.	1,045	1,045	1,045	1,045

Жадвал 3

СФУ аъзоларининг жами бадаллари ҳисоби натижалари (ҳисоблар тахминий мавжуд ва янги таклиф этиладиган усуллар буйича бажарилган)

Фермерлар	Шамшиев	Турдибеков	Тураев	Душембаев
K_c , минг.сум	1152	394,56	336	86,4
X_f , минг.сум	2616	431,14	283,5	317,7
W_n , минг.сум	729,4	410,1	410,1	60
W_f , минг.сум	1370	411	350	90

Юкорида курсатилган натижалардан куришиб турибдики, янги усул буйича СФУ аъзолари курсатилган норматив сув микдоридан ташкари кушимча сув олинган такдирда уларнинг харажатлари кескин ошади. Масалан, Шамшиев хужалиги нормативдан ташкари 470минг куб.м. сув микдорини олганлиги натижасида унинг бадали 2.19сум/куб ташкил этади, яъни ушбу фермер сув хизмати 2,09 марта кимматрок булади. Тартиб доирасида сувдан фойдаланган фермер Турдибеков бадали норматив буйича 1.045 сум/куб.м. ва сувни тежаб келган фермер Тураев бадали имтиёзли 0,91 сум/куб.м. га яъни нормативга нисбатан 13% камрок булади. Янги усулни кулланиши СФУ аъзоларини сувдан самарали ва оқилона фойдаланишга жалб килади.

Умумий хулосалар ва таклифлар:

- 1.СФУ аъзоси бадалини аниқлашда мавжуд усуллар бирмунча камчиликлар ва ноаникликларга эга.
2. СФУ аъзоси бадали тавсия килинган усул асосида ҳисобланиши маъкул.
3. Тавсия килинган янги усулнинг ижобий томонлари:
 - СФУ аъзоларини иктисодий механизмлари ёрдамида сувдан тартибли ва тежамли фойдаланишга таклиф килади;
 - СФУ аъзолари бадалида сугориладиган ерлар махсулдорлигининг фарқи, яъни ер майдони катгарок, лекин махсулдорлиги пастрок ва ер майдони кичкина ва махсулдорлиги купрок фермер хужаликлари хоссалари ҳисобга олинган;
 - СФУ жойлашган худуднинг ёки даврнинг сув билан таъминланиши даражаси ҳисобга олинган. Сув билан таъминланиши кам, коникарли ва яхши СФУ ларда бадал микдори фарқи хар хил булади;
 - СФУ аъзолари сувни тежашга эга булган такдирда, уларга нисбатан имтиёзли бадал тўловлари белгиланади, сувни ортикча исроф килган аъзоларга нисбатан кушимча хак олинади.

10.3. Ирригация хизмати бадалини белгилаш ва тўлаш тартиби

ИХБ СФУни молиялаштиришнинг асосий манбаи булганлиги сабаби умумий йигилиш амалга оширилиши кутилаётган тадбирлар ва уларнинг молиялаштиришга булган талабини муҳокама қилиши керак. Фермерларнинг манфаатларини таъминлаш мақсадида бу муҳокамаларда иштирок этиши лозим, чунки умумий йигилиш ИХБ микдорини суғориш ва дренаж тармоқларидан фойдаланиш ва унга хизмат курсатиш учун кутилаётган харажатларга асоаланган холда белгилайди. Бундан, ташқари фермерларни ИХБни тўлаш тартибини келишиб олинади. Бу муддат жуда ката аҳамиятга эга, чунки у СФУда режалаштирилган ишларни амалга ошириш учун зарур маблағлар оқимини аниқлаш ва келгуси йилда ўтказиладиган тадбирларни режалаштиришга ёрдам беради. СФУ ижроия органи кенгаш раҳбарлигида СФУ бюджет лойҳасини таёрлайди ва умумий йигилишга такдим қилинади. Бюджет тасдиқлангач умумий йигилиш микдори ва тўловни амалга оширмаганлиги учун жарима ёки тегишли чора қуриш юзасидан қарор қабул қилади.

Фермерларни ИХБни тулашга рағбатлантириш

ИХБ микдорининг асосий қисми фермерларга сув етказиб беришдан аввал ёки суғориш мавсуми бошланишидан олдин тўланиши тавсия этилади. Келишилган тулав муддатлари реал булиши ва фермерларда тўлов учун нақд пул ёки товар қуринишидаги маҳсулотлар мавжуд бўлган пайтга туғри келиши муҳим аҳамиятга эга. Кишлоқ ва сув хужалиги вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси намунавий Низомига асосан ИХБнинг 50%и ҳар йилнинг 10 апрелига қадар туланиши лозим. СФУни умумий йигилиши тўлов муддатидан ташқари ИХБни туламаганлиги учун жарима турлари ва микдорини ҳам белгилайди. Шунингдек Яна намунавий низомга мурожаат қиладиган бўлсак, кечиктирилган тўлов суммасига ҳар бир кечиктирилган кун учун ИХБ суммасининг 0,1% микдорида жарима суммаси

кушилиши керак. ИХБ жами 20кун ичида туланмаса, СФУ бундай сувдан фойдаланувчига сув беришни вақт инчалик тўхтатиб қўйиши мумкин. тўловларнинг уз вақт ида амалга оширилишини таъминлашнинг яна бир йўли СФУ Кенгаши томонидан бадал туламаётган СФУ аъзосининг хужалигига ташриф уюштириш ва ижтимоий назоратни амалга оширишдан иборат. Агар СФУ аъзоси бу тўловни икки ва ундан ортик йил давомида мунтазам равишда туламаса, у СФУ аъзолигидан чиқарилиши мумкин.

Ирригация хизмати бадалини тулаш тартиби

ИХБ одатда бевосита СФУнинг банкдаги ҳисоб рақамига туланади. Бирок ИХБ нақд пул билан туланиши ҳам мумкин. ИХБ бўйича тўловларни ёки тўлов амалга оширилганлиги тўғрисидаги банк қвитанциясини фақат СФУ ҳисобчиси қабул қилиши керак. ИХБ бевосита СФУ идорасида тўланиши ҳам мумкин. бунда тўлов тўғрисидаги қвитанциянинг бир нусхаси тўловчига берилади, иккинчи нусхаси эса ҳисобчида сақланади. Қабул қилинган нақд пул уша куннинг ўзида банкка инкассация қилинади. Бундай ёндашув маблағларнинг ўзлаштирилиши ва нотўғри ишлатилишини олдини олишга кўмак беради.

Қисқача хулосалар

Ирригация хизмати бадали (ИХБ) барча сувдан фойдаланувчилар томонидан, яъни уюшмага аъзо бўлган ва бўлмаганлардан сув етказиб бериш хизматлари учун тўланадиган маблағлардир. Йиғилган ИХБ биринчи навбатда суғориш ва дренаж тармоқларидан фойдаланиш ва унга техник хизмат кўрсатиш тадбирларини молиялаштириш учун ишлатилади. Булар каналларни лойқадан тозалаш, канал қозиш, дамбаларни таъмирлаш, алоқа ҳаражатлари, ёқилғи-мойлаш материаллари, сув ўлчаш асбоблари, электр-энергияси ҳаражатлари, СФУ ходимлари маошлари, концелария ҳаражатлари ва бошқа ҳаражатлар. ИХБ ни ҳисоблашнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- 1) Майдонга асосланган тўлов

- 2) Экин турига асосланган тўлов
- 3) Сув ҳажмига асосланган тўлов

ИХБ ни ҳисоблашнинг энг оддий ва энг кенг тарқалган йўли майдонига асосланган бўлиб у қуйидагича аниқланади.

- Ҳар-бир гектардан олинadиган ИХБ ҳажми йиллик ҳаражатларни СФУ нинг жами суғориладиган майдонига бўлиш орқали аниқланади.

- Ҳар-бир фермер учун ИХБ=ҳар-бир гектардан олинadиган ИХБ-фермернинг жами суғориладиган майдонига кўпайтириш орқали аниқланади.

Таянч иборалар: Ирригация хизмати бадали, тахник хизмат кўрсатиш, молиялаштириш, сув ўлчаш асбоблари, концелария ҳаражатлари, майдонга асосланган тўлови, бадал тўлови, сув ҳажмига асосланган бадал тўлови.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Ирригация хизмати бадали тушунчаси ва унинг аҳамияти ҳақида гапиринг?
2. Ирригация хизмати бадали қандай тадбирларга сарфланади?
3. Ирригация хизмати бадалининг турлари ҳақида гапиринг?
4. Майдонга асосланган бадал тўлови ҳақида гапиринг?
5. Экин турига асосланган бадал тўлови ҳақида гапиринг?
6. Сув ҳажмига асосланган бадал тўлови ҳақида гапиринг?
7. Ирригация хизмати бадалини белгилаш ва тўлаш тартиби.
8. Фермерларни бадал тўлашга рағбатлартириш нима?

Асосий адабиётлар.

1. И.А. Каримов «Иқтисодий ислоҳатларни янада чуқирлаштириш». Т. 1995й.
2. Ш. Хамроев «Қишлоқ хўжалигида ислоҳатларни чуқирлаштиришда сувдан фойдаланувчилар уюшмасининг ўрни». «Галқин» нашриёти 2006 йил.

3. «Фарғона водийсида сув ресурсларини бошқаришни мувофиқлаштириш». Лойиҳаси. Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси қандай ташкил қилинди. 2003-2006 йил.
4. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги «Сувдан фойдаланувчилар уюшмаларини ташкил қилиш бўйича услубий қўлланма. Тошкент 2003 йил.
5. USAID. WUASP. Марказий Осиёда сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштиришга амалий тажрибаларни тадбиқ этиш. Ахборот бюллетенлари.

11 БОБ. СФУ БЮДЖЕТИ

1. Бюджетнинг аҳамияти ва моҳияти

Бюджет-жорий календар йили ёки ҳосил йили каби маълум давр учун бизнес-режасини амалга ошириш билан бошғлиқ сарф-ҳаражатларни ва даромадларни олдиндан боҳолашни англатади. Оддий қилиб айтганда, бюджет-муайян даврдаги режалаштирилган тадбирларнинг миқдорий молиявий қисми бўлиб, унда ҳар ойда сарф-ҳаражатларни қоплаш учун зарур маблағ ва кутилаётган даромад миқдори кўрсатилади.

2. Бюджетдан қандай фойдаланилади?

Айрим ҳолларни ҳисобга олганда бюджет «ички» ҳужжат ҳисобланади. Бу маънода ташкилот бюджети йил давомида молиявий режалаштириш ва пул маблағларини бошқариш мақсадларида фойдаланилади. Тасдиқланган ва қабул қилинган бюджет ташкилотнинг бухгалтерлик ҳисоби тизими учун назоратни таъминлайда ва бу тизимда даромад ва ҳаражатлар ташкилотнинг бухгалтерлик ҳисоби тизими ва тартиб-қоидалари орқали қайд этилади. Молиявий режалаштириш ва пул маблағларини бошқаришнинг самарали қуроли бўлиши учун бюджет камида ҳар чорақда ёки ҳатто ҳар ойда қайта кўрилиши керак. Ташкилотнинг молиявий ҳужжатлари орқали бюджетни мунтазам қайта кўриб

чиқиш амалдаги даромад ва ҳаражатлар бюджетдаги кўрсаткичлар фарқ қилган қилмаганлиги ва бунинг сабабларини аниқлашга ёрдам беради. Амалдаги ва бюджетда режалаштирилган даромад ва ҳаражатлар ўртасидаги фарқ бир неча сабаблар туфайли юзага келади, жумладан, молиявий хужжатлар, қутилмаган ҳаражатлар, ирригация хизмати учун бадалларини кечиктириб тўланиши, ҳақиқатдан йироқ бўлган бюджет кўрсаткичлари, форс-мажор вазиятлар ва ҳоказо.

Ана шундай чекланишлар вужудга келган ҳолда одатда жорий вазиятни акс эттириш мақсадида бюджетни қайта кўриб чиқиш тавсия этилади. Масалан, аграр бюджетдаги даромад ва ҳаражатларнинг дастлабки тахминлари ҳақиқатдан жуда йироқ бўлса, бюджетни мунтазам равишда кўриб чиқиш мобайнида уларга зарур тузатишлар киритилиши лозим. Агар бюджетни қайта кўриш чоғида бўлачак инқироз ёки иқтисодий барқарорлик вазияти аниқланса, бу тадбир ташкилотда молиявий инқирознинг олдини олишга ёрдам беради. Бундай қайта кўриш жараёни ҳаражатларни қисқартиришни ўз ичига олиши мумкин. Тузатиш чоралари қанчалик барвақт кўрилса, корхона шунчалик даражада ходимлар сонини қисқартириш ёки хизмат кўрсатиш фаолиятини тўхтатиш заруриятининг олдини олишга эришади. Бюджетни тегишли равишда мониторинг қилиш «иссиқ сувдан» (муаммолардан) қутилишни таъминлайди.

3. Нима учун бюджет муҳим аҳамиятга эга?

- У ирригация хизмати бадали ставкасини аниқлашда ёрдам беради.
- У ҳар бир фермер ёки ташкилотнинг молиявий манбалари кераклигини аниқлаш зарурлигини кўрсатади.
- Бюджет тузиш мавжуд молиявий манбалардан фойдаланиш самарасини ошириш учун муҳимдир.
- Бюджет амалдаги натижаларни таққослаш учун асосни яратади.

- Бюджетни тузиш жараёни молиявий манбалар қандай ишлатилиши, қайси тадбирлар молиялаштирилиши, сарфланадиган маблағлар тўғрисидаги қарорлар (ва келишувларни) кўрсатади.
- Бюджет уюшма ходимлари учун уюшманинг молиявий фаолиятини бошқаришда ваколат ва кўрсатма воситаси бўлиб хизмат қилади.

4. Бюджетнинг таркибий қисмлари

Бўлажак ҳаражатларни белгилашда аввалги йиллардаги бюджет маълумотлари фойдали манба бўлиб хизмат қилади. Агар бюджетни ишлаб чиқиш учун ихтиёрингизда молиявий ва ишлаб чиқариш қайдлари бўлмаса, бошқа манбалардан, масалан фермер хўжаликларидан олинган бюджет маълумотларидан фойдаланишингиз мумкин. Агар Сиз бу усулдан фойдалансангиз, уюшмангизга хос хусусиятларни акс эттириш мақсадида бундай бюджетга тегишли тузатишлар киритишингиз лозим. Бюджет режалаштиришнинг бир қисм эканлиги боис ишлаб чиқариш ҳаражатлари, хўжаликнинг ҳажми, асбоб-ускуналарига бўлган эҳтиёж ва ишлаб чиқариш соҳаларида тахминий фаразлар қилиш лозим бўлади.

Бюджетни ишлаб чиқишда СФУ фермерларга сув етказиб бериш эвазига юзага келадиган даромад ва ҳаражатларни аниқлаши лозим бўлади. Даромад ирригация хизматлари учун фермерлар тўлайдиган бадал ҳамда СФУга аъзо бўлмаган хўжаликлардан олинадиган бошқа бадаллар ва ўзгармас ҳаражатлар деб номланувчи икки гуруҳга бўлинади. Ўзгарувчан ҳаражатлар ишлаб чиқариладиган маҳсулот ҳажмига бевосита боғлиқ бўлган моддалар бўйича ҳаражатлар билдиради. Ўзгарувчан ҳаражатлар сув тақсимлаш ва сув олинадиган каналларга техник хизмат кўрсатиш, ирригация иншоотлари ва қувурларини таъмирлаш, асбоб-ускуналар учун ёнилғи ёки асбоб-ускуна ижараси билан боғлиқ ҳаражатлар мисол бўлади. Ўзгармас ҳаражатлар СФУнинг муайян режавий давридаги фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда амалга

ошириладиган харажатлардир. Уларга иш ҳақи, электр-энергияси, офис бошқарувчи учун харажатлар, машиналар, асбоб-ускуналар ва биноларнинг амортизацияси ва суғурта қилиш харажатлари киради.

Ўзгармас харажатларни ўзгарувчан харажатларга нисбатан аниқлаш осонроқдир, лекин бунда Сиз ижара ҳақи ва иш ҳақининг ошиши каби йил давомида кутилаётган ўзгаришларни ҳисобга олишингиз керак. Ўзгарувчан харажатларни Сиз имкон борича аниқлашингиз лозим, лекин бунда мавсумий ҳамда ўртача ойлик харажатларни ҳисобга олишни унутмаслик зарур.

5. Бюджет қандай кўринишда бўлади?

Одатда бюджет икки бўлимда кўрсатилади:

- даромадлар
- харажатлар

Ушбу икки бўлим доирасида махсус даромад ва харажатлар яъни кичикроқ бўлимларга бўлинади. Бу тоифаларнинг ҳар бири алоҳида қаторларга жойлаштирилиб, унинг ёнига пул кўринишидаги қийматлари кўрсатилади ва бу тоифалар «қатор моддалари» деб номланади.

Даромадга тааллуқли бюджет қатори моддалари одатда жадвалнинг чап томонида кўрсатилади, харажатларга тегишли моддалар жадвалнинг ўнг томонида келтирилади.

Ишчи аввал харажатлар бюджетини тузиш билан бошлаш тавсия этилади. Бунинг асосий сабаби шундаки, ирригация хизматлари учун бадалнинг миқдори кўпинча ирригация дренаж тизимларига техник хизмат кўрсатиш харажатларини қоплаш учун етарли даражада ҳисобланади. Лекин бюджет ҳамда ирригация хизматлари учун бадал миқдори келгуси йил учун эксплуатация ва техник хизмат кўрсатиш режасига боғлиқдир, шу сабабли СФУ бошқарувчиси ва ирригация бўйича муҳандис ва маскур режани ишлаб

чиқишлари ва СФУ ҳисобчиси билан биргаликда бюджетнинг тахминий кўрсаткичларини ишлаб чиқишлари лозим.

Қуйидаги даромадлар ва ҳаражатлар бюджети қатор моддаларининг намунаси келтирилган:

Даромад	Ҳаражат
Ирригация хизмати бадали	Иш ҳақи
Бошқа бадаллар (масалан, аъзо бўлмаган хўжаликлар ёки аҳолидан олинадиган бадаллар)	Офис жиҳозлари
Тўловни амалга оширганлик учун ҳаражатлар	Қурилиш материаллари (цемент, пўлат)
Грантлар	Ижара тўловлари (трактор ижараси)
Ссуддалар ёки айрим фаолият турларидан олинадиган даромад	Асбоб-ускуналарни харид қилиш
	Таъмирлаш ишлари
	Ижтимоий жамғармалар ва ҳоказоларга тўловлар.

11.2. Бюджетни тузиш тартиби ва уни босқичлари

Бюджет тузиш жараёнини олти босқичга бўлиш мумкин. Бу босқичлар келгуси йил учун СФУ мақсадлари ва вазифаларини баҳолашдан бошлаб, бюджетни мунтазам равишда мониторинг қилиш билан яқунланади.

1-босқич. Келгуси йил учун СФУ мақсад ва вазифаларини қайта кўриб чиқиш

Бюджет тузишнинг биринчи босқичи қанча маблағ кераклиги ёки мавжудлигига умуман алоқаси йўқ. Айниқса, бу босқичда СФУ келгуси йилда нималарга эришмоқчи эканлиги кўриб чиқилади. Бу шуни англатадики, СФУ бюджетининг бошланғич нуқтаси (узоқ муддатга) стратегик режа ҳамда уни амалга ошириш учун ишлаб чиқилган йиллик режадан иборат. Мақсад ва

вазифалар батфсил аниқланиб, тадбирлар режаси тузилгач, бюджетни тузиш вақти келади. Бу босқичда келгуси йилга доир бир қатор саволларга жавоб бериш лозим. Масалан:

а) Неча нафар ходимлар зарур ва уларга қанча иш ҳақи тўланиши керак?

б) Эксплуатация ва техник хизмат кўрсатиш режасини амалга ошириш учун нималар керак ва бунинг учун қанча маблағ керак?

с) Ирригация хизматлари учун бадаллар йиғиш жадвали қандай?

д) Тўловлар ва ҳаражатларни амалга ошириш жадвали қандай?

2-босқич. Бюджетдаги қатор моддалари қийматини тахминий ҳисоблаш

1-босқичда аниқланган тадбирлар учун СФУга қанча маблағ кераклигини аниқлаш жараён эмас. Бунинг аввалги йиллар маълумотларидан фойдаланиш бита ёндашув ҳисобланади. Агарда СФУ йиллар мобайнида бажарилган тадбирларни амалга оширса, у холда бюджетни тайёрлашнинг энг асосий йўли аввалги йилнинг молиявий ҳисоботлари ёки жорий йилнинг бюджетдаги рақамларга (амалдаги рақамлар деб юритилади) инфляция ва бошқа омиллар учун фоиз устамасини қўшишдан иборат. Шубҳасиз кулгуси йил ҳаражатларини белгилашда ўтган йилнинг ҳаражатлари ҳамда жорий йилнинг режалаштирилган ҳаражатлари жудда катта ёрдам беради. Лекин бюджетдаги ҳар бир моддани бошқа йилларнинг кўрсаткичларига қарамаган ҳолда синчковлик билан ўрганиб чиқиш ҳам зарур. Баҳолаш моддама-модда амалга оширилиб, маълум ҳужжатлар амалга оширилиши керак ёки керак эмаслигини аниқланиши ва агар керак бўлса, унинг миқдори аниқланиши лозим. Бундан ташқари янги лоиха ва фаолият турлари алоҳида баҳолашни талаб қилади ва бунда аввалги йилнинг амалдаги кўрсаткичлари шунчаки ёрдам бермайди. Фаолият ҳаражатларини баҳолашда қўйидагиларни инобатга олиш лозим:

а) Ҳаражатлар доимо энг юқори даражада ҳисобланиши лозим. Жами ҳосил бўлган суммага жами қийматнинг 5% дан 10%гача бўлган суммани қўшиб қўйилади. Бу қўшимча кўзда тутилмаган ҳаражатлар учундир.

б) Бюджетни тузишда ишни ходимларга тааллуқли ҳаражатлардан бошланади. Доимий ходимларнинг маоши ва ундан ташқари ҳаражатлар одатда нотижорат ташкилотларида манбаларнинг энг катта чиқим улуши ҳисобланади.

Бундай ҳаражатлар одатда қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Иш ҳақи: Иш ҳақи қиймати ходимларнинг солиққа ушлаб қолишдан аввалги даромадини акс этириши лозим. СФУда ҳозирги кунда ишлаётган ходимлар учун бюджет миқдори жорий йилнинг иш ҳақи фонди ҳамда иш ҳақини ошириш ёки яшаш ҳаражатларини ошишининг умумий миқдорини ташкил этиши мумкин.

2. Иш ҳақи фонди солиқлари: Одатда мажбурий солиқлар қуйидагилардан иборат:

Ходим учун:

- 1) Даромад солиғи (13-27%);
- 2) Пенсия жамғармасига ажратма (2.5%);
- 3) Шахсий пенсия солиғи (1%).

Ташкилот учун:

Ижтимоий жамғарма солиқлари-31%.

Ҳаражатларнинг кейинги тоифасига офисга хизмат кўрсатиш, ижара ҳақи, коммунал тўловлар, суғурта ва материаллар ва телефон ҳаражатлари каби умумий офис ҳаражатлари киради. Бу ҳаражатларни ҳисоблашда қуйидагиларни инобатга олиш лозим:

а) Ижара ҳақи: СФУ талабларига жавоб берадиган офис хоналари мавжуд бўлса, бюджетга киритиш учун жорий йилга ижара қийматидан (ижара ҳақини ошиши ҳисобга олинган ҳолда) фойдаланиш мумкин.

б) Коммунал тўловлар: иситиш, электр энергиясива сув учун ойлик тўловлар ижара тўловларига киритмаслиги мумкин.

с) Телефон алоқаси: ҳаражатлар танланган хизмат тури ва улушлар сонига қараб ўзгариши мумкин.

д) Техник хизмат кўрсатиш: буларга СФУ шартнома асосида жалб қилиши мумкин бўлган мунтазам ирригация тизимларини тозалаш хизмати ёки йил давомида талаб қилиниши мумкин бўлган таъмирлаш ишлари кириши мумкин. Яни таъкидлаш жоизки, қатор моддасини тахминий белгилаш учун ўтган йилги ҳаражатлар миқдоридан фойдаланиш мумкин.

е) Канцелярия моллари: барча офис ашёлари (файллар, конвертлар, ручка, сиёҳ, қоғоз, компьютер учун тонер ва ҳок.) ўз ичига олади.

ф) Бошқа ҳаражатлар: йўл ҳаражатлари ёки хизмат сафари ҳаражатлари киради (овқатланиш ва меҳмонхона ҳаражатлари билан бирга).

х) Кўзда тутилмаган ҳаражатлар, захира жамғармаси: кутилмаган ҳаражатларни қоплаш учун фовкулодда маблағларни ўз ичига олади.

Қуйида келтирилган жадвалда кўрсатилган мисолда УМЗ русмли экскаваторни сақлаш ва эксплуатацияси ҳаражатлари келтирилган.

Бюджетнинг “Эксплуатацияси ва техник хизмат кўрсатиш” моддаси (намуна)

УМЗ экскаватори		
1. Жами тахминий эксплуатацион ҳаражатлар суммаси[сўм/соат]		
Жами эксплуатацион ҳаражатлари Сақлаш ҳаражатлари эксплуатацион ҳаражатлари		
Сақлаш ҳаражатлари [сўм соат]:	оддий	мураккаб
1. Дастлабки қиймат:	20000000	20000000 сўм
2. Қолдиқ қиймат	5000000	5000000 сўм
3. Кутилаётган иш муддати (асосий хизмат кўрсатиш)	6000	4000 соат
Сақлаш ҳаражатлари	2500	3750 сўм/соат
Эксплуатацион ва техник хизматкўрсатиш ҳаражатлари [сўм/ соат]	нормал	мураккаб
1. Оператор	300	600 сўм/соат
2. Ёнилғи 250 сўм/литр	1875	2500 сўм/соат

3. Шиналар, филтрлар ва мой материаллари	300	500 сўм/соат
4. Бошқа таъмирлаш материаллари	500	1000 сўм/соат
Эксплуатацион ҳаражатлар	2975	4600 сўм/соат
Жами эксплуатацион ҳаражатлари	5475	8350
II. Жами тахминий эксплуатацион ҳаражатлар (сўм/соат)		
(Нормал, қаттиқ, тошсиз тупроқни қазиш)	нормал	мураккаб
1. Қазиш соатбай суръати (м ³ /соат)	10	5 м ³ /соат
Қазишнинг соатбай тарифи (сўм/соат)	548	1670 сўм/м ³
(Юклаш/тўлдириш, нормал тупроқ, <15 м кўтариш)	нормал	мураккаб
2. Юклаш/тўлдиришнинг соатбай суръати (м ³ /соат)	13	3 м ³ /соат
Юклаш, тўлдиришнинг соатбай тарифи (сўм/соат)	421	2783 сўм/м ³

Мазкур мисолда одатдаги техник хизмат кўрсатиш лойиҳаси учун қазиш ишлари билан боғлиқ ҳаражатларни аниқлаш учун маълумот керак. Мазкур баҳолаш икки қисмдан иборат: 1. Тракторга «нормал» ва «мураккаб» шароитларда сақлаш билан боғлиқ ҳаражатлар; 2. Тупроқ қазиш каби одатий хизмат кўрсатиш лойиҳаси учун эксплуатацион ҳаражатлар. Техник хизмат кўрсатиш лойиҳалари учун мазкур бюджетдан кейинчалик СФУнинг барча техник хизмат кўрсатиш лойиҳаларининг қийматини ҳисоблаш учун фойдаланилади ва бу қиймат СФУ бюджетида «Эксплуатацион ва техник хизмат кўрсатиш ҳаражатлари» қаторида кўрсатилган бўлади.

Кўзда тутилмаган ҳаражатлар(захиралар) бюджетини тузиш

Ортган маблағ ёки захира жамғармаси (яъни даромаднинг ҳаражатлардан ортиши) фақат қонуний бўлибгина қолмай, балки тавсия ҳам қилинади. Пул маблағларини эҳтиёт шарт ажратиш мақсадида етарли миқдорда ортиқча пул маблағларини ишлаб топиш бюджет тузиш жараёни орқали осонлаштирилиши мумкин. Бу «Кўзда тутилмаган ҳаражатлар/захира» деб номланувчи ва бюджетнинг ҳаражатлари қисмида акс эттирилувчи ҳисоб варағини яратиш орқали амалга оширилади. Мазкур қаторда белгиланган сумма жами даромаднинг 5%ни ташкил этиши лозим.

Кўзда тутилмаган ҳаражатлар (заҳира) қатор моддасидан нима мақсадларда фойдаланилади? Биринчидан, йил давомида бирор кутилмаган ҳаражат вужудга келган пайтда (масалан, қувурларнинг ёрилиши) ўз-ўзини суғурта қилиш воситасини бажариши мумкин. Агар молиявий йил охирида барча кўзда тутилмаган ҳаражатлар қопланганидан сўнг ҳам маблағ ортиб қолса, «Кўзда тутилмаган ҳаражатлар (заҳира) қатор моддаси шунчаки заҳирага айланади ва кейинги йилларга даромад сифатида кўчирилади.

3-босқич. Даромадни тақсимлаш

Бюджет эксплуатацион ва техник хизмат кўрсатиш (Э&ТХК) фаолияти натижасида СФУ бюджети, жумладан даромад ва ҳаражатлар натижаси қандай бўлиши аниқ кўрсатилиши керак. Даромаднинг кутилаётган манбалари-контрактлар, ирригация хизматлари учун бадаллар, грантлар ва материаллар ҳадияси бюджетини ҳаққоний тузинг, бошқача қилиб айтганда, улиш сифатида қўйилган даромадлар (жумладан ҳадя қилинган моддий ёрдам) ва ишлаб топилган даромаднинг ҳар иккисига аҳамият беринг. Бюджет тузиш жараёнида келиши аниқ кафолатланган даромадлар (яъни ИХБ) ва кутилаётган даромадлар, масалан грантлар, ҳадялар ва хайрия маблағларига аҳамият берилиши лозим.

Ирригация тизимларини молиялаштиришда ирригация хизмати бадалининг аҳамияти

Йиғилган ирригация хизмати бадаллари биринчи навбатда ирригация ва дренаж инфратузилмаларининг операцион ва техник хизмат кўрсатиш ҳаражатларини молиялаштириш учун сарфланади. Агар бу бадал барча аъзолардан йиғилмаса, у ҳолда, СФУ фермерларга ўз вақтида ва етарли миқдорда сув етказиб бера олмайди. Агар СФУ эксплуатацион ва техник хизмат кўрсатиш ҳаражатларни тўлиқ қоплаш учун тегишли маблағларни олмаса, бу ирригация ва дренаж тизимлари аҳволининг ёмонлашувига ҳамда сув етказиб беришда узилишларга олиб келади ва бу, ўз навбатида,

ҳосилдорликнинг пасайиши ва қишлоқ аҳолиси иқтисодий аҳволининг ёмонлашувига сабаб бўлади. Барча аъзолар бадал тўловини амалга оширмаслик ёки кечиктирилишининг оқибатларини тушинишлари лозим, чунки у фермерларга ўз вақтида сув етказиб бериш учун молиявий ёрдамни таъминлайди. (Бадални ҳисоблаш тўғрисида қўшимча маълумот учун WUSPнинг Ирригация хизмати бадали тўғрисидаги рисоласига мурожат қилинг).

Аъзо бўлмаган хўжаликлардан олинадиган ирригация хизмати учун бадал миқдорини ҳисоблашда эҳтиёткорлик билан ёндашиши лозим, айниқса, СФУ бундай аъзо бўлмаган фермерлар билан сув етказиб бериш бўйича шартнома тузмаган бўлса. Бундай фермерлар ирригация хизматларини талаб қилишлари кафолатланмаганлиги боис бюджетда танқислик пайдо бўлиши ҳамда ва эксплуатацион ва техник хизмат кўрсатш режасининг амалга оширилишини издан чиқариши мумкин.

4-босқич. Таққослаш ва тузатишлар киритиш (бюджет қолдигини чиқариш)

Барча ҳаражатлар белгиланган ва даромадлар аниқлангандан сўнг уларни таққослаш натижасида бюджет қолдигини чиқариш учун кўпгина айрим қатор моддаларини олиб ташлаш ёки тузатиш лозимлиги маълум бўлди (ҳаражатлар суммаси даромадлар суммасига тенг бўлиши керак).

Ягона солиқ (13%), Пенсия жамғармаси (0.7%) ва йўл солиғи (1.5%) тўланган тақдирда, солиққа тортилувчи ялпи даромад суммалари қабул қилинади, бизнинг мисолимизда ялпи даромад ирригация хизматлари учун бадал кўринишидаги даромадлардан иборат.

Одатда ташкилот ҳаражатларининг даромадларга нисбатан кўпроқлигига амин бўлади, лекин аксинча, даромадлар ҳаражатлардан кўп бўлиши мумкин бўлган назарий ҳолларда ҳам қаерда нимани тузатиш лозимлиги ҳақида ҳам қарор қабул қила билиш керак. Шунини эсда тутиш керакки, ортган даромадни

зудлик билан сарфлаш шарт эмас. Бу ортиқча даромад келгуси лойиҳалар учун захирага қўйилиши мумкин. Агар жорий ортиқча маблағларнинг миқдори катта бўлса, ташкилот ўзининг стратегик режасини қайта кўриб чиқиши ва янги фаолият турларини амалга ошириш имкониятларини кўриш керак. Бюджетнинг мавозанатли қолдиғини чиқаришнинг энг мақбул йўли (ҳаражатлар миқдори даромадлар миқдоридан юқори бўлган ҳолларда) маълум қатор моддаларини олиб ташлаш ёки улар бўйича ҳаражатларни қисқартиришдан иборат. Қуйидаги жадвалда СФУнинг намунавий бюджетидан олинган «Ҳаражатлар моддалари» бўлимини умумлаштиради. Унга кўра 2005 йил учун жами тахминий ҳаражатлар 21774400 сўмни ташкил этади. Ирригация хизматлари учун бадаллар ҳисобга қўйилган даромадлар миқдори 21774400 сўмга тенг ва бу сумма жами ҳаражатларни СФУдаги жами суғориладиган ер майдонига бўлиш орқали аниқланган.

**“Юртим истиқлол” Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси
2005 йил бюджет**

№	Ҳаражат турлари	Сумма (минг сўм)
1	Иш ҳақи (жами)	3473.1
2	Сафар ҳаражатлари	442.6
3	Офис ҳаражатлари (материаллар, алоқа, ижара)	500.0
4	Ускуналарни таъмирлаш ва ёнилғи-мой	3739.3
5	Насосларни таъмирлаш ва ёнилғи/мой	3157.5
6	Ёлланган ходимлар	3700.0
7	Ирригация ва дренаж тизимларига техник хизмат кўрсатиш	4667.7
8	Сувни назорат қилиш иншоотларига техник хизмат кўрсатиш	1644.0
	Оралик жами ҳаражатлар	21344.4
	Кутилмаган ҳаражатлар жами ҳаражатларнинг 2%	4300.0
	Жами ҳаражатлар	21774.4
	Даромад моддалари: Ирригация хизмат бадали: 21774.4	

Ушбу жадвалда ҳаражатларнинг тўлиқ бюджети, жумладан СФУ бизнес (бюджет) режаси учун барча ҳаражатлар моддаларнинг бюджети намунаси

келтирилган. Мазкур мисол СФУнинг барча ҳаражатларини аниқлайди ва уларни ҳар бир чорак (ҳар уч ой) учун бўлиб кўрсатади. Мазкур шакл СФУ бюджетни ишлаб чиқиш учун тавсия этилади, чунки у СФУнинг барча бошқарув ва операцион ҳаражатлари ҳамда СФУ учун техник хизмат кўрсатиш ҳаражатларини аниқлайди.

**Бухоро вилояти, Жондор туманидаги “Юртим истиқлол” СФУнинг 2005 йил
бюджети режаси**

№	Харажатлар тавсифи	Ойлик маош	Жами иш ҳақи	Чораклар бўйича				Жами иш ҳақи	Чор	
				I	II	III	IV		I	II
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
1	Ишчилар- Иш ҳақи	408835	4906020	1226505	1226505	1226505	1226505	1520868	380217	380217
	Директорнинг иш ҳақи	45000	540000	135000	135000	135000	135000	167400	41850	41850
	Ҳисобчининг иш ҳақи	43000	516000	129000	129000	129000	129000	159960	39990	39990
	Бош миробнинг иш ҳақи	39000	468000	117000	117000	117000	117000	145080	36270	36270
	Бош гидротехникнинг иш ҳақи	39000	468000	117000	117000	117000	117000	145080	36270	36270
	Миробларнинг иш ҳақи	165000	1980000	495000	495000	495000	495000	613800	153450	153450
	Ҳайдовчининг иш ҳақи	25000	300000	75000	75000	75000	75000	93000	23250	23250
	ЮМЗ-60 ҳайдовчининг иш ҳақи	30000	360000	90000	90000	90000	90000	111600	27900	27900
	Котибанинг иш ҳақи	15000	180000	45000	45000	45000	45000	55800	13950	13950
	Офис хизматчисининг иш ҳақи	7835	94020	23505	23505	23505	23505	29148	7287	7287
2	Шжтимоий кўмак		421000	105250	105250	105250	105250	130512	32628	32628
3	Жами техник харажатлар шундан		2080340	520085	520085	520085	520085	316068	79017	79017
	Амортизация		500000	125000	125000	125000	125000	-		
	Ёқилғи-мойлаш материаллари		500000	125000	125000	125000	125000	100000	25000	25000
	Эҳтиёт қисмлар		1080340	270085	270085	270085	270085	216068	54017	54017
4	ИЗТда қурилиш ишлари		951000	237750	237750	237750	237750	123796	30949	30949
5	Электр энергияси		15000	3750	3750	3750	3750	3000	750	750
6	Алоқа харажатлар		160000	40000	40000	40000	40000	32000	8000	8000
7	Канцелярия моллари		80000	20000	20000	20000	20000			
8	Хизмат сафарлари		250000	625000	62500	625000	62500			
	Жами		8863360	2215840	2215840	2215840	2215840	2126241		
	Заҳира жамғармаси		340000	85000	85000	85000	85000			
	Жами харажатлар		9203360	2300840	2300840	2300840	2300840	2126241		

5-босқич. Тасдиқлаш ва қабул қилиш

Бюджет муҳокама қилинган ва унинг қолдиғи чиқарилган, СФУ Кенгаши раиси бошчилигида ўтказиладиган СФУ Умумий йиғилиши бюджетни тасдиқлаши ва қабул қилиши лозим.

Ушбу жадвалда «Юртим Истиқлол» СФУ ўзининг қисқача баёнини тикдим этган бўлиб, унда юқоридаги кўрсатилган бўлимлардаги моддаларнинг аксарият қисми келтирилган СФУнинг тўлиқ батафсил бюджети кейинги жадвалда келтирилган Мазкур батафсил бюджет СФУ молиявий бошқарувчилари ва ҳисобчисини йил давомида бюджет маблағлари қайси мақсадлар учун сарфланиши тўғрисида маълумот билан таъминлайди. Бухгалтерия ҳисобида СФУ маблағлари айнан қайси мақсадларга сарфланишини кузатиб борилиши ва ҳаражатларни режалаштирилган бюджет билан солиштирилиши катта аҳамиятга эга.

6-босқич. Мониторинг (бюджет ҳисоботлари)

Бюджет ҳисоботлари (бюджетни ҳақиқий кўрсаткичлар билан таққослаш деб ҳам юритилади) СФУ бошқарувчилари ва аъзолари учун молиявий йил давомида тайёрлаб бориладигин ички иш ҳужжатларидир. Бу ҳисоботлар даромад ва ҳаражатларнинг ҳужжатларидир. Бу ҳисоботлар даромад ва ҳаражатларнинг қабул қилинган ташкилот бюджетига мувофиқлигини тасдиқлаш мақсадида ташкилотнинг бухгалтерлик ҳисоби тизимидан маълумотлар ва бошқа ҳужжатларни олади. Бюджет ҳисоботлари бухгалтерлик ҳисоби тизими орқали учинчи томон (жамотчилик ва тегишли давлат органларига) тайёрланадиган молиявий ҳужжат эмас.

Ташкилот учун зарур бўлган бюджет ҳисоботларининг икки тури мавжуд: бири даромадлар учун, иккинчи-ҳаражатлар учун. Бу ҳисоботлар алоҳида саҳифаларда ёки битта саҳифада кўрсатилиши мумкин. Шуниси муҳимки, бу

ҳисоботлар ривожланган давлатлар бухгалтерлик тизимига нисбатан оддий бўлиб, уларни юритиш ҳам жуда оддийдир. Мазкур ҳисоботлар учун керакли барча маълумотларининг таркибий қисми бўлиши керак. Бюджет ҳисоботлари ҳар ойда тайёрланиши лозим.

11.3. Бюджетнинг харажатлар ва даромадлар ҳисоботини аниқлаш.

Харажатлар ҳисоботи жорий ойдаги (ёки чорак ёки ярим йиллик) харажатлар, кумулятив аввалги харажатлар, режалаштирилган тасдиқланган ва қайд этилган бўлғуси харажатлар ва тахминий қолдиқларни фарқлаш ва алоҳида аниқлаш учун тузилади. Ҳисоботдаги рақамларнинг биринчи устун тасдиқланган бюджет доирасида ҳар бир қатор моддасига белгиланган умумий суммани кўрсатади. Иккинчи устун ҳисобот даврида (жорий ой, чорак ва ҳоказо) ҳар бир қатор моддаси бўйича маблағларнинг сўмдаги ва фоиз ҳисобидаги ажратмаларни кўрсатади. Учинчи устун барча қатор сўм ва фоиз ҳисобидаги кумулятив ажратмаларни кўрсатади. Тўртинчи устун ҳали тўланмаган барча харажатларни кўрсатади. Тўртинчи устун айрим қопланиши аниқ бўлмаган, лекин аввалги фаолият ёки тажрибага асосан белгиланган тахминий бўлажак харажатларни ўз ичига олади. Охириги устун жами ажратмалар (3-устун) ва режалаштирилган харажатлар (4-устун) билан бюджетдаги қатор моддалар миқдорлари (1-устун) ўртасидаги фарқни кўрсатади.

Харажатлар ҳисоботини тайёрлашда ташкилот мажбурятларнинг ҳар бир тури ҳисоботда ҳисобга олиниши лозимлигини англаш зарур. Масалан, бирир модда бўйича харажатлар ой мобайнида тўланган ёки амалга оширилган бўлса, сумма 2 ва 3 устунларда пайдо бўлади.

Лекин, бу харажатлар ҳамон режалаштирилган бўлса, бу рақам 4-устунда акс эттирилиши лозим. Шунингдек, ҳар бир ходимнинг маълум ой учун иш ҳақи 2 ва 3 устунларда акс эттирилади; лекин молиявий йилнинг қисми учун

ўша кишига тўланиши керак бўлган иш ҳаққининг қолган қисми 4-устунда кўрсатилиши керак. Хидди шу усул сафар ҳаражатларига ҳам қўлланилади: амалга оширилган ҳаражатлар 2 ёки 4-устунда; кутилаётганлари эса 4-устунда кўрсатилиши лозим.

Даромадлар ҳисоботи

Даромадларни мониторинг ва назорат қилиш ҳудди ҳаражатларни назорат ва мониторинг қилишдаги кабидир Ҳисоботлар фақат амалдаги тўловлар асосида тақдим этилиши мумкин. Манбаи, мақсади ёки вақтидан қатий назар даромадлар ҳудди ҳаражатлар киби эҳтиётқолик билан бошқарилиши ва ҳисобга олиниши лозим. Бўлажак ҳаражатларнинг кўпгина турларини (иш ҳақи, ижара ҳақи, иш ҳақи солиқлари) аниқлаш кутилаётган даромадларни белгилашдан осонроқ. Лекин тахминий баҳолашлар тўла ишончли бўлмасда, жуда муҳим ва фойдалидир. Даромадлар ҳисоботи (қуйидаги кўрсатилгандек) ҳаражатлар ҳисоботи билан параллел равишда юритилади.

Даромадлар ҳисоботи (2005 йил 1-чораги учун)

		1	2	3	4	5	6
Даромад ҳисоб варағи рақами	Даромад манбаи	Жами бюджет (12 ой)	Мазкур чорақда олинган ва йиғилган суммалар	Йил бошидан ҳозирги кунгача олинган ва йиғилган суммалар (6 ой)	ҳозирги кунгача мажбуриятга олинган/шартно ма тузилган/тўланиши керак бўлган жами	тузатиш кутилаётган	Плюс/Минус Қолдик
	Ирригация хизматлари учун бадал						
	Бошқа бадаллар						
	Ссуда						
	Грант						
	Жарималар						

Ҳар бири тегишли ойда қанча маблағ олинганлиги/сарифланганлиги, йил бошидан ҳозирги кунга қадар қанча маблағ олинганлиги/сарфлаганлиги ва қолдикни кўрсатади. Даромадлар ҳисоботидаги бошқа устунлар ташкилот

қанча мажбурият олганлиги, пудрат қилгани ёки қарзи борлигини кўрсатиб, амалда кумулятив даромад тизимини ташкил этади. Ҳаражатлар ҳисоботидаги сингари 4-устунда кўрсатилган ҳар қандай режалиштирилган суммалар ҳисоботида бириктириладиган маҳсус изоҳлар ва иловаларда батафсил кўрсатилиши керак. Шунини таъкидлаш жоизки, 5-устун “Тузатилган жами кутилган даромадлар” бутун йил учун кутилаётган даромадларни тахминини кўрсатади. Даромад сўмларидаги ўзгаришлар туфайли бу рақамлар бюджетга киритилган кўрсаткичлардан фарқ қилиши ёки қилмаслиги мумкин.

Бюджет ҳисоботлардаги маълумотларга асосланган ҳолда бюджетга ўзгартиришлар киритиш кераклиги маълум бўлиши мумкин. Шубҳасиз, маблағларнинг ҳаражат ҳисоб варақаларига ёки функционал соҳаларга тақсимлашдаги ўзгаришлар дастлабки бюджетдаги суммаларни тўлдириш (қўшиш) ёки камайтиришга олиб келади. Бюджетга киритилган ўзгартиришлар бюджет ҳисоботида акс эттирилиши керак ва операцион режалар тегишли равишда қайта кўриб чиқилиши лозим. Бу ўзгартиришлар дастлабки бюджетни ишлаб чиқишда қўлланилган тартиб-қоидаларга риоя қилган ҳолда амалга оширилиши керак. Бу шунини англатадики, СФУ Кенгаши ва Умумий йиғилиши ташкилотнинг бухгалтерлик ҳисоби тизимига киритишдан аввал барча ўзгартиришларни тасдиқлаш лозим. Активлар ва мажбуриятларда ойлик ўзгаришларни кузатиш орқали СФУ бошқарувчилари ҳар ойдаги тадбирларнинг ўз уюшмаларига кўрсатадиган молиявий таъсирини яхшироқ тушуниб оладилар. Ҳар бир ой учун даромад ва ҳаражатларни синчиковлик билан кузатиш, ҳамда йил бошидан ҳисобот санасигача бюджетларни таққослаш орқали улар ташкилот белгилаган режа доирасида нимага эришганлигини тушуниб оладилар ва ҳар ойда ўз режаларини тегишли равишда тузилганлиги ёки йўқлигини ва унга тегишли тузатишлар ёки жиддий ўзгартиришлар киритиши лозимлиги ёки йўқлигини билиб борадилар. Режага

киритилиши керак бўлган ўзгартиришлар қанчалик эрта аниқланса, унга оид қарорлар савияси шунчалик юқори бўлади.

Бюджет тузиш СФУнинг молиявий бошқарув тизимининг энг муҳим қисмларидан биридир. Тегишли равишда тузилган бюджетсиз СФУ ўз ирригация ва дренаж тизимлари учун эксплуатацион ва техник хизмат кўрсатиш ҳаражатларини молиялаштира олмайди ва фермерларга керакли хажмда ва зарур пайтда сув етказиб бера олмайди.

Қисқача хулосалар

Бюджет муайян даврдаги режалаштирилган тадбирларнинг миқдорий-молиявий қисми бўлиб, унда ҳар ойда сафар ҳаражатларини қоплаш учун зарур маблағ ва даромад миқдори кўрсатилди. Молиявий режалаштириш ва пул маблағларини бошқаришнинг самарали қуроли бўлиши учун бюджет камида ҳар чоракда ёки ҳатто ҳар ойда қайта қўрилиши керак.

Бюджетни ишлаб чиқишда СФУ фермерларга сув етказиб бериш эвазига келадиган даромад ва ҳаражатларни аниқлаш лозим бўлади. Даромод ирригация хизматлари учун фермерлар тўлайдиган бадал ҳамда СФУга аъзо бўлмаган хўжаликлардан олинадиган бошқа бадаллар ва ўзгармас ҳаражатлар деб номланувчи икки гуруҳга бўлинади.

Бюджетни тузиш жараёни қуйидаги босқичларни ўз ичига олади:

- 1-босқичда. Келгуси йил учун СФУ мақсад ва вазифаларини қайта кўриб чиқади.
- 2-босқичда. Бюджетдаги қатор моддалар қийматини ҳисобланади.
- 3-босқичда. Даромадларни тақсимланади.
- 4-босқичда. Таққослаш ва тузатишлар киритилиб бюджет қолдиғи аниқланади.
- 5-босқичда. Бюджет тасдиқланиб қабул қилинади.
- 6-босқичда. Мониторинг ўтказилади (бюджет ҳисоботлари тузилади).

Таянч иборалар

Бюджет, даромад, харажат, бадал тўловлари, ўзгармас харажатлар, СФУ, қайта кўриб чиқиш, моддалар қиймати, даромад тақсимлаш, бюджет тақсимлаш, мониторинг ўтқазиш ва бошқалар.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. СФУ бюджетининг аҳамиятини гапиринг?
2. СФУ бюджетидан қандай фойдаланилади?
3. СФУ бюджетининг таркибий қисмларини гапиринг?
4. СФУ бюджетининг даромад ва харажат қисмлари ҳақида гапиринг?
5. Бюджет тузиш жараёнининг босқичлари ҳақида гапиринг?
6. Иш ҳақи фонди солиқлари ҳақида гапиринг?
7. СФУ даромади тақсимланиши ҳақида гапиринг?
8. СФУ бюджети қолдиғини аниқлашни гапиринг?
9. СФУ бюджети ҳисоботлари-мониторинги ҳақида гапиринг?

Асосий адабиётлар.

1. И.А. Каримов «Иқтисодий ислоҳатларни янада чуқирлаштириш».
2. Ш. Хамроев «Қишлоқ хўжалигида ислоҳатларни чуқирлаштиришда сувдан фойдаланувчилар уюшмасининг ўрни». «Талқин» нашриёти 2006 йил.
3. «Фарғона водийсида сув ресурсларини бошқаришни мувофиқлаштириш». Лойиҳаси. Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси қандай ташкил қилинди. 2003-2006 йил.
4. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги «Сувдан фойдаланувчилар уюшмаларини ташкил қилиш бўйича услубий қўлланма. Тошкент 2003 йил.
5. USAID. WUASP. Марказий Осиёда сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштиришга амалий тажрибаларни тадбиқ этиш. Ахборот бюллетеклари.

12-БОБ. СУВДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР УЮШМАЛАРИНИНГ ТЕХНИК ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ ТАХЛИЛИ

Сувдан фойдаланувчилар уюшмалари суғорма деҳқончилик учун сув етказиб берувчи ташкилот бўлганлиги туфайли уларнинг техникавий-иқтисодий кўрсаткичлари суғорилган ер майдонининг ҳажми, экин турлари бўйича суғориладиган ерлар, ушбу ерларни ўзлаштириш учун сарф қилинган маблағлар, олинган ялпи даромад ва фойда, ҳар-бир гектар ерни суғориш учун сарфланган сувнинг умумий миқдори ва бошқа кўрсаткичлар асосий техникавий иқтисодий кўрсаткичлар бўлиб ҳисобланади.

Асосий техникавий иқтисодий кўрсаткичларнинг тахлили қуйидаги жадвал шаклида олиб борилади.

№	Кўрсаткичлар номлари	Ўлчов бирлиги	Ҳисоблаш услуби	Миқдори
1	Жами суғориладиган ер майдони	гектар	$\Omega_{бр}$	
2	Шундан экан экиладиган майдон	гектар	$\Omega_{нет}$	
3	Шундан; пахта	гектар	$\Omega_{нет}$	
4	буғдой	гектар	$\Omega_{нет}$	
5	бошқа экинлар	гектар	$\Omega_{нет}$	
6	Ҳосилдорлик – пахта	ц/га	ц/га	
7	буғдой	ц/га	ц/га	
8	бошқа экинлар	ц/га	ц/га	
9	Ялпи маҳсулот қиймати, пахта	сўм	$ЯМҚ = ЯМХ * 1ц$, харид нархи	
10	Ялпи маҳсулот қиймати, буғдой	сўм	$ЯМҚ = ЯМХ * 1ц$, харид нархи	
11	Ялпи маҳсулот қиймати, жами	сўм	$ЯМҚ = \text{пахта} + \text{буғдой} + \text{бошқа экинлар йиғиндиси}$.	
12	Ишлаб чиқариш харажатлари, пахта	сўм	сўм	
13	Ишлаб чиқариш харажатлари, буғдой	сўм	сўм	
14	Ишлаб чиқариш харажатлари жами		сўм	
15	Олинган фойда пахта	сўм	$\Phi = ЯМҚ_{пахта} - И_{пахта}$	
16	Олинган фойда буғдой	сўм	$\Phi = ЯМҚ_{буғдой} - И_{буғдой}$	

17	Олинган жами фойда	сўм	$\Phi = \text{ЯМК}_{\text{жами}} - \text{И}_{\text{жами}}$	
18	1 гектар пахтага сув сарфи	м ³ /га	м ³ /га	
19	1 гектар буғдой сув сарфи	м ³ /га	м ³ /га	
20	1 гектарга ўртача сув сарфи	м ³ /га	м ³ /га	
21	1 м ³ сувни таннархи	м ³ /сўм	м ³ /сўм	
22	1000 м ³ сувга ўртача	ЯМК/сўм	ЯМК/сўм	
23	1000 м ³ сувга ўртача фойда	фойда/сўм	фойда/сўм	
24	1 сўм харажатларга фойда	фойда/сўм	фойда/сўм	

Қисқача хулосалар

Сувдан фойдаланувчилар уюшмалари суғорма деҳқончилик учун сув етказиб берувчи ташкилот бўлганлиги туфайли уларни техникавий иқтисодий кўрсаткичлари бўйича суғориладиган майдон, Ушбу ерларни ўзлаштириш учун сарф қилинган маблағлар, олинган ялпи даромад ва фойда, ҳар-бир гектар ерни суғориш учун сарф қилинган сувнинг умумий миқдори ва бошқа кўрсаткичлар асосий техникавий-иқтисодий кўрсаткич ҳисобланади.

Ушбу техникавий иқтисодий кўрсаткичлари ичида энг муҳимлари экин турлари бўйича экилган майдон, ҳар-бир гектар ердан олинган ҳосилдорлик, йиғиб олинган ялпи ҳосил, ҳар-бир гектар ерга сарф қилинган капитал ва жорий харажатлар, ҳар-бир гектарга сув сарфи бир гектар ер ҳисобига олинган ялпи даромад ва фойда муҳим кўрсаткич ҳисобланади, айниқса сарф қилинган ҳар бир м³ сув ҳисобига олинган фойда сувдан фойдаланиш самарадорлигини изоҳлайди.

Таянч сўзлар. Суғориладиган майдон ҳажми, экин турлари майдони, сарф-харажатлар, олинган ялпи даромад ва фойда, ҳосилдорлик, ялпи ҳосил, сув сарфи, сув ва ердан фойдаланиш самарадорлиги.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Суғориладиган жами ер майдони таркибидан алоҳида экин тури экилган майдонинг улушини аниқлаш.

2. 1 гектар экин майдонига сув сарфи қандай режалаштирилади?
3. Сув лимити қандай аниқланади?
4. Экин ҳосилдорлиги қандай аниқланади?
5. 1 гектар ердан олинган Самара қандай аниқланади?
6. 1 м³ сувдан фойдаланиш самарадорлиги қандай аниқланади?
7. Капитал қўйилмаларнинг самарадорлик коэффиценти қандай аниқланади?
8. Мелиоратив тадбирларнинг самарадорлиги қандай аниқланади?
9. Ишлаб чиқариш рентабеллик даражаси қандай аниқланади?

Асосий адабиётлар.

1. И.А. Каримов «Иқтисодий ислоҳатларни янада чуқирлаштириш».
2. Ш. Хамроев «Қишлоқ хўжалигида ислоҳатларни чуқирлаштиришда сувдан фойдаланувчилар уюшмасининг ўрни». «Талқин» нашриёти 2006 йил.
3. «Форғона водийсида сув ресурсларини бошқаришни мувофиқлаштириш». Лойиҳаси. Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси қандай ташкил қилинди. 2003-2006 йил.
4. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги «Сувдан фойдаланувчилар уюшмаларини ташкил қилиш бўйича услубий қўлланма. Тошкент 2003 йил.
5. USAID. WUASP. Марказий Осиёда сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштиришга амалий тажрибаларни тадбиқ этиш. Ахборот бюллетенлари.

13 БОБ СФУЛАРНИ МОЛИЯВИЙ БОШҚАРИШ ВА УЛАРНИНГ ҲИСОБОТЛАРИ

13.1. СФУларни молиявий бошқаришнинг аҳамияти ва моҳияти

Ҳисоб юритишдан мақсад иқтисодий қарорлар қабул қилишда зарур буладиган маълумотларга эга бўлишдир. СФУда молиявий ҳисобот

юретишнинг асосий вазифаси манфаатдор томонларга СФУнинг молиявий ҳолати хақида маълумот берувчи ҳисоботларни тайёрлашдир.

Молиявий ҳисоботлар

Корхона асосан иккита мақсадни кузлаб фаолият курсатади:

- даромад олиш
- тўлов қобилиятига эга бўлиш

Ташкилотнинг тўловларни амалга оширишга қодирлигига тўлов қобилияти дейилади.

Туртта молиявий ҳисобот манфаатдор томонларга ташкилотнинг барқарорлиги ва тулашга қодирлигини баҳолаш имконини берувчи ҳужжатдир:

- бухгалтерия баланси хақида ҳисобот
- молиявий натижалар хақида ҳисобот
- шахсий сармоя хақида ҳисобот
- пул маблағларининг ҳаракати хақида ҳисобот

Юқорида таъкидланган ҳисоботларни тайёрлаш оддий бухгалтерия ҳисобидан бошланади. Мунтазам равишда бухгалтерия ҳисоби олиб борилган маълумотлар сунгра ушбу ҳисоботларга киритилади.

Ҳисоботлар самарали бўлиши учун қуйидаги 4 омил эътиборга олинishi лозим:

- аниқлик
- муддат
- мувофиқлик
- ҳаққонийлик ва объективлик

Бухгалтерия баланси

Бухгалтерия баланси ташкилотнинг активлари. Пассивлари ва шахсий сармоя хакида батафсил маълумот беради. Бухгалтерия баланси куйидаги моделга асосланади:

Активлар - пассивлар - шахсий сармоя

Активлар – ташкилотнинг моддий кийматга эга булган воситалари ҳисобланади. Унга кишлок хужалик ва мелиоратив техникалар, инвентарлар, каналлар ва зовурларни киритиш мумкин. активлар жорий активлар ва асосий воситаларга булинади. Жорий активлар осонлик билан нақд пулга айланувчи активлардир. Асосий воситаларга бино. Каналлар. Зовурлар ваулардаги иншоотлар ҳамда техникалар киради. Бундай воситалар ҳисоботларда дастлабки киймати буйича кайд этилади.

Пассивлар – ташкилот бошкаларга тўлаши лозим булган маблағлардир. Масалан, банкдан олинган ссуда, ходимларнинг хали туланмаган иш хаки, таъминотчиларга хали туланмаган талабномалар, бино ижараси тўлови, тўланмаган давлат соликлари. Уз урнида мажбуриятлар киска муддатли (жорий) ва узок муддатли турларга булинади. Жорий мажбуриятларга тулаш лозим булган талабномалар, иш хаки ва солиқлар киради. Бир йилдан ортик давр ичида туланиши мумкин булган барча мажбуриятлар узок муддатли мажбуриятлар ҳисобланади.

Шахсий сармоя – ташкилот активлари сотилгач, барча мажбуриятларнинг туланишидан сунг колиши мумкин булган маблағдир. Колган сумма корхона мулкдорларига тегишли булади. Фермер хужалиги мисолида, хужаликни тугатиш ҳамда давлат ва таъминотчилар олдидаги барча мажбуриятларни тулаб булгандан сунг колган маблағ фермерга тегишли булади.

Бундан ташкари шахсий сармоя ташкилот таъсисчиси томонидан киритилган, зарар айириб ташланган ёки даромад микдори кушиб ҳисобланган сумма деб баҳо бериш мумкин.

Бухгалтерия баланси ташкилотнинг ресурслари хакида маълумот беради. У ташкилотнинг уз узок муддатли мажбуриятларини тулай олиш қобилиятини баҳолаш учун керак булади. Аввлрок таъкидланганидек бухгалтерия баланси тенглаштиришга асосланган. Балансинг чап томонига ташкилотнинг барча активлари, унғ томонига барча мажбуриятлари ва шахсий сармоя кайд этилади. Баъзи ҳолатларда баланс руйхат сифатида тузилади, яъни активлардан бошланиб, худди уша устунга мажбуриятлар ва шахсий сармоя ёзилади.

Активларни кайд этишдан қай бири нақд пулга тез алмаштирилиши мумкин булса, уша аввл ёзилиди. Сунгра жорий воситаларга кирмайдиган асосий воситалар ёзилади, уларни сотилганда нақд пулга алмаштириш учун бир йилдан ортиқ вақт зарур булади.

Мажбуриятлар асосан тўлов тартибида киритилади, энг биринчи қисқа муддатли мажбуриятлар ёзилади.

СФУ молиявий натижалари хакида ҳисобот

Сфунинг молиявий натижалар хакидаги ҳисоботи ташкилотнинг ҳисобот давридаги натижаларини курсатади. Соф фойдани курсатувчи энг оддий тенглама:

Соф фойда = даромад – харажат

Даромад ҳосилни сотишдан ёки хизматлар курсатишдан тушган маблағлар ҳисобланади. Харажат маҳсулотни етиштириш ва хизмат курсатиш билан боғлиқ чиқимлардир.

Молиявий харажатлар хакидаги ҳисобот маълум давр ичида ташкилотга келиб тушган барча маблағлар суммасини акс эттиради. Шунингдек бу ҳисобот айтиб утилган тушум маблағлари билан боғлиқ барча харажатларни курсатади. Ҳисоботнинг охириги натижаси ташкилотнинг даромади ёки зарарини курсатади.

Молиявий натижалар хакида ҳисоботнинг кандай тайёрланишини тушуниш учун зина кўринишини тасаввур килинг. Ҳисоботни тайёрлашда юкори погонадан бошланг, бу ҳисобот давридаги барча тушум маблаглар суммаси. Иккинчи погона ва кейинги бир неча погоналар махсулотни тайёрлаш билан боғлиқ харажатларни курсатади. Энг сунггида барча харажатларни чегириб ташлангандан сунг колган сумма ташкилотнинг даромади ёки зарарини курсатади.

Молиявий натижалар хакида ҳисоботнинг дастлабки катори фермерларга сув етказиб беришдан тушган маблаглар суммасини акс эттиради.

Ҳисоботнинг кейинги бир нечта катори турли операцион харажатларни, жумладан сув етказиб бериш билан боғлиқ харажатларни ҳамда маъмурий ходимлар иш хаки каби харажатларни акс эттиради.

Амортизация ҳам харажатларга киритилади. Ташкилот ҳисобот даври учун амортизация суммасини ҳисоблайди ва бу сумма ҳисобот давридаги харажат сифатида киритилади.

Барча харажатлар чегириб ташлангандан сунг “фаолиятдан келган даромад” деб номланувчи сумма келиб чиқади.

Кейинги боскич карзлар буйича харажатларни чегириб ташлашдан иборат. Бундан харажатларга олинган карз учун туланадиган фоизлар киради. Бу харажатни чегириб ташлангандан сунг, “даромад солигини тулашдан олдинги даромад” номли сумма ҳосил булади.

Ва ниҳоят, даромад солиги миқлори чегириб ташланиб, даромад ёки зарар миқдори аниқланади.

Шахсий сармоя хакида ҳисобот

Шахсий сармоя хакида ҳисобот молиявий натижалар ҳисоботидан олинган маълумотлардан фойдаланади ва бухгалтерия баланси учун маълумот беради.

Куйидаги тенглама шахсий сармоя ҳисоботи хакида тушунча беради:

Якуний натижа = бошлангич сармоя - инвестиция фаолиятидан ажратиб олинган маблаг + даромад

Пул маблагларининг харакати хакида ҳисобот

Амалдаги бухгалтерия ҳисоби тартиб коидаларига кура хизмат курсатиш ёки махсулот сотилиши учун бу операция ҳисоботлардан даромад деб кайд этилади, лекин одатда тўлов корхона ёки ташкилот ҳисоб ракамига кейинрок келиб тушиши мумкин. Демак ташкилот даромадли ҳисоблансада, нақд пул такчиллиги мавжуд булиши мумкин. пул маблагларининг харакати хакидаги ҳисобот СФУ ёки Фермернинг тўловларни амалга ошириш кобилиятини бахолаш учун зарур ҳисобланади. Ҳисобот даври учун мазкур ҳисобот куйидаги маълумотларни уз ичига олади:

- пул маблаглари манбалари
- маблаглардан фойдаланиш
- пул маблаглари балансидаги узгариш

Пул маблагларининг харакати хакида ҳисобот барча операциялар тахлилини курсатади, хамда маблагнинг каердан келганлиги ва кандай сарфланганлигини акс эттиради. У манбаларни ва пул маблагларининг ишлатилишини куйидаги категорияларга ажратади:

- операцион фаолият
- сармоя фаолияти
- молиялаштириш фаолияти

Пул маблагларининг харакати хакида ҳисоботни тузиш учун маълумот бухгалтерия баланс ива молиявий натижалар ҳисоботидан олинади.

Пул маблагларининг харакати хакида ҳисобот ташкилот пул маблагларининг Кириши ва чикиши хакида маълумот беради. Бу мухим хужжат ҳисобланади, чунки СФУ тўловларни амалга ошириши ва жихозлар сотиб олиши учун маблагга эга булиши лозим. Агар молиявий гатижалар ҳисоботи

ташкilotнинг даромадлилиги ёки зарарлилигини курсата олса, пул маблагларининг харакати хакида ҳисобот ташкilotнинг нақд пул олиш қобилиятини курсатади.

Ҳисоботнинг сунгги қатори пул маблаглари соф узгаришининг ошиши ёки пасайишини курсатади. Ҳисобот 3та шартли қисмга булинади ҳар бир қисмдаги пул маблаглари 3 фаолиятнинг бири бўйича харакатланади:

(1) операцион фаолият (2) сармоя фаолияти (3) молиялаштириш фаолияти

Операцион фаолият

Пул маблагларининг харакати хакида ҳисоботнинг биринчи қисми соф даромад ёки зарар билан боғлиқ пул оқимини таҳлил қилаолади. Ҳисоботнинг ушбу қисми фаолиятдан хақиқатда тушган қирим суммасини курсатади. Бунинг учун соф фойдадан пул қуринишида булмаган харажатларни чиқариб ташлаш керак.

Сармоя фаолияти

Ҳисоботнинг иккинчи қисми жихозлар сотиб олишни уз ичига олган барча сармоя фаолиятларидан қелувчи маблаглар харакатини курсатади. Агар СФУ бирор техника сотиб олаётган булса, пул маблагининг харакати хакида ҳисоботда бу операция қиким сифатида қайд қилинади.

Молиялаштириш фаолияти

Пул маблагининг харакати хакида ҳисоботнинг учинчи қисми молиялаштириш фаолиятига боғлиқ булган пул харакатларини акс эттиради. Банклардан ссуда сифатида олинган пул маблаглари молиялаштириш фаолиятининг яққол манбаси ҳисобланади. Мос равишда, ссуданинг қайтарилиши пул маблаглари харакати ҳисоботининг шу қисмда курсатиб утилиши лозим.

13.2. СФУларни молиявий бошқариш ва СФУда бухгалтерия ҳисобини юритиш

Бухгалтерия ҳисоби барча молиявий операцияларни қайд этиб боришнинг асосий ҳисоб-китоб усули ҳисобланади. Бухгалтерия ҳисобида операциялар тўғрисида маълумотлар улар амалга оширилгандан сўнг мунтазам равишда қайд этиб борилиши муҳим аҳамиятга эга. Бухгалтерия ҳисоби маблағларни қайердан келаётгани ва қайси мақсадларда сарфланаётганини кузатишнинг зарур воситасидир. Бухгалтерия маълумотлари СФУ учун бюджетдан четга чиқмаган ҳолда ишлаётганини аниқлаш учун муҳимдир. Кичик бизнес соҳасида, хусусан пахтачилик (ғаллачилик) иқтисослашган хўжаликлар ва СФУларда молиявий операцияларни қайд этиб бориш учун профессионал ҳисобчини ёллаш шарт эмас. Фермернинг ўзи ёки СФУ ҳисобчиси бухгалтерия ҳисоби қайдларини юритиш мумкин.

Бухгалтерия ҳисобини юритиш тизимининг турлари. Қуйидаги бухгалтерия ҳисобини юритишда муҳим ҳисобланган икки усул тўғрисида сўз юритилади. Биринчи усул “кумулятив бухгалтерия ҳисоби” ва иккинчиси “касса услуги” деб номланади. Анча мураккаб бўлган ккумулятив бухгалтерия ҳисоби ташкилот ёки хўжаликнинг молиявий аҳволи тўғрисида тўлиқ тушунча беради. Ўзбекистон қонунчилигига кўра ташкилотлар ўзларининг бухгалтерия тизимини ккумулятив услубга асосланган ҳолда юритишлари керак. Чунки, касса бухгалтерия ҳисоби ва ккумулятив услублар ўртасида муҳим тафовутлар мавжуддир.

Касса бухгалтерия ҳисоби Касса бухгалтерия ҳисобига кўра агар бирор шахс пул олиб, уларни банкка депозитга қўйса, бу депозит даромад ҳисобида қайд қилинади ва банк ҳисоб рақами қолдиғига қўшилади.

Банкдан нақд пул олинганда бу операция харажат сифатида қайд этилади ва бу сумма банк ҳисоб рақами қолдиғидан айрилади. Касса бухгалтерия ҳисоби жудда оддий. Бу усул муайян шахсга фақат банк ҳисоб рақамида қанча

маблағ борлиги ҳақида маълумот беради ва бу ҳисоб рақами эгасининг молиявий аҳволи тўғрисида етарли ахборот бермайди. Чунки бу усул ташкилотнинг қанча қарзи борлиги ва уларнинг қанча қарздорлари мавжудлиги ҳақида маълумот бермайди. Касса бухгалтерия ҳисобида тавар ёки хизмат учун маблағлар ҳақиқатан ҳам тўланган тақдирдагина бундай ҳаражатлар тан олинади ва қайд этилади. Масалан, агар фермер экиш учун уруғлик бюртмаси ёки электр энергияси учун тўлов талабномаси олса, бундай талабнома тўланмагунча ҳаражат тан олинмайди. Бу ташкилотга оддий бухгалтерия юритиш усулидан фойдаланиш имкониятини беради, лекин унинг ҳақиқий молиявий аҳволини акс эттирмайди.

Кумулятив бухгалтерия ҳисоби Кумулятив бухгалтерия ҳисоби ҳаражатларни нафақат нақд пул қўлдан-қўлга ўтганда, балки ҳаражатлар амалга оширилган ва даромадлар олганда ҳам эътироф этилади. Бу тизим молиявий мажбурятни тўлов талабномаси олинган пайтда тан олинади ва тегишли сумма ташкилотнинг ўз капиталидан ўша пайтда айрилиб ташланади. Сумма молиявий ҳисоботларда тегишли чек (тўлов топшириқномаси) ёзилмагунча (бу ҳақда кейинчалик батафсил сўз юритилади) «кредиторлик қарзи» сифатида акс этирилади. Одамлар бирор-бир «махсус» буюмни харид қилишга қодирликларини аниқлаш учун тўланиши керак бўлган счё-фактуралар ва олиши керак бўлган чеклар тўғрисида ўйлаганларида кумулятив бухгалтерия ҳисоби шаклини қўллайдалар.

Нима учун кумулятив бухгалтерия ҳисоби танланади? Касса бухгалтерия ҳисоби кумулятов услубга нисбатан анча оддий бўлишга қарамай, бу услуб ташкилотга фақат маълум счё-фактурани тўлаш учун банк ҳисоб рақамида етарлича маблағ бор-йўқлиги тўғрисида маълумот беради холос. Банкдан фарқли ўлароқ кумулятов бухгалтерия ҳисоби ташкилотнинг молиявий аҳволи, қолаверса бу усул ташкилотнинг банкдаги пул кодиғи тўғрисида тўлиқ маълумот беради. Масалан, йилнинг охирига қадар электр энергияси учун

счёт фактура қабул қилинмаган бўлса, келгуси йил бу ҳаражат албатда амалга оширилади, яъни ўтган йил учун ҳаражат сифатида киритилиши керак бўлади. Тўлов янги молиявий йилга амалга оширилишига қарамай, ҳаражат электр энергияси истеъмол қилинган молиявий йилда қайд этилиши керак. Бу фақат **баланс ҳисобати**да мажбурият сифатида намоён бўлади.

Бошқа бир мисол. Идора ижараси учун бўнак тўлови олти ой аввал тўланади. Тўловнинг ярми янги молиявий йилнинг биринчи ярмига тегишлидир, шунинг учун йил охирида бу сумма жорий йилнинг идора ижараси ҳисобидан чиқарилади. Бу сумма ижара ҳақи тўланиши керак бўлган молиявий йилнинг ижара ҳисобига ўтказилади ва баланс ҳисоботида активлар рўйхатида бўнак тўлови сифатида намоён бўлади.

Банкда маблағи бўлмаган фермер 400.000 сўмлик счёт-фактура бўйича тўлаш учун банкдан 500.000 сўм қарз олади ва сўнг қолган 100.000 сўмни ўз банк ҳисоб рақамига депозитга қўяди. Касса услуби қўлланилганда молиявий бухгалтерия ҳисоби фақатгина 100.000 сўмлик ижобий пул қолдиғини кўрсатган бўлар эди. Кумулятив усул қўлланилганда 500.000 сўмлик тўланмаган қарз ҳисобига олинган ташкилотнинг 400.000 сўмлик **шахсий сармояси** акс этирилган бўларди. Бўлажак кенгаш аъзоси, донор ёки ташкилотнинг молиявий аҳволини билишга ҳаракат қилаётган ҳар қандай бошқа шахс нуқтаи назаридан иккинчи рақам анча аниқ вазиятни намоён этган бўлар эди.

Кумулятив бухгалтерия ҳисобини тадбиқ этаётганда фермер ёки СФУ ҳаражат сифатида нимани ва қачон тан олиш ва қайд қилиш кераклигини ўзи учун аниқлаб олиши керак. Айрим чеклашдан ташқари барча ҳолларда мажбуриятлар дарҳол қайд этилиши тавсия қилинади. Бу ҳаражатлар режага мувофиқ қайд этилишини англамайди (яъни, тўланмаган иш ҳақини ҳисобланган ҳаражатлар амалга оширилгани зоҳати (ходимлар иш ҳақи олиши керак бўлган соатларни ишлаб берадилар) бу ҳаражатлар қайд этилиши керак.

Комулятив усулни қўллашнинг яна бир афзаллиги шундаки, бу усул йил якунида ҳисоб рақамларини ўзгартириш заруриятини бартараф этади. Айни пайтда касса услубини қўлловчи ташкилотлар буни амалга ошириши керак. Касса услубидаги тизимни ўзгартириш одатда молиявий йил охирида йиллик аудит текширувининг бир қисми сифатида амалга оширилади. Бу пайтда ҳисобчи барча кредиторлик ва дебиторлик ҳисоб рақамларини олиб, уларни молиявий ҳисоботларига бириктиради ва шу тариқа ташкилотга ўзининг молиявий фаолиятини комулятив асосда кўрсатиш имконини беради.

Бухгалтерия ҳисоби тизимида ҳисоб варақалари Бухгалтерия ҳисоби тизимлари сўм миқдорида белгиланган ва молиявий бирликларни ангатувчи ҳисоб варақаларидан ташкил топади. Барча ҳисоб варақалари бешта ҳисоб варақалари гуруҳларининг бири остида таснифланади. *Реал ҳисоб варақалари* деб номланувчи учта гуруҳга *активлар, мажбуриятлар* ва *соф активлар* киради. Реал ҳисоб варақалари доимийдир, яъни уларнинг қолдиқ суммалари йилдан-йилга ўтаб боради. *Даромад* ва *ҳаражатлар*, қолган икки гуруҳ бўлиб, улар номинал ҳисоб варақалари деб номланади. Улар бир йил давомида ёки бюджет даври учун қўлланади ва сўнг “нол” қолдиқ билан ёпилади. Янги молиявий йил ёки операцион (ҳисобот) даврида янги ҳисоб варақалари сифатида очилади.

Активлар. Активлар ташкилотга тегишли мол-мулк (транспорт воситалари, бинолар, суғориш иншоотлари, оғир ускуналар ва пул маблағлари) ёки унга тўланиши керак бўлган қарзлар ҳамда ташкилотнинг кундалик фаолияти учун зарур ва унга бўлажак молиявий фойда келтирувчи мулкдир. Актив варақларига қуйидагилар мисол бўлади:

- банкдаги пул маблағлари;
- майда касса суммалари;
- асбоб-ускуналар;
- бинолар;

- суғориш иншоотлари;
- ер майдони;
- мебел жиҳозлари ва мосламалар;
- транспорт воситалари;
- тугалланмаган қурилиш;

Жорий активлар. Булар нисбатан қисқа вақт давомида (оддатда бир молиявий йил ичида) ташкилотнинг одатдаги фаолиятига зарар етказмаган ҳолда пул маблағлари айлантририлиши мумкин бўлган активларни англатади. Бундай активларга касса, дебиторлик қарзлари ва инвентар киради. Узоқ муддатли активлар (шунингдек, асосий маблағлар деб ҳам юритилади) бинолар ва асбоб-ускуна каби нарсаларни билдиради. Масалан, ташкилот ёзги идора биносига эгалик қилса, бу бино ташкилотнинг кундалик фаолиятини ошириш учун керак бўлади ва ундан фойдаланилган ёки у сотилган ҳолда ташкилот учун бўлғуси молиявий фойда келтириши кутилади.

Айрим ҳолларда ташкилот ўз ери, бинолари ва асбоб-ускуналарини ўзининг бошқа асосий фондларидан алоҳида кўрсатишни маъқул топиши мумкин. Лекин, бунда шуни таъкидлаш муҳимки, активларнинг амортизацияси (эскириши) бу ерда омил ҳисобланади. Активларнинг амортизацияси бино ёки асбоб-ускуна каби бундай Активнинг қийматини маълум вақт давомида тақсимлаш йўлидир. Бу операция бажарилганида амортизация суммаси чегириб ташланган суммаси бундай активнинг бозор қийматини эмас, балки унинг **“баланс (қолдиқ) қиймати”**ни (вақт ўтиши билан фойдаланиш ҳаражатлари айириб ташланган “дастлабки қиймат”ни) билдиради.

Мажбуриятлар. Мажбуриятлар ташкилот ёки хўжаликнинг тўланмаган қарзларини англатади. Товар, кредит ёки хизмат олинганда ва унинг ҳақи тўланмаганда ташкилотнинг тўланиши лозим бўлган қарзи вужудга келади. Бу қарз **мажбуриятлар** деб атилади. Лекин улар ҳаражат дегани эмас. Мажбурият

икки турга бўлинади: жорий мажбуриятлар ва узоқ муддатли мажбуриятлар. Мажбуриятлар ҳисоб варақларига қуйидагилар мисол бўлади:

- кредиторлик қарзлари;
- ҳисобланган ҳаражатлар-яъни иш ҳақи, иш ҳақи бўйича солиқлар, шахсий мулк ёки кўчмас мулкка солинадиган солиқлар;
- капитал ижараси;

Жорий мажбуриятлар ҳисобланган иш ҳақи ва ижара тўловлари, коммунал тўловлар, кредитга олинган товарлар ҳақи ва ҳақозолар каби жорий молиявий йил мобайнида тўланадиган мажбуриятларни билдиради. **Узоқ муддатли мажбуриятлар** жорий молиявий йилдан узоқроқ муддатга эга мажбуриятларни англатади. Мажбуриятларни бошқариш ташкилотнинг бюджетига қандай таъсир кўрсатишини такидлаш жуда муҳимдир. Масалан, маълум хизмат олинган ваунинг ҳақи бундай товар ёки хизмат олинган пайтда тўланмаган ҳолларда нархга қўшилади. Бундай суммалар ташкилот учун қўшимча ҳаражатларни билдиради, лекин улар ташкилотнинг умумий қийматига қўшилмайди.

Соф активлар

Соф активлар кўпинча формула билан аниқланади:

$$\text{Активлар-Мажбуриятлар} = \text{Соф активлар}$$

Бу формула шуни англатадики, агар бу мажбуриятлар активлардан кўпроқ бўлса, ташкилотнинг **соф актив** ҳисоб варағи манфий кўрсаткичга эга бўлади. Қуйидаги соф активлар ҳисоб варақаларига мисол бўлади:

- фойдаланиладиган экин майдони;
- фойдаланиладиган бинолар;
- мебел ва асбоб-ускуналар.

Даромадлар Даромад ҳисоб варақалари ташкилот даромади сифатида олинадиган нарсалар ҳақида маълумотни ўзида мужассам этади. Қуйидаги даромад ҳисоб варағига мисол бўлади:

- жисмоний шахслар ва кичик бизнес корхоналаридан ҳадиялар;
- ҳадя этилган хизматлар ёки иншоотлардан фойдаланишдан бевосита ҳиссалар;
- бошқа кўринишдаги ҳадиялар;
- давлат томонидан бериладиган кредитлар;
- тўлов комиссияларидан даромадлар давлат органларидан контрактлар ёки коммиссион тўловлар;
- бошқа активларни сотишдан тушган соф тушимлар (бошқа активларнинг сотилиши минус ишлаб чиқариш ва сотиш қиймати).

Ҳаражатлар. Кумулятив бухгалтерия ҳисобида бирор нарсанинг қиймати тўланганда у ҳаражатга айланади. Тўловни амалга оширишдан аввал бундай ҳисобланган қийматлар ҳам *мажбурият* ҳисобланади. Ҳаражатлар ташкилот бюджетида мавжуд *ҳаражат турлари* сингаридир, яъни:

- иш ҳақи ва унга боғлиқ ҳаражатлар;
- таъмирлаш, қурилиш ва харид қилиш ҳаражатлари;
- материаллар;
- алоқа;
- ижара ва коммунал хизматлар;
- техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш;
- нашр ишлари;
- хизмат сафарлари;
- амортизация;
- суғурта;

- капитал харидлар: ер, банолар, ускуналар, транспорт воситалари (йил якунида активлар гуруҳига ўтгунга қадар).

Юқорида зикр этилганидек, активлар ва мажбуриятлар ҳисоб варақалари мувозанатли тенгламанинг қарама-қарши томонлари сифатида биргаликда юритилади (соф активлар билан). Шу сингари даромадлар (тушумлар) ва ҳаражатлар (чиқимлар) ҳам биргаликда юритилди. (соф активлар билан). Шу сингари даромадлар (тушумлар) ва ҳаражатлар (чиқимлар) ҳам биргаликда юритлади.

Икки томонлама бухгалтерия ҳисоби: дебит ва кредитлардан фойдаланиш

Икки томонлама бухгалтерия ҳисоби (бир томонлама бухгалтерия ҳисоби ёки “чек китобчаси” усулидан фарқли ўлароқ) ташкилотнинг ресурслари ва даромадларини ҳимоя қилиш учун муҳимдир. Бухгалтерия қайдлари орқали амалга ошириладиган икки томонлама бухгалтерия ҳисобдаги ҳатоликларни сезиларли даражада камайтирувчи ўз-ўзини муозанатлаштирувчи бухгалтерия ҳисоби усулидир. Бу ҳисоб тизимининг асосида дебит ва кредитлар, яъни ҳар қандай молиявий ҳисоби вароғи: активлар, мажбуриятлар, соф активлар, даромад ва ҳаражатларга таъсир кўрсата оладиган икки турдаги тадбирлар ётади. Икки томонлама бухгалтерия ҳисоби ҳар бир “операция” ҳисоб тизимига икки маротаба-битта ва ундан кўп кредитлар ва яна битта ва ундан кўп дебитлар сифатида киритилади. Бу шуни англатадики, бухгалтерия тенгламасининг мувозанатини тامينлаш учун ҳар бир дебит (ёки кредит) қайди учун тенг суммасидаги кредит (ёки дебит) қайди киритилиши керак.

Формула:

Активлар – Мажбуриятлар - Соф активлар

Кредитлар ва дебитлар тавсифининг кенг тарқалган тушунмовчилиги шундаки, “кредит” доим кўпайтириш ва “дебит” доимо камайтириш маъносини англатади. Икки томонлама бухгалтерия ҳисобида “кредит” баъзан ҳисоб варағини кўпайтириш ва “дебит” баъзи ҳолларда ҳисоб варағини камайтиришни билдиради (бошқа пайтларда улар қарама-қарши маънони англатади). Яна бир нотўғри тушунча борки, агар малум бир ҳисоб варағи (дебит ёки кредит орқали) камайтирилса, унда бошқа бир ҳисоб варағи кўпайтирилиши керак. Лекин, дебит ва кредитлар турли ҳисоб варақларига турлича таъсир кўрсатгани боис бу ҳам доимо ҳақиқатга яқин бўлавермайди. Ҳақиқатда икки томонлама бухгалтерия ҳисоби усули ёрдамида киритилган операция ҳар иккила тегишли ҳисоб варағини кўпайтириши мумкин.

Икки томонлама бухгалтерия ҳисоби усули ҳамда кредит ва дебитлар қандай ишлашини тавсифлаш аввал “Т Ҳисоб варағи” деб ноиланувчи диаграммани тушунтириш фойдалидир (ҳисоб ихтироси). “Т” Ҳисоб варағи диаграммасида Тнинг чап томони доимо дебитларни ва ўнг тарафи доимо кредитларни акс эттиради. Бухгалтерия ҳисоби жараёнида доллар сумма операция маълум ҳисоб варағига қандай таъсир кўрсатишига келиб чиққан ҳолда дебит сифатида (чап томон) ёки кредит (ўнг томон) сифатида қайд этилади ва юқорида зикр этилганидек, дебит ва кредитлар турли ҳисоб варағига турлича таъсир кўрсатади.

13.3. СФУНИНГ МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРИ

Бухгалтерия ҳисобининг асосий мақсади асосли молиявий қарорлар қабул қилиш учун зарур маълумотни систематик равишда ташкил этиш, қайд этиб бориш ва таъминлашдан иборат. СФУлар учун молиявий бухгалтерия ҳисобининг мақсади қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ва солиқ органлари каби давлат органларига ўзининг молиявий аҳволи тўғрисида маълумот

берувчи молиявий ҳисоботлар тайёрлашни ҳам назарда тутати. Ҳар қандай СФУлар ҳам иккита асосий мақсадини кўзлаб фаолият кўрсатадилар:

- бадал пулларини ўз вақтида ва керакли миқдорда тўплаб олиш;
- тўлов қобилиятига эга бўлиш (барча счё-фактураларбўйича тўлаш имкониятига эга бўлиш).

Тўлов қобилияти-бу СФУнинг ирригация хизмати ҳақи ва бошқа манбалардан олинган даромади ҳисобига ўз счё-фактуралари бўйича тўлаш ва қарзини қайтариш қобилитини англатади.

Корхонанинг самарадорлиги, тўлов қобилияти ва молиявий аҳволи ҳақида бошқа томонларни баҳолаш учун имконият яратувчи тўрта бирламчи молиявий ҳисоботлар мавжуд. Бу ҳисоботлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- баланс ҳисоботи;
- даромад ҳисоботи;
- Шахсий маблағлар тўғрисида ҳисобот;
- пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот;

Бу тўрт молиявий ҳисоботлар корхона операцияларининг ҳисобчиси томонидан қилинган таҳлилнинг натижавий маҳсулидир. Бу жараён бухгалтерия ҳисоби жараёнининг илк қадамидир. Молиявий ҳисоботлар фойдали бўлиши учун улар:

- тушунарли;
- ўз вақтида тайёрланган;
- тегишли;
- адолатли ва объектив (асоссиз камситишлардан холи) бўлиши зарур.

СФУда аудит. Аудит бу ташкилотнинг молиявий қайдлари, тартиб-қоидалари ва фаолиятини мустақил ва ошкора равишда ўрганишдан иборат бўлиб, унинг

натижасида СФУнинг молиявий фаолияти тўғрисида ва аудиторнинг хулосаси келтирилган ёзма ҳисобот тайёрланади.

Аудит ҳар бир молиявий операцияни ўрганиш эмас, балки қайдлар қанчалик самарали юритилганлиги ва СФУнинг ички молиявий назорати қанчалик ишончли эканлигини аниқлаш имконини берувчи бир танлов асосида ўтказилган текширишларни аниқлатади. Бу текширишларнинг натижалари аудитга СФУнинг умумий молиявий аҳволи ҳақида хулоса қилиш имкониятини беради.

Аудитнинг икки тури мавжуд:

- ташқи аудит.
- ички аудит.

Ташқи аудит. Ташқи аудит СФУ молиявий фаолиятини ташқи ташкилот ёки шахс томонидан ўтказган мустақил текширувдир. Ўзбекистон Республикасининг “*Аудит тўғрисида*” ги Қонуннинг 10-моддасига асосан қуйидаги ташкилотлар ҳар йили аудитдан ўтиши керак: ҳиссодорлик компониялари, банклар ва бошқа кредит ташкилотлари, суғурта ташкилотлари, инвестицион банклар, хайрия ташкилотлари ва хайрия маблағларини олувчи бошқа ташкилотлар, мажбурий ажратмалардан молиялаштириладиган маблағлар, ҳмада шахслар, жумладан ҳукумат томонидан қисман эгалик қилинадигин шахслар. Агар ички аудит ўрнатилган вазифа ва талабларни бажармаса, шунингдек, тергов мақсадларида ҳам ташқи аудит амалга оширилиши мумкин.

Ички аудит. Ички аудит ташкилот ичидан тайинланган ёки сайланган аудитор томонидан тайёрланган молиявий ҳисоботларни текширишдан иборат. Ички аудит текшируви ташкилот раҳбарларининг талабига асосан амалга оширилади; у тизимлар ва тартиб қоидаларга, шунингдек, фирманинг моддий ва молиявий ресурсларининг ўзлаштирилишига алоҳида урғу беради. СФУлар

учун ички аудит жуда муҳимдир, чунки у ошкоралик ва аъзолар олдида маъсулиятга нисбатан мажбуриятни намойиш этади.

СФУ аудитининг мақсади.

Аудит текширувнинг мақсадлари қуйидагича:

- йиллик ҳисоботлар СФУ молиявий аҳволининг ҳақиқий ва адолатли кўрсатилганлиги, яъни даромадлари, харажатлари ва активлари тегишли равишда қайд этилганлиги, пул маблағлари ўрнатилган тартибда тўланганлиги, суғориш хизматлари учун бадаллар тўлиқ олинганлиги ва ноқонуний ўзлаштириш ҳоллари юз бермаганлигини тасдиқлаш;
- маблағларнинг сарфланиши СФУ уставида кўрсатилган мақсадлар ва йўналишларга улар томонидан назоратнинг бир қисми сифатида кўриб чиқиладиган молиявий маълумотларнинг аниқлигини тасдиқлаш;
- СФУ бошқарувчиси ва ҳисобчиси томонидан назорат қилинадиган ва амалга ошириладиган ички молиявий назорат қоидаларини кучайтириш.

Донор аудит. Бирор донор ташкилотларидан грант ёки кредит маблағлари олинган бўлса, бундай ташкилот донор томонидан унинг қайдлари ва молиявий фаолиятини аудит қилинишига тайёр бўлиши лозим. Бундай текширувнинг асосий мақсади берилган маблағларнинг мақсадли ва дастлабки молиялаштириш шартномасида кўзда тутилган ва келишилган иш режаси ҳамда бюджетга мувофиқ равишда сарфланаётганлигини текширишдан иборат.

СФУ тафтиш комиссияси. СФУда аудит жараёнини бажариш мақсадида СФУнинг умумий йиғилиши барча молиявий фаолиятини аудит қилиш учун жавобгар тафтиш комиссияси 3 йиллик муддатга сайланадиган 3 нафар аъзодан иборат бўлади. Тафтиш комиссияси аъзолари бир вақтнинг ўзида кенгаш аъзолари бўла олмайдилар. Тафтиш комиссияси аъзолари мустақил бўлишлари, яъни бухгалтерия ҳисоби қайдларини юритишга алоқадор бўлмаслиги ва СФУнинг тафтиш этиладиган фаолиятига шахсан алоқаси бўлмаслиги зарур.

СФУ уставига мувофиқ тафтиш комиссияси барча молиявий қайдлар ва ҳужжатларни текшириши ва ўрганиб чиқиши ҳамда ўз хулосалари ва тавсиялари баён этилган ҳисоботни ҳар уч ойда тайёрлаб, умумий йиғилишга тақдим этиши керак. Умумий йиғилиш аудит ҳисоботини кўздан кечиради ва зарур бўлса, тегишли муаммолар ёки қийинчиликларни бартарф этиш бўйича чора-тадбирларни қўллайди.

Тафтиш комиссиясининг вазифалари.

Тафтиш комиссиясининг умумий вазифалари қуйидагича:

- умумий йиғилиш томонидан тасдиқланган стандарт қарорларга мувофиқ вазифаларни бажариш;
- СФУ фаолиятининг молиявий назоратини таъминлаш;
- ҳисоб варақалари, СФУ активлари ва товар –моддий бойликларини камида бир йилда бир марта ёки умумий йиғилиш қарорига мувофиқ аудит қилиш ва кўриб чиқиш;
- умумий йиғилиш ва СФУ кенгашига аудит ҳисоботларини тақдим этиш.

Тафтиш ўтказиш жараёни.

Жорий тафтишгача бўлган даврнинг фақат охириги уч ойи аудат қилиниши лозим. Аудиторлар ишларини бажаришлари учун чекланган вақтга эгадирлар, шу сабабли ҳар бир молиявий операцияни синчиковлик билан текшириш ўрнига операцияларни намуналари ва улар натижаларининг ҳаққонийлигини текширишга эътибор берилиши лозим.

Аудитнинг ижобий ўрганиш тажрибаси бўлиши керак ва ундан қўрқмаслик зарур; чунки у молиявий бошқарув тизимидаги ютуқ ва камчиликлар бўйича жавобгарлик муносабатига эга бўлиш имконини беради.

Бир неча сувдан фойдаланувчиларга эга кичик СФУлар учун барча молиявий қайдлар кўздан кечирилиши ва текширилиши лозим. Кўп сонли сувдан фойдаланувчиларга эга сувдан фойдаланувчилар ҳисоб рақамларининг

сонини аниқлаш ва аудит мақсадлари учун вакил намуналарини тасодифий равишда танлаб олиш мақсадга мувофиқдир.

Аудит СФУ бюджетини батафсил ўрганиб чиқишдан бошланади. Бу текширув тафтиш комиссияси аъзоларига СФУ молиявий бошқаруви асосини тушунишига ёрдам беради. У шунингдек, суғориш хизматлари учун бадалининг жорий этилиши ва йиғилиши СФУ ни фаолияти тўғрисида хулоса чиқариш учун асослар билан таъминлайди.

Бюджетнинг ҳолатини кўзда кечиргач, аудитор СФУ молиявий қайдларининг қуйидаги соҳаларини ўрганиб чиқиши лозим:

- даромадларни қайд этиш;
- ҳаражатларни қайд этиш;
- инвентаризация (нақд пул маблағлари, банк ҳисоб рақамидаги қолдиқлар, активларни текшириш);
- бошқа ҳужжатлар: суғориш хизматларини кўрсатиш учун шартномалар ва бошқа молиявий ҳужжатлар масалан, баланс ҳисоботлари, ҳаражатлар (тушумларни бюджетга нисбатан таққослаш ва олинган фоиз даромадлари).

Бундан ташқари тафтиш комиссияси барча активларнинг рўйхатга олинганлиги ва уларнинг ҳолатини аниқлаш мақсадида СФУ активларининг инвентаризациясини текширади.

Аудит ҳисобот. Тафтиш комиссияси аудит жараёнида айрим саволномаларнинг нусхаларини тўлдиради (масалан, СФУ нинг йиллик молиявий аудит назорат рўйхати ва сўровномаси, Аудит ҳисоботи жадваллари). СФУ молиявий ҳужжатларини текшириш якунлангач, тафтиш комиссияси аъзолари умумий йиғилишга тақдим этиш учун биргаликда хулосалар ва тавсиялар умумлаштирилган қисқача ҳисоботни тайёрлашлари лозим. Ҳисобот ҳайъат аъзолари томонидан ҳисоботнинг тасдиқланганлигини билдирган ҳолда имзоланиши керак.

Агар аъзоларнинг бири хулосалар ёки тавсиялар борасида бошқа аъзолар билан келиша олмаса, бундай аъзо норозиликлари вужудга келган соҳаларни акс эттирувчи ҳисоботини тайёрлаши лозим. Бу ҳисобот имзоланади ва Умумий йиғилишига тақдим этилади.

Аудит ҳисоботи СФУ кенгашига танишиб чиқиш учун берилади ва умумий йиғилишга тақдим этилади. Оддатда ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олади:

- аудитор томонидан имзоланган хулосалар;
- молиявий ҳисоботлар;
- молиявий ҳисоботларга изоҳлар. Бундай ҳисоботлар функционал ҳаражатлар, амортизация ва бошқа муҳим маълумотларни ўз ичига олиши мумкин.

Аудит ҳисоботига киритилган материаллардан ташқари аудитор кўпинча кенгаш учун бошқарувчиларга хат ёки ҳисоботни ҳам тайёрлайди. Бу ҳисобот ташкилотнинг ҳисоб юритишининг ички назорат тизимидаги камчиликларини кўрсатади.

СФУ да аудит ўтқизиш муҳим аҳамиятга эга. Энг аввало, аудит СФУ нинг молиявий бошқарувидаги муаммоларни бартараф этишга ёрдам беради. Иккинчидан, СФУ кенгаши ва умумий йиғилишга СФУ нинг молиявий аҳволи ҳақида тўлиқ маълумот беради. У шунингдек, СФУ аъзоларига ошкоралик ва адолатга қаратилган институтционал қўллаб-қувватлаш бўйича ишлар амалга оширилаётгани ва қатиян риоя этилаётганини англашга ёрдам беради.

Ирригация хизмати учун бадални қайта кўриб чиқиш СФУ ижроия органларига бу бадалнинг тўланиши ва йиғиб олиниши, суғориш ва зовур тармоқларининг доимий фаолияти, уларга техник хизмат кўрсатиш савиясига қандай таъсир кўрсатишини аниқлашда ёрдам беради. Бадални мунтазам равишда ёзиб бориш СФУнинг келажак барқарорлигини таъминлашда ёрдам беради. Бу ўз навбатида СФУ ходимларини сувдан фойдаланувчиларга сифатли хизмат кўрсатишини рағбатлантиради.

Қисқача хулосалар

СФУ да молиявий ҳисобот юритишнинг асосий вазифаси манфаатдор томонларга СФУ нинг молиявий ҳолати ҳақида маълумот берувчи ҳисоботларни тайёрлашдан иборат.

Қуйида манфаатдор томонларга ташкилотнинг барқарор ва тўлашга қодирлигини баҳолаш имконини берувчи ҳужжатлар келтирилади:

1. Бухгалтерия баланси ҳақида ҳисобот
2. Молиявий натижалар ҳақида ҳисобот
3. Шахсий сармоя ҳақида ҳисобот
4. Пул маблағларининг ҳаракати ҳақида ҳисобот.

СФУнинг молиявий натижалари ҳақида ҳисоботи ташкилотнинг ҳисобот давридаги натижаларини кўрсатади.

Соф фойда=Даромад-Харажат

Даромад ҳосилни сотишдан ёки хизматлар кўрсатишдан тушган маблағлар ҳисобланади. Хорижий маҳсулотни етиштириш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ чиқимлардир. Бухгалтерия ҳисобида операциялар тўғрисида маълумотлар мунтазам равишда қайд этиб борилади.

СФУ учун молиявий бухгалтерия ҳисобининг мақсади ва сув ҳўжалиги бошқармаси ва солиқ органлари каби давлат органларига ўзининг молиявий аҳволи тўғрисида маълумот беришдан иборат.

Таянч иборалар. Молиявий ҳисобот, манфаатдор томонлар, бухгалтерия баланси, шахсий сармоя, пул маблағлари, касса бухгалтерия ҳисоби, кумулятив бухгалтерия ҳисоби, молиявий натижалар, Активлар, жорий активлар, даромадлар, ҳаражатлар, икки томонлама бухгалтерия ҳисоби, дебит, кредит, аудит, ички аудит, донор аудит, тафтиш комиссияси.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. СФУ ларни моливий бошқаришнинг аҳамияти.
2. Бухгалтерия ҳисобини юритиш тизимининг турлари.
3. Комулятив бухгалтерия ҳисоби нима?
4. Даромад ва ҳаражатлар нима?
5. Икки томонлама бухгалтерия ҳисоби нима?
6. СФУ нинг молиявий ҳисоботлари ҳақида гапиринг?
7. Аудит нима? унинг зарурати, мақсади нимада?
8. СФУ тафтиш комиссияси ҳақида гапиринг?

Асосий адабиётлар.

1. И.А. Каримов «Иқтисодий ислоҳатларни янада чуқирлаштириш».
2. Ш. Хамроев «Қишлоқ хўжалигида ислоҳатларни чуқирлаштиришда сувдан фойдаланувчилар уюшмасининг ўрни». «Талқин» нашриёти 2006 йил.
3. «Фарғона водийсида сув ресурсларини бошқаришни мувофиқлаштириш». Лойиҳаси. Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси қандай ташкил қилинади. 2003-2006 йил.
4. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги «Сувдан фойдаланувчилар уюшмаларини ташкил қилиш бўйича услубий қўлланма. Тошкент 2003 йил.
5. USAID. WUASP. Марказий Осиёда сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштиришга амалий тажрибаларни тадбиқ этиш. Ахборот бюллетенлари.

**14 БОБ. ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИК БЎЛИМИ БИЛАН СУВДАН
Фойдаланувчилар уюшмалари ўртасида пуллик сув хўжалик и
шва таъмирлаш хизматларини кўрсатиш бўйича**

Намунавий шартнома

200_ й. " _ " _____

_____ тумани Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, куйида "Пудратчи" деб номланади, _____ номидан амалдаги Устав асосида, бир томондан, ва сувдан фойдаланувчилар Уюшмаси, куйида

"Буюртмачи" деб номланади, _____ номидан амалдаги Устав асосида, иккинчи томондан, пуллик сув хўжалик иш ва хизматларини кўрсатиш учун ушбу шартномани туздилар 1.Пудратчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

1.1. Пудратчининг мажбуриятлари

- ушбу шартноманинг 1 —иловасига асосан сувни бериш жадвали тайинланган лимитга мувофиқ Буюртмачига сув берилишини қуйидаги хўжалик шохобчалари бўйича таъминлаш

(хўжалик шохобчасининг номи)

- Буюртмачининг буюртмаси бўйича унга тайинланган лимитга мувофиқ миқдор чегарасида хўжалик шохобчаси бўйича сув бериш ҳажмини тақсимлаш ва вақтини аниқлаш;

- Буюртмачи ва унинг вакили иштирокида сув келишини ҳисобга олишни амалга ошириш;

- Буюртмачига лимит чегарасида маълум бир оралик муддатда сув берилмаса, уни бошқа бўлак муддатда қоплаш;

- Буюртмачининг хўжалик шохобчаларини сув ўлчаш воситалари билан жиҳозлаш, уларнинг техник ҳолатини назорат қилиб, мунтазам равишда текширув ўтказиш;

- Буюртмачининг суғориладиган ерларидан зовур ва пайнов сувларни чиқариб ташлашни таъминлаш;

- Мазкур шартноманинг 1-иловасига асосан Буюртмачи суғорма ерларининг мелиоратив ҳолати мониторинги ва сув хўжалик объектларига ирригация-мелиорация хизматларини кўрсатишни амалга ошириш.

1.2. Пудратчининг ҳуқуқлари:

- сув хўжалиги тизимидаги мавжуд сув ресурслар ҳажми ва йиллик ёгин миқдорига қараб, Буюртмачига (5 кундан) кечикмасдан хабар қилиб, зарур ҳолларда у билан келишиб сув олиш лимитини мувофиқ равишда тезкор ўзгартириш;
- Буюртмачининг айби билан белгиланган лимитдан маълум бир муддат оралиғида сув ортикча ишлатилса, бошқа бўлак муддатда сувни мувофиқ равишда қисқартириш;
- сув хўжалиги тизимида сув ресурслари танқис бўлган ҳолларда сувдан фойдаланувчиларга сувни навбатма-навбат бериш тартабини қўллаш;
- агарда шартлашилган муддатга Буюртмачининг вакили келмаса, сув беришни бир томонлама шубҳасиз ўлчаш.

2. Буюртмачининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Буюртмачининг ҳуқуқлари:

- Белгиланган лимитдаги сувни олиш, қўшимча сув ресурслари борлигида эса уларни устивор олиш;
- ўзига белгиланган лимитдаги ва амалда берилган сувнинг мувофиқлигини назорат қилиш;
- Пудратчи томонидан ўзининг сув хўжалик объектларига устивор ирригация-мелиорация хизматларини кўрсатилиши;
- Пудратчининг иш ва хизматларига бўлган ўз эҳтиёжлари тўғрисидаги таклифларни бериш;
- ўзининг талаблари бўйича Пудратчи бажарган пуллик иш ва хизматларнинг сифати ва ҳажмини назорат қилиш;
- шартнома ва бошқа мажбуриятларни бажармаган ҳолда Пудратчига мулкӣ даъво қилиш.

2.2. Буюртмачининг мажбуриятлари:

- белгиланган сув олиш лимитига риоя қилиш;
- мазкур шартномада белгиланганидек, Пудратчининг иш ва хизмат

хақларини ўз вақтида тўлиқ тўлаш;

- ўзининг балансида турган сув хўжалиги объектларини соз ҳолатда туришини таъминлаш;

- сув хўжалик тизимига ирригация-мелиорация хизматларини кўрсатиш! ва бошқа ишларни бажариш, сувни бериш муддати ва ҳажмини Пудратчи билан олдиндан келишиб олиш;

- сувга бўлган эҳтиёж ўзгарса ёки маълум муддатда сув олиш рад этилса (5 кундан) кечиктирмасдан Пудратчига хабар бериш;

- ўз хўжалик шохобчаларида сув ўлчаш воситалари ва иншоотларининг бутлигига жавобгар бўлиш;

- хўжалик ирригация-мелиорация тармоқларида қўшимча сув тўсиқлари, кўтармалари ўрнатишни Пудратчи билан келишилган ҳолдагина амалга ошириш;

- келишилган кўрсаткич ва шакллар ёрдамида ер-сув ресурсларидан фойдаланиш бўйича Буюртмачига маълумотлар бериш.

3. Молиявий ҳисоботлар тартиби

3.1. Ирригация-мелиорация ва сувни етказиб бериш бўйича хизматлар учун ҳисоб-китоб Пудратчига қуйидаги тарифлар бўйича амалга оширилади: 1 м³ сув учун асосий, қўшимча, жаримали ва гектар бўйича. Белгиланган лимит чегарасида амалда олинган сув ҳажми учун асосий тариф, қўшимча тариф эса — Пудратчида ортиқча сув ресурслари борлигида ва Буюртмачининг буюртмасига мувофиқ белгиланган лимитдан ортиқ сувнинг амалдаги ҳажмига ҳақ тўлада қўлланилади. Жарима тарифи эса Буюртмачининг айби бўйича сув ҳажмини ўз бошимчалик билан лимитдан ортиқ ишлатилганда қўлланилади.

Гектар бўйича тариф зовур тармоғи бор бўлган, ерни амалдаги майдонидан келиб чиқиб, суғориладиган ерларга мелиорация хизматлари кўрсатилгандаги ҳақни тўлашда қўлланилади.

3.2. Кейинги йилнинг " ____ " гача Буюртмачи Пудратчига ушбу шартноманинг 1-иловасига мувофиқ суғориладиган ерларга мелиорация хизмати ва сувни бериш бўйича хизмат қийматидан 25 фоиз миқдорида олдиндан ҳақ тўлайди. Юқорида қайд этилган хизматлар учун сувни олиш-бериш далолатномаси асосида ҳар ой ҳақ тўланади. Пудратчи томонидан тақдим этилган сув хажми Буюртмачи билан келишилмаса, унга ҳақ тўланмайди.

3.3. Буюртмачи сув хўжалик объектларига ирригация-мелиорация хизмати бўйича Пудратчига алоҳида тугатилган ишларга мувофиқ далолатномалар асосида уларнинг қийматидан ____ фоиз миқдорида олдиндан ҳақ тўлайди.

4. Ахдлашаётган томонларнинг мулкӣ ўзаро муносабатлари.

4.1. Буюртмачининг хўжалик шохобчаларида сувни ҳисобга олиш тартиби ҳар куни Пудратчининг вакили томонидан Буюртмачининг вакили иштирокида амалга оширилади ва махсус "Сувни ҳисобга олиш журнали"га ёзилади, тақвим ойининг охирида эса "Сувни бериш-олиш далолатномаси" расмийлаштирилади. Сув ўлчовининг тўғрилиги тўғрисида иккала томоннинг даъволари 10 кун ичида кўриб чиқилади ва метрологик хизмат экспертлари жалб қилинган ҳолда ҳал этилади, уларнинг хизмат ҳақини айбдор томон тўлайди.

4.2. Буюртмачининг сув шохобчалари бўйича лимитдаги сувни қайта тақсимлаш ёки ўзгартириш тўғрисидаги буюртмаси ўзгартириш муддатидан камида 5 кундан олдин қабул қилинади. Кўрсатилган муддатдан кечиктирилиб берилган буюртманинг ижросига Пудратчи қафолат бермайди.

4.3. Жарималар қуйидаги ҳолларда қўлланилади:

- Буюртмачининг айби билан белгиланган лимитдан ортиқ сув олинса;
- Пудратчининг айби билан Буюртмачига лимитдан кам сув берилса;
- исталган манбалардан сув ресурслари ўзбошимчалик билан олинса;
- Пудратчи билан келишилмаган ҳолда хўжаликлараро мелиоратив тармоқларида қўтарма ва тўсиқлар мосламаси ўрнатилса;

- хўжаликлараро ирригация-мелиорация тармоқларида сувни ҳисобга олиш воситалари ва иншоотлари бузилса;
- Пудратчининг иш ва хизматларига ўз вақтида ҳақ тўланмаса;
- томонларнинг шартнома мажбуриятларидаги бошқа қоидалари бузилса.

4.4. Буюртмачининг айби билан белгиланган лимитдан ортиқ сувни олинса, унга лимитдан ортиқ олинган ҳар бир метр куб сувга жарима тарифи бўйича жарима солинади. Риоя қилмаганлик факти бўйича Буюртмачининг вакили таклиф қилиниб Пудратчининг вакили томонидан тегишли далолатнома билан расмийлаштирилади. Агарда Буюртмачининг вакили келмаса ёки рад этса, ҳуқуқий кучга эга бўлган бир томонлама далолатнома тузилади. Пудратчи билан лимитдан ортиқ сувни олиш келишиб олинса, жарима солинмайди.

Пудратчининг айби билан лимитдан кам сув берилса, кам берилган сув учун жарима тарифи бўйича Буюртмачининг зарарларини қоплайди. Риоя қилмаганлик факти бўйича Буюртмачи Пудратчининг вакилини таклиф қилиб, тегишли далолатномани тузади ва Пудратчининг Уставига мувофиқ қарор қабул қилиниб унинг манзилига юборилади. Пудратчининг вакили келмаса ёки рад жавобини берса, юридик кучга эга бўлган бир томонлама далолатнома тузилади.

4.5. Авария, табиий офатлар ва сув манбаларининг танқислиги сабаблари бўйича Буюртмачига белгиланган лимитдан кам сув берилса, Пудратчи мулкий жавобгар бўлмайди, етказилган зарар суғурта ташкилотлари томонидан қопланади.

4.6. Рўйхатга олинмаган сувни олиш ва ўзбошимчалик билан сувни эгаллаш бўйича Буюртмачига нисбатан 4.4. бандда баён этилган жарима солинади ва қоида бузувчининг ҳисобидаги рўйхатга олинмаган сувни қайтариб олинади.

4.7. Лимитдан ортиқ, ёки кам ўзбошимчалик билан сув олиш фактларининг вақти охириги риоя қилмаганлик вақтидан бошлаб белгиланади.

4.8. Буюртмачи томонидан хўжаликлараро ирригация-мелиорация тармоқларидаги кўтарма ва тўсиқ мосламалари, каналдаги дамбалар тешилса, ўлчов воситалари ва иншоотлар бузилса, етказилган зарарини ўз ҳисобидан тuzатади, ёки зарар миқдorigа тенг бўлган товон пулини тўлайди. Шундай бузилиш фактлари бўйича Буюртмачи вакили таклиф этилиб тегишли далолатнома расмийлаштирилади, агарда у рад этса, ҳуқуқий кучга эга бўлган бир томонлама далолатнома тuzилади.

4.9. Агарда Буюртмачи келишилган лимитни ёки талаб қилинган сув ҳажмини камида 5 кун ичида қабул қилишдан воз кечса, асосий тариф бўйича ҳисобланиб олинмаган сув ҳажмининг 20 фоизи миқдorigа жарима тўлайди.

4.10. Буюртмачининг айби билан ирригация-мелиорация ишларини олиб бориш учун Пудратчига шароитлар яратиб берилмаган ҳолларда, у ҳар бир кечиккан кун учун шу муддатга режалаштирилган айрим иш турларининг қийматидан фоиз миқдorigа жарима тўлайди.

Пудратчининг айби билан сув хўжалик объектларига ирригация-мелиорация ишлари бўйича мажбуриятлар ўз муддатида бажарилмаса, у ҳам шундай жарима тўлайди.

4.11. Барча турдаги тўловлар, шунингдек жарима тўлаш муддати кечиккан ҳолларда айбдор томонидан ҳар бир кечиккан кун учун, умумий, жумладан тўланган кун ҳам ҳисобланиб, суммадан фоиз миқдorigа пеня ундирилади.

Мелиорация хизмати ва сувни бериш бўйича хизматлар учун тўловлар 20 кундан кечикса, Пудратчининг Буюртмачига сув беришни тўхтатиб қўйишига ҳаққи бор ва белгиланган тўлов ва жарималарни тўлаб бўлингандан сўнг, уни қайтадан бериши мумкин.

5. Қўшимча шартлар.

5.1. Ушбу шартноманинг амал қилиш муддати уч йил бўлиб 200 й

" _ " _____дан 200 й " _ " _____ гача даврга белгиланади, томонларнинг розилиги бўйича шартнома бекор қилиниши ёки муддати узайтирилиши мумкин. Бунинг учун таклиф қилаётган томон иккинчи томонга шартнома муддатини бекор қилиши ёки узайтириши тўғрисида бир ой олдин хабар бериши керак.

5.2. Шартнома муддатини тўхтатиш, бекор қилиш, бир томонлама ўзгартириш ва шартноманинг бошқа шартларини бажаришдан далилсиз воз кечилган ҳолларда, айбдор томон ушбу шартноманинг кўзда тутилган жарималаридан ташқари бошқа томонга бой берилган фойда ва келтирилган зарарларни қоплайди.

5.3. Шартномадаги мажбуриятлар ўз вақтида бажарилмаган ҳолларда айбдор томон бошқа томонга бой берилган фойда ва келтирилган зарарларни қоплайди.

Шартнома мажбуриятлари томонларнинг ўзаро келишувига биноан ўзгартирилади.

5.4. Ушбу шартнома бўйича пайдо бўладиган барча мунозаралар томонларнинг ўзаро келишуви бўйича, ҳакамлар судида ҳал этилади, агарда томонлар муроасага келолмасалар, Пудратчининг жойлашган жойи бўйича амалдаги қонунчиликка мувофиқ суд тартибида ҳал қилинади.

5.5. Ушбу шартномага Пудратчи Буюртмачига тақдим қиладиган иш ва хизматлар қиймати рўйхати илова қилинади (1-илова), у ушбу шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланади ва ҳар йили янгилаб турилади.

Буюртмачи
(лавозими, Ф И О)
(нмзо)

Пудратчи
(лавозими, Ф И О)
(имзо)

14.2. Фермерлар ва СФУ ўртасида пуллик сув хўжалик иш ва
хизматларини кўрсатиш бўйича

НАМУНАВИЙ ШАРТНОМА

_____ 200_ й
_____ сувдан фойдаланувчилар уюшмаси, қуйида
(номн)

Уюшма деб номланади, _____ номидан
(лавозими Ф И О)

Устав асосида иш юритадиган, бир томондан ва сувдан фойдаланувчилар
Уюшмасининг аъзоси

_____ қуйида
(номи)

Истеъмолчи деб номланади, номидан _____
(лавозими Ф И О)

иккинчи томондан ушбу шартномани пуллик сув хўжалик иш ва
хизматларини кўрсатиш учун туздилар

1. Уюшманинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

1.1 Уюшманинг мажбуриятлари

- _ белгиланган лимитга ва сув бериш жадвалига (ушбу шартномага
__ сонли илова) мувофиқ истеъмолчига сув берилишини таъминлаш,
- Истеъмолчининг буюртмасига мувофиқ унга белгиланган лимит
чегарасида тақсимот нуқтаси бўйича сувни вақтида тақсимлаш,
- Истеъмолчига белгиланган лимитдан маълум бир муддатда сув кам
берилган холларда, берилмаган қисмини бошқа бўлак муддатда қоплаш,
- Истеъмолчининг суғориладиган ерларидан зовур ва оқава сув-
ларини чиқариб ташлашни таъминлаш,
- Истеъмолчининг суғориладиган ерларининг мелиоратив ҳолати
(ерлар шўрланганлиги, сизот сувларнинг сатҳи ва минералзацияси) на-
зоратини таъминлаш,

- ушбу шартноманинг - сонли иловасига асосан Истеъмолчининг ерларидаги ирригация-мелиорация тармоқларига техник хизмат кўрсатиш ишларини бажариш,
- Истеъмолчининг сув тақсимлаш иншоотларини сув ўлчаш воситалари билан жиҳозлашга, уларни таъмирлаб, вақти-вақти билан текшириб туриш

1.2 Уюшманинг ҳуқуқлари

- мавжуд сув ресурсларига ва йиллик ёғин миқдориغا қараб, Истеъмолчига белгиланган лимитдаги сувни ўзгартириш, бу ҳолда унга олдинроқ (10 кун ичида) хабар бериш, зарур ҳолларда эса у билан келишиб олиш,
- Истеъмолчининг айби билан белгиланган лимитдан ортиқча сув маълум бир оралиқ муддатда ишлатилса, шунга мувофиқ бошқа бўлак муддатда сув беришни қисқартириш;
- сув ресурслари кескин танқис бўлган шароитда, сувни навбатма- навбат тартибда бериш.

2. Истеъмолчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

2.1. Истеъмолчининг ҳуқуқлари:

- кафолатли лимитдаги сувларни олиш, қўшимча сув ресурслари бўлса уларни устивор олиш;
- ўзининг ирригация-мелиорация объектларига устивор техник хизматлар кўрсатилиши;
- Истеъмолчига бериладиган лимитдаги сувни амалда олинган сув миқдориغا мувофиқлигини назорат қилиш;
- Уюшманинг иш ва хизматларига бўлган ўз эҳтиёжлари тўғрисида таклифлар киритиш;
- ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаса, Уюшмага нисбатан мулкий даъво қилиш;

- Уюшма Истеъмолчининг буюртмаси бўйича бажарадиган пуллик иш ва хизматлар сифати ва ҳажмини назорат этиш.

2.2. Истеъмолчининг мажбуриятлари:

- ушбу шартномада белгиланганидек иш ва хизматларга ўз вақтида ҳақ тўлаш;
- ўзига белгиланган лимитдаги сув ҳажмига риоя қилиш;
- ўз балансида турган ирригация-мелиорация объектларини соз ҳолда тутиш;
- сувни бериш муддати ва ҳажмини, ирригация-мелиорация объектларига техник хизмат кўрсатиш ишларини олиб боришни Уюшма билан олдиндан келишиб олиш;
- ўзининг сув оладиган шохобчаларининг бутлилигига масъул бўлиш;
- Уюшма билан келишилган ҳолдагина ирригация-мелиорация тармоқларида кўшимча кўтарма ва тўсиқ мосламаларини жойлаштириш;
- белгиланган муддатда сувдан воз кечса ёки сув истеъмолининг ҳажми ўзгарса, Уюшмага олдиндан 5 кун ичида хабар бериш.

3. Истеъмолчи ва Уюшманинг ўзаро мулкый муносабатлари.

3.1. Истеъмолчига нисбатан куйидаги ҳолларда жарима солинади:

- истеъмолчининг айби билан белгиланган лимитдаги сувдан ортиқча олинса;
- сув ресурслари манбаларидан сувни исталганча ўзбошимчалик билан олса;
- Уюшманинг розилигисиз хўжаликлараро ирригация-мелиорация тармоқларида кўтарма ва тўсиқларни ўрнатса;
- хўжаликлараро ирригация-мелиорация тармоқларидаги ўлчов мосламалари ва иншоотларига шикаст етказса;
- Уюшманинг иш ва хизматлари учун ўз вақтида ҳақ тўламаса;
- томонларнинг бошқа мажбуриятларини бузса.

3.2. Истеъмолчининг айби билан белгиланган лимитдаги сувдан ортиқча ишлатилса, лимитдан ортиқ лоинган ҳар бир м³ сув учун _____сўм жарима солинади. Шунга ўхшаш қоидалар бузилиши яна такрорланса, жарима шунга яраша _____сўм/м³ миқдорига оширилади.

Қоидани бузганлик тўғрисидаги факт истеъмолчининг вакили иштирокида Уюшма вакилининг далолатномасига мувофиқ қайд этилади. Агарда Истеъмолчининг вакили келмай ёки рад жавобини берса, ҳуқуқий кучга эга бўлган бир томонлама далолатнома тузилади.

3.3. Агарда Уюшма айби билан белгиланган лимит чегарасидаги * сув етказиб берилмаса, унга ҳам худди шу тартибда жарима солинади. Етказиб бермаганлик факти Уюшма вакили иштирокида тегишли далолатнома билан қайд этилади. Уюшма вакили келмаса ёки рад жавобини берса бир томонлама далолатнома гузилиб маъмуриятга юборилади, ва унга нисбатан Уюшма Уставига мувофиқ қарор қабул қилинади.

3.4. Авария, табиий офатлар ва суғориш манбаларида сувнинг танқислиги сабабли Истеъмолчига белгиланган лимитдан кам сув берилса, Уюшма мулкий жавобгарликка тортилмайди, аксинча етказилган зарар суғурта ташкилотлари томонидан қопланади.

3.5 Истеъмолчи рўйхатга олинмаган сув манбаларидан ўзбошимчалик билан фойдаланса, 3.2-бандга мувофиқ жарима солинади ва рўйхатга олинмаган сув ресурслари Истеъмолчидан қайтариб олинади.

3.6. Хўжаликлараро ирригация-мелиорация тармоқларидаги кўтарма, тўсик мосламалари, дамбалар тешилса ва гидрокўприклар, иншоотлар Истеъмолчи томонидан бузилса, у ўз ҳисобидан камчиликларни тузатади ёки етказган зарарнинг миқдорига тенг ҳақ тўлайди. Бу турдаги қоидабузарлик истеъмолчининг вакили иштирокида тегишли далолатнома билан қайд этилади. Агарда охиригиси қатнашишдан воз кечса, юридик кучга эга бўлган бир томонлама далолатнома тузилади.

3.7. Истеъмолчининг лимитдаги сувни қайга тақсимлаш ёки ўзгартириш ҳақидаги талаби камида 5 кун олдин муддатда қабул қилинади. Бу юртма кўрсатилган муддатдан кеч берилса, бажарилишига кафолат берилмайди.

3.8. Ўзбошимчалик билан сувдан фойдаланиш ва лимитдан ортиқ

сув олиш қоидабузарлик факти охириг сув бериш ўлчанган вақтдан белгиланади. Уюшма айби билан лимитдан кам сув берилганлик вақти ҳам худди шундай тарзда белгиланади. Лимитдан ортиқ сувни олиш Уюшма билан келишилса, жарима тўланмайди.

3.9. Истеъмолчига тақсимланган сув ҳажми ҳисоби ҳар куни Уюшма ва Истеъмолчи вакили иштирокида амалга оширилади, истеъмолчи вакили келмаса, Уюшма сув миқдорини бир томонлама ўлчашга ҳаққи бор, унинг натижалари шак-шубҳасиз ҳисобланади.

3.10. Уюшманинг жорий хизматлари учун ҳақни Истеъмолчи ушбу шартноманинг _____-сонли иловасига мувофиқ ҳар чорақда кейинги чорақдаги ойнинг 10-санасигача тўлайди. Йил бошида Истеъмолчи Уюшманинг жорий хизматлари қийматидан унга 25 фоиз миқдорида аванс тўлайди.

3.11. Истеъмолчининг ирригация-мелиорация объектларига техник хизмат кўрсатиш бўйича тугалланган иш турлари (суғориш), зовур тармоқларини тозалаш, нов ва иншоотларни таъмирлаш, новларни алмаштириш, режалаштириш ва бошқалар) бажарилгандан сўнг қабул қилиш далолатномаси асосида Уюшмага хизмат ҳақи тўланади.

3.12. Истеъмолчининг айби билан ирригация-мелиорация объектларига техник хизмат ишларини олиб бориш учун Уюшмага шароитлар яратиб берилмаса, у ҳар бир муддатдан ўтган кун учун шу муддатга режалаштирилган иш қийматидан _____фоиз миқдорида жарима тўлайди.

Агарда Уюшма айби бўйича техник хизмат кўрсатиш бўйича мажбуриятлар бажарилмаса, Уюшма Истеъмолчига худди шу тартибда жарима тўлайди.

3.13. Жорий тўловлар, жарималар, техник хизмат ва иш ҳақи муддатдан ўтказиб тўланса, айбдор томонидан ҳар бир ўтказиб юборилган кун учун уларнинг суммасидан _____фоиз миқдорида жарима тўланади. Истеъмолчи томондан тўловлар муддати 20 кундан ошиб кетса, Уюшма Истеъмолчига сув

берилишини тўхтатиб қўйишга ҳаққи бор, тўлов ва жарималарни тўлаб бўлгандан сўнг сув беришни қайта тиклайди.

3.14. Истеъмолчи барча тўловларни Уюшманинг кассасига нақд пул шаклида киритади ёки Уюшманинг ҳисоб рақамига ўтказди.

4. Қўшимча шартлар.

4.1. Ушбу шартноманинг амаддаги муддати уч йилга 200_ йил " " ____ дан 200_ йил " " _____ гача белгиланади ва томонларнинг розилиги бўйича шартнома бекор қилиниши, кейинги муддатларга узайтирилиши мумкин, бунда бир томон иккинчи томонни шартнома муддатини бекор қилиши ёки узайтириши тўғрисида бир ой олдиндан хабардор қилиши керак.

4.2. Агар шартнома муддати тўхтатилса, бекор қилинса, бир томонлама ўзгартирилса ёки шартноманинг бошқа шартларини асоссиз бажаришдан воз кечса, айбдор томон ушбу шартноманинг кўзда тутилган жарималаридан ташқари бошқа томонга бой берилган фойда ва келтирилган зарарларни қоплайди.

4.3. Шартномадаги мажбуриятлар ўз вақтида бажарилмаган ҳолларда айбдор томон бошқа томонга бой берилган фойда ва зарарларни қоплайди. Шартнома мажбуриятлари томонларнинг ўзаро келишувига қараб ўзгартирилиши мумкин.

4.4. Ушбу шартнома бўйича пайдо бўладиган барча мунозаралар томонларнинг ўзаро келишуви бўйича ҳакамлар судида ҳал этилади, агар-да томонлар ўзаро муроасага келолмасалар, Уюшманинг жойлашган жойи бўйича амалдаги қонунчиликка мувофиқ судлов тартибида ечилади.

14.3. СУВДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАР УЮШМАСИНИНГ ИЧКИ ХЎЖАЛИК ИРРИГАЦИЯ- МЕЛИОРАЦИЯ ТАРМОҚЛАРИГА ТЕХНИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТЎҒРИСИДА МУВАҚҚАТ НИЗОМ

1.УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

СФУнинг ташкилий тузилмаси ва уни таъмирлаш-қурилиш техникалари билан жиҳозлаш қуйидаги асосий омилларга боғлиқ

- хизмат кўрсатиладиган суғориладиган ерлар майдонига;
- ички хўжалик ирригация-мелиорация тизимининг техник даражасига;
- СФУ ўз кучлари билан бажарадиган таъмирлаш-тиклаш ишларининг қиймати ва ҳажмига

СФУ фаолияти турли-туман шароитда тузилишига қараб, унинг турли ирригация-мелиорация тизимининг техникдаражасига қараб, шунингдек бажариладиган таъмирлаш-тиклаш ишларининг хилларини ҳисобга олган ҳолда, ташкилий таркибий тузилмасини ишлаб чиқишда ва уни таъмирлаш-қурилиш техникаси билан жиҳозлашда қуйидаги вазиятлар инобатга олинади.

- СФУ суғориш тармоқ каналларининг шакли (ер ўзанида, бетон қопламали, новлар);
- СФУнинг коллектор-зовур тармоқларининг очиқ ёки ёпиқ турдалиги,
- СФУнинг мунтазам ишчи ходимлари сони улар хизмат кўрсатадиган аниқ суғориладиган ерлар майдонига асосланиши;
- таъмирлаш-тиклаш ишлари СФУнинг ўз кучлари билан бажарилиши;
- ҳар бир аниқ ҳолатда таклиф қилинадиган ташкилий-таркибий тузилма ва унинг таъмирлаш-қурилиш техникаси ирригация-мелиорация тармоғи узунлиги, унинг техник даражаси ва гидроиншоотлар билан жиҳозланганлиги, таркиби, ҳажми ва бажариладиган таъмирлаш-тиклаш ишларига асосланиб ўзгартирилиши.

Ташкилий таркибий тузилмасини ишлаб чиқишда ва таъмирлаш-қурилиш техникаси билан жиҳозлашда қуйидаги методик ҳужжатлардан фойдаланилган.

Ички хўжалик мелиоратив тизимларда таъмирлаш-фойдаланиш ишларини ташкил этиш ва режалаштириш бўйича Йўриқнома Тошкент — 1998 йил.

Ўзбекистондаги иншоотлар ва ички хўжалик мелиоратив тизимини таъмирлаш ва техник хизмат курсатиш туғрисида Низом Тошкент — 1997йил

Ўзбекистон Республикаси гидромелиоратив тизимининг техник ҳолати Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигинининг ҳисоботи 1995 йил учун

2. СФУ ХОДИМЛАРИНИНГ ШТАТ РЎЙХАТИ ВА ТАШКИЛИЙ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛМАСИ

СФУ бошқаруви маҳкамаси

СФУраиси - 1

Иш юритувчи - 1

Ҳисобчи - 1

Омборхона мудири - 1

Қоровул - 4

Фаррош - 1

Таъмирлаш-тиклаш ишлари гуруҳи

Катта муҳандис (раис уринбосари, гуруҳ раҳбари) - 1 Мухандис-механик — 1 киши, хар 20та техника бирлигига Электрик — 1 киши, хар бир 150-200 шартли электр ускуналари бирлигига

Навбатчи машинист - 1 киши, 2 та насос мосламаларига Механизатор - 1 киши, хар бир таъмирлаш-қурилиш техникаси бирлигига

Мавсумий ишчи-таъмирловчи - 1 киши, 1 йилда 300 000 сумлик иш бажариш ҳисобига

Мелиорация ва суғориш гуруҳи

Муҳандис (гуруҳ раҳбари) - 1 киши

Участка гидротехниги — 1 киши,суғориладиган 300-500 гектар ерга Назоратчи — 1 киши, суғориладиган 300-500 гектар ерга, ёки 8-10 км ирригация-мелиорация тармоғига

Бошқарувчи - 1 киши, 15-20та бошқарув пунктига

Таъмирлаш-тиклаш ишлари гуруҳи қўйидаги вазифаларни бажаради:

- ички хўжалик ирригация-мелиорация тизимларида таъмирлаш тиклаш ишларини ташкил этиш ва амалга ошириш;

- насос мосламалари ва таъмирлаш-қурилиш техникасига техник хизмат кўрсатиш ва таъминоти,

Мелиорация ва суғориш гуруҳи қўйидаги вазифаларни бажаради

- ички хўжалик ирригация-мелиорация тизимида сувдан фойдаланишни ташкил этиш,

- суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини назорат қилиш,

- ирригация-мелиорация тизимидаги объектлар ҳолатининг техник назорати ва қарови

3. СФУ МУҲАНДИС-ТЕХНИК ХОДИМЛАРИНИНГ МАНСАБ ЙЎРИҚНОМАСИ

СФУ раиси.

СФУ раисининг мажбуриятларига қўйидагилар киради:

- ички хўжалик тизимини ривожлантириш ва фойдаланиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш ва амалга ошириш;

- СФУ Бошқарувини чақириш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- СФУ номидан фаолият юритиш ва унинг манфаатларини судда, ташкилотлар ва муассасаларда ҳимоя қилиш;

- СФУнинг штат ходимларига меҳнат ҳақини тўлаш тартиби, миқдори ва меҳнат мажбуриятлари бўйича дастурни ишлаб чиқиш;

- СФУ бюджети ва ишлаб чиқариш молиявий фаолиятининг режаларини ишлаб чиқиш ва уларнинг бажарилишини ташкиллаштириш;

- СФУ хизматларига ҳақ тўлаш баҳолари ва тарифларини ишлаб чиқиш,
- СФУ ишлаб чиқариш молиявий фаолияти бўйича ҳисоботларни тайёрлаш;
- СФУ фаолиятини ривожлантириш бўйича узоқ муддатли дастурларни ишлаб чиқиш ва уларнинг бажарилишини ташкил этиш;
- СФУ аъзоларидан тўлов ва бадалларни қабул қилиш, СФУ Устави ва шартнома мажбуриятлари бажарилмаган ҳолларда жарима солиш, уларнинг ундирилишини талаб қилиш;
- СФУ аъзоларининг тўлов ва бадаллари тўғрисида таклифлар тайёрлаш;
- СФУ мулкни бошқариш, ҳуқуқий ва жисмоний шахслар билан битимлар тузиш, ишончномалар бериш, банкларда ҳисоб ва ўзга рақамлар очиш;
- СФУ ишчилари ва иш фаолияти учун зарурий буйруқ ва фармойишларни чиқариш;
- СФУга ишчиларни ёллаш ва ишдан бўшатиш;
- СФУ Бошқаруви ва умумий йиғилиш қарорларининг ижросини назорат этиш;
 - СФУ Устави қоидалари ва шартномадаги мажбуриятлар, шунингдек мавжуд қонунчилик талаблари бажарилишини кузатиш;
 - СФУ манфаатларига мос равишда кўшма ва бошқа корхоналарда иштирок этиш ҳақида таклифлар бериш;
 - шошилиш ҳолларда Бошқарув вазифасига кирувчи қарорларни қабул қилиш, кейинчалик уларни Бошқарув тасдиғига тақдим этиш;
 - ирригация-мелиорация тармоқларини текшириш бўйича комиссияда иштирок этиш ва тугалланган таъмирлаш-тиклаш ишларини қабул қилишни ташкил этиш;
 - таъмирлаш-тиклаш ишларига оид лойиха-смета ҳужжатларини ва техник топшириқни тасдиқлаш;
 - мамлакатимиз ва хориж фан-техникаси илғор ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилишни ташкил этиш;

Таъмирлаш ишлари бўйича катта муҳандис.

Катта муҳандис мажбуриятларига қуйидагилар киради:

- таъмирлаш-тиклаш ишларини режалаштириш учун ирригация-мелиорация тизимидаги объектлар ҳолатининг текширувини ташкил этиш,
- таъмирлаш-тиклаш ишларини бажариш бўйича лойиха-смета ҳужжатлари ва техник топшириқларни ишлаб чиқиш;
 - ирригация-мелиорация тизимидаги объектларда таъмирлаш-тиклаш ишларининг режасини ишлаб чиқиш;
- ирригация-мелиорация тизимидаги объектларда таъмирлаш-тиклаш ишларини ташкил этиш;
- ирригация-мелиорация тизимидаги объектларда таъмирлаш-тиклаш ишларини бажариш ҳисоботи ва назорати (махфий иш) далолатномаси, оралиқ қабул қилиш далолатномаси, таъмирлаш-тиклаш ишларини ижро рўйхатини, бажарилган таъмирлаш-тиклаш ишларини қабул қилиш далолатномаси);
- таъмирлаш-тиклаш ишларини механизмлар, қурилиш материаллари, ёнилғи-мойлаш материаллари, эҳтиёт қисмлар билан таъмилаш,
- таъмирлаш-тиклаш ишлари объектлари бўйича қурилиш материаллари, меҳнат ресурслари, техникасини тақсимлаш;
- таъмирлаш-қурилиш базаси ва техникаси русумини замонавийлаштириш ва янгилаш бўйича таклифлар киритиш;
- насос мосламалари ва қурилиш техникасини таъмирлаш,
- иш қоидалари ва хавфсизлик техникаси бўйича инструктаж ўтказиш, уларга риоя қилишларига жавобгар бўлиш;
- таъмирлаш-тиклаш ишлари бўйича моддий-техника ресурсларини қисобдан чиқариш учун далолатномалар тузиш.

Муҳандис-механик.

Муҳандис-механик мажбуриятига қуйидагилар киради:

- электр ускуналар, насос мосламалар ва таъмирлаш-қурилиш техникасидан фойдаланишни ташкил этиш;

- таъмирлаш-қурилиш техникаси ва ускуналарининг йиллик ва ойлик (чорак) иш режаларини ишлаб чиқиш;
 - таъмирлаш-қурилиш техникаси ва ускуналаридан фойдаланишни ташкил этиш ва назорат қилиш;
 - таъмирлаш-қурилиш техникаси ва ускуналар, насос мосламалар ва электр асбобларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлашни ташкил этиш;
 - электр асбоблар, насос мосламалар ва таъмирлаш-қурилиш техникасини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш ва фойдаланишда моддий-техник ва молиявий ресурсларни режалаштиришни таъминлаш;
 - насос мосламалари, электр асбоблар ва таъмирлаш-қурилиш техникасини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш, фойдаланиш бўйича моддий-техник ва молиявий ресурслар харажатининг ҳисоботини юригиш ва назоратини амалга ошириш;
 - таъмирлаш-қурилиш техникаси ва асбобларидан фойдаланиш бўйича ҳисоботни юритиш;
 - насос мосламалари, электр асбоблар ва таъмирлаш-қурилиш техникасини замонавийлаштириш ва янгилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
 - таъмирлаш-қурилиш техникаси, ускуналар, насос мосламалари ва электр асбобларнинг техник ҳолатини назорат этиш;
 - агрегатлар, технологик ускуналар, ёнилғи-мойлаш материаллари ва эҳтиёт қисмларни алмаштириш фондини ўз ўрнида сарф қилиш ва вақтида тўлдириш, шунингдек уларни ҳисобдан чиқариш;
 - хавфсизлик техникаси ва иш юритиш қоидаларига амал қилиш бўйича масъул бўлиш;
 - хавфсизлик техникаси бўйича журнални юритиш ва инструктаж олиб бориш
- Мелиорация ва суғориш бўйича муҳандис**
- Суғориш ва мелиорация бўйича муҳандис мажбуриятига қуйидагилар киради:
- суддан фойдаланиш ички хўжалик. режаларини тузиш;

- сув бериш ва суғориш жадвалларини ишлаб чиқиш;
- фермер хўжаликлари ўртасида сув тақсимотини ташкил этиш;
- сувдан фойдаланиш ва тақсимотининг назорати ва ҳисоботини ташкил этиш;
- ички хўжалик ирригация-мелиорация тизими (ХИМТ) ҳолатини техник назорат қилиш ва қаровни ташкил қилиш;
- ХИМТни таъмирлаш-тиклаш ишларининг режаси бўйича таклифлар бериш;
- бажарилган таъмирлаш-тиклаш ишларини қабул қилиш ва ХИМТ объектларининг ҳолатини текшириш бўйича комиссия ишида қатнашиш;
- суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини баҳолаб бориш (ерларнинг шўрланиши, сизот сувларининг сатхи, минералланганлик даражаси);
- ХИМТнинг техник ҳолатини яхшилаш, сувни самарали ва тежамли ишлатиш, унинг бефойда сарф қилинишини қисқартириш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича таклифлар бериш;
- фермерларни замонавий техника билан таъминлаш ва ундан самарали фойдаланиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;
- сув ўлчаш воситаларини мунтазам равишда текшириш, таъмирлаш ва атгестациядан ўтказишни ташкил этиш;
- ХИМТ сув ва ер кадастри юритилишини ташкил этиш;
- СФУнинг сув ва ер ресурсларидан фойдаланиш ҳисоботини юриташ.

Участка гидротехниги

- ХИМТ объектларининг техник назорати ва ҳолатига қаров ишларини амалга ошириш;
- сувдан фойдаланишни режалаштириш учун бошланғич маълумотларни тайёрлаш;
- фермер хўжаликлари ўртасида оператив сув тақсимотини амалга ошириш;
- фермер хўжаликларида сувдан фойдаланишни назорат қилиш ва ҳисоботини юритиш;
- ХИМТда таъмирлаш-тиклаш ишлари режасига таклифлар бериш;
- сув ўлчаш воситаларини мунтазам текширўвини амалга ошириш;

- ХИМТнинг сув ва ер кадастрини юритиш.

ХИМТда таъмирлаш-тиклаш ишларини бажариш учун СФУнинг асосий таъмирлаш-қурилиш техникаси билан жиҳозланганлик намунавий табели

1. ХИМТда таъмирлаш-тиклаш ишларининг асосий турлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- очик коллектор-зовур ва суғориш тармоқларини тозалаш;
- каналларнинг бетон қопламаларини таъмирлаш;
- ёпиқ зовур тармоғини ювиш ва унинг иншоотларини таъмирлаш;
- нов тизимидаги баъзи новларни алмаштириш
- гидротехник иншоотларини гидростларни таъмирлаш
- шўр ерларни ювиш учун валикларни қуриш ва текислаш,
- суғориш участкаларини жорий текислаш.

14.4. СФУ ИЧКИ ХЎЖАЛИК ИРРИГАЦИЯ МЕЛИОРАЦИЯ ТИЗИМИГА СЕРВИС ХИЗМАТИНИ КЎРСАТИШ ВА УНИ БАЖАРИШ бўйича қўлланма

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ички хўжалик ирригация-мелиорация тазимга сервис хизмати кўрсатиш ва уни ташкил этиш бўйича қўлланма (қуйида Қўлланма) сув хўжалиги таркибий тузилмалари ва сувдан фойдаланувчилар уюшмаси (қуйида СФУ) учун фойдаланиш хизматлари кўрсатишга мўлжалланган.

2. Ички хўжалик ирригация-мелиорация тизимига (қуйида ХИМТ) сервис хизмати кўрсатиш бўйича асосий чора-тадбирлар қуйидагилар ҳисобланади:

- ички хўжалик сувдан фойдаланиш режасини тузиш ва амалга ошириш;
- ХИМТ ҳолатини техник назорат ва парвариш қилиш.

3. ХИМТда носозликларни бартараф қилиш бўйича профилактик чораларни ўтказиш йўли билан ХИМТни барвақт яроқсиз ҳолга келишдан ўз вақтида сақлаш мақсадида техник назорат ва парвариш ишлари суғориш даврида амалга оширилади.

Жорий ва капитал таъмирлаш ишлари ХИМТ жиддий шикастланганда ёки яроқсиз ҳолга келганда асосан вегетация оралиғи даврида олиб борилади.

Ички хўжалик сувдан фойдаланувчилар режаси ушбу қўлланмада кўриб чиқилмайди, у бошқа услубий ҳужжатларда берилган.

4. ХИМТга сервис хизмати кўрсатишнинг нормал ташкил этилишини таъминлаш учун СФУ қуйидаги техник ҳужжатларга эга бўлиши керак:

- СФУ ердан фойдаланувчилари чегарасида жойлашган гидро иншоотлар, гидropостлар, қудуқлар, маҳаллий суғориш манбалари ва насос мосламалари кўрсатилган 1:25000 масштабдаги ирригация-мелиорация тизими харитасига;
- ХИМТнинг техник паспортига;
- доимий ва вақтинча реперларнинг рўйхат жадвалига;
- сизот сувларининг сатҳи, минерализацияси, кузатув қудуқлари ва тупроқ хусусиятлари кўрсатилган 1:25000 масштабдаги тупроқ-мелиоратив харитасига;

5. ХИМТга сервис хизмати иккита вариант бўйича кўрсатилади:

- СФУнинг ёлланма ходимлари кучи билан;

- СФУнинг ёлланма ходимлари билан жалб қилинган сув хўжалик ташкилотларининг кучлари хамкорлигида

Сервис хизмати вариантыни танлаш СФУда етарли даражада меҳнат ва моддий техника ресурслари, таъмирлаш-қурилиш кучлари ва таъмирлаш-тиклаш ишларини ўтказишдаги солиштирма харажатларга асосланади.

Улар етарли даражада бўлса, сервис хизмати кўрсатиш учун биринчи вариант танланади.

6. Сервис хизматининг иккинчи варианты бўйича СФУнинг ёлланма ходимлари сувдан фойдаланишни ташкил қилиш, ХИМТни жорий назорат ва парвариш қилиш, шунингдек ХИМТнинг иш лаёқатлилигини таъминлайдиган бошқа майда профилактик ишларини амалга оширади.

Ҳажми катта ва сермеҳнат таъмирлаш-тиклаш ишлари сув хўжалиги ташкилотлари билан шартнома бўйича бажарилади.

2. ИЧКИ ХЎЖАЛИК ИРРИГАЦИЯ-МЕЛИОРАЦИЯ ТИЗИМИНИНГ ЖОРИЙ НАЗОРАТИ ВА ПАРВАРИШИ

1. Фермерлараро белгиланган ХИМТнинг парвариши ва жорий назорати СФУнинг ёлланма ходимлари томонидан, фермернинг балансида турган ХИМТ эса бевосита фермернинг ўзи томонидан утказилади.

2. ХИМТнинг қуйидаги элементларига жорий назорат ва парвариш қўлланилади:

- доимий ва даврий характердаги суғориш ва оқава сув каналлари;

- суғориш ва оқава сув каналларидаги гидротехник иншоотлар {сув бошқарув кулоклари, тўсиқ иншоотлари, шаршаралар ва тезокарлар, кўприклар);

- очик ва ёпиқ турдаги коллектор-зовур тармоғи;

- коллектор-зовур тармоғида гидротехник иншоотлар (кузатув қудуқлари, зовур қуйилиш жойи, сувни қабул қилгич);

- ёпиқ зовурдаги зовур усти полосаси;

- кузатув кудуқлари;
- гидрометрик постлар;
- суғориш ва коллектор-зовур тармоғи бўйлаб назорат ва уларга кириш йўллари.

3. Техник назорат кўз билан кузатувдан, зарур ҳолларда асбоблар ёрдамида ХИМТ иш қобилиятининг ҳолатини (5-10 кун ичида бир марта) мунтазам равишда текширувдан иборат. Кузатув пайтида қуйидагилар аниқланади:

- иншоотлар ва асбоб-ускуналарнинг ярқилиги, носозлиги ва унинг сабаблари,
- ХИМТэлементларининг ишдан чиқиш ёки шикастланиш хусуситлари;
- ХИМТ объектларида авария вазиятлари.

4. Техник кузатувни ўтказиш пайтида қуйидаги тақикланган фактларга эътибор бериш керак:

- транспорт воситаларида мўлжалланмаган жойларда каналлардан ўтишга;
- тозаланмаган ва оқава сувларни каналларга ташлашга;
- канал қияликларида молларни ўтлатиш ва ҳайдашга;
- канал бермаси четидан камида 5 метр масофада ерларни шудгор қилишга;
- очик коллекторларда тупроқ тўсиқларни ўрнатишга;
- СФУ тавсиясиз коллектор-зовур сувларидан суғоришга фойдаланишига;
- ёпиқ зовурдаги кузатув кудуқларининг герметик ҳалқаларининг бузилишига, уларга устки сувларни ташлаш учун туйнуклар очишга;
 - заруриятсиз кузатув кудуқлардан қопқоқларни олишга;
 - кузатув худудига ахлатларни ташлаб, зовур қувурларидаги туйнукларни беркитиб қўйишга;
- кудуқдан камида 2 метрдан кам доирада тракторлар ёрдамида қишлоқ хўжалик ишларини амалга оширишга;
- зовур устки полосаларида чуқур илдизли буталар, дарахтлар экишга;
- зовурларнинг қуйиладиган жойларини ахлатлар билан ифлослашга;
- ёпиқ зовурларнинг қуйиладиган жойлари устидан устки пайнов сувларини ташлашга;

- куйиладиган жойлардаги зовур қувурларини очиб олиш ва чиқариб ташлашга;

5. Барча қайд этилган бузилишлар ХИМТнинг ҳолати бўйича махсус техник назорати журнаliga киритилади. ХИМТда авария ҳолатларини келтириб чиқариши мумкин бўлган шикстланишлар аниқланса, дарҳол СФУ раҳбариятига хабар берилади.

6. Техник парвариш одатда, техник кузатув билан бирга бажарилади ва ХИМТнинг ишга лаекатлилигини сусайтиришга олиб келадиган бузилишларни тез суръатда бартараф этиш бўлиб ҳисобланади. Техник парвариш бўйича энг кўп бажариладиган иш турлари куйидагилар ҳисобланади:

- каналлар ўзанини сув ўсимликлари, чиқиндиқлар, ахлатлардан тозалаш;
- йўлнинг икки четидаги ариқлардаги, йўл бўйи тепаликларидаги, ҳимоя дамбаларидаги ва канал чети қияликларидаги ўтларни ўриш;
- ён қияликдаги алоҳида нурашларни, иншоотдан тупроқ чўкмалари тушишини бартараф қилиш ва иншоот шикастларини тузатиш;
- шлюз рослагичларини, қувурни ўтиш жойларини ва кўприклардаги сув туйнукларини лойкалардан тозалаш;
- СФУ рухсатисиз каналларда ўрнатилган ясама тўғонлар, кўприклар, тўсикларни бартараф этиш;
- дамбалар, қияликларда хайвонлар инларини йўқотиш, иклим таъси-рида пайдо бўлган ёриқларни бартараф этиш;

3. ИЧКИ ХЎЖАЛИК ИРРИГАЦИЯ-МЕЛИОРАЦИЯ ТИЗИМИДА ТАЪМИРЛАШ-ТИКЛАШ ИШЛАРИНИ РЕЖАЛАШТИРИШ

1. Таъмирлаш-тиклаш ишларини режалаштириш учун асос бўлиб куйидагилар ҳисобланади:

- ХИМТ ҳолатининг техник назорат журнаli (1 -илова);
- ХИМТ техник ҳолатини режали текшириш.

2. ХИМТтехник ҳолатини режали текшириш оммавий суғоришлар

тугатиладан кейин (октябрь-ноябрь) СФУ Бошқаруви аъзолари таркибидаги Комиссия ва унинг бош мутахассислари томонидан амалга оширилади. Комиссияни СФУ Бошқарувининг қарори тайинлайди, унда унинг таркиби, иш муддати ва тасдиқлаш учун тақдим қилиши лозим бўлган ҳужжатлар кўрсатилади.

3. Комиссия техник назорат журналидаги умумлашган материаллар асосида (1-илова) кейинчалик текшируви лозим бўлган объектларни белгилайди, шикастланиш турларини, уларни баргараф этиш бўйича техник вазифалар тузиб, иш ҳажми ва турларини аниқлайди. ХИМТ объектларини тиклаш учун бажариладиган лойиха-смета ҳужжатлар тузиш бўйича техник вазифа катта ва мураккаб техник масаладаги зарур ахборотлар йиғиб бўлингандан сўнг амалга оширилади

ХИМТ объектларининг техник ҳолатини текшириш пайтида энг кўп бузилиш турлари куйидагилар бўлиши мумкин:

Очиқ суғориш ва коллектор-зовур тармоғи бўйича:

- ёввойи ўсимликлар ўсиши ва лойқа босиши,
- каналларнинг кўндаланг кесими бўйича ўпирилиш ва дамбаларнинг қулаши;
- ёғин чўкиндиларидан қияликдаги ўпирилишлар, ер қазийдиган ҳайвонлар инларининг кўпайиб кетиши;
- бетон қопламали каналлардаги ёрилмалар, чуқурчалар, кемтиклар;
- ХИМТ фойдаланиш талабларига жавоб бермайдиган ясама тўғонлар, вақтинча сув чиқаришга мослаштирилган тупроқ тўсиқлар ва сув қулоқлари;
- темир-бетон новларда ёрилмаларнинг пайдо бўлиши, бирлашган жойларда зичлигининг бузилиши;
- қоплама каналлардаги темир-бетон плиталарнинг сурилиши ва тушиб кетиши;

Очиқ суғориш ва коллектор-зовур тармоқларининг иншоотлари бўйича:

- нормал вазиятга нисбатан айрим ҳалқа ва блоklarнинг сурилиши;
- бетон устидаги ёрилмалар, ўпирилишлар;
- сув урилма иншоотининг сув кириш, чиқиш жойларидаги қиялик-

ларининг бузилиши;

- металл конструкцияларнинг емирилиши;

- сув кириш ва чиқиш жойларининг лойқа босиши;

- кўтарма тўғон кулфларнинг ишдан чиқиши;

- чиқинди ушлайдиган панжараларнинг деформацияланиши ва уларга чиқиндилар тикилиб қолиши;

- зичланган кулфлар герметикасининг бузилиши;

- кўтарма механизмлар ва улар калитларининг ишдан чиқиши;

- сув оқадиган трубалар ёрилиши, бузилиши ва уларнинг туйнукларида лойқа тўпланиши;

- нов тармоқларида дюкерлар ва бурилма кудукларни лойқа босиши.

ёпиқ коллектор-зовур тармоғи ва улардаги иншоотлар бўйича:

- зовур қувурларини тўлиқ ёки қисман лойқа босиши;

- зовур усти кенглигининг сезиларли даражада деформацияси;

- зовур қувурлари бирлашган ҳалқаларда оралик, устки қисмларининг бузилиши, қопқоқларнинг йўқлиги;

- зовур кудукларини лойқа босиши ёки уларга ахлатлар тикилиб қолиши, зовур қувурларида сув сатҳининг кўтарилиши ва сув ҳаракатига тўсқинлик қилиши;

- зовурларнинг қуйиладиган қисми бузилиши ёки тупроқ босиб қолиши.

Иншоотларга бориш ва назоратчилик йўллари бўйича:

- ўтиш кўприклари ва йўл полотноси деформацияси;

- тепаликлар ва кемтиклар қияликларининг қулаб тушиши.

Бундан ташқари фермерларнинг буюртмалари бўйича уларнинг балансида турган ХИМТ объектларининг ҳолати текширилади, шунингдек, маҳаллий суғориш участкаларидаги паст-баланд зоналарни баҳолаш учун жорий ишлар режалаштирилади.

ХИМТдаги энг катта ишлар бўлиб суғориш ва коллектор-зовур тармоқларини тозалаш ҳисобланади ва уни қуйидаги шароитларда ўтказиш тавсия этилади:

- меъёрий ҳолатга нисбатан канал қиялиги ва тубини 35 см ва ундан ортиқча лойқа босганда;
- каналларнинг бор бўйламини ёввойи ўсимликлар ва сув ўтлари қоплаганда;
- коллекторларга келиб қуйиладиган жойларда зовурлардаги сув сатҳининг коллектордагига нисбатан паст бўлганда (сув тўсқичлар йўқлиги ва қияликларнинг қулаб тушиши);
- зовур қувурларининг чиқиш жойларида туйнугини бор бўйича ва зовур қудуқдарининг пастигача лойқа босганда ва чиқиндилар билан тўлганда;
- зовур қудуқларида сувнинг йўқлиги ёки сувнинг сусти оқиши.

4. Текшириш натижалари бўйича ХИМТнинг техник ҳолатини баҳолаб (2-илова), текширув далолатномаси тузилади, уни Уюшма Бошқаруви тасдиқлайди ва шу далолатнома асосида қуйидаги тартибда лойиҳа-смета ҳужжатлари тузилади:

-ХИМТ объектлари бўйича таъмирлаш қийматининг молиявий-смета ҳисоб-китоблари;

суғориш участкалари ва йўл тармоқлари, каналлар бўйича ер иш ҳажми кўрсатилган кўндаланг ва бўйлама профиллар;

- бошқа объектлар (иншоотлар, ёпиқ қувур ва нов тармоқлари ва бошқа) бўйича зарур чизмалар, кўндаланг кесимлар, схемалар, эскизлар;

- асосий қурилиш материаллари ва қурилиш буюмларига (цемент, ёғоч, металл қурилмалар, новлар, қувурлар, темир-бетон плиталари ва бошқалар) бўлган талаб;

- қурилиш машиналари, механизмлари ва автотранспортига эҳтиёж;

- қўшимча меҳнат ресурсларига эҳтиёж;

5. Лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида ва ихтиёрида бўлган молиявий, моддий-техник, меҳнат ресурслари ва таъмирлаш-қурилиш қувватидан келиб чиққан ҳолда таъмирлаш зарур бўлган ХИМТ объектлари белгиланади ва таъмирлаш-тиклаш ишларининг режаси(3-илова) тузилади.

Унда қуйидаги кўрсаткичлар мавжуд:

- ХИМТ объектлари (таъмирга мухтож суғориш каналлари, коллекторлар ва зовурлар улардаги иншоотлар билан йўллар, суғориш участкалари ва х.к.), уларнинг жойларини кўрсатган ҳолда;

- таъмирлаш-тиклаш ишларининг қиймати, ҳажми ва турлари;
- механизмлар, материаллар ва қўшимча меҳнат ресурсларига эҳтиёж;
- таъмирлаш-тиклаш ишларини бажариш муддати;
- таъмирлаш-тиклаш ишларининг ижрочилари.

Агарда таъмирлаш-тиклаш ишларини бажаришга ташқи томондан пуфрат ташкилотлари жалб қилинса, улар билан олдиндан шундай ишларнинг бажарилиш муддати ва ҳажми келишиб олинади.

Таъмирлаш-тиклаш ишларининг режаси СФУнинг умумий йўналишига олиб чиқилади ва у тасдиқланганидан сўнг уни ижро этиш учун киришилади.

4. ИЧКИ ХЎЖАЛИК ИРРИГАЦИЯ-МЕЛИОРАЦИЯ ТИЗИМИДА ТАЪМИРЛАШ-ТИКЛАШ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШ

1. Бажарилган ишларнинг жорий ҳисоботи қуйидаги ҳужжатлар асосида амалга оширилади:

- яширин ишларнинг далолатномалари;
- оралиқда қабул қилинган далолатномалар (4-илова);
- бажарилган таъмирлаш-тиклаш ишларининг жамғарма ведомости (5-илова).

Юқорида қайд этилган ҳужжатларда таъмирлаш-тиклаш ишларининг амалда бажарилган ҳажми ва қиймати, смета ҳужжатлари ва режа кўрсаткичларидан чекиниш, шунингдек ижро этиш сифати ва қурилиш материаллари ва буюмларининг сарфи кўрсатилади. Бажарилган таъмирлаш-тиклаш ишларининг қайд этилган амалий кўрсаткичлари ХИМТ объектларини асбоб-ускуналар билан ва кузатув текширувлари асосида ва уларни шунга ўхшаш техник ҳужжатларга илова қилинган (2-илова) кўрсаткичлар билан қиёслаб баҳоланади.

Жумладан, очиқ суғориш ва коллектор-зовур тармоғини тозалашда, асбоблар ёрдамида участкаларни текислашда, айрим участкаларнинг на-зорати съёмка қилинади. Иншоотларда бажарилган ишларнинг хажми ва сифати тузатилган участкаларнинг узунлигини ўлчаш, тўғон қулфлар нормал ҳаракатини ва бошқа элементларни кузатув усулида текшириш билан баҳоланади.

Ёпик горизонтал зовурларнинг ишга лаёқатлилиги ораликдаги кузатув қудуқларида сув сатҳи кўтарилишининг йўқлиги билан белгиланади, шунингдек зовурнинг қўйиладиган жойига сувнинг эркин оқиши билан, нов тармоқларининг тикланиш сифати эса таянч, улов жойларни ва сув қулоқларини кузатув бўйича ва асбоблар билан ўлчовлар асосида текширилади

2. Оралик қабул қилинган бажарилган ишларга тузилган далолатномалар иш ҳақини тўлаш ва сарф қилиб бўлинган материаллар ва буюмларни ҳисобдан чиқариш учун хизмат қилади

Бажарилган таъмирлаш-тиклаш ишларининг жамғарма рўйхати режани бажариш бўйича бажарилаётган ишларнинг муддати кечиккан ҳолда, шунингдек ҳисобот ҳужжатларни тузиш учун тадбирларни қабул қилиш ва ҳисобга олиш учун хизмат қилади

3 Оммавий вегетация суғорув ишларини бошлашдан олдин бажарилган таъмирлаш-тиклаш ишларини ушбу кўлланманинг 3.2-бандида қайд этилган. Комиссия комплекс равишда қабул қилади. Комиссия бевосита жойларда бажарилган таъмирлаш-тиклаш ишларининг сифати ва хажмини баҳолайди ва қўйидаги техник ҳужжатларни кўриб чиқади:

-ХИМТнингтехник ҳолатини текшириш далолатномаси;

-таъмирлаш-тиклаш ишларининг далолатномаси;

-яширин таъмирлаш-тиклаш ишларининг далолатномаси;

-бажарилган таъмирлаш-тиклаш ишларининг ораликда қабул қилинган далолатномаси;

-бажарилган таъмирлаш-тиклаш ишларининг жамғарма рўйхати.

4. Комиссия тасдиқланган техник ҳужжатларга мувофиқ топширилган ХИМТ объектлари бўйича фақат тугалланган таъмирлаш-тиклаш ишларини қабул

қилади. Қабул қилиш натижалари бўйича ХИМТ объектларида (6-илова) бажарилган таъмирлаш-тиклаш ишларини қабул қилиш бўйича далолатнома тузилади, унда ишларнинг амалий хажми ва қиймати, дастлабки иш режасига киритилган қўшимчалар ва ўзгаришлар, объектлар ва тугалланмаган таъмирлаш-тиклаш ишларининг рўйхатлари қайд этилган ва уларни тугаллаш муддатлари кўрсатилган бўлади.

Қабул қилиш далолатномаси СФУ Бошқаруви томонидан тасдиқланади ва бажарилган ишга ҳақ тўлаш учун ва тугалланмаган ишларни тугатиш учун асос бўлади.

5. Таъмирлаш-тиклаш ишларининг сифатини яхшилаш ва уларни ижро этиш муддатини қисқартириш мақсадида қуйидагилар тавсия этилади:

- бажарилган таъмирлаш-тиклаш ишлари учун жорий ҳақ тўлашни тўлиқ ҳажмда эмас (амалий харажатлардан 70-80%), балки якуний ҳисоб-китоблар, қабул қилиш далолатномаси асосида амалга ошириш;

Қисқача хулосалар

Ушбу мавзу бўйича сервис хизматини кўрсатиш ва уни бажариш бўйича маҳсус қўлланма асосида ишлар бажарилади.

Ички хўжалик ирригация-мелиорция тизимига сервис хизмати кўрсатиш ва уни ташкил этиш бўйича қўлланма сув хўжалиги таркибий тизимлари ва сувдан фойдаланувчилар уюшмаси (СФУ) учун фойдаланиш хизматлари кўрсатишга мўлжалланган.

Ички хўжалик ирригация-мелиорация тизимига (ХИМТ) сервис хизматини кўрсатиш бўйича асосий чора тадбирлар қуйидагилар:

1. Ички хўжалик сувдан фойдаланиш режасини тузиш ва амалга ошириш.
2. ХИМТ ҳолатини техник назорат ва парвариш қилиш.
3. ХИМТ да носозликларни бартараф қилиш бўйича профилактик чораларни ўтказиш йўли билан ХИМТ ни барвақт яроқсиз ҳолга келишдан сақлаш мақсадида техник назорат ва парвариш ишларини суғориш даврида амалга оширилади.

4. Жорий ва капитал таъмирлаш ишлари ХИМТ жиддий шкастланганда ёки яроқсиз ҳолга келганда асосан вегетация оралиғи даврида олиб борилади.

Таянч иборалар. Ички хўжалик ирригация-мелиорация тизими (ХИМТ), сервис хизмати, СФУ, сувдан фойдаланиш режаси, техник назорат қилиш, носозликларни бартараф қилиш, суғориш даври, парвариш ишлари, жорий ва капитал таъмирлаш, вегетация оралиғи даври.

Назорат ва муҳокама учун саволлар

1. Пуллик сув хўжалик иш ва хизматларни кўрсатиш ҳақида тушунча беринг?
2. Бюртмачи ва пудратчининг мажбуриятлари ва ҳуқуқлари.
3. Акдлашаётган томонларнинг мулкӣ ўзаро муносабатлари ҳақида тушунча беринг?
4. Ички хўжалик ирригация-мелиорация тизимини тарифлаб беринг?
5. Ички хўжалик ирригация-мелиорация тизимининг жорий назорати ва павариши ҳақида тушунча беринг?
6. Ички хўжалик ирригация-мелиорация тизимида таъмирлаш тиклаш ишларини режалаштириш ҳақида гапиринг?
7. Ички хўжалик ирригация-мелиорация тизимида таъмирлаш таклаш ишларини ташкил эти шва ўтқазиш тартибини тушунтириб Беринг?

Асосий адабиётлар.

1. И.А. Каримов «Иқтисодий ислоҳатларни янада чуқирлаштириш».
2. Ш. Хамроев «Қишлоқ хўжалигида ислоҳатларни чуқирлаштиришда сувдан фойдаланувчилар уюшмасининг ўрни». «Галқин» нашриёти 2006 йил.
3. «Форғона водийсида сув ресурсларини бошқаришни мувофиқлаштириш». Лойиҳаси. Сувдан фойдаланувчилар уюшмаси қандай ташкил қилинди. 2003-2006 йил.

4. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги «Сувдан фойдаланувчилар уюшмаларини ташкил қилиш бўйича услубий қўлланма. Тошкент 2003 йил.
5. USAID. WUASP. Марказий Осиёда сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштиришга амалий тажрибаларни тадбиқ этиш. Ахборот бюллетенлари.

КИРИШ

1-БОБ. Сув хўжалик тизимларидан фойдаланишни хавзавий усулга ўтказиш ва уларнинг сувдан фойдаланувчилар уюшмаларини ташкил қилиш билан боғлиқлиги.

1.1. Сув хўжалиги тизимини бошқаришни такомиллаштириш.

1.2. Сув хўжалиги бошқаришни самарали ташкил этишда ирригация тизимлари хавза бошқармаларининг ўрни.

1.3. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги сув хўжалиги Бош бошқармасининг вазифалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

1.4. Ирригация тизимлари хавза бошқармасининг мақсади, вазифаси, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

2-БОБ. Сувдан фойдаланувчилар уюшмаларини ташкил қилишдаги Амалий қадамлар.

2.1. СФУ хизмат кўрсатаётган ҳудуддаги фермерлар ва бошқа манфаатдор томонлар ўртасида ўзаро муносабатларни ўрнатиш.

2.2. Ариқ ва зовурларга хизмат кўрсатиш режасини аниқлаш.

2.3. СФУ ташкилий тузилмалари ҳақида сувдан фойдаланувчилар билан ўзаро тушунтиришлар ўтказиш.

2.4. СФУнинг умумий ва вакиллар йиғилишига сайловлар ўтказиш ҳақида йиғилишларни ташкил қилиш.

2.5. Вакиллар йиғилиши номзодларининг таништирув учрашуви.

2.6. СФУ кенгаш аъзолари, раиси ва тафтиш комиссиясини сайлаш.

2.7. Таъсис ҳужжатларини тайёрлаш.

2.8. СФУни рўйхатга олиш учун ариза бериш.

2.9. Мутахассис кадрларни тайёрлаш.

3 БОБ. Сувдан фойдаланувчилар уюшмаларини расмийлаштириш тартиби.

3.1. Сувдан фойдаланувчилар уюшмасини расмийлаштириш тартиби.

СФУнинг намунавий Низоми.

3.2. Сувдан фойдаланувчилар уюшмаларини ташкил қилиш ва уларни

бошқарув органлари.

3.3. Хорижий мамлакатларда хўжалик ичида сувдан фойдаланишнинг ташкил этилиши.

4 БОБ. Сувдан фойдаланувчилар уюшмалари ва сув истеъмолчиларининг ўзаро муносабатлари.

4.1. Сувдан фойдаланувчилар уюшмасини ташкил этиш схемаси.

4.2. Сув истеъмолчиларини бирлаштириш ва сувдан фойдаланувчилар уюшмасини ташкил этиш бўйича Низом.

4.3. СФУнинг сув етказиб бери шва ирригация мелиорация сервис хизмати кўрсатиш бўйича эксплуатация ташкилотлари билан ўзаро муносабатларга доир тавсиялар.

5 БОБ. СФУ учун сувдан фойдаланиш режаси.

5.1. Сувдан фойдаланиш режаси

5.2. Ерларни шўрланиш даражаси ва шўр ювиш режаси.

6 БОБ. Ирригация хизмати бадали.

6.1. Ирригация хизмати бадали тушунчаси ва аҳамияти.

6.2. Ирригация хизмати бадалининг турлари.

6.3. Ирригация хизмати бадалини белгилаш тартиби.

7 БОБ. Сувдан фойдаланувчилар уюшмалари бюджети.

7.1. СФУ бюджетининг аҳамияти ва моҳияти.

7.2. СФУ бюджетини тузиш тартиби ва унинг босқичлари.

7.3. Бюджетнинг харажатлар ва даромадлар ҳисоботини аниқлаш.

8 БОБ. Сувдан фойдаланувчилар уюшмаларининг техник иқтисодий кўрсаткичларининг таҳлили.

8.1. Ердан фойдаланиш кўрсаткичлари

8.2. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва унинг қиймати.

8.3. Ишлаб чиқариш самарадорлик кўрсаткичлари.

9 БОБ. СФУларни молиявий бошқариш ва уларни ҳисоботлари.

9.1. СФУларни молиявий бошқаришнинг аҳамияти.

9.2. СФУларни молиявий бошқариш ва сувдан фойдаланувчилар

уюшмаларида бухгалтерия ҳисобини юритиш.

9.3. СФУнинг молиявий ҳисоботлари.

10 БОБ. СФУлар томонидан ирригация ва мелиорация объектларидан фойдаланиш ва уларга таъмирлаш хизматларини кўрсатиш.

10.1. Пуллик сув хўжалик и шва таъмирлаш хизматларини кўрсатиш бўйича намунавий шартномаси.

10.2. Фермерлар ва СФлар ўртасида пуллик сув хўжалик иш юритиш ва хизматларини кўрсатиш бўйича намунавий шартнома.

10.3. Сувдан фойдаланувчилар уюшмасининг ички хўжалик ирригация мелиорация тармоқларига техник хизмат кўрсатиш.

Содержание

Введение

1-глава.Перевод использования водохозяйственных систем в бассейновый способ и взаимосвязь их с организацией АВП.

- 1.1. Управление и совершенствование водохозяйственными системами.
- 1.2. Роль организаций бассейновых ирригационных систем в организации эффективного управления водным хозяйством.
- 1.3. Задачи, права и обязанности Глав управления Водхозом при Миесельводхозе
- 1.4. Цель, задачи, права и обязанности бассейнового управления ирригационными системами.

2-Глава. Пути организации ассоциации водопользователей.

- 2.1. Установление взаимосвязи фермеров и других заинтересованных сторон с АВП в местности предоставление услуг
- 2.2. Определение плана предоставления услуг
- 2.3.Разяснение о структуре АВП
- 2.4. Проведение встреч в о выборах совет сторонников АВП.
- 2.5. Представление кандидатов с Совет.
- 2.6. Выборы председателя, членов совета АВП.
- 2.7. Подготовка Документаций учредителей.
- 2.8. Подача заявления для регистрации АВП.
- 2.9. Подготовка кадров.

3 Глава. Сувдан фойдаланувчилар уюшмаларини расмийлаштириш тартиби.

- 3.1. Сувдан фойдаланувчилар уюшмасини расмийлаштириш тартиби. Устав АВП.
- 3.2. Организация АВП и их органы управления.
- 3.3. Организация внутри пользования водой в зарубежных странах.

4 Глава. Взаимопонимание между АВП и водопользователями.

- 4.1. Схема организации АВП.
- 4.2. Объединение водопользователей и Устав об организации АВП.
- 4.3. Рекомендации по доставке воды и оказании ирригационно-мелиоративных услуг.

5 Глава. План водопользования для АВП.

- 5.1. Сущность плана водопользования.
- 5.2. Засоленность земель и план промывки.

6 Глава. Ирригация хизмати бадали.

- 6.1. Ирригация хизмати бадали тушунчаси ва аҳамияти.

- 6.2. Ирригация ҳизмати бадалининг турлари.
- 6.3. Ирригация ҳизмати бадалини белгилаш тартиби.
- 7 Глава. Бюджет АВП.
 - 7.1. Значение и сущность АВП.
 - 7.2. Этапы и структура составления бюджета АВП.
 - 7.3. Определение отчета затрат и прибыли бюджета.
- 8 Глава. Анализ технико-экономических показателей АВП.
 - 8.1. Показатели землепользования.
 - 8.2. Производство товара и его стоимость.
 - 8.3. Показатели эффективности производства.
- 9 Глава. Управление финансами АВП.
 - 9.1. Сущность финансового управления АВП.
 - 9.2. Бухгалтерский учет в АВП.
 - 9.3. Финансовые отчеты АВП.
- 10 Глава. Использование ирригационно мелиоративных объектов и оказание услуг по их ремонту.
 - 10.1. Контракт по оказанию платных услуг.
 - 10.2. Контракт по оказанию платных услуг фермерам и водопользователям.
 - 10.3. Оказание технических услуг внутрихозяйственных ирригационно мелиоративным системам.

Contents

Introduction

Chapter 1. Connection of organization of users of the water resource and transfer of the water structure to the water storage.

- 1.1 Management and development of water resource
- 1.2 The role of the irrigation system departments of the water resource at the sustainable management.
- 1.3 The liability, objectives and obligation of Ministry of Water resources and Agriculture of the Republic of Uzbekistan.
- 1.4 The goal, liability, objectives and obligations of water resource administration of the Irrigation System.

Chapter 2. The practical steps in organization of water use association.

- 2.1 Establishment interaction between farmers and stockholders in regions of water use association.
- 2.2 Arrangement the service plan for channel and drain trench.
- 2.3 Conduct special consultants with water users about structural system of water use association.
- 2.4 Arrange meetings about general and votes of member for water resource users.
- 2.5 Meeting ceremony of applicant.
- 2.6 Electing the committee members, director and audit committee of water use association.
- 2.7. Preparing the dealer documents.
- 2.8. Giving the application to register of water resource users.
- 2.9. Training specialists.

Chapter 3. Legalization procedure of water use association.

- 3.1. Legalization procedure of water use association.
- 3.2. Organization of water use association and its management departments
- 3.3. Conduct water use management in national and international countries.

Chapter. 4 Interaction between water use association and water consumers

- 4.1. Organization scheme of water use association
- 4.2. Regulation of organizing of water use association and unification of water consumers.
- 4.3. Recommendation regarded with water supply of water use association and exploitation enterprises on irrigation and melioration service

Chapter 5. Water use plan of water use association

- 5.1. Significance and essence of Water use planning
- 5.2. Salinity rate of land and rehabilitation plan.

Chapter 6. Irrigation service compensation

- 6.1. Notion and importance of Irrigation service compensation
- 6.2. Irrigation service compensation's types
- 6.3. Assignment of Irrigation service compensations

Chapter 7. Budget of water use association

- 7.1 Significance and essence of water use association
- 7.2. Procedure of water use association form and its steps

7.3. Determine the report of costs and revenue of budget.

Chapter 8. Analysis of technical economical parameters of water use association

8.1. Land use parameters.

8.2. Produce production and its value

8.3. Producing influence parameters.

Chapter 9. Financial management of water use association and its reports

9.1. Significance financial management of water use association

9.2. Conduct accounting calculation in water use association and financial management water use association

9.3. Financial reports of water use association

Chapter 10. Usage of Irrigation and Melioration object by water use association and supply repairing services for them.

10.1 Contract on water resource service and repairing.

10.2 Agreement between farmers and water use association on water use management and service.

10.3 Provision technical service on internal Irrigation and Melioration system of water use association

СУЛТОНОВ АНОРБОЙ СУЛТОНОВИЧ
ХОШИМОВ УМИДЖОН АБДУМУТАЛИБОВИЧ
ЮСУПОВ МАНСУР РАСУЛОВИЧ

«Сувдан фойдаланувчилар уюшмалари иқтисоди ва уни ташкил этиш» фанидан
ўқув қўлланма

Мухаррир:

Мусаххих:

Босишга рухсат этилди «__» _____ 2005 йил. Қоғоз ўлчами 60x84 1/16
Ҳажми 15,7 б.т., 50 нусха буюртма № __

Тошкент ирригация ва мелиорация институти босмахонасида чоп этилди

Тошкент 700000, Қори Ниёзий кўчаси 39 уй

